

7АН
С-26

Ўткир САЛИМОВ

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ




ZAH
E-86

Ӯ. САЛИМОВ

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ

(Ӯқув кўлланма)

“Сурхон-Нашр”
нашриёти
2020



УУК: 796.01(075.8)

КБК:75.1я73

С 26

Ў.Салимов. Жисмоний маданият назарияси ва тарихи. (Ўкув қўлланма). Термиз: “Сурхон-Нашр”, 2020 й.— 220 б.

Ушбу ўкув қўлланма Олий ўкув юртларининг Жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанидан назарий маълумотлар жадваллар, диаграммалар ва чизмалар кўринишида берилган. Ўкув қўлланмада фаннинг асосий мавзулари ва бўлимлари бўйича дидактик материаллар мавжуд. Ўкув қўлланмада фанга оид тушунчалар визуал қуай, кўргазмали, қиска ва мазмунли тарзда ёритилган.

Ушбу ўкув қўлланма Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” 08 даги “744” - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган. Ушбу қўлланма ўкув материалини идрок этиш, билимларни тизимлаштириш, фан бўйича имтиҳонларга тайёргарлик қўриш учун мўлжалланган. Ушбу ўкув қўлланмадан “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанидан асосий дарслик ва ўкув қўлланмалари билан бирга кўшимча ўкув материали сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Ўкув қўлланмадан, шунингдек, турли хил ўкув юртларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари, жисмоний тарбия мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар: Я.Ч. Даниева, Термиз давлат университети “Жисмоний тарбия ва спорт назарияси” кафедраси доценти, п.ф.н.

Қ. Алимов, Тошкент давлат педагогика университети Термиз филиали “Факультетлараро умумтаълим фанлари” кафедраси п.ф.н.

Қ. Баймиров, Тошкент давлат педагогика университети Термиз филиали директори, п.ф.н.

Ушбу ўкув қўлланма Термиз давлат университети Кенгашининг 2020 йилдаги 13-сонли 3.1 қарори билан тасдиқланган ва мувофиқлаштирувчи кенгашга тавсия этилган.

ISBN:978-9943-6355-1-7

© Ў.Салимов
© “Сурхон-Нашр” 2020

“Биз ҳалқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишига катта ҳисса қўшган спортчиларимиз билан фахрланамиз. Шу билан бирга, олий спортда эришилган ютуқлар билан чегараланмасдан, оммавий спортга ҳам катта эътибор беришимиш керак.

Мамлакатимизда спортни оммалаштириши бўйича беш ишлар милий концепция ишлаб чиқиши зарур. Аҳолини жисмоний тарбия билан мунтазам шугууланиб, соглом турмуши кечиришига жсалб этиши, шу орқали касалликларнинг олдини олиб, одамларнинг умрини узайтириши концепциянинг асосий йўналиши ва натижаси бўлиши керак”.

Шавкат Мирзиёев

КИРИШ

Республикамиз таълим тизимига ахборот-коммуникация ҳамда инновацион технологияларнинг жадал суръатларда тадбиқ этилиши таълим тизими сифатини оширишни ташкил этишининг шакли ва маҳмумида улкан ўзгаришлар ясамокда. Хукуматимиз томонидан бу борида бир қатор қарорларнинг қабул қилиниши таълим муассасаларини ахборот технологиялари билан жиҳозлашда ҳамда билим олувчиларнинг шундаки замонавий воситалар орқали таълим олишида муҳим аҳамият касб итмоқда. Бугунги кунда ўқитиш самарадорлигини оширишда анъанавий босми дарсликлар билан бир қаторда замонавий янги авлод электрон ўкув платформалари: мультимедияли (кўп ахборотли) электрон дарсликлар, ўкув кўлданималар, маъruzалар матнлари, электрон дастурлар, дайжест, маънумотлар банки ва бошқалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Буғунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳарикатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармокларда улкан ўтиришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва инновациаларни чуқур қарор топтиришга, хусусан, ҳалқимиз, айникса, ёш инволюцияни маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва туннелирашини юксалтиришда, она Ватани ва ҳалқига муҳаббат ва садоқат түшуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс ҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида итибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштироқини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги

ПҚ-3775-сонли Қарорида белгиланган вазифаларни бажариш, олий таълим муассасаларини илгор жаҳон тажрибалари асосида яратиладиган янги авлод дарслер, ўкув қўлланмалари ҳамда даврий нашрлар билан тизимли таъминлаш мақсадида 2018 йил 10 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларини ўкув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофик олий таълим тизимини ўкув адабиётлари билан таъминлаш мавжуд бўлган зарур ўкув адабиётларини харид қилиш, янгиларини яратиш ва белгиланган тартибда нашр қилиш (фойдаланилаётган адабиётларни кайта нашр қилиш) ҳамда олий таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларига жойлаштириш йўли билан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Юкоридаги фикрлардан келиб чиқиб, жисмоний тарбия мутахассислари учун умумкасбий ҳамда олий таълимнинг мураккаб фанларидан бири ҳисобланган “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанидан ушбу ўкув қўлланма тайёрланди. Амалиёт шуни қўрсатмоқдаки, биринчидан, талабалар мавзулар моҳиятини етарли даражада тушунишмаяпди; иккинчидан, талабалар орасида зарурий ҳаётий тажриба ҳамда касбий тайёргарлик етарли эмас. “Жисмоний маданият назарияси ва тарихи” номли ушбу қўлланма билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган ва фан қўйидаги кўринишда ёритилган:

1. Жисмоний маданиятнинг қисқача тарихи.
2. Жисмоний маданиятнинг назарий ва услубий асослари.

“Жисмоний маданият назарияси ва тарихи” қўлланмасида ўкув материалларни кўргазмалилик тамоили асосида тизимлаштиришга ҳаракат қилинган. Бўлимларда жисмоний маданият назариясининг асосий категориялари, фаннинг бошқа фанлар тизимидағи ўрни очиб берилган, жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари ва битирувчилари учун аҳамияти қўрсатилган.

Бўлимларда жисмоний маданиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи, ривожланган хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси хукуматининг жисмоний маданият ва спорт бўйича қабул қилган хужжатларининг аҳамияти, Ўзбекистон Республикасида жисмоний маданият тизимини ривожланишининг умумий тавсифи, жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанининг мақсади ҳамда вазифалари, жисмоний тарбия назарияси бўйича олиб борилаётган тадқиқот услублари, жисмоний маданиятнинг жамиятдаги вазифалари ва шакллари, жисмоний тарбия воситалари, жисмоний тарбиянинг

ниликтик тамойиллари, жисмоний тарбия машғулотларида қўлланилиадиган жисмоний тарбия методлари, ҳаракатларга ўргатиш босқичларининг тузилиш асослари, ўргатиш босқичларининг асосий йўналиши ва хусусияти, ҳаракат малакаларининг ташкил этиш куопнингтлари, жисмоний сифатларни (куч, тезкорлик, чаққонлик, ишлувчанлик, чидамлилик) тарбиялаш методикаси, куч қобилиятини тарбиялаш, тезкорлик қобилиятини тарбиялаш, эгилиувчанлик қобилиятини тарбиялаш, чаққонлик қобилиятини тарбиялаш, чидамлилик қобилиятини тарбиялаш, жисмоний тарбия дарсларида педагогик назорат: педагогик таҳдил, хронометраж, пульсометрия ўтказиш услубиёти, жисмоний тарбия жараёнида режалаштириш ва ишорат, машғулотларнинг дарс ва дарсдан ташқари шакли хусусиятларига катта эътибор берилган.

Қўлланмада жисмоний маданият назариясининг асосий тушунчалари тирифи келтирилган, ушбу маълумотлар мавзуларни самарали ўзинтиришига ёрдам беради. Таклиф этилаётган қўлланмана 5112000-Жисмоний маданият таълим йўналиши, кундузги ва сиртки бўлими таъбабари учун мўлжалланган. Ўкув қўлланмадан, шунингдек, турли хил ўкув юртларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари, жисмоний тарбия мутахассислари фойдаланишлари мумкин. Ушбу ўкув қўлланмада келтирилган материаллар, келажакда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларига фан бўйича билимларни янада мустаҳкамлашга боради беришига умид қиласиз.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ ТАРИХИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жисмоний маданият ва спортнинг вужудга келиши ва ривожланиши назариялари	
Жисмоний маданият ва спортнинг умумий маданият таркибий кисми сифатида вужудга келиши муаммоси бўйича турли хил қараашлар мавжуд. Айнан маданиятнинг вужудга келиши бўйича турли хил ва мантиқан асосланган қараашлар асосида жисмоний маданият ва спортнинг вужудга келиш назариялари шаклланди. Назарияларнинг энг машҳурларига тұхталиб ўтамиз.	
Сехргарлик назарияси (асосчиси – Г.Рейнак)	-қадимги одамларнинг сехргарлик маросимлари жараёнида такорранадиган ҳаракат амаллари (раксга тушиб, меҳнат ва овчилик фаолиятига тақлид килиш) қадимги одам учун ҳаракат амалларни ўрганишга ва уларни такомиллаш-тиришга қаратилган янги фаолият турининг асосини ташкил этди.
Уруш назарияси (асосчиси – Э.Берк)	-урушга тайёргарлик жисмоний сифатларни ривожлантиришга ва урушда зарур бўлган ҳаракат амалларини ўргатишга бағишлиланган маҳсус фаолият турининг ажралиб чиқишига ёрдам берди.
Ортиқча энергия назарияси (асосчиси – Г.Спенсер)	-ибтидоий одамда пайдо бўлган ортиқча энергия турли хил ҳаракат амаллари (ўйнаш, раксга тушиб) орқали чиқарилиб, ушбу ҳаракатларнинг ривожланишига хисса қўшди.
Ўйин назарияси (асосчиси Гроос)	-ўйин фаолияти – маданиятнинг ва шу жумладан жисмоний маданият ва спортнинг пайдо бўлишида асос бўлиб хизмат килди. Бу гарб мамлакатларидаги энг машҳур назария (ушбу назариянинг кўзга кўринган вакили – маданиятшунос ва тарихчи Й. Хўйзинг), у амалий ҳамда жисмоний маданият, спорт назарияси ва методикаси соҳасида издошларга эга.
Меҳнат назарияси (асосчиси – Н.И.Пономарев)	-жисмоний маданият ва спорт фаолияти турларини вужудга келишининг аксарияти меҳнат фаолиятига бориб тақалади. Жисмоний машқларнинг вужудга келишининг объектив биологик дастлабки шарти – ҳаракат фаолияти – инсоннинг табиий эҳтиёжи ҳисобланади. Ушбу назариянинг тарафдорлари, жисмоний тарбияни жамиятнинг маҳсус фаолияти сифатида жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқишини 80-85 минг йил олдин содир бўлган деб ҳисоблашади.

Олимлар этнографик тадқиқотлар натижаларига кўра, ибтидоий олимларнинг барча бирлашмаларида ёшларнинг жамоа аъзоси сифатида ташниши учун ўзига хос маросим ўтказиш урф бўлган деган хуносага келишган. Ушбу маросим (инициация) - ёшларнинг жамиятнинг тұлаконли аъзоси сифатида киришидир. Этнографларга маълум бўлган күнчилек маросимларнинг мазмуни ибтидоий жамоа ҳаёти учун зарур бўлган ҳаракат амалларини ўз ичига олган. Ушбу маросимни ўтказишга тайёргарликни ташкил этиш жисмоний тарбиянинг ижтимоий фаолиятнинг ўзига хос соҳаси сифатида янада ажralиб чикишига ёрдам берди.

Жисмоний тарбиянинг жамиятда пайдо бўлиш моҳияти ва сабаблари

Жисмоний тарбиянинг вужудга келиши жамият тарихининг энг кадимий даврига тўғри келади. Жисмоний тарбиянинг элементлари ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлди. (Н.И.Пономарев, 1970).

Одамлар ўзларига озиқ-овқат излашган, ов қилишган, турар жой куришган ва шундай табиий, зарурий фаолият натижасида, ўзидан-ўзи тархининг жисмоний қобилиятлари - куч, чидамлилик, тезкорлик сифитларининг такомиллашиб борган. Аста-секинлик билан тарихий тарбиёнлар давомида одамлар кабиланинг кўпроқ фаол ва ҳаракатчан турмуш тарзини олиб борган, у ёки бу жисмоний амалларни қайта-қайта бажирган, жисмоний зўр берган аъзолари бошқаларга нисбатан кучлироқ, чидамлироқ ва ишчанлиги юқорилигига эътибор беришган. Бу ёки одамлар томонидан машқ қилиш (амалларни қайта бажариш) ҳодисасини онгли равиша англашга олиб келган. Айнан шу машқ қилиш ҳодисаси жисмоний тарбия учун асос бўлган.

Машқ қилиш ҳодисаси самарасини англаган инсон, унга меҳнат фаолияти учун зарур бўлган ҳаракатларни (амалларни) меҳнат тарбиёнидан ташкари вактда тақлид қила бошлаган, масалан: ҳайвон тасвирига найза улоқтириш. Меҳнат амаллари, меҳнат жараёнидан ташкари вактда қўлланиш бошланганидан, улар жисмоний машқларга йиланган. Меҳнат амалларининг жисмоний машқларга ўзгариши билан, тархининг инсонга бўлган таъсир доирасини (биринчи навбатда ҳар томонлама жисмоний такомиллашув борасида) кенгайтиришга олиб келди. Кейинчалик эволюцион ривожланиш давомида жисмоний тайёргарлик борасида инсон машқларни етук ёшида эмас, болалик даираида бажара бошласа, яъни уни ҳаётга ва меҳнатга олдиндан тайёрланса, анчайин яхши самарага эришиш мумкинлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, инсоният томонидан машқ қилиш ҳодисаси ва инсонни олдиндан ҳаётга тайёрлашнинг аҳамиятини англаш, улар ўртисида алокаларнинг ўрнатилиши, хақиқий жисмоний тарбиянинг вужудга келиш манбаи бўлиб хизмат қилди. Жисмоний тарбиянинг

ташкىл этилган шакллари ёшларни махсус ҳарбий ва спорт машкларига ўргатиши күренишида Қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. Бирок тарихимизнинг охирги даврларигача жисмоний тарбия жамиятнинг юқори табака вакиллари учун хизмат қилган ёки ҳарбий таълим рамкалари билан чегараланган эди.

Даврийлаштириш ва тарихшуносликка нисбатан мавжуд ёндашувлар, жисмоний маданият тарихи манбалари тўғрисидаги маълумотлар

Жисмоний маданият ва спорт тарихида қўлланиладиган энг мантикий даврийлаштириш тарихий материалларни вактга тегишлигига қараб булишдир: Қадимги дунёда жисмоний маданият, Ўрта асрларда жисмоний маданият, Янги даврда жисмоний маданият, Энг янги даврда жисмоний маданият (Л.Кун (1982), В.В.Столбов (1989), Н.Ф.Кулинко (1997). Б.Р.Голошапов (2002) ижтимоий-иктисодий формациялар ва вактга тегишлигига қараб аралаш даврийлаштиришини қўллади.

Хозирги кунда тарихшуносликка ностандарт ёндашувлар кенг таркалганига қарамай (А.Ж. Тойнби, Л. Гумилёв, А. Фоменко) жисмоний маданият тарихида тарихий материалларни тақдим этишининг классик анъаналарига амал қилинади.

Жисмоний маданият ва спорт тарихининг манбалари булиб бошлангич ёзма манбалар ва этнографик манбалар ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Сехргарлик назарияси асосчиси ким ва унинг мазмуни нимадан иборат?
2. Уруш назарияси асосчиси ким ва унинг мазмуни нимадан иборат?
3. Ортиқча энергия назарияси асосчиси ким ва унинг мазмуни нимадан иборат?
4. Ўйин назариялари асосчиси ким ва унинг мазмуни нимадан иборат?
5. Мехнат назарияси асосчиси ким ва унинг мазмуни нимадан иборат?
6. “Машқ килиш” ёки “машқланиш” ҳодисаси деганда нимани тушунасиз?
7. Жисмоний тарбиянинг вужудга келишининг объектив ва субъектив сабабларини очиб беринг.
8. Жисмоний маданият ва спорт тарихининг асосий манбаларини сананг.

ҚАДИМГИ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ

Ибтидоий жамоа даврида жисмоний маданиятнинг вужудга келиши ва тавсифи

Аслида, жисмоний маданият ва жисмоний машқлар ибтидоий жамиятнинг пайдо булиши билан вужудга келган ва инсон фаолиятининг энг қадимги соҳаси хисобланади.

Бундай ҳолда, жисмоний маданият ва жисмоний машқларни ибтидоий жамиятнинг тузилиши ва ҳаётига асосланиб шартли раниша тушунилиши лозим.

Ибтидоий жамият

Ибтидоий қабиланинг омон қолишининг энг муҳим шарти кундалик ҳаётда ва меҳнат фаолиятида: ов килиш; уй-жой куриш, табиатнинг кучларига, ҳайвонлар ва бошқа қабилаларга урушда муваффақиятли кирши туралоилиш бўлган.

Ибтидоий одамлар томонидан килинган энг муҳим хулоса манқланиш ҳодисасининг кундалик фаолиятда муваффақиятли бўлингла имкон беришидир. Аслида, ушбу қонуниятнинг кашф этишини, ибтидоий жамиятнинг ривожланиши ва мураккаб шароитларда омон қолиш учун имконият ва рағбат бўлиб хизмат килди.

Ибтидоий жамоа даврида жисмоний маданият шаклларининг хусусиятлари

Жисмоний машқлар. Ибтидоий одамлар томонидан бажарилган жисмоний машқлар, меҳнат кўнимкаларидан фарқ қилмаган, шу сабабли ушбу ҳаракат амалларини (овчи ва жангчи ҳаракат амалларига тақлид) шартли равишда жисмоний машқлар деб аташ мумкин.

Жисмоний машқларнинг вужудга келишида объектив биологик дастлабки шарт – одамларнинг ҳаракатга бўлган табиий эҳтиёжи катта рол ўйнаган. Шу билан бирга ўзига хос жисмоний машқлар турли хил сеҳргарлик маросимларида ҳам қўлланилган, бу эса меҳнат ва ҳарбий фаолиятга тегишли бўлмаган жисмоний машқларнинг алоҳида фаолият тури сифатида ажралиб чиққанини хулоса қилишга асос бўлади.

Жисмоний тарбия. Ибтидоий тизим даврида тажрибали жамоа аъзоларининг ёш авлодга ўзларининг ҳаракат фаолияти тажрибасини узатиш орқали жисмоний тарбиянинг дастлабки қўриниши вужудга келганини айтиш мумкин.

Мусобака фаолияти. Ибтидоий жамиятда инсоният маданиятининг энг қадимий таркибий кисми – ракобат вужудга келди. Кейинчалик ушбу омил спортнинг пайдо бўлишига олиб келган деб хисобланади. Омиллар: *биологик омил* – ракибни енгишга бўлган табиий эҳтиёж; *шахсий-руҳий омил* – шахснинг жамият эътирофи, маънавий ва моддий рағбатга бўлган эҳтиёж; *ижтимоий омил* – мусобака фаолиятидан ёш авлодни тарбиялаш воситаси сифатида фойдаланиш.

Хуносалар.

1. Ибтидоий жамиятда жисмоний тарбия, жисмоний маданият ва жисмоний машқларнинг дастлабки куртаклари вужудга келиб, кейинчалик инсоният жамиятида ривожланди.

2. Жисмоний маданият ибтидоий одамларга нафақат омон қолиш, балки ўзларининг яшаш шароитларида ракобатбардош бўлишига ҳамда жамият аъзолари ўртасида ҳам ракобатни вужудга келишига олиб келди.

3. Ибтидоий тузум давомида жисмоний машқлар меҳнат фаолияти амалларидан ажралиб борди.

4. Жисмоний маданият кадриятлари бутун жамиятга тегишли эди: жамиятнинг барча аъзолари жисмоний машқлар билан шуғулланиши мумкин эди, ёш авлодга ҳаётий зарур малака ва кўникмаларни ўргатиш жамиятнинг барча аъзолари томонидан амалга оширилар эди.

5. Ибтидоий тузумда аксарият жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг замонавий турлари: ўйинлар, оғирликлар кўтариш, кросс югуриш, яккакурашлар, отиш, улоқтириш, чанги учиш, сузиш ва ҳоказо машқлар вужудга келган.

Назорат саволлари:

1. Ибтидоий жамоа даврида жисмоний маданият шакларининг хусусиятларини очиб беринг.
2. Ибтидоий жамоа даврида жисмоний машқларнинг кандай шакллари мавжуд бўлган?
3. Ибтидоий жамоа даврида жисмоний тарбиянинг хусусиятини очиб беринг.
4. Ибтидоий жамоа даврида мусобака фаолияти ҳақида маълумот беринг.

ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН ВА РИМДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Кулдорлик тузумида жисмоний маданият

Кулдорлик тузумида жисмоний маданиятнинг ривожланиши учун кулагай шароитлар яратилди ва унинг мисли кўрилмаган даражада ривожланиб, кулдорликнинг парчаланишига қадар давом этгани ҳисоблашадиган динларнинг ўзига хос роли бўлиб, ушбу динлар жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш, тананинг гўзаллиги ва кучни оширишга бўлган интилишни рағбатлантирган. Жисмоний маданият иштимонларининг Ўйғониш даври ҳамда Ўрта асрларнинг якунидаги (XVII-XVIII) жамиятда қайта тикланиши ҳозирги кунгача давом этимоқда.

Кулдорлик жамияти

Кулдорлик жамиятининг жисмоний маданият ривожланишига таасир этган хусусиятлари.

1. Антик даврнинг юксак даражада ривожланган асосий давлатлар – Қадимги Юнонистонда полис-давлатларга бўлинган – Афина, Спарта ва бошк., ҳамда Рим империяси.

2. Жамиятнинг эркин гражданлар ва қулларга бўлиниши.

3. Инсонларнинг жисмоний ривожланиши ва шунга мувофик жисмоний машғулотлар билан шуғулланишига ундовчи, “инсон топасини куришга” ва ҳ.к.га рағбатлантирувчи будпарат динлар.

4. Биринчи мактабларнинг ва профессионал педагогик фаолиятнинг вужудга келиши.

5. Сукрот, Платон, Аристотел, Пифагор, Демокрит ва бошқа буюк мутафаккирлар исми билан боғлиқ фалсафа ва бошқа фанларнинг, шу билан бирга тиббиётнинг пайдо бўлиши.

Кулдорлик жамияти даврида жисмоний маданият шаклларининг хусусиятлари

Жисмоний машқлар. Жисмоний машқлар меҳнат фаолиятидан физик билан ажralишини давом этди. Шу билан бирга жисмоний машқлар меҳнат ва ҳарбий фаолиятга тайёрловчи машқлар функциясини бажарар эди.

Мусобака фаолияти. Жаҳон цивилизациясининг ноёб ҳодисаси сифтида қадимги ўйинларнинг вужудга келишини айтиб ўтиш мумкин. Олимпия ўйинлари уларнинг ичидаги машҳуридир. Қадимги олимпия ўйинларининг ташкил этилиши Антик дунёнинг маданият ва ижтимоий анча юкори даражадаги ривожланганини

кўрсатади. Диний зарурият сифатида эрамиздан аввалги 778 йилда пайдо бўлган ушбу ўйинлар қадимги дунёнинг маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири ҳисобланган. Ўйинлар дастури доимий равишда кенгайиб борган ва кўпгина спорт турларининг вужудга келиши ўша даврларга тўғри келган, масалан: енгил атлетика, кураш, бокс. Спортнинг кўпгина атрибулари ўша даврда вужудга келиб, ҳозиргача мавжуд: спортчилар тайёргарлиги, ҳакамлар ҳайъати ва мусобака коидалари, мураббийлар, саралаш мусобакалари, мукофотлаш ва бошқ. Олимпия ўйинлари нуфузининг пасайиши қулдорлик тизимининг парчаланиши ва профессионал-спортчиларнинг пайдо бўлиши даврига тўғри келади. Насронийлик динининг пайдо бўлиши натижасида, эрамизнинг 394 йили Рим императори Феодосий I томонидан Олимпия ўйинларини ўтказиш диний жиҳатдан зарарли деб ман этилган

Жисмоний тарбия. Юнонистон ва Римнинг барча мактабларида, йўналтирилган тарздаги жисмоний тарбия амалга оширилган. Ундан ташқари гимнастик мактабларда гимнастика дарслари машғулотларнинг асосий тури бўлган. Машғулотларни профессионал педагоглар ўтказишган.

Хуносалар.

1. Кулдорлик тузуми жисмоний маданиятнинг ривожланиши учун энг қулай давр бўлди, бу қадими будпараст динларнинг одамлар жисмоний тарбиясини рагбатлантирувчи ўзига хос хусусиятлари билан боғлик.

2. Кулдорлик тузуми жисмоний маданиятининг энг олий шакли сифатида Олимпия ўйинларининг ўтказилишини ҳисоблаш мумкин.

3. Спортнинг кўпгина атрибулари Антик даврларда вужудга келган: мусобакалар, профессионал ва ҳаваскор спортчилар, мураббийлар, қайта тикловчи тиббиёт ва бошқ.

4. Жисмоний тарбия – тарбиянинг ажralmas қисмига айланниб, мактабларда ўргатилган.

5. Ўша даврда ривожланаётган тиббиёт ва Олимпия ўйинлари, спорт тиббиётининг пайдо бўлишига хизмат қилди.

6. Ўша даврнинг буюк мутафаккирлари инсон организмининг турли хил таркибий қисмлари жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатлар бирлигини, инсоннинг ушбу жиҳатларини яхлит равишда тарбиялаш зарурлигини тан олишган.

7. Жисмоний машқлар меҳнат ва ҳарбий фаолиятни таъминлаган, бирок шу вактнинг ўзида ибтидоий тузум даврида бошланган жисмоний машқларнинг меҳнат ва ҳарбий фаолиятлардан ажралиши

лином ётган.

8. Жисмоний машғулотлар билан фақатгина озод гражданлар шүгүлланиши мумкин эди, яъни жисмоний маданият синфий хусусиятларга эга эди.

9. Қадимги дунёнинг парчаланиши ва монотеистик динларнинг шайло бўлиши натижасида жисмоний маданиятнинг қадриятлари шукопиб борди, натижада 14-15 асрлар ўтиб уларни қайта тиклашга тўғри келди ва бу жараён ҳанузгача давом этмоқда.

Назорат саволлари:

1. Кулдорлик даврида жисмоний маданият шакллари хусусиятини очиб беринг.
2. Кулдорлик даврида жисмоний машқларни қандай шакллари манжул бўлган?
3. Кулдорлик даврида жисмоний тарбиянинг хусусиятини очиб беринг.
4. Кулдорлик даврида мусобақа фаолияти ҳақида маълумот беринг.

ЎРТА АСРЛАРДА ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Ўрта асрларда Европа мамлакатларида жисмоний маданият

Ўрта асрларда Европада (Германия, Голландия, Франция, Англия) жисмоний маданиятнинг ривожланиши учун энг нокулай давр хисобланади. Бунга Насронийлик динининг давлат дини сифатида жисмоний машгулотлар билан шугулланишни рағбатлантириласлиги сабаб бўлган. Ушбу давр Уйғониш даври инсонлар ижтимоий ҳаётининг барча томонларига: фан, тиббиёт ва шу жумладан жисмоний маданиятга дин таъсирининг сусайиши билан белгиланди.

Шарқ мамлакатларида қабул қилинган буддавийлик дини жисмоний машгулотлар билан шугулланишга тўсқинлик килмаган, шунинг учун ҳам Хиндистон, Хитой, Япония ва Кореяда ўрта асрларда йога ва яккаураш санъатларига асосланган халк жисмоний тарбия тизими шаклланди.

Ўрта асрларда Европа жамияти

Илк ўрта асрлар

Жамият тузилишининг жисмоний маданият ривожланишига таъсири этган хусусиятлари.

1. Юксак ривожланган асосий мамлакатлар: Голландия, Германия, Франция, Англия.

2. Черков томонидан жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари устидан назорат ўрнатилиши.

3. Черков жисмоний машгулотлар билан шугулланишни рағбатлантирган.

4. Таълим аҳолининг бой қатламлари учун мавжуд эди.

Жисмоний машқлар. Жисмоний машқлардан асосан ҳарбий фаолият учун фойдаланилган: рицарлар ва армияни тайёрлаш.

Мусобака фаолияти. Жисмоний маданият ва мусобака фаолиятининг ягона шакли рицарлик турнирлари эди.

Жисмоний тарбия. Бадавлат мулкдорлар фарзандлари учун рицарлик мактаблари мавжуд эди.

Кечки ўрта асрлар

Жамият тузилишининг жисмоний маданият ривожланишига таъсири этган хусусиятлари.

1. Черковнинг жамият ижтимоий тузилмаси устидан таъсирининг сусайиши.

2. Черков таъсирининг сусайиши сабаб жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари: фан, санъат, ишлаб чиқариш, адабиёт, таълим, шу жумладан жисмоний маданиятнинг фаол ривожланиши.

3. Жамият ижтимоий тузилмасининг қўйидаги асосий тамойил-

Барининг шаклланиши:

- инсон ҳаёти ва саломатлигининг олий қадрият эканлигининг тан олиниши;
- инсон организми ва аклий, жисмоний, аҳлоқий ва маънавий тарбия турмушининг яхлитлигини тан олиниши;
- жисмоний тарбиянинг инсон ривожланиши ва тарбияси учун зарурӣ ва муҳим қисми сифатида тан олиниши;
- жисмоний тарбиянинг таълим тизимиға киритиш заруриятининг тан олиниши.

4. Ишлаб чиқаришнинг шиддатли ривожланиши, соглиги мустаҳкам ишониши, шу жумладан ишлаб чиқаришда болаларни меҳнатга тайёрлаш омили сифатида хизмат килди.

Жисмоний машқлар. Жисмоний машқларнинг ёш авлодни ишлаб чиқаришдаги функцияларни бажаришга (амалиётга йўналтирилганлик): ягона, гимнастик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар воситасида болаларни умумий ривожлантиришга қаратилган эди. Кейинчалик замонавий спорт турнири пайдо була бошлади.

Мусобака фаолияти. Жисмоний маданият ва мусобака фаолиятининг ягона шакли рицарлик турнирлари эди. Рицарлик турнирларининг түкуниши ва замонавий спорт турларининг пайдо бўлгунига кадар амалий жиҳатдан мусобака фаолияти йўқолди.

Жисмоний тарбия. Максадга йўналтирилган жисмоний тарбия ҳар тарни турдаги ва даражадаги мактабларда амалга оширилган.

Хуносалар.

1. Илк ўрта асрларда черковнинг ижтимоий ҳаётнинг барча таъқидарида назорат ўрнатилиши сабаб, замонавий Европа худудида жисмоний маданият учун энг нокулай давр бўлди.

2. Аслида жисмоний тарбия ва мусобака фаолиятининг ягона шакли бўлиб, фақатгина жамиятнинг мулкдор аъзолари иштирок этиши мумкин бўлган рицарлик турнирлари эди.

3. Бу давр мобайнида антик маданиятнинг барча жисмоний тарбия таънидири йўқотилди.

4. Уйғониш даврида антик маданиятнинг кўпгина қадриятларининг ташвиши бошланди, шу жумладан жисмоний маданият ҳам.

5. Унбу даврда жамиятни инсон парварлаштиришга йўналтирилган иш муҳим коидалар шакллантирилди.

6. Жисмоний тарбия инсон тарбиясининг ажralmas қисми сифатида ташвиши бошланди.

7. Замонавий мактабларнинг прототипи бўлмиш биринчи мактаблар ташвиши угила бошланди. Унбу мактабларда асосан гимнастик машқлар ташвиши ўйинлар асосида жисмоний тарбиянинг элементар

шакллари киритила бошланди.

8. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва буржуазиянинг вужудга келиши, ўзгариб бораётган шароитларда яшашга қодир ёш авлодни тарбиялашга йўналтирилган жисмоний маданиятнинг ривожланишига олиб келди.

Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида жисмоний маданият

Шарқ мамлакатларида (Хиндистон, Хитой, Япония, Корея) ўрта асрларда йога ва жанг санъатларига (яккаураш) асосланган ноёб жисмоний тарбия тизими шаклланиб, ҳозирги замонгача етиб келди ва ҳозирги вактда бутун дунёда ривожлантирилмоқда. Бундай бўлишга асосий сабаб, инсонни мукаммалликка, шу жумладан жисмоний камолотга рагбатлантирган диний-фалсафий асос буддавийлик дини бўлди. Шу билан бирга Шарқ мамлакатларининг диний-фалсафий концепцияларида инсон организмига яхлит тизим сифатида қаралади.

Ўрта асрнинг ўрталарида жисмоний тарбиянинг воситалари ва услубиётларининг хиллари кўпайди. Гимнастика, сузиш, ўйинлар, камон отиш, отда чопиш, қиличбозлик бўйича дастлабки қўлланмалар пайдо бўлди. Аждодларимиз Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Берунийларнинг тана тарбиясига оид илмий дунёқарашлари вужудга келди.

Шарқ мамлакатларида ўрта аср жамияти

Жамият тузилишининг жисмоний маданият ривожланишига таъсир этган хусусиятлари

1. Энг ривожланган Шарқ мамлакатлари бу – Хиндистон, Хитой, Япония, Корея.

2. Жисмоний маданиятнинг ривожланиши учун кулай омил буддавийлик динининг диний-фалсафий асоси хизмат қилди.

3. Шарқ мамлакатларининг Европа мамлакатларидан ёпиклиги анъанавий ижтимоий муносабатларнинг сакланиб қолиш омили бўлди.

Жисмоний машқлар. Хиндистонда – йога; Хитойда – у-шу; Японияда – сумо, каратэ, дзюдо ва бошқа яккаурашлар; Кореяда – таэквондолар жисмоний машқлар ва жисмоний тарбия тизими асоси эди. Машқларнинг асосий хусусияти ҳарбий фаолиятга йўналтирилган, тизим эса инсоннинг барча қобилиятларини, шу жумладан ахлоқий-маънавий жиҳатларини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган.

Мусобака фаолияти. Одатий маънодаги мусобака фаолияти мавжуд эмас эди. Яккаураш малакалари жанговар шароитларда ёки жанговар шароитларга яқин беллашувларда қўлланилган. Шу билан бирга замонавий спорт ўйинларининг прототипи бўлиб хизмат қилган баъзи бир ўйинлар ривожлантирилган.

Жисмоний тарбия. Жисмоний тарбия ўша даврнинг машхур устозлар мактаби ёки монастирларда йога ва яккаураш санъатларни ўргатиш орқали амалга оширилган. Ушбу мактабларга болаларни тарбиялаш

учун беришган.

Хулосалар.

1. Буддавийлик шарқ мамлакатларининг фалсафий-дунёқараш концепция сифатида инсоннинг ўзини ривожлантиришига, жисмоний тарбиясига тўсқинлик қилмаган ва жисмоний тарбияга инсонни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ажралмас қисми сифатида қараалган.
2. Диний-фалсафий концепцияга асосланган йога ва яккакурашларга шигъатлари инсонни жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожлантирувчи ишёб тизимга айланди. Бу омил уларнинг Европадаги рицарлик турнирларидан фарқли ўлароқ, бугунги вақтгача сақланиб қолишига, маънавий спорт турларига ҳамда жисмоний-согломлаштирувчи ишналишдаги жисмоний тарбияга айланди.
3. Шарқ жисмоний маданият тизимларининг ўзига хос хусусияти бўлиб, жисмоний машгулотлар ўша даврдаги устозлар томонидан ташкил этилган индивидуал мактаблар ва монастирларда ўtkазилган.
4. Шарқ яккакураш санъатлари доимий давом этган ўзаро низоларда беносита жанговар фойдаланилган.

Назорат саволлари:

1. Ўрта асрларда Европа мамлакатларида жисмоний маданият шакллари хусусиятини очиб беринг.
2. Ўрта асрларда Европа мамлакатларида жисмоний машқларни қандай шакллари мавжуд бўлган?
3. Ўрта асрларда Европа мамлакатларида жисмоний тарбиянинг хусусиятини очиб беринг.
4. Ўрта асрларда Европа мамлакатларида мусобақа фаолияти ҳақида мавжумот беринг.
5. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида мамлакатларида жисмоний маданият шакллари хусусиятини очиб беринг.
6. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида жисмоний машқларни қандай шакллари мавжуд бўлган?
7. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида жисмоний тарбиянинг хусусиятини очиб беринг.
8. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида мамлакатларида мусобақа фаолияти ҳақида маълумот беринг.

ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВРЛАРДА ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

XVIII асрдан ҳозирги вақтгача хорижий жисмоний маданият ва спорт тизимлари

Ўрта асрлардан Янги даврга ўтишнинг шартли чегараси бўлиб, 1648 йил Англияда содир бўлган буржуя инқилоби ҳисобланади. Ўша вақтларда Европанинг энг ривожланган мамлакатлари Англия, Голландия, Франция, Германия ҳисобланарди. Шарқ мамлакатларида аксинча, жисмоний тарбия ривожланиши ички қарама-қаршиликлар ва уларнинг мустамлака мамлакатларга айланиши туфайли вақтинча тұхтаб қолди. Жисмоний маданиятнинг ривожланиши гимнастик услугуб ва жисмоний тарбия шаклларида шаклланди. Шу сабабли жисмоний машғулотлар гимнастик машғулотлар деб ҳисобланарди. Кейинчалик енгил атлетика, ўйин, яккаураш каби жисмоний машқларнинг бошка турлари ҳамда замонавий спорт турлари вужудга кела бошлади.

XVIII асрда анатомлар томонидан жисмоний машқлар “биомеханика”си бўйича изланишлар олиб борилди. XIX асрда эса жисмоний тарбия ҳакида илмий-назарий тадқиқот ишлари вужудга келди. Жамият ҳётида жисмоний тарбиянинг роли, тарбиянинг синфий характеристерга эга эканлиги илмий асосланди. Инсон тарбияси жараёнининг мазмунни очилди, унда жисмоний тарбиянинг ўрни ҳамда шахсни ҳар томонлама ривожланириш ҳакидаги илк фикрлар ўртага ташланди ва уларнинг йўллари аникланди. Айнан шу даврда жисмоний тарбия жараёни назариясига асос солинди, деб ҳисобга олинниб, шу соҳа бўйича илмий фаразлар ва назарий билимлар тўпланиши натижасида мустақил фан сифатида ажраби чиқди.

XIX асрнинг охиридан Россияда бўлиб ўтган октябрь инқилобигача бўлган давр ичида жисмоний тарбиянинг назарияси ва услубиёти мустақил ўкув фани сифатида шаклланиб бўлди. Бу даврнинг ўзига хослиги шундаки, фан сифатида жисмоний тарбия жамият ҳётининг бошка жабхаларига ҳам таъсир кўрсата бошлади. Жисмоний тарбия соҳасининг назариячи олимларидан бири, рус анатоми, врач ва педагоги Петр Франсевич Лесгафт (1837-1909) ўзининг тарих, анатомия, педагогика, антропология, жисмоний тарбия методикасига оид асарлари билан ҳозирги замон жисмоний маданият назарияси ва услубиёти фанини мустақил илмий-амалий фан эканлигини исботлади.

Мактаб жисмоний тарбиясининг шаклланиши

Мактаб жисмоний тарбияси ривожланиши омиллари:

- ривожланаётган ишлаб чиқариш болаларни меҳнат малака ва қўнимкамларига ўргатиш зарурияти масаласини қўйди;
- Пруссия кироли Фридрих II нинг ҳарбий муваффақиятлари миллий

гимнастик тизимларининг ривожланиши учун рағбатлантирувчи сабаб бўлиб хизмат қилди (саф машқлари, буйруклари бажариш ва х.к.);

- мустамлака урушларининг кенгайиб бориши, йўналтирилган жисмоний тарбияга бўлган эҳтиёжни белгилаб берди (айнан шу сабаб жисмоний тарбияга нисбатан реакцион қарашларни келтириб чиқарди);

- мустақилик ва бирликка бўлган миллий интилишлар мактаб жисмоний тарбияси ва гимнастик тизимларининг ривожланиши учун сабаб бўлиб хизмат қилди;

- жисмоний тарбиянинг ташкиллаштирилган шакллари аҳамиятининг давлат арбоблари, табиблар, педагоглар, мутафаккирлар томонидан тан олиниши.

Феодал ҳукмронликка қарши курашган ва мактаб жисмоний тарбиясини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга таъсир қилган прогрессив буржуа мутафаккирларининг ғоялари

Ж.Локк (1632-1704). Инсон табиий ривожланиши назариясининг муаллифи, жисмоний тарбия вазифаларини биринчи ўринга қўйган.

Ж.Ж.Руссо (1712-1778). Кучли ва чиниккан тарзда тарбияланган филлар, ёвузлик ва муаммолар келтириб чиқарувчи инсоннинг заиф томонларига қарши тура олиш имконини беради деб хисоблаган.

Г.Спенсер (1820-1903). Ҳайвонот оламининг биологик қонуниятларини инсон жамиятига механик кўчирган, бундан эса жисмоний тарбияни ҳарбийлаштириш учун фойдаланилди.

Янги давр мактаб жисмоний тарбиясининг мазмуни

Ж.Локк ва Ж.Ж.Руссо ғоялари таъсири остида, филантропизм – буржуа харакати вужудга келди (филантроп – хайрия билан шугулланувчи одам). Ўша даврда яратилаётган мактабларда жисмоний тарбия тадбик этила бошланди. Ушбу ишда юксак ролни ўқитувчилар Г.Фит (1763-1836) ва И.Гутс-Мутс (1759-1839) лар ўйнашди.

Мактаб жисмоний тарбияси учун таклиф этилган машқлар уч гурухга бўлинган.

Ўйинлар. Ўйинлар топқирликни, дикқатни, хотирани, тасаввурни, шулий қобилиятларни, эстетик дидни ривожлантиришга каратилган ўйинларга бўлинган.

Қўл эпчилиги учун машқлар. Богбон, дурадгор, муковачи, токарлик станови ишчисининг қўл меҳнатини ўзлаштиришга қўмаклашадиган турли хил машқлар.

Асл жисмоний машқлар. Югуриш, сакраш, улоктириш, тирмашиб чиқиш, мувозанат сақлаш, рақслар, оғирликлар билан бажариладиган машқлар, саф машқлари. Ушбу машқлар ҳам кундалик ҳаёт ҳусусиятлари инобатга олинган ҳолда бажарилган.

**Гимнастика ва жисмоний тарбиянинг бошқа йўналишлари
ривожланиши**

Европада жисмоний тарбия гимнастик ва спорт ўйинлари кўринишида ривожланиб борди. Бироқ жисмоний тарбиянинг ушбу йўналишлари орасида аниқ чегара мавжуд эмас эди, уларнинг ўзаро бирикиш жараёни XX асрнинг биринчى ярмигача давом этди.

**Янги даврнинг йирик буржуа гимнастик тизимларининг
хусусиятлари**

Тизим	Муаллифи	Хусусияти
Немис гимнастика (турнер) харакати	Ф.Ян, Э.Айзелен.	<p>Бошланишида немис гимнастикаси Наполеон бошчилигидаги армияга карши курашиб мақсадида немис армиясининг жанговар тайёргарлигини ошириш учун, кейинчалик эса унинг мазмуни мактаб учун мослаштирилди. Гимнастик анжомларда бажариладиган машклар фаол қўлланилган; Берлин шаҳрида турли снарядлар билан жиҳозланган гимнастик майдонча – турнплац курилган эди.</p> <p>Немис гимнастикаси таркибига умумий чигалёзди, түсиклар ошиш, чўзилиш машклари, гимнастик анжомларда бажариладиган машклар киритилган эди. Машкларни туркумлаштириш асосида харакатларнинг ташки шакли қўйилган эди, юкламаларни мъёrlаш, педагогик ва тиббий назорат бўйича кўrsатмалар мавжуд эмас эди.</p>
Швед гимнастикаси йўналиши	П.Линг, Я.Линг.	<p>П.Линг гимнастикани З та турга: ҳарбий, педагогик, амалий турларга бўлган. П.Линг фақатгина ҳарбий гимнастикани, унинг ўғли Я.Линг эса педагогик гимнастикани ишлаб чиқкан. У машкларни бажариш техникаси ва уларни ўргатиш методикасини тавсифлаган, дарс тузилишини таклиф қилган, янги гимнастик анжомларни киритган, масалан – гимнастик девор (швед нарвончаси), скамейка, хода. Кейинчалик швед мутахассислари машкларни турли мушак</p>

		<p>гурухлари ва тана аъзоларига таъсири бўйича бўлишди, дарс тузилишини ишлаб чиқицди, бироқ дарс тузилиши нокулай эди (дарс 12-18 кисмдан иборат эди). Швед гимнастикаси олдинга катта қадам эди, чунки анатомия ва биология фанларига асосланган эди. 1913 йили Стокгольмда Марказий гимнастика институти очилиб, гимнастика бўйича олий маълумотли ўқитувчияр тайёрлана бошланди. Я.Линг ёпик спорт зали лойиҳасини ишлаб чиқди ва биринчи спорт заллари ушбу лойиҳа бўйича курила бошланди. Швед гимнастикаси кейинчалик олмон гимнастикаси билан бирлашиб кетди.</p>
Чех гимнастик тизими (Сокол гимнастикаси)	М.Тирш.	<p>Гимнастиканинг ушбу кўриниши чех халқининг Австрия хукмронлигидан кутулиш ва мустакиллик учун курашиш учун бирлашиш йўлидаги ҳаракат натижасида вужудга келди. Сокол (лочин) – ғалаба тимсолидир. Сокол гимнастикаси спорт ва бадиий гимнастика ривожига катта хисса кўшди. Машклар 4 та туркумга бўлинди: биринчиси – юриш, югуриш, саф ва эркин машклар, рақслар; иккинчиси – анжомларда гимнастика (гимнастик снарядларда, оғирликлар ва турли улоқтириш машклари); учинчиси – гурух бўлиб бажариладиган машклар (пирамидалар, оммавий гимнастик чиқишлиар, ҳаракатли ўйинлар); тўртингиси – ҳарбий машклар (киличбозлик, кураш, бокс). Ҳаракатни нафосат билан бажаришига эътибор берилган, гимнастик машклар комбинацияларга биректирилган, мусика жўрлигига машкларни кўллаш, кийинишлар кўлланила бошланган. Дарс уч қисмга бўлинган: тайёрлов, асосий, якуний (дарснинг уч қисмга бўлиниши ҳозирги кунгача давом этмоқда).</p>

**Янги даврнинг бошқа буржуа гимнастик тизимларининг
хусусиятлари**

Спорт-үйин фаолияти	Т.Арнольд	T.Арнольд Регби шаҳридаги колледж ректори сифатида мактаб жисмоний тарбиясининг спорт үйинларига асосланган назарий асосларини ишлаб чиқкан. Унинг фикрича, спорт үйинлари ўзига хос муносабатлардан иборат, микроижтимоий гурухларни моделлаштиради. У мактаб, спорт ва черков таъсири муносиб ёшларни тарбиялашга имкон беради деб хисобларди.
Табиий гимнастика методи	Г.Демени Г.Гаулгофер	Анатомия ва физиология талабларига мувофиқ турли машкларни бажариш талабларини ишлаб чиқкан. Гимнастика кизлар учун ҳам мўлжалланган эди ва харакатлар гўзаллигига ургу берилган. Кейинчалик ушбу метод машкларни илмий асослашда фойдаланилган.
Спорт-рекреацион йўналиш	Д.Нэш	Болаларнинг у ёки бу спорт турига шахсий кизиқишига асосланган спорт-рекреацион ҳаракат асосчиси ва тарғиботчиysi эди.
Бойскаут ҳаракати	Р.Баден-Пауэлл	Инглиз генерали Баден-Пауэлл ҳарбий-жисмоний тайёргарликка йўналтирилган мактабдан ташқари жисмоний маданият шакли бўлмиш бойскаут тизимини яратган.
Касбий-амалий ЖМ	20-йилларда Европа	Аниқ бир касбда меҳнат жараёнини ва жисмоний тикланишни таъминлайдиган маҳсус машклар ишлаб чиқилган.
Жисмоний тарбиянинг ҳарбийлашуви	30-йилларда Германия	Уруш шароитида ҳарбий ҳаракатларни олиб боришга тайёр ёшларни тарбиялашга қаратилган мактабдаги ҳарбий-жисмоний тайёргарлик киритилиши.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, 20-асрнинг Иккинчи ярмида чет эл жисмоний тарбия тизимининг ривожланиши

Фашизм тор-мор этилиши ва иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг жисмоний тарбиянинг ҳарбийлаштирилиши тутатилди. Аста-секинлик билан Европа мамлакатлари ва АҚШда жисмоний тарбияга давлат аралашуви кузатила бошланди, бу мактаб жисмоний тарбиясида якқол

намоён була бошлади. Жисмоний тарбия аста-секин шахсга йўналтирилган кўринишга эга була бошлаб, инсонларнинг турли жисмоний машқлар ва спорт турлари билан таништиришга қаратилди. Яъни жисмоний тарбия ва спортга аҳолини соғломлаштирувчи, уни такомиллаштирувчи, ракобатбардош, фаол жамият аъзосини тайёрлашга кўмаклашадиган восита сифатида қарала бошланди.

Таълим муассасаларида замонавий чет эл жисмоний тарбия тизимлари хусусияти

Ташкилий кисмлари	Хусусияти
Максади	Саломатликни мустаҳкамлаш, турли спорт турлари ва жисмоний ва спорт машғулотлари билан таништириш, маънавий-аҳлоқий ва шахсий сифатларни, ракобатбардошлик ва “ғолиб психологияси”ни шакллантириш.
Йўналиши	<i>Соғломлаштирувчи</i> — асосан саломатликни мустаҳкамлаш. Спорт турига йўналтирилган — аник бир спорт турини ўзлаштиришга йўналтирилган. Биологик-мажмуавий, ҳаракат тайёргарлиги даражасини ошириш ва жисмоний сифатларни ривожлантириш максадида турли хил жисмоний машқларни бажаришга асосланган.
Машқлар мазмуни	Базавий спорт турлари асосида: гимнастика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, чангидা учиш ва янги жисмоний-спорт машғулотлари, шу жумладан соғломлаштирувчи турлари.
Дастурий-мезъерий асослар	Амалиётда ягона кабул қилинган дастур мавжуд эмас: ҳар бир штат, шаҳар ёки таълим муассасаси жисмоний маданият бўйича дастурни мустакил ишлаб чиқади
Хафтада машғулотлар микдори	Австрияда – 2-3 соат, Белгияда – 3 соат, Буюк Британияда – 5 соат, АҚШда – ҳар куни, Японияда – 3-4 соат.
Мактабдан ташқари шакллари	Коллежлар ва университетларда турли спорт турлари бўйича спорт машғулотлари кўринишида фаол жорий этилмоқда; бу жараёнлар айниқса АҚШда ривожланган.
Мусобақа фаолияти	Ўкув муассасалари ўртасида спартакиадалар ва бошқа мусобақалар, ҳаваскор ва профессионал спортчилар ўртасида мусобақаларда иштирок этиш имконияти. Ҳар бир таълим муассасаси турли спорт

	турларидан терма жамоалар шакллантирилади, асосан спорт үйинлари туридан.
Машғулотларда иштирок этиш имконияти	Пуллик таълим муассасаларида мажбурий машғулотлар учун тұлов таълим олиш харажатлари таркибига киради. Құшимча машғулотлар, коңда сифатида құшимча тұлов асосида амалга оширилади.
Истиқболлар	Колледж ёки университет терма жамоаси айзолари, таълим учун тұловлар бүйічі имтиёзларға эга булиши ёки стипендия олиши мүмкін. Таълим муассасалари терма жамоасидан катта спорта чиши имкони мавжуд, шу жумладан милдій олимпия жамоасига.

Чет эл жисмоний тарбия тизимлари ривожининг Янги даврдан ҳозирги қунгача қиёсий таҳлили

Мамла-катлар	Давр	Тизим	Йұналиши
Европа	17 аср охири, 19 аср боши	Ұзіда бошқа машқ турларини мужассамлаштирган гимнастик тизим	Турли меңнат функцияларини бажаришга тайёрлаш
	19 аср бошидан 20 аср бошигача	Гимнастик тизимларнинг көнгайиши, гимнастикадан түрли спорт турларининг ажralиб чиқиши	Саломатлықни мустаҳкамлаш, ҳарбий тайёргарлик, эстетик тарбия, меңнат тарбияси
	20 аср үrtаси	Жисмоний тарбиянинг ҳарбийлашуви	Ахолини ҳарбий хизматни үтеше, уруш олиб боришга тайёрлаш
	20 аср үrtасидан ҳозирги вактгача	Базавий спорт турлари ва янги турдаги жисмоний машқларнинг киритилиши	Ахолини қарапат фаолиятининг турли шакллари билан таништириш, саломатлықни мустаҳкамлаш, шахснин үзини үзи тарбиялаши
Шарқ мамлекатлари	17 аср охири,	Йога ва яkkакураш санъатлари	Тарихий ва диний анъаналар сақланиши ва

	20 аср боши		маънавий-аҳлоқий тарбия
	20 аср ўртаси	Жисмоний тарбиянинг ҳарбийлашуву (айниқса — Япония)	Аҳолини ҳарбий хизматни ўташга, уруш олиб боришга тайёрлаш
	20 аср ўртасидан ҳозирги вактгача	Кўпгина ташкилий тузилмасига қўра, Европа жисмоний тарбия ва спорт тизимиға яқинлаштирилган.	

20 аср ўрталаридан олимпия спорти ва олимпия анъаналарининг фаол ривожланиши турли мамлакатларнинг жисмоний тарбия шаклларининг, жисмоний маданият ва спортнинг умумқабул қилинган меъёларидан келиб чиқиб, бир-бирига яқинлашиб борди.

Ривожланган хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятлари

Хорижий тажрибани умумлаштириш ва тизимлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, барча мамлакатларда жисмоний маданият ўрта умумтаълим мактаблари таълими дастурига кирган. Бундан ташкари, дарсдан ташкари вактда қўшимча тарзда турли хил спорт ишлари ўтказилмоқда.

Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбиянинг роли ва жисмоний маданиятнинг йўналтирилган турли шаклларининг қўлланилиши кўп кирралидир. Техник тараққиёт, фаннинг тобора ривожланиши ва замонавий мутахассисга зарур бўлган янги ахборот ҳажмининг тобора ошиб бориши, талабаларнинг ўкув фаолиятини янада шиддатли ва кескин ҳолатга келтирмокда. Шунга мувофик жисмоний маданиятнинг талабалар хаёт тарзини оптималлаштириш, фаол дам олиш, ОТМ ўчишнинг барча даврларида ишчанлик қобилиятини саклаш ва ошириш поситаси сифатидаги аҳамияти ошиб боради. Шу билан биргаликда жисмоний маданият воситалари орқали бўлажак касб шароитларига оид умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик таъминланади.

Талабалар жисмоний тарбияси маҳсус вазифаларни ҳал қилиши билан биргаликда кенг қамровли билимларга ва ҳар томонлама ривожланган мутахассисларни тайёрлашда, уларнинг маънавий, руҳий-иродавий ва ёстетик ривожланишларида муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим муассасаларида ўқиётган бўлажак мутахассисларнинг ўқиши даврида жисмоний маданият воситаларидан йўналтирилган тарзда фойдаланилиши, хусусан, талабаларнинг иш режими 10-12 соат бир хил тарздаги тана ҳолати ва камҳаракатлилик билан характерланади. Бундай шароитда бажариладиган жисмоний машқулар – гиподинамиянинг салбий

таъсирларига ҳамда аклий ва асаб-ҳиссий зўрикишларни олдини олувчи ва каршилик қилувчи асосий омил ҳисобланади. Жисмоний машгулотларга сарфланган вакт, талабаларнинг умумий ишчанлик қобилияти ва аклий фаолиятининг ошиши орқали компенсацияланади. Талабаларни жисмоний тарбиялашдан максад – шахсларнинг жисмоний маданиятини шакллантиришидир.

Ушбу мавзу доирасида, ривожланган мамлакатларнинг жисмоний тарбия тизимларининг ўзига хос хусусиятларини очишга харакат қилинди.

Америка Кўшма Штатларида жисмоний тарбия тизими

Жисмоний маданият ва спорт Америка халқи маданияти ва ҳәётининг ажralmas кисмидир.

АҚШда спорт дам олиш ва ўйин-кулгунинг энг оммавий туридир. Спорт миллионлаб америкаликларни ё иштирокчи, ёки томошибин сифатида ўзига жалб этади. Ҳаваскорлик спорти икки турга – соғломлаштирувчи ва беллашувлар спортига булинади.

1987 йилнинг декабрь ойида АҚШ Сенати жисмоний маданият масалалари бўйича Резолюция кабул қилди. Ушбу Резолюцияда АҚШ Сенати маҳаллий ўзини-ӯзи бошкариш органларига бошлангич мактаблари ўқув режаларига ҳар кунги жисмоний маданият бўйича машгулотлар киритишни тавсия этган. Мутахассислар фикрича, ўрта ва ююри синфларда 1 соатдан жисмоний маданият ўтказилиши лозим. Бирок ҳозирда 40% Америка мактабларида машгулотлар ҳар куни ўтказилмайти.

Резолюцияга мувофик, болалар боғчасидан мактабнинг 12-синфгача бўлган болалар ва ўсмирлар учун янги ўқув дастури ишлаб чикилди.

«Physical Best» («Жисмоний камолот») номли янги дастур 5 асосий бўлимлардан иборат: “Аэроб чидамлилик”, “Эгилувчанлик”, “Мушак чидамлилиги”, “Мушак кучи” ва “Гармоник жисмоний ривожланиш”. Дастур индивидуал ёндашув, ўқув материалининг доимий янгиланиши ва ўкувчилар фаолигини ошириш тамойиллари асосида тузилган.

АҚШда ўқув режа ва дастурлар асосидаги академик машгулотлардан ташкари мактаб спортига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу ишларни мактаб спорт клублари ёки ота-оналар қўмитаси бошчилигидаги ташаббускор гурухлар амалга оширишади. “Sports Illustrated” журнали маълумотларига кўра, АҚШда ана шундай спорт клублари сони 25 мингга етади, яъни, ушбу клублар деярли барча мактабларда ташкил этилган.

Жамоатчилик томонидан кўллаб-куватланаётган бу ишлар натижасида АҚШнинг ўрта мактаблари ҳаётида мактаблараро спорт мусобақалари тизими вужудга келиб, ушбу мусобақалар ОТМ

мутахассислари ва профессионал спортчиларнинг доимий назорати остида ўтказилади.

1978 йили АҚШда “АҚШнинг ҳаваскорлик спорти ҳакида”ги Конун кабул қилинган эди.

Конуннинг асосий мақсадлари куйидагича ифода этилган: “Фукароларнинг ҳаваскорлик спорти билан янада кенгроқ иштирок этишларини рағбатлантириш, АҚШ Олимпия кўмитасининг мамлакатдаги ҳаваскорлик спорти фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган сифатида ваколатларини кенгайтириш, ҳаваскор спортчилар ҳукуқини химоя килиш, бирон-бир спорт турини бошқариш ва ташкил этиш ҳукукини энг нуфузли спорт ташкилотлари, федерацияларга беришни бошқарувчи механизмни тузиш”.

Соғломлаштирувчи фаолиятнинг энг севимли турлари – туризм, пиёда юриш, эшкак эшиш, ов қилиш ва балиқ тутишdir. Буларнинг барчасидан ўйин-кулгу ва машғулот сифатида оммавий тарзда фойдаланилади.

Жисмоний маданият ва спорт соҳасига жалб қилиш болалик ёшидан бошланади. Америка шаҳарларининг ҳар бир микрорайонларида бевосита уйларга яқин жойларда шаҳар кенгашларига ва хусусий хўжаликларга тегишли кўпгина спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, ёшлиарни спортга жалб қилишда улардан кенг фойдаланилади.

АҚШ мактабларида таълим тизими бизникидан сезиларни даражада фарқ килади. АҚШ мактабларида таълим тизими З босқичда амалга оширилади:

- бошлангич мактаб (elementary school) 5 ёшдан 12 ёшгacha бўлган болалар;

- ўрта мактаб (junior school) 12 ёшдан 14 ёшгacha бўлган болалар;

- юкори мактаб (high school) 13 ёшдан 18 ёшгacha бўлган ўсмирлар.

Жисмоний маданият дарслари мажбурий дастурга 13 ёшдан, яъни юкори мактабдан бошланади. Америка мактабларида ўртача ҳар олтинчи парс жимоний маданият дарсидир. Дарслар айни бир спорт туридан иборат машғулотларни назарда тутмайди. Бундай дарсларнинг асосий мисади – ўз саломатлигини мустаҳкамлаш ва умумий жисмоний тайёргарликни ривожлантиришdir. Мажбурий дарслар юкори мактабнинг дастлабки 2 йили давом этади, ундан кейингина ўқувчилар умумий жисмоний тайёргарлик дастури асосида таълим олишни ёки мактаб таклиф этадиган бирон-бир спорт тури билан шугулланишни ташлашлари мумкин. Ўқувчиларга шугулланиш учун таклиф этиладиган спорт турларини мактаб маъмурияти белгилайди. Деярли ҳар бир мактабда 20 дан зиёд спорт бўлимлари мавжуд, масалан: америка футболи, соккер (европа футболи), баскетбол, волейбол, бейсбол, енгил

атлетика, гольф, теннис ва ҳ.к. АҚШ мактабларида мажбурий тарзда барча спорт турларидан ўғил ва қиз болалардан иборат жамоалар тузилади, америка футболи бундан истисно. Жисмоний тарбиянинг бундай тизимини таъминлаш учун кўпсонли ўқитувчи ва мураббийлар талаб этилади. Ўрта ҳисобда мактабларда ўғил ва қиз болалар билан алоҳида шуғулланадиган 10 га якин умумий жисмоний тайёргарлик ўқитувчилари ва мактабда мавжуд барча спорт турлари бўйича мураббийлар фаолият юритадилар.

Ҳар бир штатда мактаблараро федерациялар мавжуд бўлиб, улар мусобақа коидалари ва низомларини ишлаб чикишади, жамоаларни дивизионга бўлишади ва ҳ.к.

Америка мактабларида йил давомида ҳар бир спорт тури учун қатъий чегараланган муддат ажратилган. Масалан, Америка футболи билан 15 августдан 31 октябргача шуғулланишади. Агар мактаб жамоаси плей-оффга чикса, уларга яна бир ой шуғулланишга рухсат этилади. Баскетбол билан ноябрдан мартағача, волейбол билан мартдан майгача шуғулланишади. Шу тарзда мактаб болаларни айни бир спорт тури билан шуғулланишга мажбуrlамайди. Ўқувчиларга ўзларини турли спорт турларида синаб кўриш имконияти берилади.

Бошлиғич ва ўрта мактаб ўқувчилари ҳам спорт билан шуғулланишади. Бирок мактабдаги мажбурий дарсларда эмас, отаоналар ташкил этадиган спорт бўлимларида шуғулланишади. Шундай қилиб, болалар кўнгил очиш учун спорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишади ва ўқитувчилар олдида ҳеч қандай мажбуриятга эга бўлишмайди, чунки ушбу машгулотлар учун баҳо кўйилмайди.

Мактабни тутатгач, битирувчилар коллеж ёки университетларга ўкишга кириш имкониятига эга бўлишади. Абитуриентда спорт тоифасининг мавжудлиги, унга коллеж ёки университетга киришда ва таълим грантларини олишда спорт ютукларига эга бўлмаган абитуриентларга нисбатан, шубҳасиз устунлик беради.

АҚШ мактабларида жисмоний маданият дарсларидан ташкири, 1986 йилдан бери “Президент чакириғи” номли маҳсус мажбурий дастурлар қўлланилиб, б ёшдан 17 ёшгача булган болалар жисмоний тайёргарлиги бўйича тестлар асосида амалга оширилади. “Президент чакириғи” дастури 5 машқни ўз ичига олган: 1 миля (1 миля = 1609 метрга тенг) югуриш, 4x39 футга (39 фут = 11,8872 метрга тенг) моккисимон югуриш, турникда тортилиш, ётган ҳолда танани букиб, ёзиш, олдинга энкайиш. Голиблар фахрий совринилар ва мукофотлар билан тақдирланадилар.

АҚШ университетларида жисмоний маданият ва спорт фаолиятининг икки йўналишини фарқлаш лозим:

- 1) Биринчи йўналиш – талабалар шаҳарчаси худудида талабалар

орасида жисмоний маданият ва соғломлаштирувчи ишларни олиб бориш.

2) Иккинчи йўналиш – университет жамоаларининг спорт турлари бўйича ўз университетлари шарафини мусобакаларда ҳимоя қилиш.

АҚШда ҳар бир талаба таълим олишини ўзининг ҳисобидан амалга оширади. Харажатлар рўйхатида жисмоний соғломлаштириш учун ҳам тўлов белгиланган. Машғулотлар учун тўлов бироз фарқ килса-да, бир семестр учун 15 соатни, яъни, ҳар бир талабадан 60 \$ ташкил этади ва бу ташабаларга суткасига 24 соат, барча тренажерлар, спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, спорт майдонлари ва майдончалардан фойдаланиш, турли спорт тўгараклар фаолияти ва мусобакаларда иштирок этиш имконини беради. Ўқитувчи ва ходимлар жисмоний соғломлаштириш мирказларидан бепул фойдаланишади.

Талабаларнинг мусобакалари телевидение орқали трансляция килинади, бу эса нафакат жисмоний маданият ва спортни оммалаштиришга, балки мураббий ва ҳомийларга иқтидорли спортчиларни инициаторларни беради.

АҚШнинг спорт обьектлари билан таъминланганлик даражаси жуда хам юкоридир. Мамлакатда аҳолининг турли қатламлари учун кўп микдордаги спорт клублари мавжудdir. Масалан, Даллас ва Чикаго шахарларида ортиқча вазндан азият чекаётган инсонлар учун клублар ўз филиятини бошлишган. Бундай клубларга фақатгина ўзининг нормал вазнидан 23 килограм ортиқ инсонларгина кириши мумкин. Бундай клубларнинг асосий ғояси қўйидагича – семиз инсонларга оддий клубларга ёки сув ҳавзаларига бориш руҳий жиҳатдан енгил бўлмайди, маҳсуслаштирилган клубларда эса улар бундай муаммоларга дуч келишмайди. Алоҳида клублар мавжудки, у ерда фақатгина аёллар ёки шифакаҳўлар шугулланишади.

Абонентлар нархи майда хизматчининг 1-2 соатлик хизмат ҳақига киёслаш мумкин, яъни, фитнес клублар мамлакатнинг барча аҳолиси учун ҳамёнбопдир.

Соғлом турмуш тарзини ва жисмоний фаолликни ташвиқот қилиш старлича кенг ривожланган. Спорт билан мамлакат аҳолисининг аксар кўпчилиги шугулланмоқда.

Буюк Британияяда жисмоний тарбия тизими

Анъанавий тарзда Лондон ўзининг улкан университетлари, нуфузли коллежлари ва кўп микдордаги ихтисослашган мактаблари билан мишиҳур. Талабалар ҳаётида жисмоний маданият ҳам муҳим омиллардан бўри ҳисобланади.

Мамлакатнинг бошланғич мактаб ўқувчиларига (5 ёшдан 11 ёшгача

бўлган болалар) йўналтирилган “жисмоний фаоллик” дастури амал килмоқда ва ушбу дастур ҳар кунлик машғулотни кўзда тутади.

Ўрта мактабларда эса “Жисмоний тарбия ҳаётга тайёргарлик сифатида” номли дастур амалиётда кўлланилмоқда. Спорт машғулотлари дарсдан ташкири вактда – одатда ҳафтанинг охирги куни, жисмоний маданият ўқитувчиси раҳбарлигига ўтказилади. Шу билан бирга мактаблараро мусобакалар ҳам ўтказилади.

Ушбу ишлар Буюк Британиянинг Маърифат бўйича давлат котибиатига бўйсунувчи мактаб спорти Миллий кенгаши зиммасига юклатилган.

Ихтисослашган мактаблардаги жисмоний маданият дарсларидан бошласак. Ушбу муассасаларда жисмоний маданият дарслари ҳафтасига 2 марта ўтказилади. Дарс 60 дақика давом этади. Бу дарс мушакларни қиздириш, умумривожлантирувчи машқлар ва 15 дақиқалик югуришдан бошланади. Лондонда жамоавий Ўйинлардан волейбол, баскетбол, бадминтон, гимнастика ва раксга кўпроқ эътибор қаратилади. Қизлар ва ўғил болалар алоҳида шуғулланишади. Ўкувчилар асосан амалий машғулотлар билан шуғулланишади, бирок ўқитувчи дарс жараёнда мушакларнинг номи, жойлашиши ва уларнинг тузилиши ҳакида тушунтириб боради. Бундан ортиқ назарий машғулотлар кўзда тутилмаган.

Агарда эътиборни университетларга қаратадиган бўлсак, бу ерда фаолият анча бошқача ташкил этилган. Мисол қилиб машҳур ва нуфузли хисобланган «University of Huddersfield» университетини кўриб чиқамиз.

Ҳар бир университет үзининг спорт майдони ва кортларига эга, шу тифайли талаба-йигитлар футбол билан шуғулланишади, қизлар эса бадминтон йўнашади. Бундан ташкири ҳар бир нуфузли университет сув ҳавzasига эга. Сув ҳавzasининг мавжудлиги, инсоннинг барча тизимлари мустаҳкамланишига хизмат қиласи, мушак тўқималарини ривожлантириди, калорияларни ёқиб юборади, бўшашишга кўмаклашади ва аъло қоматга эга бўлишга ёрдам беради. Талабаларда назарий машғулотлар ўтказилади. Асосан назарий машғулотлар анатомия бўйича маърузалардан иборат. Машғулотлар ҳафтасига 1 ёки 2 марта ўтказилади.

Ўқитувчилар таркибига ўтадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, университетларда жисмоний маданият ва спорт кафедралари мавжуд. Талабаларга таълимни ўқитувчилар билан бирга маҳсус тайёргарликка эга мураббийлар беришади. Бироқ ўқитувчилар таркиби асосан мураббийлардан иборат.

Ҳар бир машғулот мушакларни қиздириш ва чўзишдан бошланади. Ҳар бир машғулотда катнашиш мажбурийдир, чунки талабалар семестр охирида жисмоний маданият бўйича синов топшириклигини

тоңширишлари лозим.

Шундай қилиб, Буюк Британияда жисмоний тарбия тизими ҳар хил турдаги ҳаракат фаолиятига оид спорт малака ва күнімалари негизини ишлаб чиқыш концепцияси асосида қурилган.

Максад ўсиб келаётган ёш авлоднинг спорт тайёргарлигини ошириш ва юкори спорт натижалариға бўлган интилишларини шакллантириш билан чекланиб қолмаган. Аксинча, юкоридаги максадлардан ташқари уларни ҳар хил спорт тадбирларида ва бошқа турли шакллардаги спорт беллашувларида оммавий иштирокларини таъминлаш асосий мақсад бўлиб ҳисобланади. Англияликлар спорти концепциясининг марказий гояси – бу ўкувчиларни фаол ҳаёт тарзига тайёрлаш, шунингдек, бутун умри давомида жисмоний ва спорт фаоллигини намоён эта олишига тайёрлашдир.

Германияда жисмоний тарбия тизими

Мактабларнинг 1-синф ўкувчиларида жисмоний маданият машғулотлари ҳар куни ўтказилади, қолган синф ўкувчилари учун ўкув режаларида ҳафтасига 3 марта, 45 дақиқадан иборат жисмоний маданият парслари кўзда тутилган. Хоҳловчилар қўшимча тарзда, спорт клублари билан чамбарчас фаолият юритадиган мактаб спорт секциялари ва қўнгилли спорт жамиятларида ҳафтасига 2 соат факультатив тарзда шуғулланишлари мумкин. Бу жойларда шуғулланишга кўпчилик иштилади. Клубларга аъзолик пуллик, бирок қиммат эмас.

Мактаб мусобақалари икки дастур доирасида ўтказилади:

- “Ёшларнинг федерал ўйинлари” – ушбу оммавий мусобақалар факатгина ўрта мактаб ўкувчилари ўртасида ўтказилиб, олдиндан бир йилга мўлжаллаб тузилган жадвал асосида ва шу билан бирга маҳаллий байрам кунларига тўғирлаб ўтказилади. Ушбу мусобақаларда иштирокчилар ёш бўйича ажратилмайди;

- “Ёшлар Олимпиада учун машқ килади” – бошлангич мактаб ўкувчилари мусобақаларидир. Бу мусобақалар туман, шаҳар, вилоят миқиёсида, 12 та асосий олимпия спорт турлари бўйича ўтказилади. Ушбу ҳаракат Германиядаги қўп босқичли мактаб спорт мусобақаларининг ўзагига айланиб, мактаблар ва спорт клубларининг ҳамкорлигини кўзда тугади. Бу мусобақаларни ташкил этишга федерал ерларнинг Дин ишлари низирлиги, Ички ишлар вазирлиги, ушбу мусобақаларга киритилган спорт турлари бўйича федерациялар ва “Олмон спортига ёрдам” жамғармаси ишмаларига юклатилган. Ушбу ҳаракатда мактаб жисмоний маданият ўқитувчилари фаол иштирок этишади.

Германия олий ўкув юртлари таълими борасида энг машҳур мамлакатлардан бири ҳисобланади. Таълим ва фанга, илмий тадқикот ва

ишланмаларга катта ахамият берилади. Бундан ташқари талабалар ҳаётида спорт ҳам энг муҳим омил бўлиб хисобланади.

Ўз диккатимизни Германиянинг энг машҳур 2 университетига - «Uni-Leipzig» ва «Institut für Sport - und Präventivmedizin» каратсак. Ушбу университетларда спортга алоҳида эътибор берилади.

Талабалар ҳафтасига 5 марта жисмоний маданият дарсларида катнашишади. Дарс 90 дакика давом этади. Талабалар машғулотни мушакларни қиздиришдан (15 дакигага яқин) бошлишади, кейинчалик жамоавий ўйинлар билан машғул бўлишади. Бундан ташқари ҳар бир университет ўзининг спорт майдонига эга бўлиб, бу талабаларга тоза ҳавода шуғулланиш имконини беради. Машғулотларда иштирок этиш мажбурийдир.

Агар ўқитувчилар таркиби ҳакида гапирадиган бўлсак, ўқитувчилар мавжуд эмас, факатгина мураббийлар ва йўрикчилар бўлади. Жисмоний маданият кафедралари ҳам мавжуд эмас.

Агар олмонияликлар билан жисмоний маданият бўйича назарий машғулотлар ҳақида гап очсангиз, улар таажубланишади. Германияда “жисмоний маданият бўйича назарий машғулотлар” деган тушунчанинг ўзи мавжуд эмас, уларда факат амалий машғулотлар ўтказилади. Бирок улар соғлом овқатланиш, юкламалар ва тана тузилиши ҳақидаги назарий маълумотларни бошқа фанлар доирасида, масалан, анатомия фани доирасида олишади.

Италияда жисмоний тарбия тизими

Италия мактабларида жисмоний маданият дарсларидағи академик соатлардан ташқари катта диккат-эътибор спортга қаратилган. Деярли ҳар бир мактабда мактаб спорт ассоциацияси ёки гурухи мавжуд. Машғулотлар ҳафтасига 2-3 марта, жисмоний тарбия ўқитувчиси раҳбарлигида ўтказилади (умумий давомийлиги – ҳафтасига 6 соат).

Мактаб мусобақалари Жамоат таълими вазирлиги томонидан, Италия миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилади. Ушбу мусобақалар ичida энг муҳими – Ёшлар ўйини хисобланади.

Давлат мактабларида таълим олиш белгул, бирок шу қаторда давлат аккредитациясини олган хусусий мактаблар ҳам мавжуд бўлиб, бу мактабларда таълим, маълум микдордаги тўлов эвазига берилади. Таълим олиш 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий бўлиб, 5 йиллик бошлангич мактабни, 3 йил кичик мактаб ва 2 йил юкори ўрта мактабни ўзига қамраб олади. Болония жараёнинг мувофиқ, олий таълим икки боскичдан иборат бўлиб, бакалавр даражасини олиш 3 йил, магистр даражасини олиш 2 йил давом этади. Олий таълим тизимидағи ислоҳотлар яқинда ўтказилди. Бунинг сабаби, Италия таълим мини Европа

стандартларига мувофиқлаштиришдир.

Янги тизим үзиге камида 12 йиллик таълимни камраб олган бўлиб, 2 паврга бўлинади: биринчи давр 6 ёшдан бошланиб, 8 йил давом этиди (5 йил бошланғич мактаб ва 3 йил кичик мактаб). Ўкувчилар 14 ёшга киргандарида иккинчи давр бошланади ва улар аник бир йўналиш бўйича бошланғич касбий таълимни үз ичига қамровчи таълим турларидан бирини танлашлари мумкин. Университетга кириш фақатгина лицейни тамомлаган битирувчиларга ёки таълимнинг кўшимча тайёргарлик йилини ўтаганлар учун, агарда юкори ўрта мактаб таълими касбий хусусиятга эга бўлган тақдирда мумкин.

Жисмоний тарбия учун масъулият Таълим ва фан вазирлигига юқлатилган бўлиб, ушбу фан асосий таълимнинг 13 йили давомида мажбурий бўлиб, барча болаларни, ҳаттоқи имконияти чекланган болаларни ҳам үз ичига қамраб олган. Улар учун маҳсус мувофиқлаштирилган машгулотлар ўтказилади.

Бошланғич мактаб жисмоний тарбиясининг тамойили “Тана бу бойликдир” деб аталади. Бу тамойил ҳаётнинг умумийлик тимсолини ва ишоннинг оламда, жамиятдаги хулқ-авторини англатади. Ушбу боскич жисмоний тарбиясининг максади ўкувчиларда үзини, атрофдагиларни ва шахсий ҳаётий интилишларни ўрганиш ва аниқлашга бўлган эҳтиёжини шакллантириш ҳисобланади. Бошланғич мактаб боскичида ўкувчилар тиши кисмлари, англаш ва хис килиш, ҳаракат схемалари (ўйинлар орқали), ўзлаштириллади, тўғри овқатланиш асослари, шахсий гигиена, проф-муҳит муаммолари ва заарли одатларнинг саломатликка таъсири тирадаги бирламчи назарий маълумотларни олишади. Ушбу боскичда баҳолаш хужжати үзида, ўкувчиларнинг шахсий кўнишка ва малакалар портфолиосини ва мактабда таълим олиш даври давомида олган барча хужжатлар йиғиндисини қамраб олади. Жисмоний маданият дарси бошланғич синф ўқитувчиси томонидан ўтказилади. Баъзи мактабларда бошланғич синф ўқитувчиси билан биргаликда жисмоний маданият ўқитувчиси ҳам ишлаши мумкин.

Кичик ўрта мактаб жисмоний тарбиясининг тамойили қуйидагича тирифланади: мактаб таълим жараённада ўкувчилар малака ва кўнишкалари ўзлаштирилишининг зарурий даражасини, мажбурий парсларнинг микдорини (ҳафтасига 2 соат), мактаб компонентига ўқратилган квотани (жами ўкув режанинг 20% гача) миллий ўкув режа белгилайди. Ушбу боскичнинг максади қуйидагилар: үзининг жисмоний имкониятларини үзини баҳолаш ёрдамида англаб олиш, ҳаёт фаолияти тиғисизлиги асосларини ўзлаштириш. Кичик ўрта мактаб боскичида ўкувчилар координация ва ҳаракат малакаларини ривожлантириш, ўйиннинг малака ва имкониятларини баҳолаш, велосипед ва мотоциклни

күчада ҳайдашнинг йўл ҳаракати қоидалари, машғулот методлари, хиссиятларни намоён қилиш ва муносабатлар ҳақида назарий маълумотларга эга бўлишади. Баҳолаш тизими 6 дан 10 гача бўлган шкала ёрдамида амалга оширилади. 6 дан 10 гача ва ундан юкори баҳо “карз” хисобланади ва кейинги ўкув йилига кўчиш учун асос бўлади; бундан паст баҳо “карз” давлат имтиҳонларида (цикл якунида ўтказилади) жисмоний маданият бўйича имтиҳонларни ёзма, оғзаки ёки тест шаклида топшириш мумкин. Дарслар жисмоний маданият бўйича ўқитувчи-мутахассис томонидан ўтказилади.

Юкори ўрта мактаб жисмоний тарбиясининг тамойиллари худди кичик ўрта мактабники каби ифодаланади. Ушбу босқичнинг мақсади куйидагилар: асосий тамойилларни ва спорт техникасини, осойишталик ва жисмоний ривожланишни ўзлаштириш. Юкори ўрта мактаб босқичида ўкувчилар якка ва жамоавий спорт турларининг тузилиши ва қоидалари ҳақида, машғулотлар назарияси ва методикасининг асосий тамойиллари ҳақида, жисмоний фаоллик давомида овқатланиш асослари ҳақида, допинг муаммолари ва релевант жисмоний машғулотлар ҳақидаги назарий билимларга эга бўлишади. Баҳолаш ўзлаштирилган малакалар портфолиосига мувофиқ келувчи маълум микдордаги кредитлар орқали амалга оширилади ва улар давлат имтиҳонида етарли бўлган баҳони олиш имконини беради (*maturità*). Дарслар жисмоний маданият бўйича ўқитувчи-мутахассис томонидан ўтказилади.

Ўкувчилар бошлангич мактаб босқичининг ўзидаёқ, ўзлари танлаган дарсдан ташқари спорт фаолиятида бепул иштирок этишлари мумкин Спорт асослари ва жисмоний фаоллик таълимий хизматларни ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштирилади.

Францияда жисмоний тарбия тизими

Франция мактабларида жисмоний ва спорт тарбияси дастурларининг мақсади – ўкувчилар саломатлигини мустаҳкамлашга, шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган спорт ва жисмоний маданият соҳасидаги турли-туман фаолият турларини ўзлаштиришdir. Дастурлар биринчи навбатда тезкорлик, чидамлилик, ҳаракатлар координацияси, мувозанат, эгилувчанликларнинг ривожлантиришни кўзда тутади. Бошлангич мактабда машғулотларнинг минимал ҳажми ҳафтасига 6 соатни ташкил этади. Баъзи мактабларда ҳафтасига 7 ва ундан ортиқ соат машғулотлар ўтишга мўлжалланган дастурлар апробациядан ўтказилмоқда.

Францияда мактаб спортининг асосий ташкилий тузилмаси бўлиб ҳар бир мактабда мавжуд бўлган спорт ассоциациялари ҳисобланади. Спорт

ассоциациясига жисмоний маданият ўқитувчиси раҳбарлик қилади. Франциялик мутахассисларнинг фикрича, мана шундай тизим жисмоний маданият бўйича мажбурий таълим доирасида ва спорт машғулотлари бўйича ишларни янада яхширок ўтказишга имкон беради. Ўқувчиларнинг спорт мусобакаларида ўзларининг жисмоний ривожланиш даражалари ва китикишларига мувофиқ иштирок этишлари, ўзлаштирилган ҳаракат мишика ва кўниммаларини такомиллаштириш имконини беради. Спорт ассоциацияси ўқувчиларни масъулиятга ва катталар билан ҳамкорликка ургитади, турли спорт ва маданият ташкилотлари билан фаол алокалар ўрнатишга имкон беради.

Мактаб спорти чемпионатлари З миёсда ўтказилади: мактаб (академик), департамент ва миллий миқёс. Ушбу мусобакаларни мактаб спортининг миллий уюшмаси, бошлангич таълим муассасалар спорти уюшмаси, эркин таълимнинг бош спорт уюшмалари ташкил этишади.

Французларни лотин мақолларидан бири “Mens sana in corpore sano” (соглом танда – соглом аж) ихлосмандлари дейиш мумкин. Франция тирихи давомида доимо шундай бўлмаган. Бирок 20-асрнинг бошларида, яйника, 1936 йили ҳокимиётта Леон Блюм бошчилигидаги социалистлар ўкумати келганда ва “Халқ фронти” ҳақ тўланадиган таътилларга эришгач, спортга бўлган муносабат ўзгарди.

Ҳозирги вактга келиб, Францияда спорт машғулотлари жуда ҳам оммалашшиб кетган. Халқ саломатлиги ҳақида ғамхўрлик ва ижтимоий тугурта воситалари давлат сиёсати даражасида қўллаб қувватланмоқда. Ҳозирги йилларда ойнаи жаҳон олдида ўтказиладиган вакт микдорининг ошиши, нотўтири овқатланиш, янги коммуникацион технологияларнинг қўланилиши, стресс омилларининг кўпайиши сабаб, саломатлик билан боғлиқ, ёш авлоднинг ортиқча вазнга эга булиши, ахолининг қариши каби сениларли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу нарса тажовузкорлик ва ғувравонлик каби ижтимоий муаммоларга кўшимча тарзда таъсир этмоқда.

Француз мактабларида жисмоний маданиятнинг тузилиши ўқувчиларни боғлиқдир. Кичик ёшдаги болалар (болалар боғчаси, З ёшдан бўнгича бўлган ва бошлангич мактабда б ёшдан 10/11 ёшдаги болалар) жисмоний тарбиясини амалга оширишнинг ўзига хос методлари ҳам, максус тайёрланган ўқитувчилар ҳам мавжуд эмас. Бу ерда жисмоний маданиятни бошлангич мактаб ўқитувчиларининг ўзлари амалга оширади, иммиётда бу агар ўқитувчининг ўзи спортчи бўлса, болаларни ҳам спортга жалб қилади, агарда у “интеллектуал” машғулотларни афзал қўрса, болалар спорт билан кам ёки умуман шуғулланишмайди. Болалар боғчалари ва бошлангич мактаб дастурларида болаларнинг спорт минигулотлари, мусика ва расм чизиш машғулотлари билан тенг тарзда тақлиф килинган. Ўқитувчилар кўп ҳолларда ашула айтиш ёки расм

чишиши кўпроқ танлашади, гап моторикани ривожлантиришга келганда, болаларга тўпни бериб кўйиб, ўйнашга рухсат бериш осон туолади.

Миллий таълимнинг француз тизимида жисмоний маданият ўқитувчиси колледждан бошлаб, яъни 6-синфдан 3-синфгача (француз тизимида синфлар тескари хисобланади) ва кейинчалик лицейда 2-синфдан “терминалъ”гача бакалавр даражаси имтиҳонларига тайёрланиш синфи пайдо бўла бошлади.

Коллежда жисмоний маданият ўқитувчиси юкламаси 6-5 синфларда хафтасига 5 соатни, 4-3 синфларда 3 соатни ташкил этади. Шуни таъкидлаш жоизки, дастлаб “интеллектуал фанлар” ўқитувчилари ўз ҳамкасларини жиддий кабул килишмасди, бирок хозир вазият буткул ўзгарди. Гап шундаки, ўкувчилар жисмоний фаоллиги кўп ҳолларда “мувозанатни тикловчи” элемент сифатида хизмат килади ва ўкувчини катталарни хавотирлантираётган хулк-авторнинг зўравонлик каби кўринишларидан озод килади. Спорт машғулотлари хулк-авторни бошқарувчи элемент сифатида хизмат килади: бола ўзини эркин тутишин ўрганади, зўрикиш (стресс) камаяди, унда ижобий эҳтиёжлар пайдо бўла бошлади, муваффакият ҳолати вужудга келади.

Жисмоний маданият ўқитувчиси бошқа интеллектуал фанлар ўқитувчиларига нисбатан ўкувчига бошқача нуктаи назардан караш имконига эга бўлади: у ўкувчининг жамоадаги ва социумдаги хулк-автори хусусиятларини, индивидуал кўринишларини кўра олади ва сезади.

Лицеяда жисмоний маданият ўқитувчиси бошқа ўқитувчилар билан бир хил статусга эга, чунки унинг фани буйича 2 коэффициентлик имтиҳонлар топшириш мумкин. Шуни айтиш лозимки, бальзи бир ўкувчилар бакалавр даражаси учун имтиҳонларни жисмоний маданият буйича баҳолар орқали топшириб, муваффакият қозонишади.

Жисмоний маданият машғулотлари имтиҳон ўтказиладиган предметга айлангандан кейин, ота-оналарнинг ҳам муносабати ўзгарди. Ўкувчини имтиҳонларга тайёрлаш учун 2-синфдан бошлаб илмий асосланган дастурлардан фойдаланилади. Ушбу дастурлар ўзида гандбол, баскетбол, гимнастика, атлетизм, теннис, сузиш, елканли спорт (жамоавий ва якка) каби тўғри мослаштирилган турли спорт турларини қамраб олган. Ота-оналар ўз фарзандларининг спорт ютукларига жуда катта эътибор беришади, модомики, ушбу соҳада ишлаб топилган баллар етарлича балл олиниши кийин бўлган соҳаларни коплаши мумкин.

Миллий таълим вазири навбатдаги ислоҳотни амалга оширмоқчи: ушбу ислоҳотнинг асосий ғоясига мувофиқ, тахминан юзтacha француз лицейлари тушликдан сўнгги вактни спорт машғулотларига ажратишади. Ушбу ислоҳотга Франция Президенти куйидагича таъриф берди: — “Мен спортнинг таълимий бойликларига ишонаман”, демак тушликкача вакт

фундаментал фанларни ўрганишга, тушликдан кейинги вакт маданият ва спортта бағишиланади. Таълим вазирлиги спорт машғулотларини клублар тирмоги ёки спорт ассоциациялари оркали назорат килмайди, бу ерда бар боланинг танловига боғлиқ ва ҳеч нарса мажбурий эмас. Болалар одатда футбол, рэгби ёки кўл тўпи билан, бир сўз билан айтганда, тўп билан Ўйналадиган ўйинларни танлашади. Қизлар эса – гимнастика, ракс ва от спортини афзал кўришади. Боланинг у ёки бу спорт турини танлашига у ишнаётган ўлка шароитлари (шахар, тог, денгиз бўйи) таъсир этиши мумкин.

Клублар ва ассоциацияларнинг тескари томони бор. Спорт билан шугулланишни бошлаш осон, бирок бироз вакт ўтгач бола ўзини рикобатга тайёрлай бошлади, муттасил мукаммаллашишга интилади, иштижани мақсад килади; машғулотлар тобора кўп вактни талаб этади, машғулотлар жараёнида жароҳатлар ва нохуш ҳолатлар ҳамроҳ бўлади, юқори спорт маҳоратига эришилгач, ушбу муаммоларга допинг муаммолари ҳам кўшилади. Қани эди спорт машғулотларининг мақсади бўлиб, жисмоний ва руҳий кучларнинг мутаносиблиги ва мувозанатига, осойишталик, саломатлик ва эркинликка эришиш бўлса. Бирок спорт клублари ва ассоциациялари ўзларининг чемпионлари туфайли фаолият юритишади. Чемпионлар ва юқори натижаларсиз клублар ва ассоциациялар молиялаштирилмайди ва уларнинг фаолият юритиши жуда ким кийинлашади.

Спорт машғулотларининг молиявий тузилмаси кўпгина омилларга — клубнинг катта шаҳарда ёки кичик қишлоқда жойлашганлиги, қандай тиҳозларни тавсия кила олишига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бирча харажатлар шугулланувчи болаларнинг ота-оналарнинг зиммасига тушади.

Юқори малакали спортчилар тайёргарлиги ва спорт элитаси икки хил тарзда шакллантирилади:

- миллий таълим доирасида – спорт секциялари (одатда лицейларда);
- “Франция кутблари ва умиди”.

Мактаб спорт секциялари ўз спорт тури бўйича Миллий лигага ташланган ёш спортчиларга ўзларининг спорт турлари билан шугулланиши ва мактаб таълимини давом эттира олишлари учун машғулотларни мослаштиришга имкон беришади. Масалан Ля-Рошельда шундай спорт секциялари мавжудки, у ерда шугулланган кўпгина спортчиларга миллий ва олимпия чемпиони даражасига эришишларига сибабчи бўлган.

“Франция кутблари ва умиди” – бу спорт секцияларининг юқорирок ширгидаги “элита” тоифасидаги (16-25 ёшлар) спортчилар фаолиятининг ташомидир. Бу ерга миллий ва халқаро унвонларга эга спортчилар кабул

килинади. Уларнинг барча турдаги машғулотлари маҳсус жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, каттиқ назорат остида ўтказилади.

Давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошкариш органлари кенг тармоқли спорт муассасалари ва спорт ассоциацияларига эга. Шу туфайли ҳар бир фуқаро спорт машғулотлари билан шуғулланиш имконига эгадирлар. Ҳар бир коммуна ўзининг спорт залига эга бўлиб, у ерда клублар ва ассоциациялар турли спорт турлари бўйича машғулотлар ташкил этишади. Агар коммуна кичик бўлса, бошқа коммуна билан бирекади. Коммуна бюджетини бошкарувчилар, спорт машғулотлари бўйича ўзларининг сайловчилари-эҳтиёжини қондирувчи микдордаги воситалар ҳакида яхши хабардорлар, шунинг учун спортга ажратилган маблағлар одатда етарлича салмоқлидир.

Финляндия жисмоний тарбия тизими

Финляндия мактабларида жисмоний тарбия тизими согломлаштиришга йўналтирилганлик концепцияси асосида курилган. Ушбу концепция мақсади ўқувчиларда ҳаётлари давомида юқори жисмоний фаолликни намоён қила олишларига бўлган эҳтиёжни шакллантириш назарда тутилади. Асосий мақсад соғлом авлодни вояга етказиш талабларига мувофик фаол ҳаёт тарзини тарбиялашдан иборатdir. Фин мутахассисларининг фикрича, мактаб болалар ва ўсмирларга турли шаклдаги дарсдан ва мактабдан ташқари спорт фаолиятида иштирок этиш имкониятини таъминлаши лозим. Уларнинг қараши бўйича энг муҳими, ёшларнинг ушбу малака ва кўнкималарни эгаллашлари эмас, уларнинг турли шаклдаги ҳаракат фаолиятида иштирок этиш шароитларини таъминланишидир.

Мактаб жисмоний тарбия дастурида ҳафтасига куйидаги ҳажмда машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилган: 1-2 синф ўқувчилари учун – 1,5 соат, 3-4 синф учун – 3 соат, 5-6 синф учун – 2,5 соат, 7-9 синф учун – 2 соат. Финляндиялик олимларнинг фикрича, мактаб ўқувчилари учун машғулотларнинг оптималь ҳажми ҳафтасига 3-4 соатни ташкил этади.

Нидерландияда “Ҳаракат таълими” концепцияси амалга оширилмоқда. Асосий ғоя сифатида ушбу концепция ўз олдига ҳаракатлар маданияти ва ундан бутун ҳаёт давомида фойдаланиш вазифасини қўяди. Асосий ҳаракат шаклларини ўргатиш, болани турли ҳаракат вазиятларини ҳал этишга ўргатиш, асосий мотор компетенцияларни ишлаб чикиш, ҳаракат маданиятини ўзлаштиришга кўмаклашади ва бу кейинчалик бутун умрга колади.

Агар замонавий Европа мамлакатларидағи умумтаълим муассасалардаги жисмоний тарбияни белгиловчи концепцияларни ўзимизда амалга оширилаётган концепциялар билан солиштирсан,

уларнинг ўзаро алокадорлигини сезиш мумкин.

Россияда ҳам охирги йиллари шунга ўхшаш концепциялардан бири, В.К.Бальсевичнинг “Спортга йўналтирилган жисмоний тарбия” концепцияси кенг таркалди. Ушбу концепция куйидагиларга асосланган: ўқувчилар жисмоний сифатлари ва ҳаракат қобилияtlарини ривожлантиришда тренировка методларидан мажбурий фойдаланиш, икадемик жадвалдан ташқарига чиқарилган ҳафтасига 3 марталик ўқувмашғулотлари, ўқувчиларнинг спорт турини ёки бошқа шаклдаги жисмоний фаолиятни танлаш эркинлиги ва шунингдек, жисмоний тарбия на бошқа шакллардаги кўшимча спорт таълим мининг кенг камровдаги инфратузилмавий ўзгаришлари.

Бразилия ва Марокашда жисмоний тарбия тизими

Ажабланарлиси шундаки, ушбу мамлакат университетларида жисмоний маданият ўқув фани сифатида мавжуд эмас.

Бирок мактаб ўқувчиларининг спортга бўлган муносабати мутлако бошқача. Мактабларда жисмоний маданият дарслари мажбурийдир. Бирон-бир ўқувчи сабабсиз дарс қолдириши мумкин эмас. Бу нарсага тибдий эътибор қаратилади. Ҳар бир мактаб ўзининг кортига эга ва дарслар асосан жамоавий ўйинлар тарзида ўтказилади. Қизлар асосан волейбол ўйнашади, йигитлар эса ўз машғулотларини футболга бағишлишади. Ўқувчиларга ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар ўтказилади. Давомийлиги буйича назарий машғулотлар 2 ой давом этади, ўқув машғулотларининг қолган вақтида амалий машғулотлар ўтказилади. Дарслар ҳафтасига 1 ёки 2 марта ўтказилади. Машғулотлар маҳсус тайёрланган мураббийлар томонидан ўтказилади.

Бразилия ва Марокаш университетларида жисмоний маданият дарслари мажбурий бўлмаган фан хисобланиб, факатгина маҳсуслашган институтлarda ўтказилади.

Лагар маҳсуслашган институтлар ҳакида гапирадиган бўлсак, бу ерда талабалар назарий ва амалий машғулотлар орқали таълим олишади. Назарий машғулотларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, талабаларга «Educação Física», яъни, “жисмоний тарбия” номли фандан дарс ўтилади. Ушбу фан тоирасида одам анатомияси, спорт тарихи, спорт турлари, бодибилдинг ва бошқа фанлар, умумлаштирадиган бўлсак инсон организми, спорт ва саломатлик билан алокадор бўлган назарий билимлар берилади. Албатта, лагар талаба мухандислик ёки бошқарув йўналишларида таълим олаётган бўлса, ушбу предмет уларнинг ўқув режаларига кирмайди. Назарий машғулотларни маҳсус тайёргарликка эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўтказилади.

Бельгияда жисмоний тарбия тизими

Жисмоний тарбия дастурлари асосидаги мажбурий машғулотлар 6-14 ёшлилар учун ҳафтасига 3 соатни, 15-18 ёшлилар учун эса 2 соатни ташкил этиади ва бундан ташқари ҳафтасига дарсдан ташқари 2 соатлик бажарилиши шарт бўлган машғулотларга ажратилган.

Мактаб спортини ривожлантириш Маърифат вазирлиги томонидан белгиланади ва бевосита миллий жамоалар тасарруфидадир. Бельгиянинг мактаб спорти федерацияси турли даражадаги мактаблараро мусобакаларни ташкил этишади. Flamand жамоасида Федерация билан жисмоний тарбия, спорт ва тоза ҳаводаги машғулотлар маъмурияти ҳамкорлик килса, Wallon жамоасида эса Федерация билан жисмоний тарбия ва спорт маъмурияти ҳамкорлик килади. Ушбу 3 ташкилотни ўзаро ҳамкорликларининг ягона максади – оммавий спорт тадбирларида иложи борича кўпроқ ўкувчиларни жалб килишдир. Ушбу тадбирларнинг энг каттаси ҳар йили ўтказиласидаган Мактаб йиинлари хисобланади.

Грецияда жисмоний тарбия тизими

Греция мактабларида жисмоний маданият дарслари учун 4-синфдан бошлаб (8 ёшдан) ҳар куни 2 соат ажратилган. Машғулотлар жамоавий йиинларга мўлжалланган кичик майдончаларда ўтказилади.

Мамлакатда мактаб спорти устидан умумий раҳбарликни Маърифат вазирлигининг махсус департаменти амалга оширади. Умумтаълим мактаби ўкувчилари учун мусобакалар 3 босқичда: маҳаллий, департамент ва миллий миқиёсда амалга оширилади. Мусобакаларни махсус Спорт маъмурияти хизмати амалга оширади. Греция мактабларида спорт оммавийлигининг ривожланишига 2 омил: ёпик спорт иншоотларнинг камлиги ва спорт анжомлари ҳамда жиҳозларининг танкислиги тўскинилек килмоқда.

Португалияда жисмоний тарбия тизими

1990 йил 13 январда “Спорт тизими тўғрисидаги” Асосий конуни қабул қилингунга қадар мактабнинг вазифаси жисмоний тарбиялаш билан чекланган эди. Юкорида тилга олинган конунинг “Спорт ва мактаб” деб номланган 6-моддасида мактаб спорти расмий равишда “мактаб доирасида синфдан ташқари фаолият” ва шу билан биргаликда, ҳар томонлама таълим бериш элементи ва бўш вақтни ташкил этиш шакли сифатида амалиётга жорий этилди. Конунга мувофиқ мактабларда мактаб спортининг ташкилий шўйбалари тузилиб, округ бюроси билан ҳамкорликда ўқитувчи – координатор раҳбарлигида фаолият юритади.

Мамлакатда мактаб спортини ривожлантириш масалалари билан бевосита Маърифат вазирлиги, маслаҳатчи сифатида мактаб спортининг

Миллий кенгаши ва Мувофиклаштирувчи бюро томонидан ҳар бир округга бириктирилган ўқитувчи-вакил шугулланиб, мусобака миссадларини белгилайди ва ушбу ишни ташкил этади.

Австрияда жисмоний тарбия тизими

Австрия мактабининг вазифалари 1962 йили қабул қилинган “Мактаб түррисидаги” Конунда ўз аксини топган. Ёшларни анъаналар ва мисмакатнинг ижтимоий кадриятлари бўлмиш – ҳакикат, ззгулик ва нафосат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш. Ўкув режаларида ҳафтасига 2 соатдан 4 соатгача ҳажмдаги жисмоний маданият дарслари кўзда тутилган.

Мактаблар ушбу соҳанинг барча имкониятларини ишга солади. Ўкувчиларнинг жисмоний маданиятга бўлган эҳтиёжларини ошириш миссадида, бўш вактларда спорт ишларининг куйидаги шакллари ималиётда кўлланилиади: чанги учиш бўйича курслар, спорт ҳафталари, туризм кунлари ва ҳ.к. Ўкувчиларни бўш вактларида спорт машғулотлари билан шугулланишга тайёрлаш учун мактабда қизикишлар бўйича гурӯхлар тузилиши ва ушбу гурӯхларда болалар мамлакатда юксак оммалашган бирон-бир спорт турига оид жисмоний машкларни ўзлаштиришлари мумкин. Масалан: футбол, сузиш, енгил атлетика, чанги учиш, волейбол, теннис ва ҳ.к.

Австрия мактаблари спортга йўналтирилган тарзда фаолият юритишиади ва ўкувчилар ўрта таълим олишлари билан бирга танлаган спорт турлари бўйича юкори натижаларга эришиш миссадида машқ килишади.

Мактаб мусобакалари жисмоний маданият ўкув режаларини тўлдириб туради ва ўкувчилар ўзлаштирган спорт малака, кўникмаларини ималиётда кўллаш ва намоён килиш имконини беради.

Японияда жисмоний тарбия тизими

Халқ саломатлиги – миллий ғоянинг бир кисми ҳисобланган Японияда ён авлоднинг жисмоний тарбиясига ниҳоятда катта эътибор берилади.

Кунчиқар мамлакатида жисмоний маданият ўқитувчиси касби – юкори ён тўланадиган касблардан бири булиб ҳисобланади ва унинг бир ойлик миоши йирик завод директори ойлик маоши билан tengdir. Агар мактабда 8-10 тагача спорт турларидан машғулотлар ўтказилса, ҳар бир спорт тури учун алоҳида ўқитувчи масъул қилиб тайинланади. Япониянинг жисмоний тайёргарлик бўйича ўқитувчилари юксак маҳорат эгалари бўлишиб, тиббиёт фанидан ҳам маълумотга эгадирлар. Бундай ўқитувчи – ким мураббий, ҳам устоз, ҳам шифокор ва ҳам руҳшунос ҳисобланади. Агарда биринчи синф ўқитувчиси саломатлигида муаммолар сезилгудай бўлса, жисмоний маданият ўқитувчиси уни мактабда таълим олиш

йиллари давомида етаклаб боради ва ўкувчи учун шунақанги машқларни, шунақанги овқатланиш тизимини ва шунақанги ҳаёт тарзини танлайдики, токи ўкувчи мактабни соғлиги мустаҳкам инсон бўлиб битирсин. Бундан ташкири таълимнинг охирида ҳар бир япон ўкувчи йигит ва кизи, у ёки бу спорт тури бўйича профессионалларга айланишиади.

Бошлангич мактабда (1-6 синфлар, 6-12 ёшдаги ўкувчилар) ҳафтасига 3 соатдан кам бўлмаган миқдордаги жисмоний маданият ва спорт машгулотлари кўзда тутилган. Бошлангич мактаб дастури ўзида: умумий жисмоний тайёргарлик, гимнастика, енгил атлетика, сузиш, тўп билан ўйналадиган ўйинлар, ракслар, соғлом турмуш тарзи малакаларини шакллантиришларни мужассамлаштирган.

Мажбурий машгулотлар каторида 40% японияликнинг бошлангич мактабларида дарсдан ташкири машгулотларнинг (ҳафтасига 5 соатдан ортиқрок) қўшимча дастури мавжуд бўлиб, спорт клубларда ўтилиши назарда тутилган. Шу билан биргаликда спорт ўйинлари куни, сузиш хаваскорлари куни, жисмоний-соғломлаштирувчи экскурсиялар ва мактаб спорт мусобакалари ўтказилади.

Ўрта мактабдаги мажбурий машгулотлар ҳажми ҳафтасига 3 соатдан кам бўлмаган вақтни ташкил этади. Қўшимча машгулотлар дастури асосида ҳар бир ўкувчи спорт клубларида ҳафтасига ҳеч бўлмагандан бир маротаба иштирок этиши юклатиб қўйилган.

60% яқин ўрта мактаб ўкувчилари спорт клубларида ҳафтасига 8 соатдан кам бўлмаган вақт мобайнида шугулланишиади.

Юкори синф ўкувчилари учун мажбурий жисмоний тайёргарлик машгулотлари йигитлар учун ҳафтасига 4 соатни, кизлар учун 2 соатни (10-синфлар) ташкил этса, 11-синф ўкувчи йигит ва кизларида 3 соатни ташкил этади. Ўкувчиларнинг 40% зиёди ҳафтасига 9 соатдан кам бўлмаган вақт мобайнида шугулланишиади.

Хитойда жисмоний тарбия тизими

Хитойнинг ҳар бир университетида жисмоний маданият дарсларининг ўтказилиши кўзда тутилган. Эътиборингизни Шанхай шахрида жойлашган машхур университетлардан бири хисобланмиш SISU университетига қаратамиз. Юкорида таъкидланганидек, ушбу университетда ҳам жисмоний маданият дарслари ўтказилади. Шуни таъкидлаш жоизки, хитойликлар уччалик спортга берилишмайди. Албатта, университетларда турли хил спорт жамоалари мавжуд, бироқ бу жамоаларга қўпчилик ташриф буюради деб бўлмайди.

Назарий машгулотлар кўзда тутилмаган, фақатгина амалий машгулотлар ўтказилади. Машгулотлар ҳафтасига бир марта ўтказилади. Бу машгулотлар алоҳида режа асосида ўтказилмайди, ҳар бир талаба ўзи

үчүн машгүлтни ўзи таңлайди. Бирок шунга қарамай машгүлтлар барча талабалар учун мажбурийдир.

Үкитувчилар таркиби ҳақида сүз очадиган бұлсак, алохидә үкитувчилар мавжуд. Кафедралар мавжуд эмас.

Агарда талабаларнинг спорт билан шуғулланиш иштиёклари баланд бўлса, улар спортга йўналтирилган университетларда таълим олишга интилишади. «Shanghai tiyu daxue» каби спортга йўналтирилган университетларда спорт турларининг хилма-хил турлари фаолият көритишади. Шунингдек, талабалар гурухи, ёшига караб турли тоифаларга бўлинади. Бундан ташкири спортга йўналтирилган университетларда назарий машгүлтлар ўтказилиб, талабалар тана тузилиши ҳақида, мушаклар ва соглом овқатланиш ва ҳ.к.лар ҳақида билимларга эга бўлишади.

Университет улкан спорт мажмуасига эга бўлиб, мажмуа футболдан тортиб стол тенисигача бўлган барча спорт турлари билан шуғулланиш имконини берувчи зарурий жиҳозлар билан таъминланган. Университетда сув ҳавзаси, тренажёр зали, спорт заллари, шунингдек, спорт майдонлари на йин майдонлари мавжуд.

Булардан ташкири яна бир қизик томони шундан иборатки, талабаларда тай-цзиц-юань гимнастикаси, қилич санъати каби факультатив машгүлтлар ҳам мавжуд. Шу билан бирга талабалар жанговар машқларни бажариш санъатини “лао-ши” (устоз) раҳбарлигида ўрганиш имконига эгалар.

Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва методикаси ривожланишининг босқичлари

Биринчи босқич

Давр: Инсон ва жамият вужудга келишидан эрамиз бошлангунга қадар (рамизнинг илк бир неча асри).

Ахамияти: жисмоний машқлар ва ilk жисмоний тарбия тизимларининг инсоннинг ҳаракат фаоллигига бўлган табии эҳтиёжи, ишааш учун кураш ва ракобат зарурияти, ўз фаолияти натижаларини таққослаш.

Босқич ҳусусияти

Ибтидоий тузум

Ибтидоий одамларнинг “машқланиш” (харакатлар тақрорланиши) қодисасини англаб етиши

Жисмоний тайёргарлиги юкори даражада бўлган қабила аъзолари ов, кундалик ҳаёт ва жангларда муваффақиятлирок эдилар, бу эса алохидә одим ва қабиланинг омон қолиши учун муҳим омиллардан бири эди.

Мехнат ва харбий фаолият учун зарур бўлган машқларни (асосан имитацион) бажариш

Мехнат фаолияти билан узлуксиз боғланган илк машқларнинг пайдо бўлиши, меҳнат ва турмуш фаолиятини юритишни таъминлашга, яъни жисмоний машқлар меҳнат фаолияти хусусиятларига эга бўлиб, инсон ва жамиятнинг омон қолиши ва фаолиятини таъминлашга йўналтирилган эди. Бизнинг давримиз нуткаи назаридан қарасак, ибтидоий одамлар бажарган машқларни шартли равишида “жисмоний” деб номлаш мумкин.

Кулдорлик тузуми

Илк жисмоний машқларнинг вужудга келиши

Жамиятда ижтимоий қатламлашиб рўй берди: турли ижтимоий гурухлар ва синфлар вужудга келди. Куллар томонидан меҳнат фаолияти амалга оширилгани туфайли, эркин одамларда омон қолишига бўлган зарурият йўқолиб, шахсий ривожланишга (мутика, адабиёт, санъат) ва шу жумладан, жисмоний ривожланишга имконият пайдо бўлди. Шу сабабли харакат амаллари аста-секин меҳнат фаолиятидан ажrala бошлади, яъни бажарилётган машқлар жисмоний машқлар кўринишига эга бўлиб борди. Ушбу машқларнинг кўпи бизнинг давримизгача етиб келди (асосан енгил атлетика): найза, диск, босқон улоқтириш, панкратион ва х.к.

Илк жисмоний тарбия тизимларининг вужудга келиши

Ўша даврнинг етакчи давлатлари – Юнонистон, Спарта, Рим империясида йигилган тажриба асосида, илмий асосланмаган илк жисмоний тарбия тизимлари вужудга кела бошлади. Шу билан бирга жисмоний тарбия тизимлари замонавий кўринишига кела бошлади: спортчиларнинг (кейинчалик профессионал), мураббийлар, табиблар, ҳакамлар, ташкилотчилар ва бошқаларнинг пайдо бўлиши. Илк спорт иншоотлари – гимназий ва стадионлар пайдо бўлди. Санъат асарларида инсоннинг жисмоний камолоти мадҳ этила бошланди.

Мусобақаларнинг вужудга келиши

Ўша даврлар давомида кўпсонли беллашувлар (ўйинлар) ўtkазила бошланди, энг машҳурлари – Олимпия ўйинлари.

Машқланишни ёшлидан бошлаш заруриятини идрок этилиши

Ўсмирларнинг жисмоний тайёргарлиги ва уларнинг Олимпия ўйинларида иштироки.

Хулосалар

Жисмоний машқлар ибтидоий жамиятда инсон ва жамият жисмоний омон қолишининг зарурий омили сифатида вужудга келди.

Биринчи босқич давомида жисмоний машқлар меҳнат амалларидан ажrala борди, бу эса жамиятнинг муҳим ютуғи, жисмоний тарбия тизими вужудга келиши ва ривожланишининг шарти бўлиб хизмат килди.

Илк жисмоний тарбия тизимларининг вужудга келиши, айниқса Қидимги Юнонистонда (хаттоғи ҳозирги кун нуктаи назаридан ҳам ширни ривожланган деб аташ мумкин).

Иккинчи босқич

Давр: Уйғониш давридан, 19-асрнинг иккинчи ярмига қадар

Ахамияти: Ривожланган Европа давлатларида жисмоний тарбия тизимларининг вужудга келиши ва ривожланиши замонавий жисмоний тарбия тизимлари учун асос бўлди, илк спорт турларининг пайдо бўлиши, жисмоний тарбия педагогиканинг муҳим таркибий қисми сифатида тан олинниши.

Босқич ҳусусияти

Ушбу давр жисмоний тарбия тизимларининг вужудга келиши билан тавсифланада

Дастлабки шарт

Черковда ислоҳотлар сабаб, инсонларнинг черков ва диний ақидаларга муносабати ўзгариб борди, инсон ҳаёти, унинг бетакрорлиги, унинг жисмоний саломатлигининг олий қадрият сифатида тан олинди.

Ишлаб чиқаришнинг гуркираб ривожланиши ва капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши жисмонан соғлом инсонларни (шу жумладан, болаларни) ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат килиш учун тийёрлашни талаб қиларди.

Географик кашфиётлар ва ривожланган Европа мамлакатлари — Англия, Испания, Португалия томонидан мамлакатлар ва китъаларни мустамлакага айлантириш бошланди.

Амалга ошириш

Черковнинг илм-фан, инсонлар онги ва жамият ривожига тиъсирининг сусайиши

Европанинг ривожланган мамлакатларида инсон саломатлиги ва унинг ҳаётига олий қадрият сифатида караш асносида, аста-секин инсонларда онги онг шаклланиб борди, бу эса жисмоний тарбиянинг ривожланишига ижобий таъсир қилди. Инсон организми тұғрисидаги бошланғич илмий олиллар пайдо бўлди.

Педагогикага жисмоний тарбия фанининг киритилиши

Уша даврнинг илғор олимлари ва мутафаккирлари томонидан (Ж.Руссо, Г.Спенсер, Фит, И Гутс-Мутс, М.Тирш, Я.Линг, Г.Демени, Г.Арнолд, Я.Коменский, Р.Баден – Паузл ва бошқалар) йұналтирилган жисмоний тарбияни мактаб таълим-тарбия тизимиға киритиш зарурияти тан олинди. Жисмоний машклар мактабларга (асосан үйинлар түрнишида) киритила бошланди.

Жисмоний тарбияга бағишиланган дастлабки илмий ишларнинг пайдо булиши

Европанинг ривожланган мамлакатларида бошланғич услугубий билимлар асосида ёритилган, йўналтирилган жисмоний тарбия жараёнинг оид дастлабки илмий ишлар ва бошқа адабиёт манбалари чиқа бошлади.

Биринчи жисмоний тарбия тизимларининг пайдо булиши

Европанинг ривожланган мамлакатлари — Германия, Англия, Франция, Швеция, Чехияда гимнастикага асосланган (швед, олмон, чех) ва миллий хусусиятларға эга дастлабки жисмоний тарбия тизимлари пайдо бўлди.

Илк спорт клублари ва ташкилотлари пайдо бўлди, мусобақалар ўтказила бошланди.

Антик Олимпия ўйинларини кайта тиклаш тўғрисидаги фикрларнинг билдирилиши ва илк уринишлар шу даврга тўғри келади.

Хулосалар

Черков таъсириининг сусайиши ва одамлар онгининг ўзгариши, Европанинг ривожланган мамлакатларида дастлабки жисмоний тарбия тизимларининг пайдо булиши учун туртки бўлди, жисмоний машқларнинг меҳнат фаолиятидаги ҳаракат амалларидан ажralиб бориши якунланди, аста-секин жисмоний машқлар мактаб таълим-тарбия тизимида киритила бошланди.

Учинчи босқич

Давр: 19-асрнинг иккинчи ярмидан хозирги вактга қадар.

Аҳамияти: Жисмоний тарбиянинг алоҳида илмий фан сифатида ажralиб чиқиши.

Босқич хусусияти

Ушбу давр жисмоний тарбия тизимининг гуркираб ривожланиши билан тавсифланади ва ушбу жараён хозирги вактга қадар давом этмоқда.

Европанинг ривожланган мамлакатларида жисмоний тарбия ва спортнинг гуркираб ривожланиб борди. Кўпсонли одамлар тизимли жисмоний машғулотларга жалб этила бошланди.

Биринчи спорт турларининг пайдо булиши

Гимнастика, спорт ўйинлари, енгил атлетика, чанғи спорти, яккакурашлар, спорт турлари бўйича миллий ва халқаро федерациялар яратилиши, ички ва халқаро мусобақаларнинг ўтказилиши.

Олимпия ўйинларининг қайта тикланиши

Замонавий Олимпия ўйинларининг вужудга келиши, ушбу ўйинлар обрўий ҳамда, Халқаро Олимпия ҳаракати иштирокчи-мамлакатлар сонининг тобора ортиб бориши.

Жисмоний тарбиянинг алоҳида илмий соҳа сифатида, назарий асосларининг ривожланиши

Умуман, инсон ва алоҳида жисмоний тарбия тұғрисида илмий билимларнинг пайдо булиши ва гуркираб ривожланишида рус олимлари (асосан физиологиядан) И.Павлов, И.Сеченов, И.Введенский, А.Ухтомский, П.Анохинларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Жисмоний тарбия тизимининг давлат миёсида ташкил этилиши

Ҳозирги вактда деярли барча дунё мамлакатларида жисмоний тарбия ва спорт давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Жисмоний маданият ва спортни ташкил этиш ва бошқариш, спортчиларни ва жисмоний тарбия мутахассисларини тайёрлаш, молиялаштириш ва бошқа ишлар давлат томонидан амалга оширилмоқда.

Хулосалар

Замонавий жамиятни ривожланган жисмоний тарбия тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди, ўсиб келаётган ёш авлодни тұлақонли тарбиялаш эса йўналтирилган жисмоний тарбиясиз — деярли имконсиз.

Жисмоний тарбия ва спорт тизимининг замонавий ривожланиш даражаси, шубҳасиз кўп асрлик жамият ривожланиши натижаси ва ютугидир.

Назорат саволлари:

1. XVIII асрдан ҳозирги вақтгача хорижий жисмоний маданият ва спорт тизимлари хусусиятини очиб беринг.
2. Янги давр мактаб жисмоний тарбиясининг мазмунини ёритинг.
3. Янги даврнинг йирик буржуа гимнастик тизимларининг хусусиятларини ёритинг.
4. Таълим муассасаларида замонавий чет эл жисмоний тарбия тизимлари хусусиятини очиб беринг.
5. АҚШ ва Буюк Британияда жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.
6. Германия ва Францияда жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.
7. Италияда жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.
8. Финляндия жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.
9. Бразилия ва Марокашда жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.
10. Бельгия ва Грецияда жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.

хусусиятларини ёритинг.

11. Португалияда жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.

12. Австрияда жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.

13. Япония ва Хитойда жисмоний тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.

14. Жисмоний тарбия ва спорт назарияси ва методикаси ривожланишининг боскичлари ва уларнинг хусусиятини очиб беринг.

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ҲАМДА ВАЗИФАЛАРИ

Жисмоний маданият назарияси ва методикаси – илмий ва ўкув фан сифатида

Жисмоний маданият назарияси ва методикаси ўкув фани сифатида жисмоний тарбия, жисмоний маданият ва спорт бўйича мутахасисларни тайёрлашда ҳамда маҳсус билим олишда асосий фан бўлиб ҳисобланади.

Педагогика университетларининг жисмоний маданият факультетлари ва жисмоний тарбия институтларининг турли йўналиши ўкув режаларида бу фан жисмоний маданият назарияси ва методикаси, жисмоний маданият ва спорт ҳакидаги билимларни тизимли равишда ўзлаштириш имконини беради.

Жисмоний маданият назарияси ва методикаси – олий маълумотли жисмоний маданият мутахассисининг касбий тайёргарлиги тизими учун асосий касбий фан ҳисобланади. Бу фан ўзининг мазмуни ва моҳияти орқали талабаларга зарурый даражада жисмоний тарбия мутахассиси касбий фаолиятининг рационал йўллари, методлари ва усуллари ҳакида ишарий ва услубий билимлар билан таъминлашга, ушбу фаолиятнинг тузилиши ва мазмуни ичida жисмоний тарбиянинг таълимиy, тарбиявий иш согломлаштирувчи вазифаларни муваффакиятли амалга ошириш усулларини очиб беришга қаратилган.

Унинг мазмуни

Маданият назарияси ва методикаси асослари	Мактабгача тарбия муассасаларда жисмоний тарбия	Умумтаълим мактабларда жисмоний тарбия	Академик лицейларда жисмоний тарбия	Касб-хунар коллажларида жисмоний тарбия	Катта ва кекса ёпдаги кишилар жисмоний тарбияси	Харбий хизмат ва флотда жисмоний тарбия	Кунгилли спорт машрутлари
---	---	--	---	---	---	---	------------------------------

Жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанининг пайдо булиши ва ривожланиши манбалари:

1. Жамоавий ҳаёт амалиёти. Жамиятнинг яхши жисмоний тайёргарликга эга бўлган инсонларга бўлган эҳтиёжи жисмоний тарбия конуниятларини ўрганиш ва улар асосида инсон жисмоний камолотини бошкарувчи тизимни қуришга бўлган интилишни келтириб чиқарди.

2. Жисмоний тарбия амалиёти. Айнан мана шу амалиётда назарий билимларнинг ҳаётийлиги текширилади, янги ва оригинал ғоялар вужудга келади, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси янги гоявий ишланмалар билан бойитилишига туртки бўлади.

3. Илғор ғоялар. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ғояси моҳияти ва йўллари ҳакида турли замон ва мамлакат файласуфлари, педагоглари, ҳакимлари билдирган прогрессив ғоялар.

4. Хукумат қонун ва қарорлари. Хукуматнинг мамлакатда жисмоний маданиятнинг ахволи ва такомиллаштириш йўлларига оид қонунлар, қарорлар ва фармойишлар.

5. Тадқиқот натижалари. Нафақат жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, балки бошқа алоқадор фанларда амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари. (Б.А.Ашмарин, 1990)

Жисмоний маданият – шахснинг умумий маданияти таркибий қисми сифатида

Маданият	
Онг маданияти	Визуал маданият
	Ижтимоий маданият
	Маънавий маданият
	Рухий маданият
	Жисмоний маданият
Фаолият маданияти	



Жисмоний маданият тушунчасининг таркибий қисмлари

ШАХСНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ
 (М.Я.Виленский ва Г.М.Соловьёва манбалари бўйича, 2001)

№ н/р	Асосий тузилмаси	Сифатларнинг таркибий қисмлари	Сифатларнинг аломати
1	Билимлар ва интеллектуал қобилиятлар	Ҳажм	Билимдонлик
		Илмийлик	Мавҳумлик даражаси Асосланганлик
		Идроклилилк	Идроклилилк даражаси Кӯчиш даражаси Тушунтиришга бўлган қобилият
		Малакалар	Ўзлаштирилганлик даражаси
2	Жисмоний камолот	Жисмоний ривожланиш	Морфофункционал курсатгичлар Функционал аломатлар Психомоторика Жисмоний қобилиятлар
		Ҳаракат малакалари, Онг назорати	Ўзлаштиришнинг репродуктив даражаси
		Ҳаракат қўнималари	Ўзлаштиришнинг продуктив даражаси Аниқлик Автоматлашганлик Ишончлилик
		Жисмоний тайёрланганлик	Эталон Натижа Динамика
		Мотивлар	Ижтимоий аҳамиятли Касбий аҳамиятли Шахсий аҳамиятли
3	Мотивацион- кадриятили йўналиш	Қизикишлар	Спорт Жисмоний маданият ва соғломлаштирувчи ЖМ
		Ўрнатмалар	Мақсадга эришиш даражаси Ирода кучи Собитқадамлик
		Эътиқодлар	Идроклилилк даражаси
		Эҳтиёжлар	Ўзини рўёбга чикариш Ижтимоий муносабатлар

			Хавфсизлик Физиологик
4	Ижтимоий-ахлоқий кадриятлар	Маънавият	Жисмоний-спорт этика ва маданияти
		Эстетика	Гӯзаликни хис қилиш Чиройни хис қилиш
		Меҳнатга муносабат	Меҳнатсеварлик
		Дунёкараш	Билим ва эътиқодларнинг илмийлиги даражаси
		Соғлом турмуш тарзи	Ёмон одатлардан воз кечиш Тизимлилик Илмий асос
5	Жисмоний маданият ва спорт фаолияти	Спорт Соғломлаштириш Амалийлик Таълимийлик Ташвиқотчилик Ташкилотчилик Ҳакамлик Йўриклилик Ўзининг мукаммалигига интилиш	Кўллаш частотаси Вакт сарфи Ютуклар даражаси Динамика

Жисмоний тарбиянинг бошқа тарбия турлари билан алоқадорлиги

Тўлақонли жисмоний тарбияни факатгина бошқа тарбия турлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин.

Ақлий тарбия

Бевосита алоқа: жисмоний машғулотлар жараёнида когнитив (билиш) вазиятларни яратиш, муаммоли вазиятларни ҳал этишда ижодий фикрлашни ривожлантириш, жисмоний маданият соҳасига оид назарий билимларни бериш ва уларни амалиётда кўллаш малакаларига эга қилиш.

Билвосита алоқа: саломатликнинг мустаҳкамланиши ва жисмоний ривожланиши инсоннинг нормал ақлий ривожланишига кўмаклашади.

Ахлоқий тарбия

Тўғри ташкил этилган жисмоний тарбия, ахлоқий тарбиянинг шаклланишига олиб келади, ахлоқий тарбия асосида эса инсоннинг шахсий фазилатлари шаклланади.

Эстетик тарбия

Жисмоний машғулотлар жараёнида эстетик дид ривожланади. Шу билан бирга жисмоний тарбия инсон эстетик идеалининг таркибий қисми

хисобланади.

Мехнат тарбияси

Жисмоний тарбия мехнатсеварлик ва катъиятлиликтининг ривожланишига кўмаклашади. Масалан, педагогнинг спорт анжомлари ва жихозларини жой-жойига қўйиш ва созлаш бўйича топширикларини бажариш орқали болаларда бошлангич меҳнат малака ва кўникмалари шаклланади.

Жисмоний тарбия ҳаракат малакалари ва кўникмалари инсоннинг жисмоний қобилиятларини ривожлантирувчи педагогик жараён сифатида

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Хар томонлама гармоник ривожланган, жисмонан соглом, жисмоний камолотга ёришган, ижтимоий фаол шахсни тарбиялашти каратилган педагогик жараён бўлиб, ўзида ҳаракатларни (ҳаракат амалларини) ўргатиш ва жисмоний қобилиятларни (ривожланишини бошқариш) тарбиялашни мужассамлаштирган.

ЖИСМОНИЙ ТАЪЛИМ

Жисмоний машқларни бажаришга оид маҳсус назарий билимлар ва уларни лозим булгандага турмушда кўллаш махорати ва кўникмаларини ўз ичига олади.

ЖИСМОНИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

-Меърланган функционал юкламалар ёрдамида инсон жисмоний қобилиятларини ривожлантириш максадида таъсир кўрсатиш.

Спорт ҳаракат малака ва кўникмаларини шакллантириш

Ҳаётий зарур ҳаракат малакалари ва кўникмаларини шакллантириш

Жисмоний маданиятга оид маҳсус назарий билимларни шакллантириш

КУЧ

ТЕЗКОРЛИК

ЧИДАМЛИК

ЧАҚҚОНЛИК

ЭГИЛУВЧАНЛИК

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича педагогнинг ўкув фаолияти технологияси

Ўкув фаолияти технологияси – бу ўкув воситаларини танлаш, жойлаштириш ва фойдаланиш тартибини белгилайдиган методологик ва ташкилий-услубий асослар йигиндисидир.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича педагог ўкув фаолияти технологиясининг мазмуни

Тарбия стратегияси	Тарбия тактикаси	Тарбия техникаси	Тарбия методлари
Тарбиянинг бош режасини, истиқболи ва тарбия максадларига эришиш режасини белгилайди	Тарбия стратегиясига мувофик ўкув фаолиятини ташкил этиш тизимини белгилайди.	Педагогнинг касбий фаолиятида педагогик воситаларни кўллаш бўйича усуllар ва бошқа амаллар йигиндисини ўз ичига олади.	Педагогик максад ва вазифаларга эришиш учун шогирдларга педагогик таъсир этиш йўллари: ишонтириш, машқ, рағбат, жазо, кўргазма методлари.
Тарбия воситалари – бу ўқитувчининг тарбияланувчиларга таъсир этиш учун кўллайдиган барча нарсалар: сўз, шахсий намуна, кўргазмалик (фото ва видео материаллар, спорт ва бошқа тадбирларни томоша килиш ва ташриф этиш), клуб, мактаб ва бошқа жойларда, маросим ва анъаналар.		Тарбия усуllари (приёмлари). Улар тарбия методларига бўйсунади ва алоҳида тарбия воситаларини кўллашнинг алоҳида ҳолати хисобланади.	

Жисмоний тарбия бўйича педагог томонидан ижро этиладиган роллар

Мураббийлик фаолиятига спорт вазифаларини қўйиш ва натижани Узартиришга йўналтирилган машкларни тушунтиришдан иборат фаолият тури сифатида караш мумкин. Бироқ тажрибали мураббийларнинг тъкидлашича, бу мураббийлик фаолиятининг биргина жиҳати хисобланади. Ўқитувчи ўз фаолияти давомида қўплаб мажбурият ва вазифаларни амалга ошириши лозим. Баъзи вазифаларни бажариш кийинчилик туғдирмаса, баъзиларини бажаришга истак бўлмаслиги мумкин, аммо бу вазифаларни ҳам бажариш мухимдир. Бу фаолият турларининг барчаси мураббийнинг муваффакиятига хисса қўшади.

Педагог томонидан ижро этиладиган роллар

- ўқитувчи – янги билимларни, ўз маҳорати ва гояларини бериш орқали;
- мураббий – тайёргарликнинг барча турларини такомиллаштириш орқали;
- йўрикчи – турли фаолият турлари ва машғулотларни бошқариш орқали;
- мотиватор – ўқувчиларда машғулотга нисбатан ижобий ва қатъий ёндашувни яратиш;
- тарбиячи – спортчиларга ўз-ўзини назорат қилишни ўрганиш учун шароитлар яратиш;
- маъмур – хужжатлар билан боғлиқ ишларни бажариш орқали;
- реклама – Ўзининг спорт турини жамиятда ва имкони борича ОАВда тарғиб қилиш;
- ижтимоий ходим – шогирдларга маслаҳат ва тавсиялар бериш орқали;
- дўст – кўллаб-куватлаш орқали;
- олим – муаммоларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва ҳал қилиш орқали;
- шогирд – тинглашга, ўрганишга ва янги билимларни излашга доимо тайёр бўлиш орқали.

Назорат саволлари:

1. Жисмоний маданият назарияси ва методикасининг илмий ва ўқув фанни сифатида мазмунини ёритиб беринг.
2. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши маъбаларини санаб беринг.

3. Жисмоний маданият тушунчасининг таркибий кисмларини санаб ўтинг.
4. . Жисмоний маданиятнинг жамият хаётида тутган ўрнини асослаб беринг.
5. Жамиятнинг жисмоний маданият соҳасига бўлган эҳтиёжларини санаб ўтинг.
6. Шахснинг жисмоний маданияти элементларини очиб беринг.
7. Жисмоний тарбиянинг бошқа тарбия турлари билан алокасини очиб беринг.
8. Замонамизнинг жисмонан баркамол инсоннинг энг муҳим курсат-кичларини санаб ўтинг.
9. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти фанининг жисмоний маданият факультети талабалари ва битирувчилари учун аҳамияти.
10. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича педагогнинг ўкув фаолияти технологияси мазмунини очиб беринг

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ
МАДАНИЯТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШИННИГ УМУМИЙ
ТАВСИФИ**

Жисмоний маданият назарияси ва методикаси курсида учрайдиган дастлабки асосий тушунчалар

Ҳар кандай фанин ўрганиш, одатда, унинг тушунчалар аппарати, яъни, фаннинг ўзига хос, касбий атамалар ва тушунчаларини ўзлаштиришдан бошланади

Тушунча	<ul style="list-style-type: none"> – бу инсон тафаккурининг асосий шакли булиб, у ёки бу атаманинг бир маънода изоҳлайди ва таърифланаётган объектнинг (ҳодисанинг) энг муҳим томонларини, хусусиятларини ёки белгиларини ифодалайди.
Жисмоний маданият ва спорт назарияси	<ul style="list-style-type: none"> – инсонни тарбиялашнинг умумий тизимига киритилган педагогик жараён сифатида, жисмоний тарбиянинг шакли, мазмун-моҳияти, тузилишининг умумий қонуниятларини ўрганувчи фандир. Инсонни ҳар томонлама гармоник ривожлантиришга каратилган жисмоний маданият соҳасидаги илмий билимлар тизимиdir.
Жисмоний маданият	<ul style="list-style-type: none"> – жамият аъзолари жисмоний камолотга эришишини максадга мувоғиқ равишда амалга ошириш учун маҳсус воситалар, методлар ва шароитларни яратиш ва улардан рационал фойдаланиш буйича эришилган ютукларнинг мажмуасидир; - шахс ва жамият маданиятининг бир кисми булиб, жамият аъзоларининг жисмоний камолотга эришишлари учун яратилган ва фойдаланиладиган моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир. (Б.А. Ашмарин, 1999).
Спорт	<ul style="list-style-type: none"> – шахс ва жамият маданиятининг маҳсус фаолияти хисобланиб, ракобат ва беллашув шароитида инсоннинг ҳаракат имкониятларини очишга йўналтирилган жараёндир; – жисмоний маданиятининг таркибий кисми хисобланиб, мусобақа фаолияти, мусобақаларга маҳсус тайёрланиш ва шахслараро ўзига хос муносабатлардир.
Жисмоний тарбия	<ul style="list-style-type: none"> – бу ҳар томонлама гармоник ривожланган, жисмонан соғлом, жисмоний камолотга эришган, ижтимоий фаол шахсни тарбиялашга каратилган

	<p>педагогик жараён булиб, ўзида харакатларни (харакат амалларини) ўргатиш ва жисмоний қобилияtlарни (ривожланишини бошқариш) тарбиялашни мужассамлаштирган;</p> <p>– бу тарбия фаолияти тури ҳисобланиб, специфик хусусияти булиб, инсоннинг ҳар томонлама гармоник ривожлантириш мақсадида жисмоний маданият воситаларидан фойдаланишини бошқариш жараёнидир.</p>
Жисмоний таълим	<p>– жисмоний машқларни бажаришга оид маҳсус назарий билимлар ва уларни лозим бўлганда турмушда кўллаш маҳорати ва кўнукмаларини ўз ичига камраб олади.</p>
Жисмоний тайёргарлик	<p>– аниқ бир касбий ёки спорт фаолияти учун зарур бўлган ҳаракат кўнукмаларини шакллантириш ва жисмоний қобилияtlарини (сифатларини) ривожлантириш жараёнидир.</p>
Жисмоний тайёргранганик	<p>– жисмоний тайёргарлик натижаси булиб, эришилган ишчанлик қобилияти, жисмоний сифатларнинг ривожланганик даражаси ва ҳаётйи зарур, амалий малака ва кўнукмаларнинг шаклланганик даражасида намоён бўлади.</p>
Жисмоний ривожланиш	<p>– инсон организмининг индивидуал ҳаёти давомида морфофункционал ҳолатининг табиии ҳолда ўзгариши жараёнидир.</p>
Умумий жисмоний тайёргарлик	<p>– турли фаолият турларида муваффакиятга эришишнинг дастлабки шарти булиб, жисмоний ривожланиш даражасини, кенг қамровли ҳаракат тайёргарлигини оширишга йўналтирилган тайёргарликдир.</p>
Махсус жисмоний тайёргарлик	<p>– ихтинослаштирилган жараён булиб, инсоннинг ҳаракат қобилияtlарига маҳсус талаблар кўядиган, аниқ бир фаолият турида (касб, спорт тури ва ҳ.к.) муваффакиятга эришишга кўмаклашувчи тайёргарлик туридир.</p>
Жисмоний камолот	<p>– тарихан белгиланган ва ҳаётйи талабларга оптималь тарзда мувофиқ бўлган инсоннинг идеал жисмоний ривожланганик ва тайёргранганикдир.</p>
Тизим	<p>– (“система” грекча сўздан олинган б-б, – “кисмлардан иборат” маъносини беради) – бу, аниқ бир конуниятлар асосида жойлашган ва ўзаро алокада бўлган кисмларнинг умумийлигидир.</p>

Жисмоний тарбия тизими	<ul style="list-style-type: none"> – бу инсонларни жисмоний камолотини таъминлаш ва соглом ҳаёт тарзини шакллантириш учун, ўзида маънавий, назарий-услубий, дастурий-меъёрий ва ташкилий асосларни мужассамлаштирган жисмоний тарбиянинг тарихан шаклланган, ижтимоий амалиёт турига айтилади; – деганда, жисмоний тарбиянинг тамойиллари, воситалари, методлари ва уларни ташкил этиш шаклларининг шундай умумийлиги тушунилади, у жамият аъзосини ҳар томонлама гармоник ривожланишишнинг максад ва вазифаларига мос бўлсин; - шахснинг жисмоний маданиятини шакллантиришга йўналтирилган, ижтимоий ташкилотни ифодалайди.
Жисмоний тарбия тизими-нинг максади	<ul style="list-style-type: none"> – шахснинг жисмоний маданиятини шакллантиришдир.
Жисмоний рекреация	<ul style="list-style-type: none"> – жисмоний маданиятнинг бир тури бўлиб, одамларнинг фаол дам олишлари, ушбу жараёндан кайфиятларини кўтаришлари, бир фаолият туридан бошқасига ўтишлари, меҳнат, турмуш, спорт ва ҳарбий фаолиятлардан чалғиши максадида жисмоний машқлар ва спорт турларининг енгиллаштирилган шаклларидан фойдаланиш.
Жисмоний реабилитация	<ul style="list-style-type: none"> – жисмоний маданиятнинг бир тури бўлиб, кисман ёки вактинчалик йўқотилган харакат кобилиятларини кайта тикилаш, жароҳатларни даволаш ёки олдини олиш учун жисмоний машқлардан маъсадли фойдаланиш жараёнидир.

Жисмоний тарбия тизимишнинг бўғимлари (звеноюари)

Жисмоний тарбия тизими бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган бўғимларга бўлинниб, ҳозирги кунда ҳам тарбия жараёнининг турли пастурларининг бажарилиши шу бўғимларда амалга оширилмоқда:

- а) мактабгача таълим (давлат ва надавлат мактабгача тарбия болалар муассасалари) бўғими;
- б) мактаб ёшидагилар жисмоний тарбияси (умумий ўрта таълим 1-11-сinfлар) бўғими;
- в) ўрта-махсус, касб-хунар таълими (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари) бўғими;
- г) олий таълим бўғими;

- д) армия бўгими;
е) олий таълим ва армиядан сўнгги ҳавасмандлик асосидаги жисмоний тарбия бўгими.

Назорат саволлари:

1. Жисмоний маданият нима?
2. Жисмоний тарбия тушунчасига таъриф беринг.
3. Жисмоний таълим деганда нимани тушунасиз?
4. Спорт деганда нимани тушунасиз?
5. Жисмоний тайёргарлик нима ва унинг натижасида нимага эришилади?
6. Умумий жисмоний тайёргарлик нима?
7. Махсус жисмоний тайёргарлик тушунчасига таъриф беринг.
8. Жисмоний ривожланиш жараёни қандай кўрсатгичлар билан тавсифланади?
9. Жисмоний камолот деганда нимани тушунасиз?
10. Жисмоний рекреация деганда нимани тушунасиз?
11. Жисмоний реабилитация деганда нимани тушунасиз?
12. Жисмоний тарбия назарияси қандай фанлар туркумига киради?
13. Жисмоний тарбия назарияси фани ўзида қайси фанларни мужассам этган?
14. Жисмоний тарбия тизими деганда нимани тушунасиз?
15. Жисмоний тарбия тизимининг мақсади нимадан иборат?
16. Жисмоний тарбия тизими вазифаларига таъриф беринг.
17. Жисмоний тарбия тизими звеноларини санаб беринг.
18. Жисмоний тарбия тизими тушунчасига нималар киради?
19. Таълим бериш вазифаси моҳиятини очиб беринг.
20. Тарбиялаш вазифаси моҳиятини очиб беринг.
21. Соғломлаштириш вазифаси моҳиятини очиб беринг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ БҮЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жисмоний маданият ва спорт бўйича қабул қилган ҳужжатлар

1. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни.
2. “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2017 йил 3 июнь, ПҚ-3031-сон.
3. “Юкумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кўллаб-куватлаш ва ахолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2018 йил 18 декабрь, ПҚ-4063-сон.
4. “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб килиш ва ахолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2019 йил 29 инварь, 65-сон.
5. “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2019 йил 13 февраль, 118-сон.

Жисмоний тарбия ва спорт ривожининг мустаҳкам ҳукуқий асоси

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўтган давр мобайнида мазкур соҳани ҳар томонлама кўллаб-куватлашга каратилган ташкилий-ҳукукий асослар иратилиб, республикамиз ҳудудларида замон талабларига мос спорт инфратузилмасини шакллантириш, ахоли кенг қатлами, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб килиш бўйича кўлами ҳамда иҳамияти жиҳатидан жуда кўп ишлар бажарилди.

Ўз навбатида, Биринчи Президентимиз ташаббуси билан йўлга кўйилган, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг узвий ва муҳим бўлаги ҳисобланган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада мусобақалари, шунингдек, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани соҳа тараккиётида янги боскични бошлаб берган эди. Спортнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги эзгу сайд-харакатлар изчил давом итирилаяпти.

Албатта, мазкур жараёнда ҳаётга татбиқ қилинган қатор ҳукуқий ҳужжатлар, хусусан, 1992 йилда қабул қилиниб, 2000 йилда Янги

тахрирда кучга киритилган “Жисмоний тарбия ва спорт түғрисида”ги, 2010 йилдаги “Спортда допингга карши кураш түғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳакида” ги конунулар, Президент фармон ва қарорлари пойdevor вазифасини үтамоқда.

2015 йил 4 сентябрда парламентимиз томонидан “Жисмоний тарбия ва спорт түғрисида”ги Конун Янги таҳрирда кабул қилиниб, Биринчи Президентимиз томонидан имзоланганди ҳамда расмий эълон қилиниб, кучга киритилганди.

Бу-қонун илк бор 2000 йилда такомиллаштирилганидан сўнг ўтган давр мобайнида белгиланган нормалар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-хукукий хужожатларни амалда кўллаш юзасидан муайян тажриба тұпланди.

Соҳадаги конуности хужожатлари инвентаризация қилинганида, унда конун даражасида мустаҳкамланиши лозим болған бир қатор жиҳатлар мавжудлиги аникланди. Шунингдек, асосий тушунчалар, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси фаолиятини ташкил этишини индивидуал ҳамда дифференциал тартибга солиш, миллий спорт турлари ва ўйинлари, аҳолини жисмоний тарбия ҳамда спортга оммавий жалб қилиш, соҳани давлат томонидан кўллаб-куvvатлаш тизимини хукукий жиҳатдан янада такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Бундан ташқари, таҳлиллар унинг айрим моддалари амалиётда етарлича самара бермаётганини курсатди. Шу билан биргага, сўнгги йилларда юртимизда жисмоний тарбия ва спортни изчил ривожлантириш мақсадида қатор норматив-хукукий хужожатлар кабул қилинди, бу, албатта, конунни маромига етказишини тақозо этди.

Ана шулардан келиб чиқиб, парламент аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассислар, эксперталар, хукукшунослар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига қонун лойихаси ишлаб чиқилиб, атрофлича муҳокама қилинди, ривожланган давлатлар тажрибаси қиёсий таҳлилдан ўтказилди. Бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар, имконияти чекланганларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб қилиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий ҳамда самарали спорт инфратузилмасини, унинг моддий-техник базасини шакллантириш, таълим ва тиббиёт таъминотини тартибга солиш, юқори тоифали спортчилар тайёрлаш, миллий спорт турларини ривожлантириш, допинг билан курашишини кучайтириш каби мухим масалалар камраб олинди. Пировардидә бугунги кун талабларига мос келадиган Янги таҳрирдаги конун ҳаётга татбиқ этилди.

Таъкидлаш жоизки, унда жисмоний тарбия ва спортни давлат томонидан бошқаришга ваколатли органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи

Бошқариш идоралари ўртасида ваколатларни тақсимлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мийкамаси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат күмитаси ҳамда маҳаллий давлат органлари ваколатлари кенгайтирилди. Ўт навбатида, Соғликни сақлаш, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Ҳалқ тиљими вазирликлари ваколатлари алоҳида моддаларда белгилаб ўйнildи. Шулар каторида таълим соҳаси, фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ва дам олиш жойларида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги моддалар Биринчи Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июнданги “Қувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобакалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, “Калрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларидан келиб чиқиб, қайта ишланди ва кенгайтирилди.

Миллий спорт турлари ҳамда ҳалқ ўйинларини янада ривожлантириш миқатаси Қонунда алоҳида модда сифатида киритилди. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари ҳамда бошқа муассасаларнинг мазкур йўналиш тараккиётига қўмаклашиши, барча шарт-шароитни яратиши, ҳалқаро майдонда Ўзбекистон миллий спорт турлари ҳамда ҳалқ ўйинларининг обрўсини мустаҳкамланашга эътибор қаратиши зарурлиги белгиланди.

Янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунда бу миқатлар ўз ифодасини топган. Жумладан, унда мамлакатимиз томонидан речтификация қилинган БМТнинг “Спортда допингга қарши кураш чиқида”ги Конвенцияси низомларидан келиб чиқиб, жаҳон тажрибаси таҳлили асосида, спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши куришиш қоидалари, чоралари, допинг назорати ўтказилиши тартиби билгиланган.

Колаверса, жисмоний тарбия-согломлаштириш ва спорт иншоотлари филиалиятини янада такомиллаштириш, уларни сифатли спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлашга қаратилган нормалар киритилган. Ҳусусан, спорт иншоотларининг намунавий штат бирликларини ўрнатиш нормативлари ва талаблари, ижара ҳакини ҳисоблаш методикалари, уйлардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбик ташкиниши хукукий жиҳатдан мустаҳкамланган. Киритилган янгиликларда тиљим дастурлари доирасида қўшимча жисмоний ва спорт майдонларини ўтказиш, болалар ҳамда ёшларнинг жисмоний

тайёргарлиги ва ривожланишини ҳар йили мониторинг қилишни йўлга қўйиш, болаларда ўз соғлиғи, ота-оналарда фарзандларининг жисмоний тарбиясига масъулиятли муносабатни шакллантириш, навқирон авлодда маънавий ва жисмоний комилликка интилиш тушунчасини мустаҳкамлаш, уларни зарарли одатларнинг салбий таъсиридан химоя қилиш каби жихатлар ҳам ўз ифодасини топган.

Айни пайтда Конунда соҳа мутахассислари фаолиятини ташкиллаштириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, спортчи, тренер ва ҳакамларнинг маълумоти, иш стажи, касбий тайёргарлиги даражасига боғлиқ ҳолда спорт унвонлари, спорт разрядлари ва малака тоифалари тизими киритилди. Спорт унвонлари ва тоифаларини бериш тартиби, меъёrlар ҳамда талаблар, уларни бажариш шартлари, жаҳон амалиётida тўпланган тажриба ва ютукларнинг соҳага татбик қилинишига ҳам эътибор каратилган.

Янги таҳирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Конун ижросини тўлақонли бажариш мақсадида хукуматимиз, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, барча тегишли ташкилотлар ҳамкорлигига аввало, унинг мазмун-моҳиятини ахолига атрофлича тушунтиришга алоҳида эътибор каратиласпти. Бундан ташкари, тегишли давлат ҳокимияти органлари жисмоний тарбия ва спорт йўналишида қабул киlgан барча меъёрий-хукукий хужжатларни қайта кўриб чиқиб, янги Конун талабларига мувофиқлаштиrmокда. Спорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида бу жараёнга иктисолиётимизнинг барча соҳаси вакилларини кенгрок жалб қилиш чоралари кўрилаётир. Ўз навбатида, соҳадаги илмий, оммабоп, ёшлар, болаларга йўналтирилган қизикарли адабиётлар, даврий газета ва журнallар, методик қўлланмаларни яратиш, улар билан барча ўкув муассасаларини таъминлаш белгилаб берилди. Шулар қаторида мутахассислар малакаси ва касбий маҳоратини нафакат юртимиз, балки илфор хорижий давлатларда ошириб бориш масаласи ҳам назарда тутилган. Спортчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича изчил чоралар кўриш, хусусан, спорт турларига қараб имтиёзли нафақага чиқиш, ойлик маошларини белгилаш, федерацияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ишига кўмаклашиш, илмий тадқиқотларни кучайтириш мақсад қилинган.

Умуман, Янги таҳирдаги конуннинг изчил ижроси республикамизда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, эзгу мақсадимиз бўлган соғлом авлодни вояга етказиш, иктидорларни аниқлаш, терма жамоалар заҳирасини шакллантириш, энг нуфузли халқаро мусобакалар, Олимпиада йўинларида Ўзбекистон спортчиларининг муносаби иштирок этишини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

2015 йил 4 сентябрда тасдиқланган Янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

1-боб. Умумий қоидалар

- 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади.
- 2-модда. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.
- 3-модда. Асосий тушунчалар.
- 4-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.
- 5-модда. Жисмоний тарбия ва спорт субъектлари.

2-боб. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

6-модда. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришини давлат томонидан куллаб-кувватлаш.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари.

8-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги маҳсус ваколатли шинлат органининг ваколатлари.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари.

12-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари.

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда иштирок этиши.

3-боб. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни ташкил этиш

14-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислар.

15-модда. Ҳаваскорлик спорти ва профессионал спорт.

16-модда. Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги якка тартибдаги тадбиркорлик.

17-модда. Ўзбекистон Олимпия харакати. Ўзбекистон Миллый олимпия кўмитаси.

18-модда. Спорт федерациялари (уюшмалари).

19-модда. Спорт федерациялари (уюшмалари) реестри.

20-модда. Ўзбекистон миллый спорт турлари ва халқ ўйинлари.

21-модда. Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этиш ҳамда

Ўтказиш.

22-модда. Спорт турларини ва спорт турининг тармокларини эътироф этиш. Спорт турларининг реестри.

23-модда. Спорт увоннлари, спорт разрядлари, малака тоифалари. Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи.

24-модда. Халқаро ва республика миқёсидаги спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси.

25-модда. Спорчанинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

26-модда. Спорт турлари қоидалари.

27-модда. Спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш.

28-модда. Спорт паспорти.

4-боб. Таълим тизимида, фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ҳамда дам олиш жойида жисмоний тарбия ва спорт

29-модда. Таълим тизимида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш.

30-модда. Фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ҳамда дам олиш жойида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш.

31-модда. Мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт. Ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилиш.

5-боб. Спорт заҳирасини тайёрлаш

32-модда. Юқори малакали спортчиларни ва спорт заҳирасини тайёрлаш.

33-модда. Спорт заҳирасини тайёрлаш босқичлари.

34-модда. Спортчилар тайёрлашни амалга оширувчи жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ва таълим муассасалари.

35-модда. Ҳар хил спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлашга доир ўқув дастурлари.

36-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги педагогик фаолият.

6-боб. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари ва уларни шакллантириш

37-модда. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари.

38-модда. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини шакллантириш.

7-боб. Жисмоний тарбия ва спортнинг моддий, тиббий, молиявий ҳамда бошқа таъминоти

39-модда. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари.

40-модда. Жисмоний тарбия ёки спорт тадбирларининг тиббий таъминоти.

41-модда. Жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш.

42-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хавфсизлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини, фуқароларнинг соглиги, шаъни ва кадр-киммати муҳофаза қилинишини таъминлаш.

- 43-модда. Спорт жиҳози, анжоми ва спорт кийим-боши.
 44-модда. Жисмоний тарбия ва спортнинг илмий-услубий ҳамда техник ташкилоти.

8-боб. Якунловчи қоидалар

- 45-модда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.
 46-модда. Низоларни ҳал этиш.
 47-модда. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бу ишлак учун жавобгарлик.

“Жисмоний тарбия ва спорт” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг З-моддасида берилган асосий тушунчалар.

жисмоний реабилитация — одам организмининг бузилган ёки ингвактингча йўқотилган функцияларини ҳамда ногиронларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг ижтимоий ҳамда касбий филиалнинг таъсирига бўлган қобилиятларини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ҳамда усусларидан фойдаланган ҳолда тиклаш (тузатиш ва компенсация килиш);

жисмоний тарбия — маданиятнинг инсонни жисмоний тарбиялаш, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлик орқали жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, унинг қобилиятини ва ҳаракат физиологияни такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзи кўнижмаларини шакллантириш, ижтимоий мослаштириш мақсадида жамият томонидан яртиладиган ҳамда фойдаланиладиган кадриятлар, нормалар ва билимлар бингиндисидан иборат бўлган кисми;

жисмоний тарбиялаш — юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама стук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида шахсни тарбиялашга, инсоннинг жисмоний имкониятларини ривожлантиришга, унинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини яртиришга қаратилган жараён;

жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси — ўз ташаббуси билан жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ўтказаётган ва (ёки) бундай тадбирни тайёрлаш ҳамда ўтказиши ташкилий, молиявий ва моддий жиҳатдан таъминлашни амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншооти — оммавий жисмоний тарбия тадбирлари ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш машгулот ширини ўтказиш учун мўлжалланган, ўзига кўйиладиган норма ва тилабларга жавоб берадиган ҳамда тегишли паспортга эга бўлган ёпиқ ёки о‘чиқ типдаги иншоот;

оммавий жисмоний тарбия тадбирлари — аҳолини жисмоний тарбия мишигулотларига жалб этишга ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тадбирлар;

оммавий спорт — спортнинг ташкил этилган ва (ёки) мустақил

машғулотлар, шунингдек, оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини үтказиш оркали ахолини жисмоний тарбиялаш, соғломлаштириш, камол топтириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлариға жалб этишга доир қисми;

профессионал спорт — спортнинг спорт мусобақаларини ташкил этиш ва үтказишга доир қисми булиб, спортчилар уларда ўзининг асосий фаолияти сифатида иштирок этганлиги ва уларга тайёргарлик кўрганлиги учун мукофот ва (ёки) иш ҳаки олади;

спорт — одамларнинг муайян қоидалар бўйича ташкил этилган, уларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятини таккослашдан иборат бўлган ҳаваскорлик асосидаги ва профессионал асосдаги фаолияти, шунингдек, ушбу фаолиятга тайёргарлик кўриш ҳамда бу фаолият жараённида одамлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар;

споргчи — танлаган спорт тури ёки спорт турлари билан мунтазам шугулланадиган, доимо ўзининг спорт маҳоратини ошириб борадиган ва спорт тадбирларида катнашадиган жисмоний шахс;

спорт бўйича агент — споргчи номидан ва унинг манфаатлари учун шартнома асосида фаолият кўрсатадиган, тузилган шартномалар шартларига ва споргчининг ҳуқуқларига риоя этилишини кузатиб борадиган шахс;

спорт мусобақаси — споргчилар ўртасида ёки споргчилар жамоалари ўртасида ҳар хил спорт турлари (спорт дисциплиналари) бўйича мусобақанинг энг яхши иштирокчисини аниқлаш максадида жисмоний тарбия ёки спорт тадбирининг ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент) бўйича үтказиладиган беллашув;

спорт иншооти — спорт тадбирлари ва оммавий спорт тадбирларини, спорт турлари бўйича ўқув-машқ машғулотлари ва ўқув-машқ йигинларини үтказиш учун мўлжалланган, ўзига қўйиладиган норма ва талабларга жавоб берадиган ҳамда тегишли паспортга эга бўлган ёпиқ ёки очик типдаги ихтисослаштирилган иншоот;

споргчининг спорт дисквалификацияси — спорт тури қоидаларини ёки спорт мусобақалари тұғрисидаги низомларни (регламентларни) ёхуд халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган допингга қарши қоидаларни ёки республика спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан тасдиқланган нормаларни бузганлик учун споргчини спорт мусобақаларида иштирок этишдан споргнинг тегишли тури бўйича халқаро спорт федерацияси (уюшмаси) ёки споргнинг тегишли тури бўйича республика спорт федерацияси (уюшмаси) томонидан амалга ошириладиган четлаштириш;

спорт турининг тармоги (дисциплинаси) — фарқловчи белгиларга эга бўлган ҳамда битта ёки бир нечта спорт мусобақалари дастурлари

турларини ўз ичига оладиган спорт турининг кисми;

спорт тадбирлари — спорт мусобакаларини, ўкув-машк жараёнини ва споргчилар иштирокида спорт мусобакаларига тайёргарлик кўриш бўйича бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар;

спорт тури — жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури бўлиб, у инсоннинг спорт мусобакаларига ўзига хос тарзда тайёргарлик кўриши билан ажралиб туради, спорт мусобакаларини ўtkазиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган коидаларга, низомга (регламентга) эга бўлади;

спорт федерацияси (уюшмаси) — бир ёки бир нечта спорт турини ривожлантириш, оммалаштириш, шунингдек, спорт тадбирларини ўtkазишни ташкил этиш ҳамда спортчиларни — Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари аъзоларини спортнинг тегишли тури бўйича тайёрлаш учун аъзолик асосида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўtkазилган нодавлат нотижорат ташкилоти;

спорт ҳаками — спорт тури коидаларига ҳамда спорт мусобакаси тўғрисидаги низомга (регламентга) риоя этилишини таъминлаш учун жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси томонидан ваколат берилган, маҳсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли малака тоифасини олган жисмоний шахс;

спорtnинг техник ва амалий турлари — спорт натижаларига эришиш учун спортчи томонидан умумий жисмоний машқлар мажмуасидан ташкири, спорт техникасидан, мосламаларидан ёки техникавий поситалардан фойдалана билиш ва уларни бошқариш соҳасидаги кўнилмалар ва маҳорат қўлланиладиган, шунингдек ҳар хил спорт турларидан олинган, амалий аҳамиятга эга бўлган машқлар бирикмасидан фойдаланиладиган спорт турлари. Спорtnинг техник ва амалий турлари ёшларни Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлашнинг таркибий кисмидир;

тренер — тренерлик фаолияти билан шугулланиш учун руҳсатномага эга бўлган ҳамда ўкув-машк, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўtkазишни, шунингдек, спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс;

Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари — миллий ижтимоий-маданий йўналишга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида ривожланаётган спорт ва ўйин турлари;

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари — халқаро спорт мусобакаларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиш учун турли ёш гурухларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ва бошқа мутахассислар, тиббиёт мутахассислари ҳамда бошқа

мутахассислар жамоалари;

хаваскорлик спорти — спортнинг аҳолини ихтиёрийлик асосида оммавий спортга жалб килиш орқали одамлар соглигини мустаҳкамлашга қаратилган қисми;

спортнинг ҳарбий-амалий турлари — асоси ҳарбий хизматчилар ҳамда маҳсус хизматни ўтаётган шахслар томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ маҳсус харакатлардан (шу жумладан усуllibардан) иборат бўлган спорт турлари.

Узбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига шарқ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолининг, айникса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратилди, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ҳамда ватанпарварлик, она-Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Юртимизда ўкувчи ва талаба-ёшлар ўртасида тобора оммалашиб бораётган, таълим муассасаларида таҳсил олаётган навқирон ўғил-кизларимиз учун чинакам чиникиш ва маҳорат мактабига, катта ҳаёт йўлига парвоз майдончасига айланиб улгурган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақаларини ўзида мужассамлаган уч босқичдан иборат яхлит тизим яратилди. Мазкур тизим орқали бугунги кунда нуфузли ҳалқаро майдонларда Ватанимиз байробгини баланд кўтариб келаётган машҳур спортчилар этишиб чикмоқда. Энг муҳими, ушбу мусобақалар ёшларимизни оммавий тарзда спортга, соғлом турмуш тарзига ошно килиш воситасига айланди.

Фақат сўнгги беш йил ичида республикамида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шунингдек, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан 1 триллион 230 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда аҳолининг барча катламини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан қамраб олиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудида жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг инсон ҳамда оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломлик ҳамда етукликнинг асосий шартларидан бири эканлигини фаол тарғиб этиш, ёшларга ўз кобилият ва истеъододларини рӯёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан спорт соҳасида алоҳида иқтидор эгаларини саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш тизимини

такомиллаштириш каби масалалар тизимли асосдаги ечимини кутмоқда. Қайтар спорт муассасаларининг моддий-техника базаси замон талабларига жишиб бермайди, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш даражаси пистлигича колмоқда.

Мазкур соҳада тӯпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тӯгрисида»ги Қарори қабул килинди. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури тасдиқланиб, унга мувоғик кенг кўламли, аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, дастурга мувоғик:

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни янада тикомиллаштириш;

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт комплексларини куриш, уларни шимонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, мазкур соҳада хусусий секторни ривожлантириш;

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш муассасаларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, спорт мактабларини юкори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш;

-таълим муассасалари ўқувчи ва талabalari, ахолининг кенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иктидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаш каби йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Дастур ижроси доирасида спорт турлари бўйича Республика олий спорт мөхорати мактаблари ва болалар-ўсмиirlar спорт мактабларининг штатлар жиҳвалига «Спортчи» лавозими жорий этилиши Ўзбекистон миллий терма жимоалари аъзоларини моддий қўллаб-кувватлаш тизимини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган муҳим қадам вазифасини ўтайди.

Дастурда, шунингдек, таълим муассасалари спорт иншоотларида лирсдан сўнг ўқувчи ва талabalар учун спорт тўгараклари ҳамда спорт клублари фаолиятини тизимли ташкил этиш ва бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмиirlar спорт мактабларида ҳамда болалар-ўсмиirlar спорт мактабларида «Спорт тўгараги ва селекция бўйича тренер» лавозимини киритиш белгиланган. Мазкур лавозимни жорий этиш орқали таълим муассасаларида ташкил ташкилнишадиган спорт тўгараклари билан кўшимча равишда минглаб ўқувчи ва

талабаларни камраб олишга эришилади ҳамда уларга спорт билан мунтазам равищда шуғулланишларига қулай имкониятлар яратилади.

Бундан ташкари, дастурда жисмоний тарбия ва спортта ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамда спорт клублари фаолиягини олимпия, миллий ва бошқа спорт турлари кесимида рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш белгиланган уларнинг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг «Жисмоний тарбия ва спорт аълоҳиси» кўкрак нишонининг таъсис этилиши эса соҳа фидойилари меҳнатини янада муносиб рағбатлантиришга хизмат қиласди.

Дастурга кўра, ўкувчи ва талаба-ёшлар ўртасида ўтказиладиган уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари дастурларини спортнинг оммавий турлари хисобига кенгайтириш, нуфузини ошириш ва мусобака ғолибларини муносиб рағбатлантириш тизимини тубдан такомиллаштириш назарда тутилган.

Ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни максадли тайёрлаш ишларини тизимли равищда ташкил этиш ва назорат килиш бўйича республика ҳамда худудий кенгашлар фаолиятининг ташкил этилиши, жисмоний тарбия ва спортта ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда қабул килиш жараённида шаффоффлик ва холисликни таъминлаш чораларининг амалга оширилиши пировардида ҳалқаро мусобакаларда спортчиларимиз ютуқлари салмоғини оширишга хизмат қилиши шубҳасизdir. Қарорда ўз ечимини топган мухим масалалардан яна бири худудий кўп тармокли тиббиёт марказларида спорт тиббиёти бўлимларининг ташкил этилиши ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш белгилаб қўйилганидир.

Дастур доирасида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш максадида жами 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган бўлиб, шундан 706,2 миллиард сўмдан ортиқ қисми ушбу йилларда жами 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмууси ҳамда 77 та сузиш ҳавzasини қуриш, реконструкция килиш ва капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилади. Қарор ва дастур доирасида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг жамиятимиз ҳаётидаги ролини янада кучайтириш, аҳолининг барча қатлами орасида sogлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларга ўз кобилият ва истеъододларини рӯёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитни яратиш орқали уларни оммавий тарзда спортга, sogлом турмуш тарзига ошно қилиш, қолаверса, нуфузли

хилқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд күтариб келаётган мишихур спортчиларимиз сафларини тобора кенгайтиришга хизмат килади.

Юқумли бұлмаган касалліклар профилактикасы, ахолининг соғлом турмуш тарзини құллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш концепциясининг мақсадлари, устувор йұналишлари ва вазифалари

2019-2022 йилларда юқумли бұлмаган касалліклар профилактикаси, ихолининг соғлом турмуш тарзини құллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш концепциясы (кейинги Үрінларда-Концепция) Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатлари ҳамда Жаҳон соғликни саклаш ташкилотининг 2013-2020 йилларда юқумли бұлмаган касалліклар профилактикаси ва уларға қарши курашиш бүйича глобал ҳаракатлар режаси, 2015-2020 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва овқатланиш соҳасыда ҳаракатлар режаси, 2016-2025 йилларда Жаҳон соғликни саклаш ташкилотининг Европа минтақаси учун жисмоний фаоллик соҳасидаги стратегияси, Тамакига қарши курашиш бүйича ҳадли конвенция, 2012-2020 йилларда Европада алкоголни заарлы истеъмол килишни камайтириш бүйича ҳаракатлар режаси каби хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқылған.

Концепция Жаҳон соғликни саклаш ташкилотининг тавсиялари асосида юқумли бұлмаган касалліклар профилактикаси ахолининг соғлом турмуш тарзини құллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш бүйича замонавий ёндашувларни үз ичига олған.

Концепциянинг мақсади юқумли бұлмаган касалліклар ва уларнинг хавфли омилларининг олдини олиш, даволаш ҳамда назорат қилиш, баравқт ұлым ҳолатлари ва жамият учун касалліклар юкини камайтириш бүйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш йүли билан мамлакат ахолиси орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат.

Концепциянинг стратегик устувор йұналишлари:

а) юқумли бұлмаган касаллікларнинг күйидеги хавфли омилларига қарши курашиш:

- носоглом овқатланиш;
- етарли бұлмаган жисмоний фаоллик;
- ортиқча тана вазни;
- тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, шу жумладан чилим ва электрон сигареталарни чекиши;

- arterial босимнинг юкориилиги, кондаги глюкоза ва холестериннинг юкори даражаси;

б) касаллікларнинг күйидеги гурухларига қарши курашиш:

- юрак-томир касалліклари (arterial гипертония, миокард инфаркти,

инсульт);

-қандли диабет;

-нафас олиш аъзоларининг сурункали касаллклари (ўпка сурункали обструктив касаллклари, бронхиал астма);

-хавфли ўсмалар (сут бези раки, бачадон бўйни раки, ўпка раки).

Концепциянинг асосий вазифалари:

1. Соғлом мухитни яратиш ва соғлом турмуш тарзи фойдасига тўғри танлов бўйича ташаббусларни шакллантириш ва омма орасида кенг ёйиш.

2. Таълим, тиббиёт, спорт муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва жамоат жойларида соғлом мухитни шакллантириш бўйича нодавлат сектор ролини кучайтириш.

3. Аҳоли ўртасида юқумли бўлмаган касаллклар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида давлат-хусусий шериклиги механизmlарини жорий қилиш ва унинг имкониятларини кенгайтириш.

4. Юқумли бўлмаган касаллклар профилактикаси ва уларни назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар ва ташкилотлар маблағлари, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари, грантлар ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан барқарор молиялаштириш.

5. Юқумли бўлмаган касаллклар профилактикаси ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ахборот-маърифий фаолиятни такомиллаштириш;

6. Юқумли бўлмаган касаллкларнинг миллий интеграциялашган эпидемиологик назорати ахборот тизимини, шу жумладан, хавфли омиллар ва асосий юқумли бўлмаган касаллклар бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришишни баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини яратиш.

7. Хавф гурухига кирувчи ва юқумли бўлмаган касаллкларга чалингган bemорларга хавфли омилларни барвакт аниқлаш ва назорат қилишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда профилактика, даволаш ва консультатив ёрдам тизимини такомиллаштириш.

8. Юқумли бўлмаган касаллкларнинг профилактикаси ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасига жалб этилган барча секторларнинг кадрлар ва илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантириш.

**“Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва
аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортта жалб этиш
тұғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасыннинг
карори**

Аҳоли Үртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни тизимли шүлгү күйиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада күчайтириш, үсіб келаётган ёш авлодни зааралы одатлардан асраш ҳамда күр бир маҳалла, таълим муассасалари, мәдениет жамоалари ва бошқаларда жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини самарали ташкил этиш тизимини шиккелтириш максадида аҳолининг ёшига қараб, умумий жисмоний тайёргарларының белгиловчи спорт мөшерларини ўз ичига олган «Алпомиш» ва «Барчиной» тестларининг аҳолининг кенг қатламлары Үртасида мусобақа тарзыда доимий равища үтказилишини ташкил қилиш күмде голиб ва совриндорларнинг III, II, ва I даражали күкрап нишонлари билан рагбатлантирилиши күзда тутилган.

**Аҳолининг жисмоний тайёргарлары ва саломатлығы даражасини
белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини қабул
қилиш ва мусобақаларини үтказиш тартиби тұғрисида Низом**

Мазкур Низом аҳолининг жисмоний тайёргарлары ва саломатлығы даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини қабул қилиш ва мусобақаларини үтказиш тартибини белгилайди.

«Алпомиш» махсус тестлари эркаклар учун, «Барчиной» махсус тестлари эса аёллар учун күлланилади.

«Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг жисмоний тайёргарлары юзасидан давлат талабини белгилайди.

Махсус тестлар Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турли ёш түрүхларининг (6-70 ёш ва ундан күттегілер) (кейинги ўринларда ёш түрүхлар деб аталади) жисмоний тайёргарларын аниқлайди.

Махсус тестлар мураккаблық даражаси аҳолининг ёши ва жинсига құра, ғыр-ғырыдан фарқланувчи түрт погонада белгиланды.

Бұнда «Хисоб» мураккаблық даражаси ҳамда III, II ва I даражали күкрап нишони талаблари назарда тутилади.

«Хисоб» мураккаблық даражасини бажарған иштирокчига күкрап нишони берилмайды, III, II ва I даражали күкрап нишони талабларини бажарған фуқароларға тегишли спорт разрядлари ва унвонлари белгиланды.

Жисмоний имкониятлары чекланған фуқаролар учун махсус тестлар шартлары ташкилотчилар томонидан соглықни сақлаш ва соҳага оид болып тегишли ташкилотлар билан келишиб ишлаб чиқылған ҳолда үтклизилади.

Махсус тестларнинг мақсади

Махсус тестларнинг мақсади аҳолининг барча катламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш орқали уларни жисмоний ҳамда интеллектуал жихатдан камол топтириш, жисмоний қобилияти ва харакат фаоллигини такомиллаштириш, жисмоний ва руҳий баркамолликка эриштириш, меҳнатга лаёқатини ошириш, зарарли одатлар ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи кўнгилмаларини шакллантириш, спорт мусобакалари орқали ёшларда ирода, ўз кучи ва имкониятларига ишонч каби фазилатларни мустаҳкамлаш, уларда жасорат, Ватанга бўлган ватанпарварлик ва садоқат хислатларини ривожлантириш, ёшлар орасидан иктидорли спортчиларни саралаш бўйича тизимли ишларни ташкиллаштиришдан иборат.

Махсус тестларнинг вазифалари

- а) жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланувчи фукаролар сафини кенгайтириш;
- б) аҳолининг жисмоний имкониятлари даражасини ошириш;
- в) аҳолининг жисмонан бакувват, баркамол ва соғлом бўлишига, уларнинг спорт билан чиникишига, жисмоний тарбия ва спортни кундалик турмуш тарзига сингдиришга эришиш;
- г) аҳолининг алоҳида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш бўйича билим ва кўнгилмаларини ошириш;
- д) юртимизнинг чекка ҳудудлари ва кишлоқларида соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш;
- е) ўкувчи ёшларни, айниқса қизларнинг жисмонан бакувват, баркамол ва соғлом бўлишига, уларнинг спорт билан чиникишига, жисмоний тарбия ва спортни кундалик турмуш тарзига сингдиришга хисса қўшиш;
- ж) ўсиб келаётган ёш авлод томонидан соғлом турмуш тарзига амал килиш, маънавий ва жисмоний комиликка эришиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга ҳавасини ошириш.

Махсус тестлар қўйнаги 12 та ёш тоифасидаги гурухга бўлинади:

- 1-гурух-6-8 ёшдагилар;
- 2-гурух-9-10 ёшдагилар;
- 3-гурух-11-12 ёшдагилар;
- 4-гурух-13-15 ёшдагилар;
- 5-гурух-16-17 ёшдагилар;
- 6-гурух-18-25 ёшдагилар;
- 7-гурух-26-33 ёшдагилар;
- 8-гурух-34-41 ёшдагилар;
- 9-гурух-42-49 ёшдагилар;
- 10-гурух-50-59 ёшдагилар;
- 11-гурух-60-69 ёшдагилар;
- 12-гурух-70 ёш ва ундан катта ёшдагилар.

Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш маҳсус тестларда белгиланган шартларнинг (кейинги ўринларда синовлар деб аталади) бажарилиши асосида амалга оширилади. Бундай синовлар инсоннинг жинси ва ёшига нисбатан унинг асосий жисмоний ривожланиш сифати, харакатланиш билимлари ҳамда кўникмаларини намоён қилади.

Синов турлари иккига булинади, улар мажбурий синовлар ва ихтиёрий синовлардан иборат.

Мажбурий синовлар белгиланган поғона ва мураккаблик даражаси асосида қўйидаги жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган:

- а) чидамлилик имкониятларининг ривожланиш даражаси;
- б) куч имкониятларининг ривожланиш даражаси;
- в) эгилувчанлик имкониятларининг ривожланиш даражаси.

Ихтиёрий синовлар белгиланган поғона ва мураккаблик даражаси асосида қўйидаги жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган:

- а) тезлик ва кучланиш имкониятларининг ривожланиш даражаси;
- б) харакатларни мувофикалаштирувчи кобилиятигининг ривожланиш даражаси;
- в) эгаллаган амалий кўникмаларининг ривожланиш даражаси.

2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Концепцияси

Ривожланишнинг барча жиҳатларида глобал ракобат кучайиши шароитларида жаҳондаги ҳар бир мамлакат олдида бугунги кунда инсон капитали сифатини ошириш зарурлиги юзага келади. Бу миллатнинг сизоматлигини, барча ёщдаги аҳолининг соғлом дунёкарашини, жисмоний, маънавий-интеллектуал саломатлигини асрash, жисмоний саломатлигини мустаҳкамлаш түғрисида доимий ғамхўрлик қилиш масалаларига ғилашувларни тубдан кайта кўриб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбиянинг юкори даражасига ва аҳолининг ҳаёти сифатига эришиш стратегик вазифани-мамлакатни биркарор ривожлантиришни амалда рўёбга чиқариш доирасида мухим шарт исобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакат аҳолисининг бирча қатламлари бутун ҳаёти давомида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш ушбу вазифани ҳал этишнинг асосий омилларидан бири бўлади.

Жамият олдида турган ўртача ва узок муддатли стратегик вазифаларни ташкил амалга ошириш учун инсоннинг бутун ҳаёти давомида соғлом түрмуш тарзини ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан узлуксиз шуғулланишнинг фойдасини тарғиб қилишга барча саъй-харакатлар ва ғулсларни биргаликда йўналтириш, ушбу жараёнга барча давлат Муассасалари, нодавлат муассасалар ва хўжалик юритувчи субъектларни

жалб этишни таъминлаш талаб этилади. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасини тўлиқ кўламда ривожлантириш йўлидан бориб ҳозирги пайтда мамлакатда бунга тўсқинлик қилувчи бир қатор жиддий камчиликлар мавжудлигини англаш муҳимdir. Жумладан:

-аҳолини, айникса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, ўсиб келаётган авлодни уйғун равиша маънавий ва жисмоний камол топтириши таъминлаш учун шартшароитларни шакллантириш ишларини ташкил этишнинг паст даражаси, натижада-жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишини истовчиларнинг етарлича қамраб олинмаслиги;

-жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш тизимининг қизикишни қўллаб-куватлашга, шахснинг профессионал ва амалий кўнижмаларига суст йуналтирилганлиги;

-соҳада методик таъминлашнинг даражаси етарли эмаслиги, бу аҳолида жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кучли ва амалий ижобий қизикишни шакллантириш ва ривожлантириши давом эттиришда тўсикقا айланмоқда;

-олий маълумотли мутахассислар тақчиллиги жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини пасайтирибина қолмасдан, балки уларнинг доирасини торайтиради;

-кам комплектли спорт муассасаларининг машгулотлар ва машклар сифатининг зарур даражасини таъминлаш имконини бермайдиган кадрлар таркиби ва моддий-техник жиҳозланиши салоҳияти паст, спортнинг айrim турлари бўйича спорт кадрлари, тренерлар ва педагог кадрлар етишмайди, бир қатор энг малакали кадрлар, яъни олий ва биринчи тоифали спорт кадрлари, тренерлар ва педагог кадрлар кисқариши тенденцияси кузатилмоқда, ходимларнинг умумий касбий савиаси пасаймоқда;

-спорт факультетлари талабалари контингентининг сифати ва тузилмаси талаб даражасида эмас. Спорт мутахассислигига кириш учун уларда салоҳият мавжудлигини ва танланган касбда ишлашдан манфаат-дорлигини, болалар ва катта ёшдагилар билан умумий тил топиш қобилиятини, руҳий барқарорлик ва муомала кила билишнинг етарли даражасини аниқлаш юзасидан кирувчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлигини, руҳий-хиссий маълумотларини баҳолашнинг аниқ тартиботлари ва холисона механизмлари мавжуд эмас;

-спорт муассасалари тренерлари ва ходимлари учун улар салоҳияти ўсишига нималар тўсқинлик қилаётганлигини билиши керак бўлган мезонлар ва талабларнинг аниқ тавсифи мавжуд бўлган миллий стандартларнинг йўклиги, бунинг натижасида спорт муассасалари раҳбарларини танлаш ва тайинлашнинг мавжуд тартиботи самараисиз бўлиб қолмоқда;

-спорт муассасаларини бошқариш жараёнига ишни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион усусларини, илгор ахборат-

Коммуникация технологияларини жорий этишнинг мавжуд даражаси қабул иштаган қарорлар амалга оширилиши ташкил этилишини тезкор таъминлаш ва бир вактнинг ўзида уларнинг самарадорлигини кузатиш шартонини бермайди;

спорт муассасалари айрим раҳбарларида зарур масъулият ва ташаббускорликнинг йўклиги олдинга қўйилган вазифалар ва мақсадли йўрүктличлар ўз вактида ва сифатли бажарилишига салбий таъсир йўқитмоқда;

спорт муассасалари фаолиятига бевосита раҳбарлик қилувчи ижро этувчи таъкидий органлари ишининг очикилиги ва шаффоғлигининг даражаси тарбияни эмаслиги, жамоатчилик назоратининг заифлиги, баъзан эса мутлако мавжуд эмаслиги ҳаддан ташкари бюрократияга ва коррупциянинг ҳар хил ташаббускорларда намоён бўлишига олиб келмоқда;

спортчиларни ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахсларни тарбияни хизматдан тўлиқ фойдаланиши ва тиббий хизматнинг зарур сифати таъмида таъминланмаган, ахолини соғломлаштириш учун жисмоний тарбиянинг мавжуд имкониятларидан самарасиз фойдаланилмоқда;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш соҳасига оммавий ахборот технологияларини ва мультимедиа маҳсулотларини айрим этишга зарур даражада эътибор берилмаяпти;

спорт муассасалари бир қисмининг моддий-техника базаси ҳолати, уларнинг ортиқча юкламага эга эканлиги, айрим ҳолларда фаолиятни ташкил этиши учун зарур бўлган тегишли ускуналар, кўргазмали қўлланмалар билан таъмида таъминланмаганлиги уларга юклangan функциялар етарлича етпарили бажарилмаслигига олиб келмоқда;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни оммалаштириш, шунингдек, инновом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасига инновацион технологияларнинг пассив қўлланилиши.

Юкорида санаб ўтилган ва ушбу соҳада йиллар давомида тўпланиб колган бешта муаммолар, айрим раҳбарлар тафаккурининг заифлиги ва ташаббус йўрүйтмаслиги республикада жисмоний тарбия ва оммавий спорт тизимини оммавий талабларга мувоғик янада такомиллаштириш йўлида тўсик бўлувчи омилларга айланмоқда. Шу муносабат билан 2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантиришнинг янги концепциясини шакллантириш алоҳида ахамият тасбиф этади.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та мухим ташаббус

БИРИНЧИ ТАШАББУС

Ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошкада турларига кизикнишларни оширишга, истеъодонин юзага чиқаришга хизмат килади



ИККИНЧИ ТАШАББУС

Ёшларни жисмоний чиниятириш, уларнинг спорт соҳасидаги кобилиятини намоён килишларни учун зарур шароитлар аратишга йўналтирилган



БЕШИНЧИ ТАШАББУС

Хотин-кизларни иш билан тъамъ масалаларини назарда тутади



УЧИНЧИ ТАШАББУС

Аҳоли ва ёшлар ўртасида компютер технологиялари ва интернетдан самараали фойдаланишини ташкил этишга қаратилган



ТЎРТИНЧИ ТАШАББУС

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўрта китобхоналикни кенг тарғиб килиш бўйича тизимили ишларни ташкил этишга йўналтири

Назорат саволлари:

1. Сўнгги йилларда юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қабул килинган хуқукий-меъёрий хужжатларни санаб беринг.
2. Жисмоний тарбия ва спорт ривожининг мустаҳкам хуқукий асоси, Янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни мазмуни ва моҳиятини очиб беринг.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги конуни ва унда белгиланган моддаларга қисқача таъриф беринг.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори кандай вазифаларни ҳал қилишга қаратилган?
5. Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-кувватлаш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш мақсадлари, устувор йуналишлари ва вазифаларини ёритинг.
6. “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг Қарори мазмунини очиб беринг.

7. Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тестларини қабул қилиш на мусобақаларини ўтказиш тартиби тўғрисида маълумот беринг.

8. Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тестларининг мақсади ва назифаларини ёритиб беринг.

9. 2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Концепцияси мазмуни ва моҳиятини очиб беринг.

10. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жисмоний маданият ва жисмоний тарбия соҳасига қандай таъсир кўрсатди?

11. Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг 2-ташаббус моҳиятини очиб беринг.

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Жисмоний маданиятнинг турлари, хиллари ва функционал таснифлари		
Жисмоний маданиятнинг таркибий қисмлари	Жисмоний маданиятнинг турлари	Натижавий таснифи (фойдаланиш жараёнидаги маҳсус томонлари)
1. Базавий жисмоний маданият	Мактаб жисмоний маданияти	Базавий жисмоний маданиятнинг асосий тури мактаб жисмоний маданияти ҳисобланниб, ўкувчиларнинг жисмоний ривожланишини таъминлаш максадида ташкил этилган дарслар оркали амалга оширилади. Базавий жисмоний маданият учун ўкувчиларнинг жисмоний имкониятларини мажмуавий такомиллаштиришни таъ-минловчи машғулотлар билан ажралиб туради.
	Базавий спорт	Базавий жисмоний маданият таркибига спорт элементлари ҳам кириб, базавий жисмоний тайёргарликка эришишга йўналтирилган.
2. Спорт - жисмоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида	Юкори натижалар спорти	Юкори натижалар спорти инсоннинг юксак имкониятларини ишга солган ҳолда, энг юкори натижаларга эришишга йўналтирилган.
	Базавий спорт	Базавий спорт оммавий даражада спорт билан шуғулланишини таъминлаб, умумий жисмоний тайёргарликни ошириш ва саклаш учун кенг фойдаланилади.
3. Касбий – амалий жисмоний маданият	Касбий-амалий жисмоний тайёргарлик	Асосан меҳнат фаолиятининг сифатига таъсир этадиган организмнинг хусусиятларини такомиллаштиришга йўналтирилган жисмоний маданиятга айтилади. Жисмоний маданиятнинг ушбу тури оркали касбни ўзлаштиришга керак бўладиган вақт кискаради (айникса, ҳарбий касблар инсоннинг жисмоний қобилиятларига юкори талаб кўяди).

	Ишлаб чиқариш жисмоний маданияти	Мехнат унумдорлигини оширишга күмаклашиш ва инсоннинг жисмоний ҳолатига булиши мумкин бўлган меҳнатнинг салбий оқибатлари ва шароитларини огоҳлантиришга каратилган. Ишлаб чиқариш жисмоний маданиятининг қуидаги шакллари мавжуд: Кириш гимнастикаси, физкульт танаффус, физкультдақиқа, ишдан кейинги реабилитацион машқлар ва ҳоказо
4. Соғлом-лаштирувчи қайта тикловчи жисмоний маданият.	Даволовчи жисмоний маданият	Даволовчи жисмоний маданият ўзида кенг мажмуадаги воситалар ва усуулларни камраб олиб (даволовчи гимнастика, меъёрланган юриш, югуриш ва ҳоказо), организм функцияларининг издан чикиши, касалликлар ва жароҳатлар характеристига караб танланади.
	Спорт-қайта тикловчи жисмоний маданият	Жисмоний маданиятнинг ушбу тури спортчиларнинг тайёргарлик тизимиға кириб, шиддатли машгулотлар ва мусобака юкламаларидан сунг, юкори зўриқиши ва спорт жароҳатлари оқибатларини бартараф этишда спортчининг функционал имкониятларини қайта тиклашда муҳим рол ўйнайди.
5. Фонли жисмоний маданият.	Гигиеник жисмоний маданият	Кундалик ҳаёт давомида унча катта бўлмаган юкламалар билан боғлик бўлмаган жисмоний машқларни бажариш: эрталабги бадантарбия, сайр ва ҳоказо.
	Рекреатив жисмоний маданият	Жисмоний машқлардан ўйин-кулгу ва кўнгил очиш учун фойдаланиш: пляждаги ўйинлар, эшкак эшиш, туристик сайрлар ва ҳоказо.

Жисмоний маданиятнинг ўзига хос функциялари ва уларнинг таснифи	
Жисмоний маданиятнинг ўзига хос функциялари	Жисмоний маданиятнинг ўзига хос функцияларининг таснифи
1. Тълимий функциялари	Жисмоний маданиятнинг тълимий вазифалари тълимнинг умумий тизимида жисмоний маданият воситаларидан ҳаётий зарур ҳаракат малакалари, кўникмалари ва билимларни шакллантиришда, умумжисмоний ривожланиш ва инсонларнинг жинси, ёши, жисмоний ривожланганлик даражасидан қатъий назар саломатлигини мустахкамлаш, соглом турмуш тарзи асосларини яратишида, инволюцион жараёнларни секинлаштириш ва ҳ.к, давомида кўпроқ намоён бўлади.
2. Амалий функциялари	Амалий вазифалар жисмоний маданиятдан меҳнат фаолиятига ва Ватанни мудофаасига (ишчанлик қобилиятини ошириш, меҳнатнинг нокулай шароитларига, гипокинезия ва гиподинамияга карши барқарорликни тарбиялаш) тайёрлаш тизимида фойдаланишга қаратилган.
3. Спорт функциялари	Жисмоний маданиятнинг спорт вазифалари ўзини юкори натижалар спортида яқкол намоён этиб, жисмоний маданият жисмоний қобилиятларнинг максимал натижаларга эришишининг бош омили бўлиб хизмат қиласи.
4. Рекреатив ва даволаш-қайта тиклаш функциялари	Жисмоний маданиятнинг ушбу функциялари жисмоний маданият воситаларидан ишдан холи вақти ташкил этиш соҳасида ва чарчашиб, касалланиш, жароҳатланишларда маҳсус қайта тикловчи тадбирлар тизимида намоён бўлади.

Жисмоний маданиятнинг умуммаданий функциялари				
Умум-тълимий функциялар	Тарбиявий функциялар	Ўзгартирувчи функциялар	Коммуникатив функциялар	Норматив функциялар.

Мамлакат жисмоний тарбия тизимининг вазифалари ва уларнинг таснифи

Асосий вазифалар	Вазифаларнинг қискача таърифи
1. Таълимий вазифалар	<ul style="list-style-type: none"> -турли хил ҳаракат малакалари ва кўниммаларини шакллантириш ва етарли даражадаги мукаммалликка етказиш; -саломатликни жисмоний маданият воситалари орқали мустаҳкамлаш ва саклаш, ҳаракат малака ва кўниммаларини онгли тарзда ўзлаштириш, жисмоний камолотга эришиш ва ҳаракат қобилияtlарини ривожлантириш ва ҳ.к. учун яхлит билимлар тизимини ўзлаштириш.
2. Жисмоний ривожланиш вазифалари	<ul style="list-style-type: none"> - кондицион (куч, тезкорлик, чидамлилик, эгилувчанлик) ва координацион жисмоний қобилияtlарни оптимал тарзда ривожлантириш; -тана тузилишини такомиллаштириш ва уйғун жисмоний ривожланиш; -саломатликни мустаҳкамлаш ва саклаш, чиникиш, касалликлар ва жароҳатлардан сўнг ишchanлик қобилиятини кайта тиклаш; -узок йиллар мобайнида ишchanликнинг юкори даражасини саклаш.
3. Тарбиявий вазифалар	<ul style="list-style-type: none"> - жисмоний маданият соҳаси белгилаган фаолият турларига бўлган дунёкарашни, эътиқодни, эҳтиёжларни, мотив ва қизиқишлиарни, фаол ва онгли муносабатни шакллантириш; -шахснинг жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги фаоллигини таъминлайдиган аҳлоқий, эстетик, иродавий хусусият ва фазилатларни шакллантириш.

Мамлакат жисмоний тарбия тизимининг асосий хусусиятлари ва уларнинг таснифи

Асосий хусусиятлар	Асосий хусусиятларнинг қискача таърифи
1. Дунёкараш асослари	<p>Инсон фаолиятининг йўналишини белгиловчи карашлар ва гоялар мажмуасига дунёкараш дейилади. Жисмоний тарбия тизимининг дунёкараш асослари шахснинг жисмоний маданиятини шакллантиришга, унинг ҳар томонлама ва уйғун ривожлантиришга, ҳар бир шахснинг жисмоний камолотга эришиш имкониятларини амалга</p>

	оширишга, саломатликни мустаҳкамлаш ва узоқ йиллар саклашга, шу асосда жамият аъзоларини фаолиятнинг турли соҳаларига тайёрлашга йўналтирилган.
2. Назарий-услубий асослар	Жисмоний маданият тизими кўпгина фанлар эришган ютукларга таянади. Унинг назарий-услубий асослари бўлиб, табиий (анатомия, физиология, биохимия ва х.к.), ижтимоий (фалсафа, социология ва х.к.), педагогик (психология, педагогика ва х.к.) фанларнинг илмий ютуклари хизмат килиб, уларнинг асосида “Жисмоний маданият назарияси – ва методикаси” фани энг умумий конуниятларни ишлаб чиқди ва асослаб беради.
3. Ташкилий асослар	Жисмоний маданият тизими ташкилий, бошқарув ва назорат шакллари икки хил: давлат ва жамоатчилик-ҳаваскорлик кўринишида мавжуд. Давлат шаклида мактабгача таълим муассасалари, мактабларда, ўрта-маҳсус ва олий таълим муассасаларида, армияда, даволаш-профилактика муассасаларида ва х.к., тизимли равища мажбурий жисмоний машгулотлар қўзда тутилган. Машгулотлар давлат дастурлари асосида, жадвал ва расмий график асосида ажратилган соатларга мувофиқ, мутахассис ходимлар (жисмоний тарбия кадрлари) бошқаруви остида ўтказилади. Жисмоний тарбияни ташкил этиш, амалга ошириш натижалари устидан давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва шу билан биргаликда мувофиқ вазирликлар (таълим, соғликин саклаш, мудофаа, ички ишлар ва х.к.) таъминлади. Жамоатчилик-ҳаваскорлик шаклидаги жисмоний машгулотларни шугулланувчиларнинг индивидуал кизиқишлиари, кобилияtlари ва эҳтиёjlари инобатга олинган ҳолда ташкил этилади. Жамоатчилик-ҳаваскорлик шаклидаги жисмоний машгулотларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб тўлик кўнгиллилик ҳисобланади. Машгулотларнинг давомийлиги шугулланувчиларнинг индивидуал мақсадлари, шахсий кизиқишлиари ва бўш вақтнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Бошқарувнинг жамоатчилик органларига Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси, Паралимпия қўмитаси, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари киради.
4. Дастурий меъёрий	Жисмоний маданиятнинг юкори ижтимоий фаол аҳамияти ушбу соҳа фаолият юритиши учун ташкилий-

асослар	<p>хукукий асосларни талаб этди. 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни кабул килинди. Ушбу қонун мамлакатдаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсати ва Ўзбекистон Олимпия харакати тамойилларини белгилайди, жисмоний маданият ва спорт ташкилотларининг хукукий, ташкилий, иктисадий, ижтимоий асосларини ўрнатади. Ушбу ҳужжат инсонни ҳар томонлама ривожлантиришга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, жисмоний ва маънавий такомиллашишга бўлган эҳтиёжни шакллантиришга, турли хил спорт турлари билан шуғулланиш учун шароитларни яратишга касалланиш, салбий одатлар ва хукуқбузарликларнинг олдини олишга каратилган. Фуқароларнинг жисмоний маданият ва спорт билан (шу билан биргаликда спорт билан касб сифатида) шуғулланиш хукуки, жисмоний маданият-соғломлаштирувчи ва спорт йўналишидаги ташкилотларда, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлар, спорт турлари бўйича федерациялар, ассоциациялар, клублар ва бошқа бирлашмаларда бирлашиш кафолатланган.</p>	
<p>Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш тамойили</p> <p>Бу тамойил қуидаги ширни кўзлайди:</p> <p>а) жисмоний тарбиянинг бошқа турдаги тарбиялар билан алоқадорлиги (иклий, меҳнат, маънавий тарбиялар ва х.к.);</p> <p>б) жисмоний кобилияtlарни мос ва мувофиқ тарзда ривожлантириш, харакат малака ва кўникмаларини ҳар томонлама шакллан-</p>	<p>Соғломлаштиришга йўналтирилганлик тамойили</p> <p>Ушбу тамойил қуидагиларни кўзлайди:</p> <p>а) жисмоний маданият воситалари ва методларини танлашда аввало уларнинг соғломлаштирувчи аҳамияти инобатга олинади;</p> <p>б) жисмоний юкламаларнинг шуғулланувчилар имкониятига мувофиқлиги;</p>	<p>Жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан алоқадорлиги тамойили</p> <p>Ушбу тамойил қуидагиларни кўзлайди:</p> <p>а) бирламчи, хаётий зарур харакат малака ва кўникмаларини шакллантирига йўналтирилганлик;</p> <p>б) меҳнат ва ҳарбий фаолият шароитида фойдали ва самарали тарзда харакат кила олиш кобилиятини шакллантириш.</p>

тириш, махсус билимларни ўзлаштириш.	в) тизимли равишда тиббий-педагогик назоратни амалга ошириш.	
--------------------------------------	--	--

Назорат саволлари:

1. Жисмоний маданиятнинг асосий турларини санаб беринг.
2. “Жисмоний рекреация” ва “Ҳаракат реабилитацияси” атамаларининг маъносини очиб беринг.
3. Жисмоний маданиятнинг қайси таркибий кисмлари шахснинг эҳтиёж-ларини қондиради?
4. Базавий жисмоний маданиятнинг асосий белгиларини санаб беринг.
5. Соғломлаштирувчи ва даволовчи жисмоний маданият тушунчасини таърифланг.
6. Жисмоний маданиятнинг қандай вазифаларини биласиз?
7. Жисмоний маданиятнинг умуммаданий функцияларига нима киради?
8. Жисмоний маданиятнинг махсус функцияларига нима киради?
9. Жисмоний тарбия вужудга келишининг объектив ва субъектив сабабларига таъриф беринг.
10. Жисмоний тарбиянинг ижтимоий ҳодиса сифатида ўзига хос хусусияти нимадан иборат?
11. Мамлакатимиз жисмоний тарбия тизими ўзида қандай хусусияларни мужассамлаштирган?

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ БҮЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ

Жисмоний тарбия назарияси бүйиича олиб борилаётган тадқиқот услублари ҳақида назарий маълумотлар

Барча илмий фанлар каби жисмоний тарбия назарияси илмий изланиш услугубларидан фойдаланади. Ҳозирги кунда илмий текшириш услугубларининг турлича хиллари бўлиб, қўшма фанларнинг тадқиқот услугубларидан, айниқса, физиология, антропология, биохимия, психология ва социал-тарихий изланиш услугубларидан кўпроқ эҳтиёж сезилаётганилиги аҳамиятга молик.

Жисмоний маданият назариясининг асосий илмий тадқиқот услублари – назарий таҳлил ва умумлаштириш, педагогик кузатиш, эксперимент (тажриба) ва математик хисоблашдан иборатdir.

Илмий тадқиқотда назарий таҳлил ва умумлаштириш

Бизга маълумки, назарий таҳлил ва умумлаштириш адабиёт материалларини тўла таҳлил килиш ва умумлаштиришдан бошланади. Адабиёт материалларини тўлик ўрганиб чикиш жуда кийин. Сабаби физиология фанининг ўзидан бир йилда илмий ишларга оид 3000 дан ортик тадқиқот ишларининг натижалари эълон килинмоқда. У ҳар 4-5 йилда яна шунча кўпаяди, бундан ташқари илмий журнallардаги тадқиқотлар ҳақидаги маколалар бир неча маротаба кўпаймоқда.

Бунда ёрдамчи илмий предмет – библиография фани тадқиқотчининг ишини енгиллаштиради. У нашр килинган адабиётларни тартибга солади ва рўйхатини тузиб чиқади. Ретроспектив услугуб орқали тизимга солиш маълум давр ичидаги мавжуд адабиётларнинг илмий йўналиши бўйича янгиликларга қисқа изоҳ беради. Бундан ташқари, тадқиқотчи “библиографик тавсифнома”дан ҳам фойдаланади. Тавсифнома янги чиққан адабиёт учун ёзма равишда ёки реферат сифатида (олинган илмий иш натижасини кисқартирган ҳолда) тайёрлади, унга изоҳ беради. Библиографик изланиш эса тадқиқотчининг адабиётлар устидаги бирламчи иши бўлиб, текширувчи изланиш орқали топилган қарамакаршиликлар устида назарий баҳс юритади, уларни бир-бири билан гаккослайди.

Назарий таҳлил ва умумлаштиришнинг яна бир услуби хужжат материаллари устида ишлашадир. Жисмоний тарбиянинг кўп томони амалий машғулотлар учун тузилган режалар, кундаликлар, конспектлар ва шунга ўхшашларда ифодаланади. Улар албатта амалиётни назарда тутган ҳолда тузилган бўлади. Уларни илмий жиҳатдан чукур ўрганиши кутилмаган натижаларни бериши мумкин. Масалан, жаҳоннинг кучли спортчиларини тайёрлаш ва уларнинг шугулланиш режаларини

солиштириш, малакали спортчиларнинг кундаликлари, ҳафталик, ойлик, йиллик жисмоний юкламаларнинг ҳажми, микдори, бажариш шиддати ва бошқалар тадқиқотчига манба булиши мумкин. Илмий тадқиқот учун мусобака материаллари, кўп йиллик тренировкаларнинг натижаларини ўрганиш ҳам объект бўлади. Илмий мақсадда тузилган анкеталар ҳам ҳужжат материаллари бўлиб хизмат килиши мумкин. Тузилган саволларга “ҳа” ва “йўқ” деб жавоб бериш ҳам кўп хulosаларга олиб келади.

Педагогик кузатиш илмий-тадқиқот услубиятлари

Бу гурӯхларга хос методларнинг ижобий томони шундаки, изланувчининг ўзи тадқиқотда айнан иштирок этмайди. Бунга педагогик изланиш киради. Ҳаётдаги кузатишдан фаркли ўлароқ, бу услугуб кузатиш предметини аник ифодалайди, кузатилаётган ва ундан аникланган далилларни тезлик билан ҳисобга оладиган тизим ишлаб чикади ва уни изланишда қўллади. Махсус баённомалар, ёзувдаги шартли ифодалагичлар ва ҳоказолар.

Барча илмий кузатишлар натижаси кузатувчининг шахсий қобилиятигагина боғлик бўлмаслиги лозим, чунки ўрганилган далиллар натижалар кўпчиликда турлича фикр ҳосил булишига олиб келади (бу методда бир неча кузатувчи бир пайтнинг ўзида кузатиш олиб боради ва улар солиштирилади). Бунда айрим аппаратлар ўша ҳаракатнинг бажарилишини тақрорлайди ёки шунда ўлчовга қараб аниқ кузатиб хulosалар килинади: фото, киносьёмка, видео, магнит тасмали ёзуви ва бошқалар).

Ҳозирги замон назарияси ҳаракатларни бажаришдаги айрим ифодаланган (ижро этилган, бажарилган) далилларни, билимларни аник ифодалашдан чиккан хulosалар обьективлигига мунозара, баҳсга сабаб бўлмоқда. Масалан, бадиий гимнастика, акробатика, сувга сакраш, фигурали учиш ва ҳоказоларда ҳаракатни ифодалашни баён қилишда тортишувларга дуч келинади. Албатта, бунда педагогик кузатиш методи қўл келади. Қатор ўтирган ҳакамларнинг ҳар қайсиси ўз фикрини баён килади, умумий хулоса шунга қараб чиқарилади. Кенг тарқалган аниқ ҳисобга олиш методларидан бири хронометрлашdir. “Хроно” — вакт, “метр” ўлчов демакдир. Бунда ҳаракатни бажариш учун сарфланган вактга қараб натижа таҳлил килинади. Масалан, 800 метрга югурища ҳар бир 100 метр учун сарф бўлган вакт ёки дарсни, тренировка машғулотининг бошидан охиригача хронометрлаш машғулотнинг асосий вактининг самарасига баҳо бериш учун фойдаланилади.

Эксперимент илмий тадқиқот методи

Илмий текширишнинг бу усули текширучининг ўзи томонидан ўюнтирилган бўлиб, унинг ўзини усули аралашуви оркали олиб борилади. Бу усулида текширилаётган жараён маҳсус шароитда ёки яна кайтадан такрорлаш учун имконият яратилади, тадқиқот услубининг қулай ёки қимматли томони ҳам ана шундадир. Жисмоний тарбия жараёнида олиб борилаётган тажрибани маҳсус шароитни сунъий ҳисобга олмай ёки қайтадан ўша шароитни яратишда текширилиши керак бўлган масалага оид бўлмаган очик муаммолар ҳам юзага келиши мумкин. Бу — услубнинг салбий томонидир.

Тажрибани объектив ўтказиш амалиётда табиий, модулли ва лаборатория экспериментлари деб номланган хилларидан фойдаланилади. Табиий эксперимент ҳаётий шароитда олиб борилади. Ундан тажриба иштирокчилари бутунлай бехабар (самаралиги шунда ҳам) бўлиши мумкин. Масалан, бир мактабнинг икки синфида жисмоний тарбия дарслари дастур материалини ўзлаштириши, анъанавий ўқитиши усуллари билан, бошқасида маҳсус танланган услублар билан олиб борилиб, натижани таққослаш орқали қайси самарадорлилигини аниклашга эришилади.

Модулли эксперимент методидан кузатувчи ҳаётда учрайдиган оддий шароитдан бироз ўзгарган мухитда тажриба ўтказади. Масалан, мускул кучини ўстирища спортга янги келгандарда иш олиб борилди, дейлик. Улар ҳафтада уч марта, гурух-гурухларга бўлинниб, биринчи гурухи ётиб штангада машқ қилиш, иккинчи гурухи ўз танаси оғирлигидан фойдаланиш, учинчи гурухи факат гантел кўтариш билан маълум муддат машқ қиласди. Ҳар қайси гурухнинг модули алоҳида (штанга, гавдаси оғирлиги, гантел) машқлар факат елка камар мускулларининг кучини ортишишга йўналтирилган. Белгиланган муддатдан сўнг натижалар таққосланиб самара берган модул ва унинг машқлари, услубияти эълон қилинади.

Лаборатория экспериментида шуғулланувчилар амалиётда кам учрайдиган шароитда тажриба ўтказилади. Масалан, жисмоний тайёргарлиги тенг икки гуруҳ олиниб, улардан бирининг машғулоти лабораторияда, иккинчисиники эса оддий табиий шароитда олиб борилади. Бу тажрибанинг қулайлиги тажрибанинг лаборатория шароитида янгитдан такрорлай олиш мумкин эканлигидадир. Тажриба ўтказувчининг тажрибада иштироки объектив бўлмаган хulosаларга олиб келиши мумкин.

Жисмоний маданият назариясида илмий-тадқиқот методлари	
Ўрганишнинг умуммантикий усуллари	Анализ ва синтез Мавхұмлаштириш Умумлаштириш Аналогия Индукция ва дедукция Моделлаштириш
Назарий билимларни түзиш усуллари	Хаёлий эксперимент Идеаллаштириш ва формаллаштириш Аксиоматик метод Мавхұмдан аникга қараб чикиш (фаразли-дедуктив метод) Математик фараз методи Тарихий ва мантикий метод
Эмпирик билимларни түзиш усуллари	Кузатиш Тасвирлаш Үлчаш Тажриба
Хусусий усуллар	Адабиётларни ўрганиш Кузатиш Сұров усуллари Тестлаштириш Динамометрия Хронометрия Педагогик тажриба

Назорат саволлари:

1. Жисмоний тарбияда асосий илмий-тадқиқот усулларини санаб беринг.
2. Жисмоний маданият назариясида ўрганишнинг умуммантикий методларини санаб беринг.
3. Жисмоний маданият назариясида назарий билимларни түзиш усулларини санаб беринг.
4. Жисмоний маданият назариясида эмпирик билимларни түзиш усулларини санаб беринг.
5. Жисмоний маданият назариясида хусусий усулларни санаб беринг.
6. Анализ ва синтез деганда нимани түшунасиз?
7. Библиографик усулнинг асосини нима ташкил этади?
8. Педагогик назорат усулига қисқача таъриф беринг.
9. Тажриба усули ҳакида гапириб беринг.
10. Математик статистик усул қандай тадқиқотларда құлланилади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИ



Жисмоний тарбия воситалари мавзусида учрайдиган асосий тушунчалар

Жисмоний маданият воситалари	– деб, жисмоний камолотга эришиш максадида фойдаланиладиган фаолият жисмлари, шакллари ва турларининг жамланмасига айтилади.
Харакат	– деб, инсон харакат фаолиятининг натижаси, тананинг ёки тана аъзоларининг ташки жисемлар ёки бир-бирига нисбатан силжишига айтилади.
Харакат амали	– деб, бирон-бир харакат вазифасини ҳал қилиш учун тизимга бирлаштирилган харакатлар гурухига айтилади.
Жисмоний машқ	– деб, жисмоний тарбия қонуниятларига мувофик тарзда ташкиллаштирилган инсон харакат фаоллигига айтилади.
Жисмоний машқ	– деб, инсоннинг жисмоний камолотга эришиши учун яратилган ва қўлланиладиган харакат амалларига айтилади.
Жисмоний машқ	– бу жисмоний маданият вазифаларини амалга ошириш учун, унинг ривожланиш қонуниятларига мувофик тарзда шакллантирилган ва ташкил этилган харакат амалларидир.
Жисмоний машқлар	– деб, харакат бажарилишида кузатиладиган ва шугулланувчи организмида ўзgartiriшларни келти-

мазмуни	риб чиқарадиган жараёнлар (психологик, биологик, биохимик ва ҳ.к) жамланмасига айтилади.
Жисмоний машқлар шакли	– бу машқнинг ташки ва ички тузилмаси, мувофиқлиги, тартибидир.
Жисмоний машқлар классификацияси	– бу машқларни аник бир тасифий аломатларга мувофик гурухларга туркумлаштиридир.
Мусобақа машқлари	– бу, бирон-бир спорт тури мутахассислиги предмети ҳисобланиб, ушбу спорт тури мусобақа қоидаларига мувофик бажариладиган ҳаракат амалларидир.
Махсус-тайёрловчи машқлар	– бундай машқлар мусобақа машқининг у ёки бу вариантини ифодалайдиган машқлардир. Бундай машқларнинг зарурый аломати бўлиб, уларнинг мусобақа машқига ҳам шаклан ва ҳам мазмунан ўхшашлигидир.
Умумтайёрловчи машқлар	– бундай машқлар, спортчининг умумий тайёргарлиги асосий амалий воситаларини ифодалайдиган машқлардир.
Техника	- ҳаракат амалларини бажариш усули ҳисобланиб, улар ёрдамида ҳаракат вазифалари максадга мувофик ва нисбатан юқори самарада ҳал этилади.
Техника асоси	– бу, ҳаракат вазифасини ҳал этиш учун зарурый ҳаракатлар мажмуасидир.
Техниканинг асосий (етакчи) бўғини	– бу, берилган ҳаракат вазифасини ҳал этишининг энг муҳим кисмидир.
Техника детали	– деб, ҳаракат вазифасини ҳал этиш жараёнида индивидуал имкониятларни тўлиқ амалга ошириш имконини берадиган ва техника асосини бузмайдиган иккиламчи ўзига хос ҳаракатларга айтилади.
Ритм	<ul style="list-style-type: none"> – ҳаракат элементларининг кучланиш, вактда ва фазодаги мутаносиблиги; – фаол мушак кучланишлари ва кескинликлари билан боғлиқ кучли ургу берилган машқлар ва заиф, нисбатан нофаол ҳаракатларнинг вактдаги мутаносиблиги (мослиги).
Юклама	– бу шуғулланувчи организмига таъсир кўрсатувчи жисмоний машқларнинг маълум ўлчами ҳисобланиб, организмнинг тинч ҳолатга нисбатан юқори даражада ишлаши билан кузатилади.

Юклама шиддати	– бу, жисмоний ишнинг инсон организмига берилган вақт давомидаги таъсир кучи.
Юклама ҳажми	– жисмоний машқларни бажариш давомийлиги ва шу билан бирга, аниқ бир вақт давомида (бир машғулот, ҳафта, ой, давр ва ҳ.к. давомида) бажарилған жисмоний ишнинг жамланма микдори тушунилади.
Чарчаш	– бу шиддатли ва узоқ муддатли ишлаш натижасида вужудга келадиган организмнинг физиологик ҳолати бўлиб, организм функцияларининг дискоординацияси ва ишчанлик қобилиятининг вақтингчалик пасайишида намоён бўлади.
Чарчаш жараёни	– бу жисмоний иш бажариш чогида турли аъзолар, кисмлар ва умуман танада рўй берадиган ва охир-ошибатда бу ишни давом эттиришга имкон бермайдиган ўзгаришлар мажмуи.
Чарчаш ҳолати	– чарчашни шахсан сезганда рўй берадиган иш қобилиятини сусайиши билан ифодаланадиган организмнинг ҳолатидир.
Кескин чарчаш	– киска пайтдан, аммо спортчининг жисмоний тайёргарлиги даражасига мос келмайдиган ўта жадал ишлашдан кейин рўй беради.
Доимий чарчаш	– катор машқлардан кейин етарли даражада тикланиб олмаслик натижасида рўй беради. Доимий чарчаш жараёнида янги ҳаракат қўнималарини эгаллаш қобилияти пасаяди, иш қобилияти тушади, тана қаршилиги сусаяди.
Умумий чарчаш	– барча мушак гурухлари ишга жалб килинган пайтда вужудга келади. Марказий асаб тизими доимий ишини бузилиши, мувофиқлай олмай қолиш, ҳаракатларни бажаришда иродани заифлашиши хос хусусият ҳисобланади. Бундай ҳолатда танадаги кучнинг заифлашуви тез тез нафас олиш, юрак уришини тезлашуви, ишни давом эттира олмаслик сезилади.
Чекланган чарчаш	– бу айрим мушак гурухларининг чарчашидир.

Жисмоний машқларнинг мазмуни ва шакли

Жисмоний машқлар мазмуни деб, харакат бажарилишида кузатиладиган ва шуғулланувчи организмида ўзгартиришларни келтириб чиқарадиган жараёнлар (психологик, биологик, биохимик ва х.к) жамланмасига айтилади.	Жисмоний машқлар шакли – бу машкнинг ташки ва ички тузилтаси, мувофиқлиги, тартибидир.
---	---

Жисмоний машқлар классификацияси

№ т/р	Машкни таснифлаш аломати	Қисқача таърифи
1	Машқлардан фойдаланишнинг максадга йўналтирилганлиги бўйича	<ul style="list-style-type: none"> - умумривожлантирувчи машқлар; - қасбий амалий машқлар; - спорт машқлари; - даволовчи машқлар; - қайта тикловчи машқлар.
2	Жисмоний кобилиятларни ривожлантиришдаги таъсири бўйича	<ul style="list-style-type: none"> - кучни ривожлантирувчи машқлар; - тезкорликни ривожлантирувчи машқлар; - чидамлиликни ривожлантирувчи машқлар; - чакқонликни ривожлантирувчи машқлар; - эгилувчанликни ривожлантирувчи машқлар.
3	Анатомик белгилари бўйича	<ul style="list-style-type: none"> -қўл мушакларини ривожлантирувчи машқлар; -елка мушакларини ривожлантирувчи машқлар; -тана мушакларини ривожлантирувчи машқлар; -бўйин мушакларини ривожлантирувчи машқлар; -оёқ мушакларини ривожлантирувчи машқлар ва х.к.
4	Биомеханик тузилиши бўйича	<ul style="list-style-type: none"> -циклик машқлар (юриш, югуриш, сузиш ва х.к); -ациклик машқлар (улоқтириш, сакраш ва х.к); -комбинацияланган машқлар - циклик ва ациклик характерга эга машқларни мужассамлаштирган машқлар (югуриб келиб сакраш ёки улоқтириш).
5	Бажарилаётган иш куввати бўйича	<ul style="list-style-type: none"> - ўрта қувват билан бажариладиган машқлар; - катта қувват билан бажариладиган машқлар;


		-субмаксимал қувват билан бажариладиган машқлар; -максимал қувват билан бажариладиган машқлар.
6	Мушак фаолиятининг энергия билан таъминланиш механизми бўйича	- аэроб машқлар; - анаэроб машқлар; - аэроб-анаэроб машқлар. Мушак фаолиятининг энергия билан таъминланиши кислороднинг иштироки ва иштирокисиз, ёки аралаш шароитларда оксидланиши ҳисобига амалга оширилади.
7	Организмнинг турли тизими ва функцияларига таъсири бўйича	-нафас олиш тизимини ривожлантирувчи машқлар; -юрак ва кон айланиш тизимини ривожлантирувчи машқлар; -вестибуляр аппаратини ривожлантирувчи машқлар.
8	Спорт жиҳозлари бўйича	-спорт жиҳозлари билан бажариладиган машқлар; -спорт жиҳозларисиз бажариладиган машқлар.
9	Шуғулланувчиларнинг сони бўйича	- яккаликда бажариладиган машқлар; - жуфтликда бажариладиган машқлар; - учликда бажарилажиган машқлар; - гурух бўлиб бажариладиган машқлар.
10	Спорт машқларининг мақсади бўйича	- мусобақа машқлар; - умумтайёргарлик машқлар; - маҳсус тайёргарлик машқлар.
11	П.Ф.Лесгафтнинг жисмоний машқларни таснифлаш тизими	- содда машқлар; - мураккаб машқлар еки юкламанинг ортиши билан бажариладиган машқлар; -фазодаги ҳолатига ёки мускул ишининг бажарилиш вақтига кўра бажариладиган машқлар; -техник жиҳатдан қийин, тизимли равишда бажариладиган машқлар.
12	Спорт турлари бўйича	- гимнастик машқлар; - эшқак эшиш машқлари; - енгил атлетика машқлари; - велосипед ҳайдаш машқлари;

		- сузиш машқлари.
13	Жисмоний машқларнинг тарихан таснифланиши	- ўйинлар; - гимнастика күренишидаги машқлар; - спорт машқлари; - туризм машқлари.
Жисмоний машқлар таъсирини белгиловчи омиллар		
1. Ўкувчиларнинг индивидуал хусусиятлари (ёш, жинс, соғлиги, тайёргарлiği, меҳнат, ўкув, дам олиш ва кундалик ҳаёт режими).		
2. Жисмоний машқларнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни уларнинг мураккаблиги, янгилиги, юкламаси, эмоционаллiği.		
3. Ташки шароитлар хусусияти (метеорологик, ҳудудий, анжомлар ва ускуналар сифати, машгулот жойлари гигиеник ҳолати).		
Жисмоний машқлар техникаси характеристикалари		
Фазовий хусусиятлар		
Гавда ҳолати		Ҳаракат траекторияси (йўли)
Дастлабки ҳолат		Траектория шакли
Якуний ҳолат		Ҳаракат йўналиши
Ўрта ҳолат		Ҳаракат амплитудаси
Вақт хусусиятлар		
Ҳаракатлар давомийлиги		Ҳаракатлар темпи (суръати)
Фазовий-вақт хусусиятлар		
Ҳаракат тезлиги		
Куч хусусиятлар		
Ички кучлар		Ташки кучлар
Таянч-харакат аппарати актив кучлари – мушаклар тортиш кучи		Ўз тана вазни кучи
Таянч-харакат аппарати пассив кучлари – мушакларнинг эластик кучи ва бошқ.		Таянч реакцияси кучи
Реактив кучлар		Ташки мухит қаршилиги кучи (сув, ҳаво, кор), ташки оғирлик, инсон томонидан харакатлантирилаётган жисмлар инерцион кучи
Ритмик хусусиятлар		

Назорат саволлари:

1. “Ҳаракат” деганда нимани тушунасиз?
2. “Ҳаракат амали” ва “жисмоний машқ” тушунчаларига таъриф беринг.
3. Нега “жисмоний машқ” жисмоний тарбия воситалари ичида асосийси ҳисобланади?
4. Жисмоний машқнинг самарали таъсирини белгиловчи омилларни санаб ўтинг.
5. Жисмоний машқларнинг моҳияти ва шакли нималарга бўғлиқ?
6. Жисмоний машқларнинг 2-3 таснифий белгиларига қараб тасниф беринг.
7. Жисмоний машқлар техникаси деганда нимани тушунасиз?
8. Қандай шароитларда табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллар жисмоний тарбия воситасига айланади?
9. Жисмоний машқ техникаси “асоси”, “звеноси”, “детали” атамаларига таъриф беринг.
10. Рационал спорт техникаси деганда нимани тушунасиз?

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ



Жисмоний тарбиянинг дидактик тамойиллари мавзусида учрайдиган асосий тушунчалар	
Тамойил	- бу кўйилган максадга энг кулагай тарзда эришишга қўмаклашадиган асосий ғоядир; - деб, тарбия қонуниятларини акс эттирувчи энг муҳим қоидаларга айтилади.
Жисмоний таълим тамойили	- бу, жисмоний камолотни максадга мувофиқ тарзда шакллантиришни бошқарувчи жараённинг

	белгиловчи талабидир.
Умумметодик тамойиллар	– бу, жисмоний тарбия ўқитувчиси (мураббий) таълимий, тарбиявий ва соғломлаштиришнинг мажмуавий вазифаларини ҳал этиш учун фойдаланиши лозим бўлган дастлабки қоидалардир.
Онглийлик ва фаоллик тамойили	– тамойилнинг вазифаси бўлиб, шуғулланувчилярнинг жисмоний маданият ва спорт фаолиятига нисбатан қизиқишни, онгли муносабат ва эҳтиёжни, ўзини ўрганиш ва мукаммалаштиришга бўлган интилишини шакллантириш хисобланади.
Онглийлик	– бу инсон ўз фаолиятининг объектив қонуниятларини тўғри синчикаши, тушуниши ва ўша қонуниятлар асосида ўз фаолиятини юритиш қобилиятидир. Онглийлик асоси бўлиб, фаолият натижасини олдиндан кўра олишдир.
Фаоллик	– бу инсоннинг фаолият давомида намоён қиласидаган иши ўлчови ёки бирлиги, ишга киришганлик даражасидир.
Кўргазмалик тамойили	– бу тамойил инсон ҳис килиш органларини билим олиш жараёнига жалб килишни англатади. Жисмоний маданиятда кўргазмалик кўриш, эшлиш ва ҳаракат орқали таъминланади.
Осон тушунарлилик ва индивидуаллаштириш тамойили	– ушбу тамойил жисмоний маданият вазифалари, воситалари ва усулларининг шуғулла-нувлар имкониятига оптималь мувофиқлигини билдиради.
Тизимлилик тамойили	– тизимлилик тамойили ўкув-тарбия жараёнини алгоритмлар кўринишида тузишни кўзлайди ва жисмоний машғулотлар эпизодик, тарқок тарзда бажарилмаслигини, аксинча, узлуксиз ва изчиллик билан амалга оширилишини талаб этади.
Узлуксизлик тамойили	– жисмоний машғулотларнинг тузилиши бўйича мухим тамойиллардан бири хисобланади. Бу тамойилни амалга оширишда эришилган жисмоний тайёргарлик даражасининг пасайишига олиб келадиган машғулотлар мобайнидаги ўта катта ва педагогик жиҳатдан ноўрин танафусларга йўл қўйиб бўлмаслигини кўзда тутади.

Педагогик таъсирнинг астасекин ошиб бориши тамойили	– индивиднинг жисмоний юкламаларга мослашиши жараёнида намоён бўладиган руҳий функциялар ва ҳаракат фаоллигига (ҳажм ва шиддат кўрсатгичлари бўйича) талабларнинг мақсадли равишда ошиб боришини кўзда тутади. Бу тамойилнинг амалга ошиши педагогик таъсир остидаги обьектининг сифат кўрсатгичларининг биринчи даражадан юкорирок даражага режа асосида ўтишини таъминлайди ва бу амалиётда шуғулланувчининг машқланганлик, организми нинг функционал имкониятлари ва жисмоний қобилиятларнинг ошиши билан ифодаланади.
Даврийлик тамойили	– ўкув-тарбия жараёнининг тартибланганини белгилайди. Унинг мазмуни айрим машғулотлар ва серияларнинг (цикллар) композицион қайтарилишида намоён бўлади. Амалиётда тарбия жараёни микро-, мезо- ва макротузилмаларга бўлинади.
Микроцикллар (хафталик цикллар)	– бир неча машғулотлар жамланмаси бўлиб, дам олиш кунлари билан биргаликда нисбатан тугалланган қайта-қайта бажариладиган машғулотлар жараёни парчасини ташкил этади ва машғулотларнинг шошилинч ва қолдирилган самарасини таъминлайди.
Мезоцикллар (ойлик цикллар)	– 3 дан 6 тагача микроциклларни ўзида қамраб олиб, воситаларнинг мазмуни, навбатлашиш тартиби, мутаносиблиги ўзгариб туради. Мезоцикллик жисмоний машғулотларнинг жамланмавий (кумулятив) самарасини таъминлайди.
Макроцикллар (йиллик)	– бир неча мезоциклларни ўзида қамраб олади. Макроциклда бошқаришнинг технологиясининг методологик асоси бўлиб, индивиднинг жисмоний юкламаларга узоқ муддатли мослашишнинг обьектив биологик конунияти хисобланади.
Педагогик таъсирнинг ёшга мослиги тамойили	– бу тамойил тарбиявий таъсир ўлчовларини инсон организми ривожланишининг ёш босқичларига (мактабгача, мактаб, етуклик, кекса) мувофиқ, мақсадли ва изчил тарзда бошқариши назарда тутади.

Жисмоний тарбия тамойиллари		
Умумижтимоий тамойиллар	Умумпедагогик (методик) тамойиллар	Специфик (махсуслашган) тамойиллар
1. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш	1. Онглийлик ва фаоллик	1. Узлуксизлик
2. Соғломлаштиришга йўналганлик	2. Кўргазмалик	2. Педагогик таъсирнинг астасекин ошиб бориши
3. Амалийлик	3. Осон тушунарлилик ва индивидуаллаштириш	3. Даврийлик (циклик)
4. Жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий фаолият билан алокадорлиги	4. Тизимлилик	4. Педагогик таъсирнинг ёшга мослиги тамойили

Умумижтимоий тамойиллар

- Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш тамойили.
- Соғломлаштиришга йўналтирилганлик тамойили.
- Амалийлик тамойили.
- Жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий фаолият билан алокадорлиги тамойили.

Жисмоний машгулотларда умумметодик тамойиллар

Умумметодик тамойиллар	Тамойил хусусияти
Онглийлик ва фаоллик тамойили	Ушбу тамойилнинг вазифаси бўлиб, шугулланувчиларнинг жисмоний маданият ва спорт фаолиятига нисбатан қизиқиши, онгли муносабат ва эҳтиёжни, ўзини ўрганиш ва мукаммаллаштиришга бўлган интилишини шакллантириш ҳисобланади.
Кўргазмалик тамойили	Бу тамойил инсон ҳис килиш органларини билим олиш жараёнига жалб қилишни англатади. Жисмоний маданиятда кўргазмалик кўриш, эшлиш ва ҳаракат орқали таъминланади.
Осон тушунарлилик ва индивидуаллаштириш	Ушбу тамойил жисмоний маданият вазифалари, воситалари ва усусларининг шугулланувчилар имкониятига оптималь мувофиқлигини билдиради. Тамойилни амалга оширишда шугулланувчиларнинг ўрганишга бўлган тайёрлиги, топширикларни бажариш

тамойили	жараёнида вужудга келадиган объектив кийинчиликлар (координацион мураккаблик, хавф, талаб этадиган кувват) инобатга олиниши лозим. Машғулот давомида педагогик жиҳатдан кийинчилик ва шугууланувчиликнинг имкониятлари мувофиқлиги, осон тушунарлиликтин оптималь меъёрини таърифлайди. Амалиётда осон тушунарлилик тамойилини амалга ошираётганда қуйидаги қоидаларга амал килиш лозим: енгилдан қийинга, соддадан мураккабга, асосийдан иккинчи даражалига.
Тизимлилик тамойили	Тизимлилик тамойили ўкув-тарбия жараёнини алгоритмлар кўринишида тузишни кўзлайди ва жисмоний машғулотлар эпизодик, тарқоқ тарзда бажарилмаслигини, аксинча, узлуксиз ва изчиллик билан амалга оширилишини талаб этади.
Жисмоний машғулотларда специфик тамойиллар	
Специфик тамойиллар	Тамойил хусусияти
Узлуксизлик тамойили	Жисмоний машғулотларнинг тузилиши бўйича мухим тамойиллардан бири ҳисобланади. Бу тамойилни амалга оширишда эришилган жисмоний тайёргарлик даражасининг пасайишига олиб келадиган машғулотлар мобайнидаги ўта катта ва педагогик жиҳатдан ноўрин танаффусларга йўл қўйиб бўлмаслигини кўзда тутади.
Педагогик таъсириларнинг аста-секин ошиб бориши тамойили	Индивиднинг жисмоний юкламаларга мослашиши жараёнида намоён бўладиган руҳий функциялар ва харакат фаоллигига (ҳажм ва шиддат курсатгичлари бўйича) талабларнинг мақсадли равища ошиб боришини кўзда тутади. Бу тамойилнинг амалга ошиши педагогик таъсири остидаги объективининг сифат курсатгичларининг биринчи даражадан юкорирок даражага режа асосида ўтишини таъминлайди ва бу амалиётда шугууланувчининг машқланганлик, организмининг функционал имкониятлари ва жисмоний кобилиятларнинг ошиши билан ифодаланади.
Даврийлик тамойили	Ўкув-тарбия жараёнининг тартибланганини белгилайди. Унинг мазмуни айрим машғулотлар ва серияларнинг (цикллар) композицион қайтарилишида намоён бўлади. Амалиётда тарбия жараёни микро-, мезо- ва макротузилмаларга бўлинади.
Педагогик	Бу тамойил тарбиявий таъсири ўлчовларини инсон

таъсирнинг ёшга мослиги тамойили	организми ривожланишининг ёш босқичларига (мактабгача, мактаб, етуклик, кекса) мувофик, мақсадли ва изчил тарзда бошқаришни назарда тутади
--	--

Назорат саволлари:

1. Жисмоний маданият назариясида тамойиллар деганда нимани тушунасиз?
2. Шахснинг жисмоний маданиятини шакллантирувчи умумижтимоий тамойилларнинг моҳиятини очиб беринг.
3. Умумпедагогик тамойилларни санаб ўтинг.
4. Онглилик ва фаоллик тамойилига таъриф беринг.
5. Кўргазмалилик тамойилига таъриф беринг.
6. Осон тушунарлилик ва индивидуаллаштириш тамойили деганда нимани тушунасиз?
7. Тизимлилик тамойили нима?
8. Узлуксизлик тамойилига таъриф беринг.
9. Педагогик таъсирнинг аста-секин ошиб бориши тамойилига таъриф беринг.
10. Педагогик таъсирнинг ёшга мослиги тамойилига таъриф беринг.
11. Даврийлик тамойили деганда нимани тушунасиз?
12. Жисмоний тарбиянинг специфик (махсуслашган) тамойилларини санаб беринг.
13. Онглилик нима?
14. Фаоллик нима?
15. Микроцикл, мезоцикл, макроцикл нима?

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШГУЛОТЛАРИДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ

Жисмоний тарбия машгүлолтларида құлланыладын жисмоний тарбия методлари мавзусыда учрайдиган асосий түшүнчалар	
Метод	– деб инсон жисмоний камолотини шакллантириш жараёнида жисмоний маданият воситаларидан фойдала-нишнинг тартибли жамланмасига айтилади.
Методик усул	– бу ўргатишнинг аник вазифаларига мувофик, методни амалга ошириш тадбирига айтилади.
Методика	– деб педагогик вазифаларни ҳал этишга йұналтирилган маҳсус методлар тизими, ўргатишнинг методик усуллари ва машгүлолтларнинг ташкилий шаклларига айтилади.
Методик ёндашув	– бу педагогнинг жисмоний машқлар билан шугулланувчиларга таъсир күрсатиши усуллари жамлан-масидир.
Таълим	– деб инсоннинг билиш фаолияти натижаларининг шакллари ва тизимлилигига айтилади.
Дидактикалык қысқа	– вокеа ёки ҳодисани ҳикоя килиш шаклида баён қилиш. Ҳикояда спорт турларининг ривожланиши тарихи, машшгүлолтар услугияти (үйиннинг ташкиллаштирилиши) ҳақидаги маълумотлар берилади.
Тасвирлаш	– шогирдда ҳаракат ҳақида тасаввур ҳосил қилиш усули. Ушбу методни құллаганда нима килиш кераклиги ҳақида гапирилади, бироқ нима учун айни шундай килиш лозимлиги ҳақида гапирилмайди.
Түшүнтириш	– түшүнтириш методи орқали бажарылаётган ҳаракатлар асосида ётган мухим қонуниятлар мөхияти очиб берилади, ўрганилаётган ўқув материалиининг чуқур түшүнилиши таъминланади, ўқувчиларни фаол фикрлаш фаолиятига үндайди.
Сұхбат	– ўқув материалиини савол-жавоб шаклида үзлаштиришни ифодалайди. Сұхбат ўқитувчи саволи ва ўқувчи жавоби күринишида ёки фикрларни эркин аниклаш күринишида ўтиши мүмкін. Ушбу методнинг асосий талаби – үйлаб тузилған саволлар ва тахминий жавобларнинг қатый тизимиdir.
Мұхомама килиш	– ушбу метод сұхбатдан шуниси билан фарқ килады, бирон-бир топшириқ бажарылғанидан сұнг мұхомама килинади.
Күрсатма	– ҳаракат амали нотұғри бажарылғанда мувофик

Бериш	тузатиш-лар киритиш максадида сүз орқали таъсир ўтказиш (масалан, “тезроқ”, “баландрок” ва ҳ.к.).
Бахолаш	– бажарилган амалнинг таҳлилий натижаси (масалан, “яхши”, “тўғри”, “ёмон” ва ҳ.к.).
Буйрук	– ҳаракат амалини дарҳол бажариш, тұхтатиши ёки ўзгартириш буйича буйрук шакли (старт буйруклари, саф буйруклари, ҳакамлик буруқлари).
Саноқ	– ўқувчиларга ҳаракат амалини бажариш вактида керакли суръатни беришга имкон беради (эшкак эшиш, суръат хисси учун).
Ўз-ўзига гапириш	– бажарилиши мұлжалланган ҳаракат амалининг умумий тасвирини яратиш учун құлланилади. Мазмуни шундан иборатки, ўқувчи амални бажаришдан олдин атайин машқни бажариш техникасини хаёлан бажаради ва хаёлан бажараётган машқнинг элементларини оғзаки ўзига эшиттириб, техниканинг энг мухим хусусиятларига ургы бериб айтади.
Идеомотор машқ қилиш	– ҳаракат амалларини хаёлан бажариш.
Сүз орқали ўзини бошқариш	– ҳаракат амалини бажариш вактида ички нутқни құллашга асосланған. Ҳаракатларни ўрганиш давомида ҳаракат фаолиятини бошқариш ўз-ўзига буйрук бериш, ўзини-ўзи ишонтириш, ўзига-ўзи уқтириш ва ҳ.к. орқали амалга оширилиши мүмкін.
Бир маромда бажариш методи	– ушбу метод шуниси билан характерланадики, шүгүлланувчи ушбу метод орқали жисмоний машқни узлуксиз, нисбатан доимий шиддат билан бажаради. Хусусан, машқни бажариш давомида ҳаракат тезлигини, иш темпини, ҳаракатлар амплитудасини ўзгаришсиз саклашга интилади.
Ўзгарувчан метод	– бу метод машқни узлуксиз бажариш давомида ҳаракатланиш тезлигини, темпини, ритмини мақсадли ўзгартириш орқали юкламаларни изчиллик билан ўзгартиришни күзда тутади.
Такрорий метод	– бу метод орқали машқлар кўп маротаба бажарилади, машқлар ўртасида ишчанлик қобилиятининг тўлик тикланиши учун етарли бўлган дам олиш интерваллари мавжуд бўлади.
Интервал метод	– бу метод орқали, машқлар кўп маротаба бажарилади, иш ўртасидаги дам олиш интерваллари аник (турли) бўлади. Қўлланилаётган машқлар турига қараб, интервал

	машгулотлар турли хил спорт турлари учун зарур бўлган аэроб, анаэроб-алактат ишлаб чиқариши ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши мумкин.
Айланан методи	– бу ишнинг ташкилий-методик шакли ҳисобланиб, куч, тезкорлик, чидамлилик ва айникса, уларнинг мажмуавий шакллари – куч чидамлилиги, тезкор чидамлилик, тезкор кучларни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган жисмоний машқлар мажмуасининг оқимли ва кетма-кет бажарилишини кўзда тутади. Ушбу метод турли мушак гурухларига узлуксиз ва интервал машгулотлар типида таъсир киладиган машқларни изчил бажаришни кўзда тутади.
Ўйин усули	– ушбу метод асосини образли ёки шартли сюжетга мувофиқ аниқ бир шаклда тартибланган ҳаракат фаолияти ташкил этади.
Мусобақа методи	– бу методда, машқлар мусобақа шаклида бажарилади. Ушбу методдан, жисмоний, руҳий-иродавий ва ахлоқий қобилиятларни ривожлантириш, техник-тактик малака ва қўнилмаларни такомиллаштириш учун фойдаланилади.

Методларни танлашга қўйиладиган умумий талаблар

Ҳар кандай аниқ ҳолатда у ёки бу методни мақсадга мувофиқ ҳолда қўллаш қатор талабларга риоя қилишни тақозо этади:

1. Методнинг илмий асосланганлиги (олий нерв фаолияти);
2. Қўйилган вазифага ўқитишнинг мувофиқлиги;
3. Таълимнинг тарбиялаш ҳарактерини шакллантириш;
4. Методларнинг қўлланиши таълим тизимидағи барча тамойилларнинг мувофиқлиги ва амалга оширилишига таяниши лозим;
5. Ўқув материали хусусиятининг мувофиқлиги;
6. Ўқувчи индивиди ва гуруҳ тайёргарлигининг мувофиқлиги;
7. Ўқитувчи индивидуал хусусиятлари ва имкониятларнинг мувофиқлиги;
8. Машгулотлар шароитининг мувофиқлиги;
9. Методларни турли туманларидан фойдаланиш талаби.

Жисмоний тарбия амалиётида методни танлаш омиллари ва шартлари

1. Қўйилган ўқитиши ва тарбия вазифалари орқали;
2. Ўқув материаллари ва қўлланиладиган воситаларнинг мазмуни харакети орқали.
3. Шуғулланувчиларнинг ёши, жинси, саломатлик ҳолати, тайёрланганлик даражаси ва ҳ.к. имкониятлар орқали.
4. Ўқитувчиларнинг ўз имкониятлари, яъни, уларнинг илгариги тажрибаси, назарий ва амалий тайёрланганлик даражаси, иш усули, шахсий фазилатлари ва ҳ.к. орқали.
5. Ўқитувчи эга бўлган вакт орқали.
6. Айрим машғулотлар ва уларнинг кисмларининг тузилиши орқали.
7. Ҳаракат амалларига ўргатиш босқичлари, жисмоний ишчанлик қобилиятининг ривожланиши фазалари (қобилиятлар ривожланиши даражасининг ошиши, баркарорлашиши ёки қайта тикланиши) орқали.
8. Машғулотлар ўтказилаётган ташки шароитларнинг хусусиятлари (ҳаво ҳарорати, шамол кучи, жихозлар ҳолати, анжомлар миқдори) орқали.

Ҳаракат амалларига ўргатиш методлари ва уларнинг хусусиятлари	
Ўргатиш методлари	Методлар хусусияти
Машқларни бир бутунлигicha ўрганиш методи	Бу методнинг мазмуни шундан иборатки, ҳаракат амали техникаси бошидан, яхлит, бир бутунлигicha, кисмларга ажратилмаган ҳолда ўзлаштирилади. Яхлит метод тузилиши мураккаб бўлмаган ҳаракатларни (масалан, югуриш, улоктириш, предметни тутиш) ўрганишга имкон беради ва ўргатишнинг хоҳлаган босқичида қўлланилади.
Машқларни бўлакларга ажратиб ўрганиш методи	Ҳаракатнинг булак кисмларини ўрганиш ва кейинги уларни бирлаштириб бажариш билан ифодаланади (масалан, гимнастик комбинациялар).
Боғланган тъисир методи	Бу метод, асосан, ўрганилган ҳаракат амалларини, уларнинг сифатли асосларини, яъни, натижалар самарадорлигини такомиллаштириш жараённада қўлланилади. Унинг мазмуни шундан иборатки, ҳаракат амали техникаси жисмоний зўр беришнинг ошишини талаб қиласидиган шароитларда такомиллаштирилади.

Жисмоний қобилиятларни ривожлантирувчи методлар ва уларнинг хусусиятлари	
Ривожлантирувчи методлари	Методлар хусусияти
Интервал-стандарт машқлар методи	Бу метод, одатда бир юклама кўп маротаба машқни тақрорий бажариш вактида намоён бўлади ва тақрорий бажарилаетган машқлар оралигидаги дам олиш интерваллари турли хил бўлиши мумкин.
Узлуксиз стандарт машқлар методи	Бу метод ўзи билан шиддатнинг ўзгаришисиз (одатда ўртамиёна) узлуксиз мушак фаолиятини ифодалайди.
Ўзгарувчан узлуксиз машқлар методи	Бу метод, мушак фаолияти шиддатининг ўзгариши режимида амалга оширилиши билан тавсифланади.
Ўзгарувчан интервал машқлар методи	Бу методнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, юкламалар мобайнидаги дам олиш интерваллари турли хил бўлади.
Айланда методи	Турли мушак гурӯхларига ва функционал тизимларга узлуксиз ёки интервал иш режимида, таъсир этадиган маҳсус таъланган машқларни кетма-кетликда бажарилиши билан ифодаланади.

Сўздан фойдаланиш методлари ва уларнинг хусусиятлари	
Сўз методлари	Методларнинг кискача хусусияти
1. Дидактик хикоя	Воқеа ёки ҳодисани хикоя қилиш шаклида баён қилиш. Хикояда спорт турларининг ривожланиш тарихи, машшгулотлар услубияти (уйиннинг ташкиллаштирилиши) ҳакидаги маълумотлар берилади.
2. Тасвирлаш	Шоғирдда ҳаракат ҳакида тасавур ҳосил қилиш усули. Ушбу методни қўллаганда нима қилиш кераклиги ҳакида гапирилади, бироқ нима учун айни шундай қилиш лозимлиги ҳакида гапирилмайди.
3. Тушунтириш	Тушунтириш методи оркали бажарилаетган ҳаракатлар асосида ётган мухим қонуниятлар моҳияти очиб берилади, ўрганилаётган ўқув материалиининг чукур тушунилиши таъминланади, ўқувчиларни фаол фикрлаш фаолиятига ундаиди.
4. Сухбат	Ўқув материалиини савол-жавоб шаклида ўзлаштиришни ифодалайди. Сухбат ўқитувчи саволи ва ўқувчи жавоби кўринишида ёки фикрларни эркин аниклаш кўринишида ўтиши мумкин. Ушбу методнинг


	асосий талаби – ўйлаб тузилган саволлар ва тахминий жавобларнинг қатъий тизимиdir.
5. Мухокама қилиш	Ушбу метод сұхбатдан шуниси билан фарқ килады, бирон-бир топширик бажарилганидан сүңг мухокама килинади.
6. Кұрсатма бериш	Харакат амали нотұғри бажарилганда мувофиқ тузатыштар киритиш мәқсадида сүз орқали таъсир үтказиш (масалан, “тезроқ”, баландрок” ва ҳ.к.).
7. Бахолаш	Бажарилған амалнинг таҳлилий натижаси (масалан, “яхши”, “тұғри”, “ёмон” ва ҳ.к.).
8. Буйрук	Харакат амалини дархол бажариш, тұхтатиши ёки үзгартириш буйича буйрук шакли (старт буйруқлари, саф буйруқлари, ҳакамлық буруқлари).
9. Саноқ	Үқувчиларга харакат амалини бажариш вактида кераклы суръатни беришга имкон беради (эшкак эшиш, суръат хиси учун).
10. Үз-үзига ғапириш	Бажарилиши мүлжалланған харакат амалнинг умумий тасвирини яратып учун құлланылади. Мазмұни шундан иборатки, үқувчи амални бажаришдан олдин атайин машкни бажариш техникасини хаёлан бажаради ва хаёлан бажараётган машкнинг элементларини оғзаки үзига эшиттириб, техниканинг әнг мұхим хусусиятларига үргу беріб айтади.
11. Идеомотор машқ қилиш	Харакат амалларини хаёлан бажариш.
12. Сүз орқали үзини бошқариш	Харакат амалини бажариш вактида ички нұтқни құллашға асосланған. Харакатларни ўрганиш давомида харакат фаолиятини бошқариш үз-үзига буйрук бериш, үзини-үзи ишонтириш, үзига-үзи үқтириш ва ҳ.к. орқали амалга оширилиши мүмкін.

Күргазмаликни таъминловчы методлар (күргазма методлари) ва уларнинг хусусияти

Күргазма методлари	Методлар хусусияти
Күргазмали методлар	Жисмоний маданиятда шуғулланувчиларнинг бажараётган топширикларни күриш, эшитиш, харакат орқали англашға күмаклашадиган методлардир.
Бевосита күргазмалик методи	Ушбу метод шуғулланувчиларда бажарилаётган харакат амалнинг техникаси ҳақида тасаввур хосил қилиш учун, үқитувчи ёки үқувчилардан бири

	томонидан ҳаракатни бевосита күрсатиш оркали амалга оширишга мұлжалланган.
Воситали күргазмалик методи	Бу метод ҳаракат амали ҳақида предметли тасвирлар (плакатлар, күлланмалар, кино-, видео курулмалар, чизмалар ва х.к.) ёрдамида тасаввур ҳосил қилиш учун күшимча имкониятларни яратади.
Харакат амалини ҳис қилдиришга йүналтирилган метод	Бу метод ишләётган мушаклар, бүғинлар ёки тананинг айрим қисмлардан сигналларни идрок этишини ташкилластиришга йүналтирилган. Уларга: <ul style="list-style-type: none"> - ҳаракат амалини бажараётганда ўқитувчининг йүналтирилган ёрдами; - машқларни секинлашган суръатда бажариш; - машқ бажаришнинг турли лаҳзасида тана ҳолатини ҳис қилишга күмаклашадиган маҳсус тренажер курилмалардан фойдаланиш;
Шошилинч ахборот методи	Ушбу метод ҳаракат амалларини бажарыб бүлгач ёки бажариш вактида шошилинч ахборот (фотоэлектрон курилмалар, электрогониометрлар, светолидерлар ва х.к.) олишга мұлжалланган.

Жисмоний тарбияда фойдаланиладиган махсус ва умумуслубий методлар тизими.





Намойиш этишнінг түрли усуллары ағзаллықтары ва камчиліктары			
Көргазма түрлары	Видео материаллары	Мұраббийнинг маштабының үзінікүрсатыши	Спортчи ёрдамыда маштабының үзінікүрсатыши
Ағзаллық	-чексиз тақорлыш; -ақын жаңынан профессионал ижро; -секинлаштырылған қаралат жаңынан стоп кадр; -тасвир кетма-кеттілігі	-ташқыллаш осон; -турли ракурслардан күзатыншылдық; -гурухта мослаштырылған қаралат; -ишенч жаңынан тасвир күчінде орнашылған; -намунадан андаза олиш.	-ташқыл; -жисмоний тайёр; -спортчилар билан үхшашлық; -тажрибали; -турли ракурслардан күзатыншылдық; -гурухта мослаштырылған қаралат.
Камчилік	-намуна реал эмес; -нофаол иштирок (жисмоний); -иккіншінде тасвир; -фотография камера ракурсдан күзатыншылдық; -вакт жаңынан ассоблар талаб етілді.	-әкимол жисмоний тайёрлігінде орнашылған; -ноанник ижро этиш әкимоли; -харсафар ижронинг фарқи; -гурухни назорат килиш үзінікін мавжуд эмес.	-үзінікінде орнашылған ишончылар; -бажарғандай бұлмаслик; -шахслараро зиддият, үзінікінде орнашылған ишончылар; -ноанник ижро этиш әкимоли; -харсафар ижронинг фарқи.
Қачон за кимларда күллаш мүмкін	-үргатишиң жараённанғыз барча даражалы жаңынан босқыларда күллаш мүмкін; -стандарт-секинлаштырылған; -стандарт тақорлышни күллашы.	-үргатишиң илк босқыларда яңынан жаңынан босқыларда күллаш мүмкін;	-болалар әкім үсмірлар гурухында жаңынан босқыларда күллаш мүмкін;

Назорат саволлари:

1. Метод, методика тушунчаларига таъриф беринг. Уларнинг ўртасидаги фарқни айтиб беринг.
2. Жисмоний тарбия жараённида методларни танлашга кўйиладиган талабларни санаб ўтинг.
3. Методларнинг қандай гурухларини биласиз?
4. Билимларни шакллантирувчи методларга таъриф беринг.
5. Ҳаракат фаолиятига ўргатувчи методлар таснифи ҳакида гапириб беринг.
6. Ўйин ва мусобака методларининг ижобий ва салбий томонларини санаб ўтинг.
7. Амалий методларга таъриф беринг.
8. Сўз (нутк) дан фойдаланиш методларига таъриф беринг.
9. Таълим бериш методларига кўйилган талаблар.
10. Ўқитишнинг амалий методларига таъриф беринг.
11. Машкларни катъий регламентлашириш методига таъриф беринг.
12. Қисман регламентлаширилган машқ методига таъриф беринг.
13. Сўздан фойдаланиш методига таъриф беринг.
14. Кўргазмали ҳис килиш методига таъриф беринг.
15. Жисмоний юклама деганда нимани тушунасиз?
16. Юкламанинг таркибий қисмларига таъриф беринг.
17. Юкламанинг ички ва ташки томонлари ўргасидаги алоқага таъриф беринг.
18. Юкламани бошкаришда қайси омиллардан фойдаланиш лозим?
19. Давомийлигига қараб, дам олишнинг турларини санаб ўтинг.
20. Намойиш этиш усулларининг афзалликлари ва камчиликларини санаб беринг.
21. Жисмоний тарбия амалиётида методни танлаш омиллари ва шартларини санаб ўтинг.

ҲАРАКАТЛАРГА ЎРГАТИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШ АСОСЛАРИ. ЎРГАТИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ ВА ХУСУСИЯТИ

**Ҳаракатларга ўргатиш босқичларининг тузилиш асослари.
Ўргатиш босқичларининг асосий йўналиши ва хусусияти мавзусида
учрайдиган асосий тушунчалар**

Таълим	– деб инсоннинг жисмоний ва руҳий такомиллашувига йўналтирилган маҳсус билимлар ва ҳаракат амаллари тизимини ўргатиш ва ўзлаштиришнинг ташкиллаштирилган жараёнга айтилади.
Таълимга мойиллик	– деб инсоннинг билимларни эгаллаш ва малака, кўникмаларни ўзлаштириш кобилиятига айтилади.
Ҳаракат малакаси	– бу ҳаракатни шундай ўзлаштирилганлик даражасики, ҳаракатни бошқариш автоматлашган тарзда амалга оширилади.
Экстраполяция	– бу янги ҳаракатларни олдин ўзлаштирилган тажриба асосида ўрганишнинг психофизиологик механизмидир.
Ҳаракат кўникмаси	– бу ҳаракатни шундай ўзлаштирилганлик даражасики, ҳаракатни бошқариш тафаккурнинг фаол иштироки асосида амалга оширилади.
Асосий таянч нуқталари (ATH)	– бу ҳаракат амали элементлари ва шартларнинг шундай хусусияти, ҳаракатни муваффақиятли бажариш учун диккатни жамлаш талаб этилади.
Кўникмалар кўчиши	– бу бир ҳаракат малакаларининг бошқаларини ўзлаштиришга таъсирининг шаклланишидир. Кўникмалар кўчишининг ўзаро таъсири бир неча турга, аввало ижобий ва салбий кўчишларга бўлинади.
Хато	– бу, ҳаракат натижасига сезиларли таъсир кўрсатадиган тарзда машқларни техника моделидан оғган ҳолда бажаришга айтилади.

Ўрганишга мойиллик қобилияти омиллари

- Ўрганишга мойиллик қобилияти кўйидаги омиллар билан белгиланган:
1. Ўрганилаётган машқнинг мураккаблиги билан.
 2. Йигилган ҳаракат тажрибаси билан.
 3. Жинс ва ёш кўрсатгичлари билан.
 4. Қўлланилаётган ўргатиш методларининг самарадорлиги билан.
 5. Шуғулланувчиларнинг фаоллиги билан.

Ҳаракат амалларига ўрганишнинг биринчи босқичида (дастлабки ўрганиш босқичида) шуғулланувчилар томонидан энг кўп ҳаракат ҳатоларига йўл қўйилиши сабаблари


1. Ҳаракат амали ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлмаслик.
2. Ҳаракат кобилиятларининг заиф ривожланганлиги.
3. Кўркув.
4. Чарчаганлик ҳолати ва ҳ.к.

Ҳаракат амалига ўргатиш жараёниннинг кетма-кетлиги			
Босқичлар номи			
Максад	1. Дастлабки ўргатиш	2. Чукур ўргатиш	3. Такомиллаштириш ва мустаҳкамлашни ўргатиш
Максад	Ушбу босқичнинг мақсади ҳаракат амалининг техник асосини бажара олиш малакасини шакллантиришдир.	Ушбу босқичнинг мақсади ҳаракат амалини кўзланган техник талаблар ҳажмида бажара олиш малакасини шакллантиришдир.	Бу босқичнинг мақсади – ҳаракат малакасини амалий кўллаш имкониятига эга булиш учун кўникмага ўтказишидир.
Вазифалар	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳаракат амали ва уни бажариш усуллари бўйича мазмуний ва кўришга оид тасаввурларни шакллантиришдир. 2. Асосий таянч нукталари (ҳаракат амаллари элементлари) бўйича ҳаракат тасаввурини яратиш. 3. Янги ўрганилаётган ҳаракат техникасига ўхшаш илгариги ҳаракат 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Техниканинг асоси ва деталларида барча таянч нукталарида ҳаракат амалини аниқлаштириш. 2. Ҳаракат амалининг фазовий, вакъти ва динамик хусусиятларини онгли равища назорат қилиб, ҳаракат амалининг яхлит бажарилишига эришиш. 3. Кичик ҳатоларни бартараф этиш, айниқса, техниканинг асосий звеносида. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳаракат амалини бажарища яхлитлик ва автоматизмга эришиш. 2. Техниканинг индивидуал хусусиятларини зарурий даражада такомиллаштириш. 3. Ўрганилаётган ҳаракат амалини бошқа ҳаракат амаллари билан бирлаштирган ҳолда

тажрибасини кайта тузиш.		такомиллаштириш.
4. Олдин ўрганилмаган техника звеноларининг асосини қайта ўрганиш ва кўпол хатолар вужудга келишининг олдини олиш.	4. Шуғулланувчилар диккати аста-секин яхлит ҳаракат амалининг рационал ритмини ва яхлит бажарилаётган ҳаракат амалининг онг томонидан - назоратининг умумлашган шаклини ўзлаштиришга ўтиши лозим.	4. Ҳаракат амалини аник амалий шароитларга караб, вариатив фойдаланишини таъминлаш.
5. Ҳаракат амали техникасининг асосларини яхлит бажарилишига эришиш.	5. Аста-секин бир машғулот давомида кайта ўрганилаётган машкларнинг микдорини ошириб бориш ва ўрганишни машғулот асосий қисмининг биринчи ярмида, сезиларли даражадаги чарчаш вужудга келмаган вактда режалаштириш лозим	5. Ўзлаштирилган ҳаракат техникаси, мураккаброқ ҳаракатларнинг элементлари билан бирикмавий бажарилишини такомиллаштириш давом этади.

Шуғулланувчиларнинг ҳаракат амалларига ўрганиш жараёнида хатоларни тўғирлашнинг энг кўп тарқалган қоидалари

1. Хато шуғулланувчи томонидан тушунилиши лозим;
2. Хатоларни бирданига барчасини тўғирлашга уринмаслик лозим, аксинча, изчиллик ва уларнинг аҳамиятига караб тўғирлаш лозим.
3. Хатони тўғирлаш учун танланган усуслар, шуғулланувчининг хозирги ондаги имкониятларига мос келиши лозим.
4. Гўёки йўколган хатоларнинг тўсатдан пайдо бўлиши, ушбу хатоларни тўғирлашга ёрдам берган машкларни вакти-вакти билан бажариб туришни талаб этади.



Машғулот жараёнининг даврийлари


Мураббийлик маҳоратини ривожлантириш

Машғулотлар жараёнини оддий сўзлар билан тасвирлаш мумкин – нима қилинишини режалаштириш жараёни (plan), режалаштирилган нарсани амалга ошириш (do), бажарилган ишларни таҳлил қилиш (review). Бундай "режа-ижро-таҳлил" жараёни даврийдир, яъни, яна ва яна тақрорланади; бу жараён режалаштириш, амалга ошириш ва таҳлил қилиш кўникмаларини талаб қиласди. Сўровнома ўтказилганда, кўплаб мураббийлар, улар кўпроқ амалга ошириш жараёнини ёқтиришларини айтишади, бироқ факатгина барча уч компонентнинг комбинациясигина мураббий ва спортчи тараққиёти ва ривожланиши учун оптималь шароитларни яратади.

Мураббийнинг асосий кўникмалари

Спортчилар билан ишлашнинг бошида, мураббий кўпинча "ижро этиш"- га оид кўникмаларни ривожлантириш билан шугулланади. Бундай кўникмаларнинг ривожланиши билан ишда ўзига ишончи ортади. Қуйида машғулотлар жараёнининг "амалга ошириш" қисми бўйича кўникмаларни эгаллашга ургу берилган; мураббий спортчилар билан ишлашда пойдевор сифатида фойдаланиши лозим бўлган бешта асосий кўникмалар хусусияти очиб берилган. Ушбу беш кўникма қуйида схематик тарзда келтирилган.

Мураббий- нинг беш асосий кўникмалари

- 
- 1. Муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш
 - 2. Кўрсатма бериш ва тушунтириш
 - 3. Кўргазмалиликни тъмминлаш
 - 4. Кузатув ва таҳлил
 - 5. Тескари реакция

МУНОСАБАТЛАРНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

**3.Ҳар бир спортчига нисбатан
қизиқиши ва ҳурмат кўрсатниг**

**2.Табассум қилинг ва визул
алоқани сақланг.**

**4.Спортчиларни исми билан
атанг.**

**1.Ўзингизга мураббий
сифатида спортчиларнингиз
олдида ишонинг**


**5.Спортчиларни
шуғуллантиринг, спорт
туридан маъруза қилин.**

ХАВФИЗЛИК

ҚҰРСАТМА БЕРИШ ВА ТУШУНТИРИШ



ҚҰРГАЗМАЛИЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ



КУЗАТУВ ВА ТАҲЛИЛ

2. Турли мұнталардан
бір неча марта күзатыш

3. Үзінгізгіннің техник
моделінгіз билан
солиширилінг

1. Ҳаракаттарни фазаларға
бүлиш

4. Нима түрі әжы нотурмалығынни
анықланып

5. Қандай иншарин аялға
башында көрсетілгенін
(көрекін йүгім) анықланып

ХАФСИЗЛИК

"Тескари алоқа"

2. Спортчи түрі баяқтарған
жойларни белгілей солып

3. Спортчада үз-үзіннің бағдарламаш
ривожлантиришін үчүн саволлар
беринг

4. Бир иккі ассосяй үзін
фінклар билан чекленінг

1. Құрстас берішден аял
бір неча наратаба күзатынг

5. Мұносабеттәр жокобий
булиши лозим


ХАФСИЗЛИК

Назорат саволлари:

1. Таълим деганда нимани тушунасиз?
2. Таълимга мойиллик нима?
3. Ҳаракат малакаси ва ҳаракат кўникмаси тушунчаларига таъриф беринг.
4. Экстраполяция бу -...
5. Асосий таянч нукталари (АТН) деганда нимани тушунасиз?
6. Кўникмалар кўчиши деганда нимани тушунасиз?
7. Хато бу -...
8. Таълим жараёнида хатолар, уларнинг хиллари ва тузатиш методикаси моҳиятини очиб беринг.
9. Ўрганишга мойиллик қобилияти омилларини санаб ўтинг.
10. Ҳаракат амалига ўргатиш жараёнининг кетма-кетлиги, боскичларининг мақсади ҳамда вазифаларини очиб беринг.
11. Мураббийларнинг асосий кўникмаларини санаб беринг.

ҲАРАКАТ МАЛАКАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Ҳаракат малакаси ва ҳаракат күнікмасининг шаклланиши



П.Я. Галпериннинг (1958) харакат амаллари шаклланишининг босқичма-босқичлик назариясига мувофиқ харакат амалининг онгли ва ихтиёрий шаклланиши бир неча босқичларни ўз ичига киритади. Ушбу босқичларнинг қисқача хусусияти

№ т/р	Босқич номланиши	Босқичларнинг қисқача таърифи
1	Харакат амалининг ориентир асоси схемасининг шаклланиши	Ўкувчи вазият билан танишади, вазифани идрок этади, харакат амалининг мантикий тузилмасини ва амалга ошириш имкониятларици аниқлаб олади.
2	Харакат амалининг моддий шаклида шакллантириши	Ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунчалар ўкувчиларга сўз оркали ёки мавҳум шаклда эмас, аксинча, сезги органлари (кўриш, сезиш, мушакларни хис килиш) ёрдамида қабул қилиш мумкин бўлган моддий шакл сифатида тақдим этиш лозим.
3	Харакат амалини ташқи (баланд) нутқ шаклида ўзлаштириш босқичи	Моддий шаклда ўзлаштирилган, идрок этилган барча тушунчаларни сўзлар оркали, атамавий жиҳатдан мустаҳкамланади. Ўкувчи нутки ўрганилаётган ҳаракат амалини таърифлайдиган ва олдинги босқичда моддий шаклда идрок этилган ҳиссиётларни аниқ образлар оркали ўзида мужассамлаштиради.
4	Харакат амалини ташқи ўзига ўзи нутқ (овозсиз) шаклида шакллантириш босқичи	Ҳаракат амали ташки нутқ шаклида бажарилади. Бироқ нутқ овозсиз, ўзига каратилган бўлади. Қолган бошқа хусусиятлар бўйича ҳаракат амали олдинги босқичдаги амалдан фарқ килмайди: у худди олдинги босқичдагидай тўлиқ, умумлаштирилган, онгли равишда очик. Бироқ овозсиз нутқ шаклини қабул қилгач, амал тезлик билан қисқариб, автоматлашади.
5	Ҳаракат амалини ички нутқ шаклида шакллантириш босқичи	Ички нуткга ўтиш муносабати билан ориентир олиш, бажариш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш тезлиги ошиб боради. Айрим операциялар онгнинг назоратидан чиқади, амаллар автоматлашади. Онг ҳаракат амалининг факатгина мазмуний йўналишини, операцияларнинг умумий изчиллигини назорат килади. Ундан кичик деталлар онг

		томонидан сайланма тарзда, зарурат туғилганда назорат қилинади.
Малака күчиши хусусиятларининг қисқача тавсифи		
№ т/р	Күникма күчиши номи	Күчиш характеристининг қисқача хусусияти
1	Бир томонлама күчиш	Бундай күчиш шундай ҳолатларда юз беради, бир күникманинг шаклланиши бошқасининг ташкил топишига күмаклашади, бирок тескари таъсир сезилмайди.
2	Ўзаро күчиш	возникает при переносе навыков с одного двигательного действия на другое и обратно. Бир ҳаракат амали күникмасининг бошқа күникмага күчиши ва қайта күчишида вужудга келади.
3	Билвосита күчиш	Бундай күчиш шундай хусусиятга эгаки, олдин шаклланган күникма, факатгина янги күникмаларни ўзлаштириш учун дастлабки кулаги шароитларни яратади. Танланган спорт турида носпецифик ҳаракат малака ва күникмалар фондини кўпайтириш мақсадида умумий жисмоний тайёргарлик воситаларидан фойдаланиш, билвосита күчиш ҳодисасига асосланган.
4	Чекланган (кисман) күчиш	Бундай күчиш шундай ҳолатларда вужудга келадики, ўрганилаётган ҳаракат амаллари тузилиши, катта ўхшашибликка эга бўлади. Бундай ҳолатда күникмалар күчиши ўта тор диапазонда амалга оширилади (масалан, теннис ва бадминтондаги тўлга зарба бериш күникмасининг күчиши). Ўзлаштирилаётган ҳаракатларнинг асосий фазаларининг тузилмавий ўхшашиблиги тамойили асосида дастлабки машқлар тизими режалаштирилади.
5	Умумлашган күчиш	Бундай күчиш шундай ҳолатларда содир бўладики, ҳаракатлар тузилмавий ўхшашибликка эга бўлмаса-да, олдин ўзлаштирилган күникма янги ҳаракатлар тизимининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Масалан, велосипедчи ва конькида юрувчи спортчилар ҳаракати бир-бирига ўхшашини сезиш қийин, бирок шундай бўлишига қарамай, күникмалар күчиши ҳодисаси вужудга келади. Бу ҳаракатларни

		бирлаштирувчи умумий вазифа – мувозанатни саклашдир.
6	Кесишувчи кўчиш	Бундай кўчиш кўникмаларнинг тананинг симметрик аъзоларига кўчишидир. Масалан, ўнг кўл ва оёқ ўзлаштирган ҳаракатни, тананинг чап томонда жойлашган аъзолари билан бажара олишдир.

Назорат саволлари:

1. Ҳаракат малакалари ва кўникмалари ўртасидаги алокани таърифланг.
2. Туғма автоматизмларни таърифланг.
3. Малакаларни салбий кўчишини таърифланг.
4. Малакаларни ижобий кўчишини таърифланг.
5. Бир томонлама кўчиши тушунтиринг.
6. Ўзаро кўчиш мазмунини очиб беринг.
7. Билвосита кўчиш нима?
8. Чекланган (кисман) кўчишни тушунтиринг.
9. Умумлашган кўчиш мазмунини очиб беринг.
10. Кесишувчи кўчиш нима?

**ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ (КУЧ, ТЕЗКОРЛИК,
ЧАҚҚОНЛИК, ЭГИЛУВЧАНЛИК, ЧИДАМЛИЛИК)
ТАРБИЯЛАШ МЕТОДИКАСИ**

**Жисмоний сифатларни тарбиялаш методикаси мавзусида учрайдиган
асосий тушунчалар**

Жисмоний қобилиятлар	– бу бирон-бир мушак фаолияти тури талабларига жавоб берадиган ва унинг бажарилиши самарадорлигини тъминлайдиган, инсоннинг морфологик ва рухий-физиологик хусусиятлари мажмусидир.
Харакат фаолияти режими	– деб бир машгулот ёки бир неча машгулотлар тизимида, жисмоний машкларни бажариш билан боғлик ва улар оралиғидаги дам олишлар интервалининг аниқ үрнатилган тартибли алмашинишига айтилади.
Жисмоний қобилиятлар күчиши	– бу шундай жарабёнки, бир қобилият ривожланғанлық даражасининг ўзгариши, бошқа қобилият ривожланғанлық даражасининг ўзгаришишига олиб келади.
Шошилинч (яқин) самара	– бу ҳар бир машқнинг якунида ёки машгулотнинг якуний кисмида, организмда вужудга келадиган ўзгаришлардир. Бу самара бирданига йўқолмайди, аксинча, бир неча вақт сакланади.
Трансформацияланган (қолдирилган) самара	– бу олдинги машгулот якунидан, навбатдаги машгулотлар бошигача кузатиладиган организмнинг ўзгариши холати.
Кумулятив (йигиладиган) самара	– бу жисмоний машгулотлар натижасида самараларнинг жамланмаси, йигилишидир.
Ҳар бир кишида жисмоний қобилиятлар турли хил ривожланган.	
Жисмоний қобилиятларнинг турли хил ривожланиши асосидаги туғма (наслій) қобилиятлар.	
<ol style="list-style-type: none"> 1. Мия ва асаб тизимининг анатомик ва морфологик хусусиятлари (асаб жараёнларининг хусусиятлари – кучи, харакатчалиги, вазминлиги, мия қобиги тузилишининг ўзига хос варианtlари ва ҳ.к.). 2. Физиологик хусусиятлар (юрак-кон томир ва нафас олиш тизимининг хусусиятлари – кислородни максимал истеъмол қилиш, периферик қон айланиш кўрсатгичлари ва ҳ.к.). 3. Биологик хусусиятлар (биологик оксидланиш, моддалар алмашинуви, мушаклар кискаришининг энергетикаси ва ҳ.к. ларнинг хусусиятлари). 4. Жисмоний хусусиятлар (тана ва кўл-оёқларнинг узунлиги, тана вазни, мушак ва ёғ тўқималарнинг вазни ва ҳ.к.). 	

5. Хромосом хусусиятлар (генлар).

6. Психодинамик хусусиятлар (темперамент, характер, руний жараёнларнинг бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш хусусиятлари).

Кондицион жисмоний қобилиялар

1. Куч қобилияти.
2. Чидамлилик қобилияти.
3. Тезкорлик қобилияти.
4. Эгилювчанлик қобилияти.

Асосий специфик координацион қобилиялар

1. Мувозанатни саклашга бўлган қобилият.
2. Ориентир олишга бўлган қобилият.
3. Таъсирланишга бўлган қобилият.
4. Ҳаракат кўрсатгичларини дифференциациялашга бўлган қобилият.
5. Ритмга бўлган қобилият.
6. Қайта созланишга бўлган қобилият.
7. Вестибуляр барқарорликка бўлган қобилият.
8. Мушакларни ихтиёрий бушаштиришга бўлган қобилият.
9. Мувофиклаштиришга (алоқани) бўлган қобилият.

Жисмоний қобилиялар ривожланишининг асосий қонуниятлари ва уларнинг қисқача хусусияти

т/р	Конуният	Қисқача хусусият
1	Ҳаракат – жисмоний қобилиялар ривожланишининг етакчи омили	Ҳаракат – турли даражадаги тирик обьектлар тузилмасига хос хусусиятдир. Ҳаракат фаол-лиги инсоннинг психофизиологик табиатини такомиллаштиришга йўналтирилган.
2	Қобилиялар ривожланишининг ҳаракат фаолияти режимига боғлиқлиги	Жисмоний қобилиялар нафақат уларнинг намоён бўлишини, балки уларни бажаришнинг аник режимини талаб киладиган фаолият жараёнида ривожланади. Ҳаракат фаолиятининг режими – бу бир машғулот ёки машғулотлар тизими рамкаларида, бирон-бир жисмоний машқларни бажариш ва улар орасида дам олиш интерваллари билан боғлиқ, ишни навбатлашнинг аник ўрнатилган тартибидир.
3	Жисмоний қобилиялар ривожланишининг босқичлилиги	Мазкур конуният шуни белгилайдики, бир хил юкламаларни бажариш давомида қобилиялар ривожланиш самарадорлиги пасаяди. Жисмоний қобилиялар ривожлани-

		шининг доимий юкори даражада бўлишига эришиш учун, юклама мазмунини, уни бажариш шартларини ўзгаририб туриш лозим.
4	Жисмоний қобилиятлар ривожланишининг бир маромда кечмаслиги ва гетерохронлиги (бир вақтда кечмаслиги)	Бу конуният шуни эътироф этадики, организмнинг биологик етилиши жараёнида, айрим органлар ва тузилмаларда, микдорий ва сифатли, шиддатли даврий ўзгаришлар кузатилади. Агар мана шу даврда педагогик таъсир кўрсатилса, мувофик ҳаракат қобилиятларининг ривожланиш самараси, нисбатан баркарор даврда эришиладиган натижалардан сезиларли даражада юқорирок бўлади. Жисмоний маданият назариясида бундай даврлар сенситив (таъсирчан) даврлар деб номланади.
5	Жисмоний қобилиятлар ривожланганлик кўрсатгичининг кайтариувчанилиги.	Тизимли равишда жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш натижасида эришиладиган функционал ва тузилмавий ўзгаришлар кайтариувчандир, улар тескари, қайта ривожланиши мумкин. Машғулотлар ўртасида нисбатан унча катта бўлмаган танаффус бўлса бас, функционал имкониятлар даражасининг пасайиши, тузилмавий аломатларнинг регресси ва натижада жисмоний имкониятлар ривожланиш кўрсатгичларида сусайиш вужудга келади.
6	Жисмоний қобилиятларнинг кўчиши	Мазкур конуният бир неча жисмоний қобилиятлар ривожланишининг даражалари ўртасидаги мавжуд алоқаларни таъкидлайди. Жисмоний қобилиятларнинг кўчиши – бу шундай жараёнки, бир қобилият ривожланганлик даражасининг ўзгариши, бошқа қобилият ривожланганлик даражасининг ўзгаришига олиб келади.
7	Ҳаракат малакалари ва жисмоний қобилиятларнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги	Жисмоний қобилиятлар фаолият жараёнида намоён булиб, ҳаракат малака ва кўникмалари жисмоний қобилиятлардан ажралмайди ва улар яхлитдир. Инсон у ёки бу ҳаракат амалини ўзлаштирганлиги ва мувофик

		жисмоний қобилиятларнинг муваффакиятли амалга ошиши бир-бирига боғлик жараёндир.
Жисмоний қобилиятлар ривожланишининг асосий тамойиллари ва уларнинг кисқача хусусияти		
т/р	Тамойил	Кисқача хусусиятлари
1	Педагогик таъсири нинг доимийлиги тамойили	Бу тамойил жисмоний қобилиятларнинг ривожланиши учун доимий жисмоний машгулотлар билан шугуланиш зарурлигини кўзда тутади. Бир машгулот давомида ва кайта-кайта бажариладиган машгулотларда кўп маротаба бажариладиган харакат амаллари натижасида, инсон организмида мувофиқ самарани таърифлайдиган функционал ўзгаришлар содир бўлади.
2	Педагогик таъсир самарасининг ривожланиши ва адаптацион жихатдан сўнгги нуқтагача ошириб бориш тамойили	Ушбу тамойил жисмоний қобилиятларнинг боскичлилиги ва бир маромда кечмаслиги конуниятларига асосланган (бошқа сўз билан айтганда аста-секинлик ва ҳаддан ташкарилик). Аста-секинлик юкламаларнинг бир машгулот ёки бир неча машгулотлар давомида равон ошиб боришини билдириб, организмнинг машгулотларга мослашишини енгиллаштиради, машгулотлар келтириб чиқарган адаптацион ўзгаришларнинг чукурлашишига ва мустаҳкамлашишига кўмаклашади, бу орқали янги ва юқори даражадаги юкламаларга ўтиш учун дастлабки шароитларни яратади.
3	Турли хил хусусиятга эга педагогик таъсириларни рационал биринтириш ва вактда таксимлаш тамойили	Бу тамойил бир машгулот ичида ёки бир неча машгулотлар серияси рамкасида оқилона асосланган, ўзаро алоқаси ва амалга ошириш тартиби максадга мувофиқ бўлган, кўрсатгичи ҳар хил юкламалар булишини талаб этади. Бу тамойилни амалга оширишда жисмоний қобилиятларнинг “кўчиши”, юклама ва дам олишни навбатлаш асосида ётган конуниятларни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.
4	Таъсири нинг максадга йўналтирилганлиги	Жисмоний қобилиятларнинг шакланиши ва такомиллашиши асосида инсоннинг харакат фаолияти шароитларига узоқ муддатли


	ва адаптив мослиги тамойили	мослашиш механизми ётади. Юклама таъсири остида биокимёвий, морфологик, физиологик ва рухий ўзгаришлар содир бўлиб, аник бир ривожлантирувчи самарани келтириб чикаради.
5	Педагогик таъсирнинг ёшга мослиги тамойили	Бу тамойил педагогдан шугулланувчининг қобилиятларини шакллантириш учун, уларнинг табиий ўзгараётган онтогенез даврларига мувофик тарзда амалга оширилишини талаб килади. У ёки бу жисмоний қобилиятларни шакллантириш учун кескин ўзгарувчан (сенситив) даврларни билиш, уларнинг ривожланиш даражасига йўналган ва самарали тарзда таъсир этишга имкон беради.
6	Жисмоний қобилиятлар ривожланишивинг ўзиб кетувчи таъсири тамойили	Ушбу тамойилнинг моҳияти куйдагидан иборат: жисмоний қобилиятларни доимий ривожлантириш учун, ташки таъсирлар (воситалар, методлар ва шакллар) аник бир қобилиятнинг ички ривожланишидан ўзиши лозим. Агар ана шундай мувофилик бўлмаса, қобилиятлар ривожланишида тўхташ, турғунлик (“плато”) вужудга келади. Жисмоний қобилиятлар ривожланишида “плато” шаблонли услубият, ўзиб кетувчи мувофилик тамойилининг бузилиши ва қобилиятлар ривожланишидан, методик усусларни кўллаш ортда колгани натижасида вужудга келади.
7	Боғланган таъсир тамойили	Бу тамойил жисмоний қобилиятлар ривожланиши жараёни ва харакат кўнникмаларининг ўзаро таъсири ва уларни бошқариш имкониятларига асосланган. Ушбу тамойилга кўра машгулот таъсири нафакат зарурий қобилиятларни ривожлантиришга мувофик бўлиши, шу билан бирга аник машқнинг харакат тузилмасида қўллай билиш малакасига эга қилиши лозим.

Мактаб ёшидаги болаларнинг бўй-вазн кўрсатгичлари ва жисмоний қобилияtlари ривожланишининг тахминий сенситив (таъсирчан) даврлари

Бўй-вазн кўрсатгичлари ва жисмоний қобилияtlар	Ёш										
	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
Бўй						+	+	+	+		
Вазн						+	+	+	+		
Максимал куч						+	+		+	+	
Тезкорлик	+	+	+						+	+	+
Тезкорлик ва куч қобилияtlари		+	+	+	+	+	+	+			
Чидамлилик (аэроб имконияtlар)	+	+							+	+	+
Тезкорлик чидамлилиги									+	+	+
Анаэроб имконияtlар (гликолитик)									+	+	+
Эгилувчанлик	+	+	+	+		+	+				
Координацион қобилияtlар			+	+	+	+					
Мувозанат	+	+	+	+	+	+	+	+			

Жисмоний ривожланиш	Шубҳасиз, жисмоний ривожланиш спорт натижаларига таъсир киласи. Ривожланиш даврида танадаги жисмоний ўзгаришларни куриб чиқамиз. Тананинг ўлчамлари ва нисбатларида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Ушбу ўзгаришлар болаларнинг турли хил машқларни қай тарзда бажаришига таъсир киласи.
Ўсиш моделлари – ўлчамларнинг ўзгариши.	<p>Болалар жуда тез ўсади. Тугилганда боланинг бўйи унинг балоғат ёшидаги бўйининг атиги тўртдан бир кисмидир. Ўсиш тахминан йигирма ёшда тугайди. Тугилишдан вояга етгунга кадар, инсон ўсишнинг тўртта характерли боскичидан ўтади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - гўдаклик ва илк ёшдаги болаларнинг тез ўсиши - болаликда секин ва доимий ўсиш - ўсмирлик (жинсий ривожланиш) даврида тез ўсиши - балоғат даврида аста-секинлик билан, то якуний “катталар” бўйига эришгунга кадар ўсишнинг секинлашиши. <p>Гўдаклик ва болалик даврида ҳар иккала жинс</p>


вакиллари хам шакл ва ўлчамда деярли фарқ килмайди.



Тана ҳажмининг туғилишдан вояга етқунга қадар катталашиб бориши


Ўсиш моделлари – тана нисбатларининг ўзгариши.

Туғилганда танадаги жисмоний нисбатлар катталарапницидан мутлако фарқ килади. Ривожланиш даврида, тананинг бъэзи қисмлари катталарапниги етиб боргунча бошқаларга қараганда тезроқ ўсади. Расмда турли ёшда тана қисмларининг нисбий ўлчамлари кўрсатилиган




Туғилгандан то вояга етқунга қадар тана нисбатларининг ўзгариши Янги туғилган чакалоқдан вояга етқунга қадар тананинг турли қисмларининг ўсиши

Болаликда бош мутаносиб равишда катта, оёклар эса мутаносиб қисқа. Туғилганда бош тананинг түртдан бир қисмiga тұғыр келади, катталарда эса – олтидан бир қисми. Оёклар туғилишда тана узунлигининг учдан бирини, катталарда эса ярмини ташкил қилади. Тана нисбатларининг ўзгариши тананинг барча сегментлари бир хил ўсмаслигини аңглатади.



Тананинг ўлчамлари ва шаклидаги ўзгаришлар турли вактларда турли сегментлар ўсиб бориши туфайли хам содир бўлади. Бу нисбатлардаги ўзгаришлар турли ҳаракатлар кай тариқа бажарилишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, болаликда бошнинг нисбий ҳажмидаги ўзгаришлар ҳаракат пайтида тананинг мувозанатига таъсир қиласди, ёш болаларда эса нисбатан қисқа оёклар югуриш қобилиятини чегаралайди. Жинсий ривожланиш даврининг бошида болаларнинг кўл ва оёклари узун бўлади. Улар югуриш учун кўпроқ тўгри келади, бироқ уларнинг тез ўсиши туфайли болалар бесўнакай бўлиб қуринади ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришда кийинчиликларга дуч келади.



АЁЛЛАР

0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23
Илк болалик	Болалик даври					Ұсмирлик даври	Балоғат даври					Етуқлик даври											
Илк болалик	Болалик даври					Ұсмирлик даври	Балоғат даври					Етуқлик даври											
0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23

ЭРҚАКЛАР

Болаликдан етуқлика қадар ўсии ва ривожланиши босқичлари

**Мактабгача ёшдаги болаларни ёш бүйнча даврийлаштириш
(Ю.Ф.Курамшин, 2004)**

Хаёт йиллари	Даврлар		Гурухлар	
	Биологик аломатлар нұктан назаридан	Педагогик нұктан назардан		
1-10 кун	Янги туғилған чақалоқ	МАКТАБГАЧА ЁШ	Илк мактабгача ёш	
1 ёш	Эмизикли чақалоқ		Биринчи	
2 ёш	Эрта болалик		Иккінчи	
3 ёш	Биринчи болалик		Биринчи кічик	
4 ёш			Иккінчи кічик	
5 ёш			Үрта	
6 ёш			Катта	
7 ёш			Тайёрлов гурухы	

Мактаб ёшидаги болаларни ёш бүйнча даврийлаштириш

Даврлар	Ёш	Синф
Кічік мактаб ёши	6,7-11 ёш	1-4 синф
Үрта мактаб ёши (ұспириң)	12-15 ёш	5-8 синф
Катта мактаб ёши (ұсмир)	16-18 ёш	9-11 синф

Ёши катталарни ёш бүйнча даврийлаштириш

Даврлар	Жинси	Ёш, йиллар
Ёшлар	Эркаклар Аїллар	18-28
1-чи етуклик даври	Эркаклар Аїллар	29-39 29-34
2-чи етуклик даври	Эркаклар Аїллар	40-60 35-55
Кекса ёш	Эркаклар Аїллар	61-74 56-74
Қарилік	Эркаклар Аїллар	75-90
Умрбоқыйлар	Эркаклар Аїллар	90 ёшдан катта


Назорат саволлари:

1. “Жисмоний қобиляйт”, “Жисмоний сифат” тушунчаларига таъриф беринг.
2. Кондицион жисмоний қобиляйтларга қайси сифатлар киради?
3. Асосий специфик координацион қобиляйтларга қайси сифатлар киради?
4. Жисмоний қобиляйтларни ривожлантириш кандай түгма қобиляйтлар асосида амалга оширилади?
5. Жисмоний қобиляйтларни ривожланишида асосий қонуниятларни санаб ўтинг.
6. Жисмоний қобиляйтларни ривожланишида қайси омиллар етакчи ҳисобланади?
7. Сенситив даврларга таъриф беринг.
8. Жисмоний қобиляйтларни ривожланишининг асосий тамойилларини санаб ўтинг.
9. Мактабгача ёшдаги болаларни ёш бўйича даврийлаштиринг.
10. Мактаб ёшидаги болаларни ёш бўйича даврийлаштиринг.
11. Ёши катталарни ёш бўйича даврийлаштиринг.

КУЧ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ

Куч қобилиятини тарбиялаш мавзусида учрайдиган асосий түшүнчалар	
Мушак кучи	– бу инсон мушакларининг зўрикиши ҳисобидан ташки каршиликни енга олиш ёки унга қарши ҳаракат қила олиш қобилиятидир.
Асли куч қобилиятлари	– статик режим ва секин ҳаракатлар шароитида намоён бўлади (масалан, ўта оғир оғирликларни мушакларнинг максимал зўрикиши оркали ушлаб туриш ёки катта вазндан жисмларни кўчириш).
Тезкор куч қобилиятлари	– сезиларли мушаклар кучи билан биргаликда катта ҳаракат тезкорлиги талаб этиладиган ҳаракат амалларида намоён бўлади (узунликка ва баландликка югуриб келиб ёки жойидан сакраш, снарядларни улоқтириш ва х.к.).
Мутлақ куч	– бу инсон тана вазни ҳисобга олинмаган ҳолатдаги мушаклар максимал зўрикишининг намоён бўлишидир.
Нисбий куч	– бу мутлақ куч катталигининг ўз тана вазнига нисбатидир.
Портловчи куч	– бу киска вакт ичida катта миқдордаги кучни намоён қила олиш қобилиятидир.
Куч чидамлилиги	– бу нисбатан узоқ муддат давом этадиган, сезиларли катталикдаги мушаклар зўрикиши натижасида вужудга келадиган чарчашибга қарши турла олиш қобилиятидир.
Куч чаққонлиги	– бу кутилмаган вазиятлар ва мушакларнинг турли режимида ишлаш шароитида мушакларнинг турли катталикдаги зўрикишларини аниқ дифференциациялай олиш қобилиятидир.
Куч қобилиятларининг намоён бўлишига таъсир этувчи механизmlар	
<ol style="list-style-type: none"> 1. Физиологик кўндаланг ўлчови. 2. Мушак толаларининг тузилиши (композицияси). 3. Мушаклар таранглашишининг марказий асаб тизими томонидан бошқарилиши. 4. Мушакларга етиб келаётган асаб импульслар частотаси. 5. Кўпгина ҳаракат бирликларининг фаоллашуви. 6. Ҳаракат бирликлари фаоллашувининг синхронлашуви. 7. Мушаклараро мослашув. 8. Психофизиологик механизmlар. 9. Жинсий гормонлар. 10. Ҳаракатнинг механик хусусиятлари. 	

Куч қобилянти ва унинг бошқа жисмоний қобиляйтлар билан бирақмалари таснифи



Мускул кучи намоён бўлишининг икки хил режими

Ўз узунлигини ўзгартирмасдан (лекин, мускулларининг таранглиги катта) – статик ёки изотермик режимда бажариладиган машқлар. Масалан, гимнастикада – бурчак хосил қилиб эгилган қўлларда осилиб туриши.

Ўз узунлигини талабга биноан ўзгаририб, ҳаракат вактида намоён бўладиган кучнинг динамик режимда ишлаши. Масалан, сакраща – депсиниш; иргитишда – буюмни кўйиб юборишдаги кучланиш.

Куч билан алоқадор машқларни бажаришда турли режимдаги иш ҳолати

Куч билан алоқадор машқларни бажаришда З хил режимдаги иш ҳолатини кўриш мумкин

Ўз узунлигини ўзгартирмасдан намоён бўладиган кучнинг иш режими (статик, изотермик режим). Масалан, қўтирилган оғирликни узок вақт ушлаб туриш, турган ҳолатни саклаб туриш – бадиий гимнастика ёки фигурали учиш.


Ўз узунлигини кискартириб намоён бўладиган кучнинг иш режими (енгувчи ёки миометрик режим). Масалан, сакраща – депсиниш, иргитишда – буюмни кўйиб юборишдаги кучланиш.

Ўз узунлигини ўзгаририб намоён бўладиган кучнинг иш режими (енгилувчи, плиометрик режим).

Масалан, шериги ёрдамида эгилувчанликни яхшилаши.

Куч кобилиятларини ривожлантиришда фойдаланиладиган асосий воситалар.

1. Ташки қаршиликни енгиш машқлари;
2. Ўзининг тана вазнини енгиш машқлари;
3. Изометрик машқлар.



Кучни ривожлантирувчи методлар ва уларнинг оғирликлар билан бажариладиган машқларга йўналтирилганлиги.

Кучни ривожлантирувчи методлар	Кучни ривожлантирувчи методларнинг йўналтирилганлиги	Оғирлик вазни макс. оғирликдан %	Машқларни бажариш сони	Машқлар серияси сони	Дамолиш (мин)	Харакат тезлиги
Максимал зўрнишлар усули	Асосан максимал кучнинг ривожланиши	100 гача ва ундан күпроқ	1-3	2-5	2-5	Эркин
	Максимал кучнинг мушак хажмининг оз микдорда ўсиши	90-95	5-6	2-5	2-5	Эркин

	билинг ривожланниши					
	Бир вактнинг ўзида ҳам куч, ҳам мушқак ҳажмининг ўсиши	85-90	5-6	3-6	2-3	Ўртача
Мсьёрланган қайта-қайта бажариш ва хаддан ташқари бўлмаган зўриқишилар усули	Асосан мушқалар ҳажмининг ошиши билан бир вактда максимал кучнинг ўсиши	80-85	8-10	3-6	2-3	Ўртача
	Тана вазни таркибидан ёғларнинг камайиши ва куч чидамлилигининг такомиллашиши	50-70	15-30	3-6	3-6	Юкори темп дан макси- мал темп гача
	Куч чидамлилиги ва мушқалар рельефининг такомиллашиши	30-60	50-100	2-6	5-6	Юкори
Максимал микдордаги қайта бажариш ва хаддан ташқари бўлмаган зўриқишилар усули (холдан тойгунча)	Куч чидамлилигининг такомиллашиши (анаэроб ишлаб чиқариш)	30-70	холдан тойгун- ча	2-4	5-10	Субмак - симал
	Куч чидамлилигининг такомиллашиши (гликолитик сигим)	20-60	холдан той- гунча	2-4	1-3	Субмак - симал
Динамик зўриқишилар усули	Оғирлаштирил- ган харакатлар тезлигини такомиллаш- тириш	15-35	1-3	Тезлик пасай- гунга кадар	Тиклан- гунга кадар	Юкори
“Зарбали” усул	“Портловчи куч” ва харакат аппаратининг реактив кобилиятини такомиллаш- тириш	15-35	5-8	Зўри- кишилар куввати пасай- гунга кадар	Тикланг унга кадар	Эркин

Куч қобилияларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун назорат машқлари (тестлари)

1. Арғамчидаги сакраш.
2. Турникда тортиниш.
3. Параллел қўшпояларда, ердан тортиниш.
4. Тиззаларни букиб, ётган ҳолда танани кўтариш.
5. Қўлларни букган ва ярим букган ҳолда осилиб туриш.
6. Баланд турникда тортиниб, айланиш.
7. Узунликка жойидан, икки оёқда сакраш, уч ҳатлаб сакраш (факат ўнг ёки чап оёқда сакраш варианлари).
8. Қўлларни силкитиб ёки силкитмаган ҳолда юқорига сакраш (сакраш баландлиги аниқланади).
9. Медицинболни (1-3 кг) ҳар хил ҳолатда, бир ёки икки қўллаб отиш.
10. Танани бир ҳолатда ушлаб туриш вақтини ўлчаш ва х.к.

Куч қобилиятынинг вазифалари

- натижаларнинг ошиб бориши.
- жароҳатланишларнинг олдини олиш.
- реабилитация (қайта тикланиш).

Натижалар ошишида қувватнинг аҳамияти

Кувват = Куч (F) × Тезкорлик (V)

Мушак толаларининг турлари

- Мушак толаларининг бир неча турлари мавжуд
- Асосий фарклар:
 - IIb / IIc (гликолитик тез қисқарилувчи) типидаги тез қисқарувчан толалар;
 - Ia (тез қисқарилувчи оксид-гликолитик) типидаги ўртамиёна толалар;
 - I (секин қисқарилувчи оксидли) типидаги секин қисқарувчан толалар.
- Ҳар бир мушак турли типдаги толалардан иборат.
- Уларнинг мутаносиблиги ҳар бир спортчининг аниқ мушаги ва индивидуал хусусиятларига боғлик.

Мобиллашув (мобилизация-recruitment) – ишга киришиш тартиби

- Кучи ва тезлиги бўйича максимал бўлмаган ҳаракатлар вактида мушакларнинг ишга киришининг қўйидаги тартиби мавжуд:

Секин мушак толалар → Ўртамиёна мушак толалар → Тез мушак толалар

- Шундай килиб тез қисқарувчан мушак толалари узок муддат давом этадиган ва аҳамиятли мушакларнинг зўрикиши давомида иштирок этади.
- Бундан портловчи, максимал зўрикишлар истиснодир.

Кучни ривожлантирувчи машғулотнинг тузилиши. “3-5 тамойили”.

- ҳафтасига 3-5 машғулот;
- машғулотда 3-5 машқ;
- ҳар бир машқ 3-5 сериядан иборат. Мутлақ (максимал) куч ёки тезкоркуч қобилияларини ривожлантириш учун:
 - бир серияда 3-5 тақрорлашлар;
 - сериялар ўргасида дам олиш вакти 3-5 дақиқа.

Жинсий ривожланиш даврида кучни ривожлантирувчи машқлар юкламаси

- кучнинг сезиларли ўзгариши 7-12 ёшга тұғыр келади (Faigenbaum et al., 1996)
- 70 та болада жароҳатланиш холатлари юз бермаган (Pierce et al., 1999)
- “жинсий ривожланиш даврида жиiddий жароҳатланиш хавфи ўсмирилек ёшига нисбатан кам” (Micheli, 1988)
- жинсий ривожланиш даврида кучни ривожлантирувчи юкламаларни құлламасликка ҳеч қандай асос йүк, агар:
- бу одатий амалиёт бұлса;
- оғирліккларни хавфли тарзда ошириш мавжуд бұлмаса;
- тажрибали ва малакали мураббий бұлса. (Pierce, Brewer, et al *under review*).

Назорат саволлари:

1. Мушак кучи нима?
2. Асли куч қобилияларига таъриф беринг.
3. Тезкоркуч қобилиялари деганда нимани тушунасиз?
4. Мутлақ куч бу -...
5. Нисбий куч бу -...
6. Портловчи куч нима?
7. Куч чидамлилiği бу -...
8. Куч чакқонлигі бу -...
9. Мушакларнинг иш режимларини айтиб беринг.
10. Куч қобилиялари намоён булишини таъминловчи механизмлар бу -...
11. Куч қобилияларини ривожлантирувчи машқлар гурухи бу - ...
12. Куч қобилияларини ривожлантирувчи усууларни сананг.

ТЕЗКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ

Тезкорлик қобилиятини тарбиялаш мавзусида учрайдиган асосий түшүнчалар	
Түшүнчә	Түшүнчә тавсифи
Тезкорлик қобилиялары	– бу инсоннинг ҳаракат амалларини берилген шароитларда минимал вакт оралығыда бажарылышини таъминладиган функционал хұсусияттар мажмудири.
Оддий реакция	– бу олдиндан маълум бұлған, бирок түсатдан пайдо бұладыгын сигналга (күриш, эшитиш, тақтил) маълум ҳаракат орқали жавоб қайтаришы.

Тезкорлик қобилияларыннан намоён бўлиш шакллари	
Элементар	Мажмұавий
1. Ҳаракат реакциясининг тезлиги	1. Стартда максимал имкониятда тезкорликни ошира олиш қобилияти
2. Якка ҳаракат тезлиги	2. Юқори масофавий тезликка ериша олиш қобилияти
3. Ҳаракатлар частотаси (вакт бирлиги ичиде ҳаракатлар сони)	3. Бир ҳаракатдан бошқа ҳаракатларга тезлик билан ўта олиш қобилияти

Содда ва мураккаб ҳаракат реакцияларига мисоллар	
Содда ҳаракат реакциясига мисоллар	Мураккаб ҳаракат реакциясига мисоллар
1. Енгил атлетика ёки сузишда старт пистолетининг отиш товушига жавобан ҳаракат амалини бошлаш (стартдан чикиш).	1. Спорт үйинларида вужудга келадыгы доимий, ўзгарувчан шароитлардаги спортчи ҳаракатлари.
2. Сузишда старт пистолетининг отиш товушига жавобан ҳаракат амалини бошлаш (стартдан чикиш).	2. Яккакураш спорт турларида вужудга келадыгы доимий, ўзгарувчан шароитлардаги спортчи ҳаракатлари.
3. Якка курашларда ҳакам ҳуштагини чалишидан сұнг хужум ва ҳимоя амалларини тұхтатиши.	3. Ҳаракатланыптырылған объектте (түп, шайба ва х.к.) нисбатан реакция.
4. Спорт үйинлари вактида арбитр ҳуштагига жавобан ҳаракат амалларининг тұхтатилиши ва х.к.	4. “Танлаш” реакциясы (бир неча турдагы ҳаракат амалларидан мавжуд вазият учун энг мақбулини тез танлай олишда намоён бўлади).

Тезкорлик қобилиятларини ривожлантирувчи методлар ва уларнинг хусусиятлари	
Тезкорлик қобилиятини ривожлантирувчи методлар	Методларнинг хусусияти
Катъий регламентлаштирилган машқлар методи	Ушбу метод қуйидаги методлардан иборат: а) ҳаракатларни максимал тезликда бажаришга эътибор берган ҳолда амалларни қайта-қайта бажариш методи; б) машқларни ўзгарувчан тезкорлик билан, берилган дастур ва маҳсус ташкил этилган шароитларда тезланишлар методлари.
Мусобака методи	Ушбу метод турли хил машғулот беллашувлари (эстафеталар, гандикаплар – тенглаштирувчи мусобакалар) ва финал мусобакалар шаклида кўлланилади. Ушбу методнинг самарадорлиги жуда ҳам юқори бўлади, чунки ҳар хил тайёргарликка эга бўлган спортчиларга бир-бирлари билан тенг, кўтаринки кайфият ва максимал иродавий тиришишлар тарзда беллашиш имконини беради.
Ўйин методи	Ушбу метод турли-туман машқларни максимал имкондаги тезлик орқали, ҳаракатли ва спорт ўйинлари шароитида бажаришни кўзда тутади. Бундай ташкири машқлар кўтаринки кайфиятда, ортиқча зўрикишсиз бажарилади. Бундан ташкири ушбу метод ҳаракатларнинг кенг турдаги вариативлигини таъминлаб, "тезкорлик тўсиги"нинг пайдо бўлиши олдини олади.

Тезкорлик қобилияти намоён бўлишига таъсир этувчи механизmlар
1. Инсоннинг марказий асаб тизими ва асаб-мушак аппаратининг ҳолати.
2. Мушак тўқималарининг морфологик хусусиятлари ва унинг композицияси (яъни, тез ва секин толаларнинг нисбати).
3. Мушаклар кучи.
4. Мушакларнинг таранглашган ҳолатдан, бўшашган ҳолатга тезлик билан ўта олиш қобилияти;

- Мушаклардаги энергетик захиралар (аденозинтрифосфор кислота – АТФ ва креатинфосфат –КТФ).
- Ҳаракатлар амплитудаси (яъни, бўғимларнинг ҳаракатчанлик даражаси).
- Тезкор иш вақтида ҳаракатларни ўзаро мослай олиш қобилияти.
- Ёш ва жинс.
- Инсоннинг табиий тезкорлик қобилиятлари.

**Тезкорлик қобилиятларини ривожлантириша
фойдаланиладиган асосий воситалар**

- Тезкорлик қобилиятининг аниқ бир хоссаларига йўналтирилган ҳолда таъсир этувчи машқлар.
- Тезкорлик қобилиятининг барча хоссаларини мажмуавий (ҳар томонлама) таъсир этувчи машқлар.
- Боғланган ҳолда таъсир этувчи машқлар.

**Тезкорлик қобилиятларининг ривожланганлик даражасини
аниқлаш учун назорат машқлари (тестлари)**

Содда ва мураккаб ҳаракат реакциясини баҳолаш учун	Содда реакция вақтини сигнал тури ва сигналга жавоб усули олдиндан маълум шароитларда ўлчанади. Мусобака шароитида содда реакция вақтини старт қолилларида (енгил атлетика) ёки ҳавзадаги сакраш устунларида (сузиш) ўрнатиладиган алока датчиклари орқали ўлчанади. Мураккаб реакция сигнал тури ва унга жавоб усули номаълумлиги билан таърифланади (бундай реакциялар ўйинлар ва яккакурашларга хосдир.
Якка (айрим) ҳаракат тезлигини баҳолаш учун	Зарба вақти, тўпни узатиш, улоқтириш, бир кадам кўйишларни биомеханик мосламалар ёрдамида ўлчанади.
Хар хил бўғинларда ҳаракатларнинг максимал частотасини баҳолаш учун	Қўл ва оёклар ҳаракати частотаси теппинг тестлар ёрдамида ўлчанади. Қўллар ҳаракати (икки қўлда навбат билан ёки бир қўлда) ёки оёклар ҳаракатининг (икки қўлда навбат билан ёки бир қўлда) 5-20 сония ичидаги микдори қайд этилади.
Яхлит ҳаракат амалларида намоён бўладиган тезкорликни	30, 50, 60,100 метр масофаларни югуриб ўтиш (пастки ёки юкориги старт). Вақтни ўлчаш икки усулда қўлда (секундомер) ва автоматик фотоэлектрон, лазер мосламалар ёрдамида

баҳолаш учун

ҳаракатларнинг мухим кўрсатгичларини ўлчашга имкон беради.

Тезкорлик турлари

- максимал тезлик ёки “Мутлақ тезлик”;
- оптимал тезлик – ўзида «Темп» ва «Ритм» тушунчаларини камрайди;
- тезланишга бўлган қобилият;
- якка ҳаракат тезлиги;
- ҳаракат реакцияси тезлиги;
- тезкорликка чидамлилик.

Куч ва тезлик ҳарактерининг бўлиниши

Куч (ҳаракат қобилияти сифатида)	– (максимал) зўрикишни намоён қила олиш қобилияти.
Куч (физик бирлик сифатида)	=Масса x Тезланиш
Тезкорлик (ҳаракат қобилияти сифатида)	–минимал киска вакт ичida ҳаракатларни бажара олиш қобилияти
Тезлик (физик бирлик сифатида)	=Йўл/Вакт
Тезланиш	-Тезликнинг вакт оралиғида ўзгариши

Куч, тезкорлик ва тезкор куч сифатларининг даражасига таъсир этувчи омиллар

- ирсият;
- ҳаракат фаоллиги характеристи;
- машғулотлар жараёнини бошқарилиш самарадорлиги;
- бажарилаётган машқнинг техник жиҳатдан мукаммаллиги;
- машғулот давомийлиги;
- ташки омиллар (об-ҳаво, югуриш йўлаги қопламаси...);
- тезкорликнинг намоён бўлиши куч ва тезкор куч тайёрланганликка асосланган.

Тезкорликни ривожлантирувчи машғулотларнинг тузилиш асослари

Тезкорлик сифатларини тарбиялаш куйидаги тамойилларга асосланган:

- аввал – сифат, кейин – миқдор. Машқларни такрорлаш зарур, бирок машқларни бажариш тезлиги чарчашиб таъсирида пасаймаслиги лозим;
- техникани таомиллаштириш:

- тайёрлов машкларини тұғри танлаш ва күп маротаба тақрорлашга асосланған;
- харакат координациясини такомиллаштириш билан бөглиқ;
- техникани максимал зўриши машғулот юкламалари фонида барқарорлаштириш.
- максимал зўришиларга мұлжалланиш.
- тезкорлик қобилиятини тезкор-куч қобилияtlари билан биргаликда такомиллаштириш.

Бошида етарли даражадаги куч потенциалини яратиш лозим, шундан қейингина тезкорлик машғулотларида тезкорлик қобилиятини такомиллаштириш лозим.

Назорат саволлари:

1. Тезкорлик қобилиятларига таъриф беринг.
2. Оддий реакция бу -...
3. Тезкорлик қобилиятларининг қандай турлари мавжуд?
4. Содда ва мураккаб ҳаракат реакцияларига мисоллар келитиринг.
5. Тезкорлик қобилияtlари намоён булишини таъминловчи механизmlарни санаб ўтинг.
6. Тезкорлик қобилиятларини ривожлантирувчи машклар гурухини сананг.
7. Тезкорлик қобилиятларини ривожлантирувчи усулларга таъриф беринг.
8. Тезкорлик қобилиятларининг ривожланганлық даражасини аниклаш учун назорат машкларини санаб беринг.
9. Якка ҳаракат тезлиги моҳиятини очиб беринг.
10. Ҳаракатлар частотаси деганда нимани тушунасиз?

ЭГИЛУВЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ

Координацион қобилиятлар ва эгилувчанликни тарбиялаш мавзусида учрайдиган асосий тушунчалар	
Тушунча	Тушувча тавсифи
Эгилувчанлик	– бу инсоннинг харакатларни катта амплитудада бажара олиш қобилиятидир.
Фаол эгилувчанлик	– деб у ёки бу бўғимдан ўтган мушаклар гурухи хисобидан инсоннинг катта ҳаракат амплитудасига эриша олиш қобилиятига айтилади.
Нофаол эгилувчанлик	– деб ташки чўзувчи кучлар таъсирида инсоннинг катта ҳаракат амплитудасига эриша олиш қобилиятига айтилади.
Умумий эгилувчанлик	– бу турли хил ҳаракатларни максимал амплитудада бажаришга имкон берувчи инсон танасидаги барча бўғинларнинг ҳаракатчанлигидир.
Махсус эгилувчанлик	– бу аниқ бир фаолият тури талабларига мувофик бўлган, факатгина айрим бўғимлардаги сезиларли ёки энг сўнгги ҳаракатчанлиқдир.
Фаол эгилувчанлик танқислиги	– деб фаол ва нофаол эгилувчанлик кўрсатгичлари ўртасидаги фаркга айтилади.
Эгилувчанликнинг намоён бўлишига таъсир этувчи механизмлар (омиллар)	
<ol style="list-style-type: none"> 1. Анатомик омиллар. 2. Мушаклар тонусининг марказий асаб тизими томонидан бошқарилиши омили. 3. Антогонист-мушаклар таранглашиши. 4. Ташки шароитлар омили. 5. Организмнинг айни пайтдаги функционал ҳолати (чарчаганлиги). 6. Ёш омили. 7. Жинс омили. 8. Ижобий кайфият ва мотивация. 	
Эгилувчанликни ривожлантирувчи асосий воситалар	
<ol style="list-style-type: none"> 1. Фаол машқлар (силкинишлар, силташлар, эгилишлар, айланма ҳаракатлар, шунингдек предметлар билан). 2. Нофаол машқлар (шерик билан, оғирлик, амортизаторлар ва снарядларда). 3. Статик машқлар (тананинг сўнгги нуктадаги амплитудасини 6 дан 10 сониягача сақлаш). 	

Эгилувчанликни ривожлантирувчи асосий методлар

1. Қайта-қайта бажариш методи. 2. Ўйин методи. 3. Мусобақа методи.

Бўғимлар харакатчанлигининг ривожланганлик даражасини аниклаш учун назорат машқлари (тестлари)

1. Бўйиннинг харакатчанлигини намоён этувчи чўзишиш машқлари.
2. Елканинг харакатчанлигини намоён этувчи чўзишиш машқлари.
3. Қўл бўғимларининг харакатчанлигини намоён этувчи чўзишиш машқлари.
4. Тос харакатчанлигини намоён этувчи чўзишиш машқлари.
5. Сон харакатчанлигини намоён этувчи чўзишиш машқлари.
6. Тизза харакатчанлигини намоён этувчи чўзишиш машқлари.
7. Болдир ва оёқ панжалари харакатчанлигини намоён этувчи чўзишиш машқлари.
8. Умуртка погонасининг харакатчанлигини намоён этувчи чўзишиш машқлари.

Баъзи спорт турларида бўғимлар харакатчанлигини ривожлантиришга қўйиладиган устувор талаблар

Спорт турлари	Умуртка погонаси	Елка бўғими	Тос бўғими	Тизза бўғими	Тўпик бўғими	Тирсак бўғимлари	Панжа ва билак бўғимлари
Спорт ва бадиий гимнастика	+	+	+	+	+	+	+
Сузиш: а) чалканча сузиш		+		+	+		
б) дельфин	+	+	+	+	+		
в) брасс	+	+	+	+	+		
г) мажмуавий	+	+	+	+	+		
Футбол			+	+	+		
Тенnis	+	+	+		+	+	+
Чим устида хоккей	+			+	+		
Волейбол	+	+	+		+	+	+
Баскетбол		+	+		+	+	+
Чанғи пойгалари		+	+	+	+		
Енгил атлетика югуриш			+	+	+		
Конькида югуриш				+	+		
Тўсиклар оша югуриш	+		+		+		

Ядро иткитиш, улоктириш	+	+		+			
Академик эшкак эшиш	+	+	+	+	+		

**Эгилувчанликни ривожлантиришда педагог қүйидаги
ваизфаларни хал қилиши заруп:**

1. Эгилувчанликнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун турли ҳаракатларни керакли амплитуда билан таянч-ҳаракат аппарати рухсати орқали ҳамма йўналишларда бажариш.
2. Эгилувчанликнинг ривожланиш даражасини оширишда аник фаолиятнинг (касбга хос, спорт бўйича) талабларига мос келиши.
3. Инсон ёшининг турли босқичларидаги эгилувчанликнинг ушлаб туриш даражаси.
4. Касаллик, лат ейиш ва бошқа сабабларга кўра йўқотилган эгилувчанликни тиклаш.

Назорат саволлари:

1. “Эгилувчанлик” тушунчасига таъриф беринг.
2. “Фаол эгилувчанлик” тушунчасига таъриф беринг.
3. “Нофаол эгилувчанлик” тушунчасига таъриф беринг.
4. Умумий эгилувчанлик деганда нимани тушунасиз?
5. Махсус эгилувчанлик деганда нимани тушунасиз?
6. Фаол эгилувчанлик танқислиги деганда нимани тушунасиз?
7. Эгилувчанлик турларини санаб ўтинг.
8. Эгилувчанликнинг намоён бўлишини таъминловчи механизмларни санаб ўтинг.
9. Эгилувчанликни ривожлантириш учун фойдаланиладиган машқлар гурухини айтиб ўтинг.
10. Эгилувчанликни ривожлантирувчи методлари ҳакида кискача таъриф беринг.
11. Эгилувчанлик турларининг ривожланганини назорат килиш учун фойдаланиладиган намунавий тестлар ва назорат машқларига мисол келтиринг.
12. Сиз шуғулланадиган спорт турида бўғимлар ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қўйиладиган устувор талабларни санаб беринг.

ЧАҚҚОНЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ

Координацион қобилиятларни тарбиялаш мавзусида учрайдиган асосий түшүнчалар

Координация	– бу инсоннинг аниқ харакат вазифаларини ҳал этишда тана бүғинларидағи харакаттарни рационал мослаштириш қобилиятыдир.
Координацион қобилиятлар	– бу харакат вазифаларини (айникса мураккаб ва тұсатдан вужудға келдиган) аниқ, мақсадға мувоғиқ равища, самарали, яғни, имкони борича мукаммал ҳал этиш қобилиятыдир.

Координацион қобилиятларини ўлчаш мезонлари

Харакат амалининг мураккаблиги

Харакатларни бажариш аниқлігі

Харакатни үзлаштиришга сарфланған вакт

Күрениб турибиди координацион қобилиятлар бу баҳолаш ва ўлчаниш учун ягона мезонға эга бўлмаган мураккаб мажмуавий қобилиятдир.

Харакатларнинг шартли равишдаги бўлиниши

Нисбатан стереотип харакатлар югуриш, улоктириш, сакраш, теннис, гимнастик машқлар.

Ностереотип харакатлар спорт ўйинидаги харакатлар, яккана-якка беллашувдаги харакатлар ва нотекис жойларда югуриш харакатлари.

Координацион қобилиятларнинг намоён бўлишига таъсир этадиган омиллар

1. Инсоннинг харакатларни аниқ таҳжил қилиш қобилияти.
2. Анализаторлар фоалияты, айникса, харакат анализаторлари.
3. Ҳаракат топшириғининг мураккаблиги.
4. Бошка ҳаракат қобилиятларининг ривожланғанлик даражаси.
5. Жасурлик ва катъиятлилк.
6. Ёш.
7. Шуғулланувчиларнинг умумий тайёрланғанлик даражаси.

Чаққонликни тарбиялашга кўмаклашадиган машқлар

1. Мушакларни бўшаштириш.
2. Мувозанатни саклаш.
3. Фазо сезгиси.

Координацион қобилиятларни ривожлантириш учун фойдаланиладиган асосий методлар

1. Стандарт кайта-кайта бажариш методи.
2. Вариатив (ўзгарувчан) метод.
3. Ўйин методи.
4. Мусобақа методи.

Координацион қобилиятларни тарбиялаш воситалари	
Панжа ва құл мушакларининг күчларини тарбияловчи машқлар	-жойдан узунликка сакраш, күп сакрашлар вазифаси асосида сакраш. - күрсатилған баландликка сакраб чиқиши. -күрсатилған масофага ва нишонга коптогни отиши, медицинбол, теннис коптоги, в/б коптоги, б/б коптоги ва х.к.
Фазо сезигисини тарбияловчи машқлар	-буюмлар билан құлларни (оёкларни) күрсатилған бурчакга күтариш: 30, 45, 60, 90, 120, ва х. к. - бериялған вазифалар бүйіча масофани ҳаттаба үтиш (10, 20, 30, 50, 60, 100м ва х.к.). - бурилишлар.
Вакт сезигини тарбияловчи машқлар	-қаттый белгиланған вакт давомида юриш, югуриш, сакраш, иргитиш, УРМ. - белгиланған вакт ичіда еркін ҳаракаттарни бажариш. -машқларни тезлік ва аниклик билан күп маротаба тақрорий бажариш
Мувозанат сақлашни тарбияловчи машқлар	- бир оёқда күзни юмган ва очган ҳолда туриш. -хар хил ҳаракатли үйинлар, спорт үйинларидан сұнг бир оёқда ва икки оёқда мувозанат сақлаб туриш. -турли буюмлар ва буюмларсиз гимнастика, швед деворида гимнастика ва х.к.
Координацион қобилиятларнинг ривожланғанлық даражасини аниклаш учун назорат машқлари (тестлари)	
1. 3x10 метрга моккисимон югуриш. 2. Олдинга уч марта умбалок ошиш. 3. Теннис коптогини узокқа улоқтириш. 4. Тұпни мұлжалға нисбатан тескари турған ҳолда отиши; 5. Белгини нишонга олиб пастта сакраш. 6. Оғаёттан мұлжални нишонга олиб тұпни улоқтириш. 7. Гимнастик скамейкада бурилишларни бажариш. 8. Бир оёқда тик туриш ҳолатини бир муддат саклаш.	
Чақыонликни тарбиялаш жарайнанда ҳаракат координацияларини янада юқоририк акс эттирувчи турли методик усуллардан фойдаланиш. (Л.П.Матвеев)	
Методик усул мазмуны	Мисоллар:
1. Одатланмаган дастлабки ҳолатнинг күлланилиши. 2. Машқларни күзгусимон бажарилиши. 3. Тезлікнинг ёки ҳаракат	1. Сакраш йұналишига нисбатан орқа билан туртиб узунликка сакраш. 2. Дискни чап құл билан иргитиш. 3. Тезлаштирилған темпда

<p>суръатининг ўзгариши.</p> <p>4. Машқлар бажарилаётган фазовий чегараларнинг ўзгариши.</p> <p>5. Машқлар бажариш усулларнинг ўрни алмаштирилиши.</p> <p>6. Кўшимча ҳаракатли машқларнинг колдиклари.</p> <p>7. Гурухли ёки жуфт машқларда шуғулланувчиларининг қарама-карши таъсирининг ўзгариши.</p> <p>8. Одатий бўлган ҳаракатларни олдиндан номаълум ҳолатларда бажариш.</p>	<p>машқларни бажариш.</p> <p>4. Кичик доирадан дискни иргитиши, ўйин майдонининг кичрайтирилиши.</p> <p>5. Турли усуллар билан баландликка сакраш.</p> <p>6. Ерга кўшишида кўшимча бурилиш билан таяниб сакраш.</p> <p>7. Ўйинларда турли тактика комбинацияларини қўллаш; турли ракиблар билан учрашувлар ўтказиш.</p> <p>8. Аксинча спорт.</p>
--	--

Назорат саволлари:

1. “Координация”, “чакёнлик”, “координацион қобилияtlар” тушунчаларига таъриф беринг.
2. Координацион қобилият турларини санаб ўting ва қисқача таърифланг.
3. Координацион қобилияtlар ривожланишини белгилайдиган омилларни санаб ўting.
4. Координацион қобилияtlар ривожланишининг ёш-жинс ва индивидуал хусусиятларини очиб беринг.
5. Координацион қобилияtlарни ривожлантириш учун фойдаланиладиган машқлар кандай талабларга жавоб бериши лозим?
6. Координацион қобилияtlарни ривожлантириш учун фойдаланиладиган машқлар гурухини сананг.
7. Координацион қобилияtlарни ривожлантирувчи методлар ҳакида қисқача маълумот беринг.
8. Проприоцептив сезирликка асосланган координацион қобилияtlарни ривожлантириш методикасининг хусусиятларини очиб беринг.
9. Фазода ориентир олиш қобилияtinи ривожлантириш методикасининг хусусиятларини очиб беринг.
10. Ритм ҳиссини кайси восита ва методлар ёрдамида ривожлантирилади?
11. Статик ва динамик мувозанатни сақлай олиш қобилияtinи ривожлантириш методикасининг хусусиятларини очиб беринг.
12. Координацион таранглик билан курашиш учун кайси жисмоний машқлар гурухидан фойдаланилади?
13. Координацион қобилияtlарнинг баҳолаш мезонларини санаб

Ўтинг.

14. Координацион қобиляйтларнинг ривожланганлик даражасини баҳолашнинг қандай методларини биласиз?

15. Координацион қобиляйтларнинг ривожланганини назорат қилиш учун фойдаланиладиган намунавий тестлар ва назорат машқларига мисол келтиринг.

ЧИДАМЛИЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ

Чидамлиликтар тарбиялаш мавзусида учрайдиган асосий тушунчалар	
Чидамлилилк	– бу инсоннинг мушак фаолияти жараёнида, жисмоний чарчашга қарши турға олиш қобилятидири.
Умумий чидамлилилк	– бу мушак тизимининг глобал иш бажариши шароитида ўргача шиддатдаги ишни узок өвт бажара олиш қобилятидири.
Махсус чидамлилилк	– ихтисослик предмети сифатида аник бир фаолиятга нисбатан чидамлиликдири.
Чарчаш	– инсоннинг мушак фаолияти натижасида, унинг организмида вужудга келадиган вактнинчилик ишчанлик қобилятиниң сүсайиш жараёнига чарчаш дейиллади.
Чарчаш турлари:	–аклий; - сенсор; - эмоционал; - жисмоний.
Жисмоний чарчаш қўйидагиларга бўлинади:	
локал (маҳаллий) - жисмоний ишда 1/3 мушаклар иштирок этади;	
регионал (минтакавий)- жисмоний ишда 1/3 дан 2/3 гача мушаклар иштирок этади;	
глобал - жисмоний ишда 2/3 дан зиёд мушаклар иштирок этади.	
Чидамлилилк – инсоннинг бирон ҳаракат фаолиятини узоқ вақт давомида унинг самарасини пасайтирумасдан бажариш қобиляти	
Чидамлиликтарнинг ҳар хил шакллари мавжуд, улар ўзларининг белгиларига кўра гурухланади. Масалан:	
•даврий, нодаврий ёки аралаш хусусиятли ишга чидамлилилк;	
•статик ёки динамик чидамлилилк;	
•маҳаллий, минтакавий ёки глобал чидамлилилк;	
•аэроб ёки анаэроб чидамлилилк;	
•тезлик, куч ёки мувофиқлашишга хос чидамлилилк;	
•умумий ёки ихтисослашган чидамлилилк;	
•масофавий, ўйин ёки кўпкураш чидамлилиги ва бошқалар.	
Амалиётда жуда кўп чидамлилилк шаклларининг намоён бўлиши икки турга ажратилади: I. Умумий. II. Махсус.	

Чарчашиң ташқи аломатлари			
Аломатлари	Чарчаш даражаси		
	енгил	аҳамиятли	жуда катта
Юз ва тери ранги	Қизиллиги унчалик ҳам күп эмас	Аҳамиятли даражада қизарган	Кескин кизариш, оқариш, лаби рангини бироз күкариши
Терловчанлик	Күп эмас, күпрок юзи	Кучли, боши ва танаси	Жуда кучли, туз чиқиб кетади
Нафаси	Бироз тезлашган, маромли	Аҳамиятли даражада тезлашган, айрим ҳолларда оғзи билан нафас олади	Кескин тезлашиши, юзаки, ҳансирақ колади
Харакати	Бузилмаган	Ишонарли эмас	Чайқалиш, гандираклаш, ҳаракат координациясининг бузилиши, оёқ-күлларда калтираш
Дикқати	Хатосиз	Буйруқларни бажаришда ноаникликлар	Буйруқларни бажаришда сустлик, күпинча такрорий буйруқдан сұнг
Үзини хис қилиш	Шикояти йүк	Чарчагани ҳақида нолиди, ҳансираш ва бошқалар	Кучли чарчаш, оёкларда оғриқ, бош айланиши, ҳансираш, қулоқлар шанғиллайди, бошда оғриқ, күнгил айниши ва бошқалар
Чидамлилік қобиляйтларининг намоён бүлишига таъсир этадиган омыллар			
1. Биоэнергетик. 2. Функционал ва биокимёвий тежамкорлик. 3. Функционал барқарорлық. 4. Шахсий-рухий фазилаттар.	5. Ирсият. 6. Махсус машқлар. 7. Ҳаёт тарзи. 8. Ёш ва жинс.		

Чидамлиликнинг намоён бўлиш омиллари ва шакллари	
Чидамлиликнинг ривожланиш даражаси ва намоён бўлишига таъсир этувчи омиллари	Чидамлилик намоён бўлиш шакллари
<ul style="list-style-type: none"> - энергетик ресурслар мавжудлиги; - организмнинг турли тизимлари функционал имкониятлар даражаси; - ушбу тизимлар ишининг фаоллашиб тезлиги ва мувофиқлик даражаси; - организм ички мухитининг нокулай салжишларга нисбатан физиологик ва руҳий функциялар баркарорлиги; - организм энергетик ва функционал салоҳиятини кўллашда тежамкорлик; - таянч-харакат аппарати тайёргарлиги - шахсий-руҳий хусусиятлар; - техник-тактик маҳорат такомиллашган. 	<ul style="list-style-type: none"> - циклик, ациклик, аралаштурдаги ишларга чидамлилик; -аниқ кувват худудидаги ишга нисбатан чидамлилик; -статик ва динамик чидамлилик; -аэроб ва анаэроб чидамлилик; -тезкор, куч ва координацион чидамлилик; -масофавий, ўйин ва кўпкураш чидамлилик; -умумий ёки маҳсус чидамлилик.
Чидамлилик қобилияtlарининг намоён бўлишига таъсир этадиган омиллар	
<p>1. Биоэнергетик – инсон организмида энергетик захиралар мавжудлиги.</p> <p>2. Функционал ва биокимёвий тежамкорлик – организмнинг энергетик ва функционал салоҳиятини тежаб ишлатиш.</p> <p>3. Функционал баркарорлик – организмнинг турли тизимлари функционал имкониятлари даражаси (юрак - қон томир, марказий асаб тизими, асаб-мушак ва бошк.), ушбу тизимларнинг фаоллашиб тезлиги ва мувофиқлаштирилганлиги даражаси.</p> <p>4. Шахсий-руҳий фазилатлар - шахсий-руҳий хусусиятлар (ишга кизикиш, тиришкоклик, чидамлилик, қатъийлик ва х.к.), физиологик ва руҳий функцияларнинг организм ички мухитининг нокулай шароитларига турғунлиги (кислород етишмаслиги ва бошк.).</p> <p>5. Иреият.</p> <p>6. Махсус машқлар – таянч-харакат аппаратининг тайёрланганлиги, контакт маҳорати техникасининг такомиллашганлиги.</p> <p>7. Ҳаёт тарзи.</p> <p>8. Ёш ва жинс - ёш, жинс, инсоннинг морфологик хусусиятлари ва фаолият шароити.</p>	
Умумий чидамлиликни ривожлантириш учун фойдаланиладиган асосий воситалар	
<p>1. Юрак-қон ва нафас олиш тизимининг максимал ишлаб чиқаришини</p>	

келтирувчи машқлар.

2. Мушак иш асосан аэроб манбалар ҳисобидан таъминланадиган машқлар.
3. Иш шиддати ўрта, катта, ўзгарувчан бўлган машқлар.
4. Бажариш давомийлигининг йигиндиси бир неча дақиқадан ўн дакиқагача бўлган машқлар.

Чидамлилик қобилияtlарини ривожлантиришга йўналтирилган жисмоний машқларни бажаришда уларнинг организмга бўлган юкламасининг йигиндиси куйидаги беш компоненти

1. Майнқ шиддати.
2. Машқ давомийлиги.
3. Қайта бажаришлар сони.
4. Дам олиш интервалларининг давомийлиги;
5. Дам олиш характеристи.

Аэроб жараёnlар қувватини такомиллаштирувчи машғулот топширикларини бажариш режими

Компонентлар	Хусусиятлар
Иш шиддати	Максималдан 75-80%
Иш давомийлиги	Иш вақти 1-1,5 дақиқадан ошмаслиги лозим
Дам олиш оралиғи	3-4 дақиқадан ошмаслиги лозим
Дам олиш характеристи	Кичик шиддатли иш
Такрорлар сони	Шуғулланувчининг баркарор ҳолатни сақлай олиш имконияти билан аникланади

Фосфокреатин механизмлар функционал имкониятини такомиллаштирувчи машғулот топширикларини бажариш режими

Компонентлар	Хусусиятлар
Иш шиддати	Имкониятлар чегарасига яқин.
Иш давомийлиги	Иш вақти 3-8 сек (20-70 м га югуриш, 8-20 м га сузиш).
Дам олиш оралиғи	Машқлар орасида 2-3 дак, сериялар орасида 7-10 дак.
Дам олиш характеристи	Сериялар орасида кичик шиддатли иш.
Такрорлар сони	Шуғулланувчиларнинг тайёргарлиги билан аникланади.

**Гликолитик механизмларни тақомиллаштирувчи машғулот
топшириқларини бажариш режими**

Компонентлар	Хусусиятлар
Иш шиддати	Имкониятлар чегарасига якын (чегарадан 90-95%)
Иш давомийлиги	Иш вакти 20 секунддан - 2 дақиқагача, (50 метрдан, 200 метргача сузиш, 200 метрдан, 600 метргача югуриш).
Дам олиш оралиғи	1 ва 2 тақрорлар орасыда 5-8 дақиқа, 2-3 тақрорлар орасыда 3-4 дақиқа, 3-4 тақрорлар орасыда 2-3 дақ, сериялар орасыда 15-20 дақ.
Дам олиш характеристи	Сериялар орасыда кичик шиддатли иш.
Тақрорлар сони	3-4 тақрорлашдан ортиқ эмас, янги шугулланувчилар учун 2-3 серия, юқори даражада тайёргарликка әгалар 4-6 серия.

Чидамлилик қобилиятларининг ривожланганлик даражасини аниклаш учун назорат машқлар (тестлар)

1. Берилған вакт ичіда үтилған масофа (масалан, “бир соатлик югуриш” ёки Купернинг 12 дақиқалик тесті).
2. Етарлича узок масофани минимал вакт ичіда үтиш (масалан, 500 метрга югуриш, 1500 метрга сузиш).
3. Юқори шиддатдаги берилған тезлиқда иложи етгунча босиб үтилған масофа.
4. Бирон-бир машқни бажариш мүмкін бўлған микдори (сўнгги нуктага етгунга кадар турникда тортиниш, бир оёқда үтириб-туриш).
5. Тана ҳолатини бир хил саклашга кетған вакт ёки куч билан бажариладиган машқни қисқа муддат ичидаги микдори (масалан, арқонга чирмашиб чиқиш ёки 6-марта турникда тортинишга кетған вакт).
6. Берилған вакт ичіда бажарилған машқнинг микдори (масалан, 10 сония ичіда иложи борича кўпроқ үтириб-туриш).

Назорат саволлари:

1. “Чидамлилик”, “умумий чидамлилик”, “махсус чидамлилик” тушунчаларига таъриф беринг.
2. Чидамлиликнинг қандай турлари мавжуд?
3. Чидамлиликнинг намоён бўлишини таъминловчи механизмларни санаб ўтинг.
4. Умумий чидамлиликтини, куч чидамлилигини, тезкор чидамлиликтини ривожлантириш учун энг самарали воситалар қайси?

5. Чидамлилик турларининг ривожланганини назорат қилиш учун фойдаланиладиган намунавий тестлар ва назорат машқларига мисол келтиринг.
6. Чидамлиликнинг асосий турларини ривожлантириш методикаларини таърифлаб беринг (умумий чидамлилик, маҳсус чидамлилик, тезкор чидамлилик).
7. Чарчаш деганда нимани тушунасиз?
8. Чарчаш турларини ва чарчаганлик аломатлари ҳакида маълумот беринг.
9. Чидамлиликнинг намоён булиш омиллари ва шакллари.
10. Чидамлилик қобилиятларини ривожлантиришига йўналтирилган жисмоний машкларни бажарища уларнинг организмга бўлган юкламасининг йигиндиси қандай компонентларини биласиз?

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ПЕДАГОГИК НАЗОРАТ: ПЕДАГОГИК ТАХЛИЛ, ХРОНОМЕТРАЖ, ПУЛЬСОМЕТРИЯ ЎТКАЗИШ УСЛУБИЁТИ

Жисмоний тарбия дарсларида педагогик тахлил ўтказишнинг аҳамияти

Ҳар қайси ўқитувчи ўзининг ва касбдошининг дарсни тахлил қила олиш малакаси ва кўнникмасига эга бўлиши зарур. Тўғри ташкил килинган педагогик кузатиш ва дарснинг тахлили жисмоний тарбия мутахассисининг фикрлаш фаолиятини ва ўқитувчилик маҳоратининг шаклланиши ва юксалишига замин яратиши амалда исботланган.

Жисмоний тарбия дарсларида педагогик тахлил ўтказишнинг турлари

Тахлил иккига: умумий ва маҳсус бўлади. Дарснинг умумий тахлили деганда: дарс зичлиги, дарсда жисмоний юкламанинг бажарилиши ва дарснинг ўқув тарбиявий йўналишидаги компонентларини умумлаштириш орқали якуний баҳоланиши тушунилади.

Одатда мактаб педагогика жамоаси вакили, мактаб илмий бўлим мудири ёки мактаб директори дарснинг алоҳида компонентини (ўқитувчи, ўқитувчи фаолиятини, дарсда ўзлаштириши ва шунга ўхшашларни) ажратиб олиб дарснинг айрим қисмини тахлил килиши мумкин. Тахлилнинг бу шакли дарс учун тўла баҳо бериш имконини бермайди.

Дарснинг тахлилидан мақсад

- мактаб ўқитувчисининг иш фаолияти билан танишиш ва уни ўрганиш;
- мактабда жисмоний маданият фанини ўқитишнинг ҳолатини ва ўқувчи назарий билимлари, амалий ҳаракат, малака ва кўнкималарни қандай дараҷадалигини ўрганиш;
- мактабда оммавий жисмоний маданият соғломлаштириш ва спорт ишларини, уларнинг боришини тахлиллаш;
- илғор иш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатишдир.

Тахлил учун дарсни кузатиш ва тахлил натижаларини қайд қилиш осон жараён эмас. Амалда дарс тахлили учун олдиндан саволлар ёзилган анкеталардан, чизмалардан, графиклардан, карточкалардан фойдаланилади, бу тахлилни юзакилигига йўл кўймайди, дарснинг туб мазмунини, кўйилган вазифаларни ҳал килинишини тўғри баҳолашга шароит яратади.

Жисмоний маданият дарснинг тахлилида ёритилиши лозим бўлган масалалар

- ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги;
- дарснинг мазмунига, ташкил килиниши, ўтказилишига тўла дарсни кириш (тайёрлов) асосий ва якунлов қисмлари бўйича баҳо бериш;
- ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини баҳолаш;

- дарснинг ташкилий дақиқасига унда қўлланиладиган иборалар, атамалар, нутқ, муомала, маданиятига баҳо бериш;
- дарснинг таҳлилининг якуний матнида, ўқитувчига маслаҳат, лозим бўлса тавсия ва кўрсатмалар.

Таҳлилчининг дарс бошлангунга қадар бажарадиган ишлари

Таҳлил учун дарсни кузатилишини бошлангунга қадар таҳлилчи синфнинг педагогик характеристикаси, ўкувчиларнинг ёши, жисмоний ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлиги курсаткичлари, соғлигининг ҳолати, ўзлаштириш натижаларини ўрганади. Ўқитувчининг умумий ва касби бўйича иш стажи хакида умумий бўлса-да маълумот олади. Дарснинг ўтказиш жойи, муддати, дарснинг мавзулари, режа графиги бўйича тартиб раками, рўйхат бўйича синф ўкувчиларининг (қизлар, болалар) сонини, дарснинг жадвал бўйича рақамини, дарснинг бошланиши ва тугалланиш муддатлари тўғрисида маълумотларни олиши шарт.

Ўкувчиларни дарс давомидаги интизоми, хулқи, ўзларини тутиши ва уларнинг фаолиятини ташкил қилишнинг таҳлили

- жисмоний машқларни бажаришга ўкувчиларнинг муносабати, материалга қизиқишини уйғота олиш масалалари;
- дарсда интизомнинг бузилиши сабаблари;
- дарсга ўқитувчининг муносабати;
- ўқитувчининг курсатма ва бўйруқларни ишорасиз бера олиш кобилияти;
- онглилик-фаоллик даражаси;
- ўкувчиларнинг машқ бажаришларини баҳолаш (ритм, суръат, темп, интенсивлик меъёри);
- дарсда уларнинг ҳакамлик, навбатчилик ва гурухларга бош бўлишдек мажбуриятларни бажаришга муносабатлари.

Дарсда ўқитувчининг раҳбарлик роли, ўзини тутиши ва фаолиятининг таҳлили

Раҳбарлик роли	-ўзига ишонч, қатъият, тиришкоклиги, талабчанлиги, ўкувчилар орасида обрўйи, улар билан мулокоти ва уларга муносабати, синфи қўлда тутиши.
Ўзини тутиши	- бардамлиги (эмоционал ҳолати), сусткашлиги, ўзини тарбиялаши, болаларга нисбатан зийраклиги, сезигирлиги, ишчанлик фазилати.
Нутқи	- овози, бўйруклар ва кўрсатмаларининг, тўғрилиги, муомала ва нутқ маданияти.
Ўқитувчининг ташқи киёфаси	-кийим-бош (спорт формаси), ихчамлиги, эпчиллиги, комати.

Ўқитувчининг ўкувчи билан яккама-якка мулокоти	- фаоллиги, пассивлиги (сустлиги), ишончи, дадиллиги, катъияти, улгуриши.
Жисмоний маданият дарсида тарбиявий ишнинг амалга оширилиши	-дикқатни тартиблаш ва машқни бажаришга кизикишини уйғотиш, интизом, қаттік тутиш, ўртоқлик, жамоавийлик ва бошка сифатлар. Ахлоқий тарбиянинг хилма-хил услубларидан фойдалана олиши (тушунтира олиш, ишонтира олиш, маълум ахлок меъёрларига риоя килишга ўргата олиши, рағбатлантириш ва бошқалар) уларнинг мақсадга мувоғиқлиги, унумлилиги.
Ўқув предмети бўйича дунёқарашни шакллантириш	-ҳаракат малакаси ва кўникмасини шакллантиришга боғлик бўлган билимлар билан тъминлаши. Дарс жараёни давомида жисмоний маданият фаолларини тайёрлаш, ўқитувчининг машгүлотлардан озод қилинган ўкувчилар билан ишлаши.
Таҳлилчи савиясининг таҳлил сифатига таъсири	
<p>Дарсни кузатиш ва унинг таҳлили кўпкирали жараён бўлиб, ўкувтарбия фаолиятининг барча томонларини назарда тутиш учун, маълум даражадаги билим ва кўникмаларга эга бўлиш талабини қўяди.</p> <p>Кузатилганки, бир вактнинг ўзида моҳиятига етиш ва баҳолаш, мавжуд вазият (холат) учун мақсадга мос келадиган қарорни назарда тутиш, фикр айта олиш, дарс ўтказаётган ўқитувчи фикрини ўқий олиш (у нима кильмоқчи), тавсиянома белгилаш, ҳужжатларни кузатиш баённомаларидан, режалар, сўров варакалари ва бошқаларни тўғри тузата олиш ва ундан фойдаланиш. Дарсга бериладиган тавсияномадаги маслаҳатлар, матннинг тушунарлилиги масалалари таҳлилнинг сифатига таъсир этади.</p> <p>Куйидаги фойдаланишга тавсия килинаётган дарснинг педагогик таҳлили тайёр схемаси жисмоний маданият услубчилари, методик бирлашма бошликлари, вилоят, туман, шахар халқ таълимни назоратчилари, умумтаълим мактабларининг жисмоний маданият фани ўқитувчилари ва олийгоҳларнинг жисмоний маданият факультети талабалари билан амалиётда бир неча йил давомида фойдаланилди ва иш жараёнида қўллаш мумкин, деган хуносага келинди.</p>	
Педагогик таҳлил ўтказиш услубияти	
Жисмоний тарбия дарсини таҳлил қилишнинг намунавий режаси	
Дарсни ўтиш вақти	_____
Синф	_____
Дарснинг тури	_____
Дарсдаги ўкувчилар сони	_____

Дарс ўтувчи _____
Таҳлил олиб борувчи _____

Дарс вазифалари:

1. _____
2. _____
3. _____

Педагогининг дарсга тайёрланиши – дарсга тайёргарлик деганда, биринчидан, дарс конспектини юқори савияда ишлаб чиқиб, оққа кўчириш ва дарснинг муваффакиятли ўтиши учун бевосита тайёргарлик кўриш (дарснинг моддий-техник томонидан таъминланиши ва ўқувчилар, ўқитувчи ёрдамчилари, навбатчилар, гурух бошликларини тайёрлаш) назарда тутилади.

Таҳлил қилаётганда зътибор бериш тавсия этиладиган масалалар

1. Дарс конспектининг мухайёлиги, унинг ҳар дарс иш режасига мувофиқлиги, аниқ ишлаб чиқилганлиги ва ташки кўриниши:
 - а) дарс вазифаларининг дастур талабларига мувофиқлиги, аниклиги, тўғри ифодаланганлиги, ҳар томонламалилиги (шуғулланувчиларнинг ҳар томонлама ва уйғун ривожланишини таъминлаш);
 - б) конспект мазмунида керакли воситаларнинг тўғри танланиши (дарснинг учала қисмида шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлик даражасига, дарс вазифаларига танланган воситаларнинг мувофиқлиги, дарс қисмларидаги воситаларнинг ўзаро ва машғулот ўtkазиладиган шароитга мувофиқлиги);
 - в) машқларни миқдорлаш ва уларнинг кетма-кетлиги;
 - г) конспектнинг ташкилий-методик кўрсатмалари бўлимида: дарсни ташкил этиш, ўқизиш методикаси, шароитлари бўйича қандай кўрсатмалар берилган, уларнинг тўғрилиги, максадга мувофиқлиги, ифодаланиши ва ҳоказо мисоллар билан тасдиқланади.
2. Дарс ўқизиш жойи, ўқув куроллари ва анжомларининг тайёрлиги ва уларнинг санитария-гигиена ҳолати.
3. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ташки кўриниши.
4. Навбатчи ва гурух бошликларининг олдиндан тайёргарликлари.
5. Дарслардан озод қилинган ёки юкламаси миқдорланиб бериладиган (касаллиги бўйича) ўқувчиларга дарсдан олдин бериладиган кўрсатмалар.

Дарсни ташкил этиш, кузатувчи бу бўлимда кўйидагиларга зътибор бериши керак

1. Дарснинг ўз вақтида бошланиши ва тугалланиши; дарс қисмлари, айрим асбобларда иш бажариш ва машқ турлари учун тақсимланган вақтнинг максадга мувофиқлиги.

2. Машғулот жойи, мавжуд асбоб-анжомлардан фойдаланиш, ўкувчиларни жойлаштириш, сафлантириш ва кайта сафланишларнинг мақсадга мувофиқлиги, уларнинг тарбиявий киймати.

3. Дарс кисмларида ўкувчилар фаолиятини ташкил этиш усуулларининг қўлланиши, мақсадга мувофиқлиги, уларнинг дарс мазмунига ва вазифаларига, ўкувчиларнинг ёшига мослиги, дарс юкламаси ва зичлигига таъсири мисоллар билан тасдиқланади.

4. Дарс кисмларида ўкувчиларнинг ҳаракат фаолликларини ошириш учун қандай методик усууллардан фойдаланилгани, уларнинг дарс вазифаларини ҳал этишдаги самарадорлиги мисоллар билан тасдиқланади.

5. Дарсда ўкувчилардан ёрдамчилар сифатида фойдаланишнинг самарадорлиги, уларнинг ўз вазифаларини бажаришга тайёргарликлари, жисмоний тарбия жараёнида хавфсизлик қоидаларига риоя килишлари. Педагогнинг ўз ёрдамчилари ишларини назорат килиши ва баҳолаши.

Дарсда қўлланиладиган воситаларга тавсиф

1. Дарснинг тайёргарлик кисмидаги воситалар билан унинг бажарадиган функцияси орасидаги мувофиқлик (махсус тайёрловчи ва ёндаштирувчи, ўкувчиларни дарсга жалб этувчи машқларнинг мавжудлиги ва юкламанинг етарли бўлиши).

2. Дарснинг асосий қисми учун машқларни танлаш, шуғулланувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олиш, ўзлаштираётган материалнинг кетма-кетлиги, машқларни бажариш учун енгиллаштирилган шароитлар яратиш, кўнікма ва малакаларни ҳисобга олиш керак.

3. Дарснинг якунловчи қисми учун воситалар танлашда асосий қисмда бажарилган ишларнинг хусусиятлари эътиборга олингани, организмнинг тикланиши қанчалик таъминланганига эътибор бериш керак.

4. Уйга вазифалари, уларнинг тӯғрилиги ва хусусиятлари, қўлланишига бўлган асосий талабларга риоя қилингани, олдинги дарс топширикларини текшириш қандай амалга оширилгани назорат килиниши керак.

Ўргатиш усуулларининг қўлланиши

1. Ўқитувчининг сўзлашув усулини эгаллаганлиги, маҳорати ва ундан самарали фойдаланиши, дарсда сўзлашув усулиниң қандай шакллари қўлланилди, уларнинг дарс вазифаларига ва ўкувчилар контингентига мувофиқлиги, берилаётган маълумотнинг мазмунлилиги (мисоллар билан).

2. Сўзлашув усулиниң таъсирини кучайтирувчи методик услубларнинг қўлланиши (киёслаш, такрорлаш, оҳанг ва ҳ.к. мисоллар билан).

3. Педагогнинг умумий нутқ маданияти (нуткнинг равонлиги, бойлиги, аниқлиги, таъсирчанлиги ва ҳ.к.).

4. Кўрсатмалик усулини тұғри қўллай билиши (ўкувчилар контингентига, дарснинг мазмуни ва аник вазифаларига мос келадиган

курсатмалилик коидаларидан фойдаланиш).

5. Курсатмалилик усулининг таъсирини кучайтирувчи методик услубларнинг кўлланиши (тез, секин ва х.к.).

6. Ўқитувчининг сўзлашув, курсатмалилик усувларини ва ҳар хил харакатларни ўзаро боғлиқликда кўллай билиши ва бир вақтнинг ўзида амалга ошира олиши, жамоа мухокамаси билан биргаликда олиб бориши ва дарс олдига кўйилган бошқа вазифаларни ҳал этишга таъсири.

7. Дарсда жисмоний машкларни амалий ўзлаштириш усувларини яхлитлигича, кисмларга (булакларга) бўлиб ўргатиш усувларини кўллашнинг самарадорлиги (ўқувчиларнинг тайёргарлигини, ҳал этиладиган вазифаларнинг, жисмоний машкларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир усульнни кўллашнинг ўзига хос кетма-кетлигига риоя қилиш мисоллар билан тасдиқланади).

8. Дарсда жисмоний машклар техникасидаги хатоларнинг олдини олиш ва тузатиш усувларини кўллаш сифати (усувларнинг кўплиги: ёндаштирувчи машклар усули, асосий машқ техникасини ўзгартириш усули ва х.к.).

9. Хатоларнинг олдини олиш ва тузатиш усулини кўллаш, бунда хатолар сабабини, уларнинг хусусиятларини аниқлаш, йўқотиши ҳисобга олиш.

10. Машклар техникасини ўргатиша кўлланилган методик усувлар (мисоллар билан).

11. Педагогнинг ўқувчиларга бўлган муомаласи, талабчанлиги, қатъиятлигиги, иродаси, ўзини тута билиши; одоби, хушфеълиги ва ўқувчиларнинг саволларига ҳозиржавоблиги, уларнинг ютукларини курсата олиши, тўғри баҳолай билиши ва х.к.

Жисмоний қобилияtlарни тарбиялаш услубияти

1. Дарс кисмларида ўқувчиларда тўғри қад-коматни шакллантиришга, тузатишга ва такомиллаштиришга қандай эътибор берилди? Баҳо беринг.

2. Жисмоний қобилияtlарни тарбиялаш ишларининг мазмуни: ўқувчиларга қандай топшириклар берилди, жисмоний тарбиянинг қандай усувлари (катъий тартиблаштирилган машқ усувлари, ўйин, мусобака усувлари, айланма машқ усули ва х.к.) кўлланилди, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва шуғулланувчиларнинг хусусиятларига, дарс вазифаларига, дарс ўtkазиш шароитларига ва х.к. мувофиқлиги.

3. Дарсдаги юкламани баҳолаш, унинг ўқувчилар хусусиятларига, дарс вазифаларига, дарс ўtkазиш шароитларига ва х.к. мувофиқлиги, юкламанинг ҳажмини ва шиддатини бошқаришда кўлланилган методик усувларнинг мақсадга мувофиқлиги.

4. Дам олиш учун ажратилган вакт, унинг қайтарилиши ва давом этиши.

Педагогнинг тарбиявий ишлари

1. Дарснинг турли кисмларида тарбиявий вазифаларни ҳал этиш учун

қандай топшириклар берилди.

2. Ўқувчиларнинг ақлий, эстетик ва меҳнат тарбияси учун нималар килинди, улар қандай амалга оширилди (интизомлилик, дўстлик ва ўртоқлик хиссиятларини тарбиялаш; ўқувчиларда мустақилликни, фикрлаш фаоллигини оширишга қаратилган методик усулларни кўллаш; дарсда муаммони ҳал қилиш ва ижодий изланиш учун шароитлар яратиш, шугууланувчиларнинг кузатишда ва хатоларни тўғрилашда, натижаларни баҳолашда катнашишларини, ўзаро ўргатиш ва тарбиялашни ташкил этиш).

3. Педагогнинг синфи бошқара билиши, ўқувчиларда онгли муносабатларни шакллантириши, уларда жисмоний машқлар билан шугууланишга кизиқиши уйготиши ва ҳ.к.

Ўқувчиларнинг хулқи

1. Ўқувчиларнинг дарсга ўз вактида тайёrlаниши, уларнинг дарсга, айrim топширикларни бажаришга муносабати.

2. Ўқувчи шахснинг фаоллик, онглилик ва ташаббускорлик кўrsatiши.

3. Кўrsatilgan натижаларни назорат қилишга, кийинчиликларни енгишга бўлган бардоши.

4. Ўқув-тарбия ишларининг мазмuni ва натижасидан ўқувчиларнинг коникиш ёки коник маслиги, уларнинг хиссий ҳолати.

5. Ўқувчиларнинг бир-бирига ёрдам бериши, уларнинг ўқитувчига бўлган муносабати.

6. Навбатчи ва гурух бошликларининг ўз бурчларини қандай бажарганиклари, камчиликлари ва ютуклари.

Дарсни умумлаштириш ва хулоса

1. Дарснинг ўргатувчанлик қиймати.

2. Дарснинг тарбиявий қиймати.

3. Дарснинг соғломлаштириш қиймати.

4. Ўқитувчи фаолиятининг ижобий ва салбий томонлари.

Хронометраж ўтказиш услубияти

Жисмоний тарбия дарсларида хронометраж дарснинг умумий ва мотор зичлигини аниқлаш максадида олиб борилади.

Дарснинг умумий зичлиги деб педагогик нұқтаи назардан тўғри фойдаланилган вактнинг бутун дарс давомидаги нисбатига айтилади.

Дарснинг мотор зичлиги деб ўқувчиларнинг бевосита ҳаракат фойдаланилган вактига айтилади.

Хронометраждан олинган маълумотлар дарснинг педагогик таҳлилини маълум даражада чукурлаштиради, чунки бу нарса ҳар хил фаолият учун кетадиган вактнинг оқилона сарфланишига имкон беради.

Дарсни текширувчи хронометражнинг кўйидаги хужжатларини юритиши керак:

- хронометраж баённомаси;
- умумий ва мотор зичлиги;
- дарс зичлигининг матида ёзилган таҳлили.

Дарс бошлангунга қадар текширувчи хронометраж баённомасига дарс вазифаларини, шунингдек, ҳар хил бўлимларга ёки дарс кисмларига белгиланган вактни аниклаб олиши керак. Бунинг учун текширувчи дарс ўтувчининг конспекти билан танишиши шарт.

Баённоманинг кейинги кисми айнан дарс ўтиш мобайнида кўйидаги шакл бўйича тўлдирилиб, фақатгина “Ўкувчилар иш фаолиятининг мазмуну” ва “Иш фаолиятининг тугаш вакти” устунлиги тўлдирилади.

Масалан:

Термиз шахридаги № мактабнинг синфида
ўқитувчи томонидан ўтказилган дарсда

хронометраж маъдумотларини ҳисобга олиш

БАЁННОМАСИ

сана кузатилувчи

Дарс кисмлари	Ўкувчилар иш фаолиятининг мазмуни	Иш фаолиятининг тугаш вакти	Ўқитувчини тинчлаш, кузатиш	Машк бажариш	Машгулот жойини тайёрлаш	Навбат кутиш	Ўқитувчининг айни билан кетган вакт	Эслатма
---------------	-----------------------------------	-----------------------------	-----------------------------	--------------	--------------------------	--------------	-------------------------------------	---------

Кузатиш дарс давомида бир ўкувчи устида олиб борилади ва унинг фамилиясини баённомага ёзиш тавсия этилади.

Иккинчи устунга педагог фаолиятининг мазмуни ва машгулотнинг кетма-кетлиги аник ёзилади. Масалан, ўкувчиларни сафлаш. Рапорт. Ўқитувчи томонидан дарс вазифаларини тушунтириш. Юриш. Машкларни тушунтириш.

Умуривожлантирувчи машклар оддий тарзда ёки қискача – эгилиш, сакраш ва б. деб ёзилади.

Учинчи устунга секундомер бўйича ҳар кайси иш фаолиятининг тугаш вакти ёзилади. Масалан, ўкувчиларнинг сафланиши ва рапортига 2 дақиқа 10 сония вакт кетса, шу иш фаолиятининг тўғрисига ёзилади.

Ўқитувчининг машкларни тушунтиришга, кўрсатишга, кўргазмали куролларни тайёрлашга, машгулот жойини тайёрлашга, ўкувчиларнинг машкни бажаришга сарфлаган вактлари аник қилиб тегишли устуннинг тўғрисига ёзилади.

Дарс тугаганидан кейин хронометраж маълумотларини ишлаб чишик керак. Бунда ҳар қайси фаолиятга кетган аниқ вактни топиш учун секундомер кўрсатган кейинги вактдан олдингиси олиб ташланиши зарур.

Дарснинг ташкилий қисми учун бекор сарфланган вакт, яъни ўкувтарбиявий вазифаларни ечишга тааллукли бўлмаган ҳаракатлар ёки вактдан олдин дарсни тугаллаш, интизомнинг бузилиши, анжомларнинг синиши, ўкувчининг сабабсиз иш фаолиятидан кетиб қолиши натижасида машгулот вақтида ҳосил бўладиган танаффуслар – буларнинг ҳаммаси дарс жараёнининг оқланмаган вақтига киради. Дарснинг умумий зичлигини хисоблагандан, дарс учун ажратиладиган 45 дакика вакт 100% деб олинади.

Масалан, педагогик оқланган вакт 42 дақиқани ташкил этса, хисоб қуидагича бажарилади:

45 дакика – 100 % 42×100

42 дакика – X % , бунда X=93,3 %

Дарснинг умумий зичлиги 93,3% ни ташкил қиласди. Жисмоний машклар бажариладиган машғулотларда мотор зичлик маҳсус кўрсаткич хисобланади.

Масалан: ҳаракатларни бажаришга 20 дакика сарфланган бўлса, хисоб қуидагича ечилади:

45 дакика – 100 % 20×100

20 дакика – X % , бунда X=44,4 %

Дарснинг мотор зичлиги 44,4 %ни ташкил қиласди. Дарснинг умумий ва мотор зичлигини аниқлагандан сўнг уни тахлил килиш керак. Умумий зичликнинг энг юқори баҳоси 45 дакиқанинг ҳаммасини тұғри ва аниқ ишлатишидир. Мотор зичликнинг оптимал даражаси катта ёки кичкиналиги дарснинг вазифасига, машғулотнинг моддий-техник томондан таъминланғанлыгига боғлик.

Хозирги вактда жисмоний тарбия дарсларида оптимал зичлик 4-5-синфларда 37-47 % ни, 6-7-синфларда 50-60% ни, юқори синфларда 70% ни ташкил килиши керак.

Дарс зичлигини аниқлаш баённомаси (хронометрлаш баённомаси).

1. Дарс ўтувчи ўқитувчи: Хўжақулов. Р.Н
2. Дарс мавзуси: Паст стартдан 60 мга югуриш.
Югуриб келиб узун. сакраш.
3. 5 синф ўкувчиси: Мамаюсов. Х.
4. Хронометровчи: Раҳимова З.

№	Харакат фаолиятининг мазмуни	Бош-ланди	Ту-гал Лан-ди	Фаол. тури
1	Сафланиш, ўқувчи сонини аниқлаш, рапорт к/к., саломлашиш, ўқувчиларнинг дарсга тайёрлигини кўздан кечириш	00	2 ¹⁰	И
2	Янги дарс мавзусини эълон қилиш	2 ¹⁰	3 ¹⁰	Т
3	Дик. учун машқлар, к/комат учун машқлар, турли кўринишда юриш ва югуришлар, УРМ, маҳсус ва тайёрлов машқлари	3 ¹⁰	9 ¹⁰	И
4	Гурухларга ажралиш, паст старт техникаси хакида тушунтириш	9 ¹⁰	9 ⁵⁰	Т
5	Маҳсус машқлар, тайёрлов машқлар	9 ⁵⁰	11 ¹⁰	И
6	Биринчи уринишдаги хатолар таҳлили	11 ¹⁰	11 ⁴⁰	Т
7	Паст ст. чиқишни ўрганишдаги иккинчи уриниши	11 ⁴⁰	12 ¹⁰	И
8	Навбат кутди	12 ¹⁰	12 ⁴⁰	Б
9	Масофа бўйлаб югуриш – 3-уриниш.	12 ⁴⁰	13 ¹⁰	Т
10	3-уриниш таҳлили	13 ¹⁰	15 ⁴⁰	БТ
11	4-уриниш	15 ⁴⁰	16 ³⁰	И
12	Қисқа масофага югуриш учун уйга вазифа	16 ³⁰	17 ³⁰	Т
13	Навбатдаги вазифани бажариш учун жой алмашиш	17 ³⁰	18 ⁴³	И
14	Узунликка сакраш техникаси хакида тушунтириш	18 ⁴³	20 ¹⁵	Т
15	Депсинниш оёғи учун тайёрлов машқлари	20 ¹⁵	22 ¹²	И
16	Жойидан туриб 2 оёқда депсинниш билан сакрашлар хакида назарий маълумот бериш	22 ¹²	23 ⁴³	Т
17	Депсинниш оёғи тушадиган жойни аниқлашдан олдинги пауза	23 ⁴³	25 ¹⁰	Б
18	1-уриниш (10 та югуриш қадами билан сакраш)	25 ¹⁰	25 ⁴⁰	И
19	Юг.кел.уз.сакрашда навбат кутиш	25 ⁴⁰	26 ¹⁵	Б
20	2-уриниш (10 та югуриш қадами билан сакраш)	26 ¹⁵	26 ³⁵	И
21	1-2-уриниши таҳлили	26 ³⁵	28 ¹⁰	Т
22	Навбат кутмай 3-4 уриниш	28 ¹⁰	29 ¹⁵	И
23	Қайта сафланиш ва буйрукка тез жавоб бериш харакатлари билан харакатли ўйин билан	29 ¹⁵	31 ¹⁰	Т

	тушунтириш			
24	Буйрукка тез жавоб бериш ҳаракатлари билан ҳаракатли ўйин	31 ¹⁰	40 ²⁵	И
25	Қайта сафлаш, нафас ва ЮҚЧ ритмини пасайтириш учун машклар	40 ²⁵	43 ³⁰	И
26	Уйга вазифа бериш	43 ³⁰	44 ³⁰	Т
27	Дарсни якунлаш ва уюшган ҳолда дарс жойини тарк этиш	44 ³⁰	45 ³⁰	Б

Хронометрловчига кўйилган баҳо:

Дарснинг фойдали зичлиги баҳоси:

Ўқувчиларни олган назарий билимлари учун

Дарс давомида ўқувчиларни фаолиятсиз бекор қолишининг фоизи баҳоси

Иш вакт	Түш вакт	Бүш вакт	
			→ Сафланиш рап к.к саломлашиш
0			→ Янги дарс мавзусини эълон килиш
1			→ Дук. учун машқ юриш. югуриш УРМ маҳ маш
2			
3			→ Навбат кутди → Махсус машқ → Паст ст. 60 мға юг. туш
4			→ Паст ст. чик ўрнатиш
5			→ Навбат кутди → Масофа бўйлаб юг туш
6			→ Масофа бўйлаб юг бажариш
7			→ Югуришда навбат кутди → Югуриб келиб уз. сак. туш
8			→ Жойида туриб бир оёқда туш
9			→ Кучли депсинувчи оёқ он. туш
10			→ Депсинувчи оёқни аниклаш
11			
12			→ Юг келиб уз сакраш → Навбат кутди → Юг. кел уз сакраш → Навбат кутди
13			→ Юг. келиб уз сакраш
14			
15			→ Қайта сафланиш
16			→ Нафас ростлаш машқни баҳолаш
17			→ Уйга вазифа → Дарсни якулаш
18			
19			
20			
21			
22			
23			
24			
25			
26			
27			
28			
29			
30			
31			
32			
33			
34			
35			
36			
37			
38			
39			
40			
41			
42			
43			
44			
45			

Пульсометрия ўтказиш услубияти

Жисмоний тарбия дарсларида пульсометрия олиб боришдан, яъни томир уришини ўлчашдан асосий мақсад дарсдаги юкламанинг ўкувчилар ёшига, тайёргарлигига, машғулот ўтказиладиган жой шароитига мувофикалигини аниклашдан иборат.

Пульсометрия маълумотларини тұғри таҳлил қила билиш эса талабаларга кейинчалик үз харакатларини объектив баҳолаш, ҳар бир синф учун юкламаларни тұғри режалаштириш, бошқариш усулларини эгаллашға ёрдам беради.

Кузатув секундомер ёрдамида бир ўкувчи устида олиб борилади. Бунинг учун ўқитувчининг топширикларини фаол бажарадиган ўкувчи танлаб олинади. Ушбу ўкувчи кузатув объекти ҳақида олдиндан огохлантирилиши керак.

Пульс биринчи бор дарсга құнғирок чалинишига 5 дақика қолганда ўлчанади. Бунда кузатувчи кузатилувчи ўкувчининг тинч ҳолатда, яъни унинг пульс күрсаткичи меъёр ҳолатида эканлигига ишонч ҳосил килиши керак.

“Пульс” сүзи лотинчадан таржима килинганда “туртки” маъносини бериб, томир уриши, юрак қискариши натижасида кон томирларининг ритмик тебраниши, кенгайиб-торайиши демакдир.

Пульс асосан билакнинг ички юзасида, билак артерияси соҳасида аникланади. Бунинг учун текширилувчининг билак бүгими күл билан шундай ушланадики, бош бармок билакнинг ички томонида, бошка бармоклар билан эса унинг юзидаги уриб турувчи билак артериячаси пайпаслаб топилиб, бир оз босилади. Пульс 6 секунд мобайнида ўлчанади.

Томир уришини куйидагича ўлчаш тавсия этилади

1. Агар иш доимий хусусиятга зга бұлса, сафланиш, югуриш, умумривожлантирувчи машклар ва ҳ.к. орасида ҳар 3 дақиқада, 3 дақиқадан кам оралиқда томир уришини ўлчаш максадга мувофиқ эмас, чунки ўқувчини томир уришини ўлчаш учун тез-тез жалб этиш дарсдаги ҳақиқий юкламани аниклашға ёрдам бермайди.

2. Дарснинг ҳар бир кисми тугаганидан сұнг.

3. Катта кучланишни талаб этадиган югурищ, гимнастика снарядларида бажариладиган машклар, югуриб келиб сакраш, эстафета босқичини тугатиши ва ҳ.к., мураккаб машкларни бажарғандан сұнг.

Олинган маълумотларни хисоблашда 6 секунддаги томир уришининг натижасини ўнга күпайтириб, баённоманинг бешинчи устунига, унинг фоизлардаги (%) ўзгаришини олтинчи устунига Ѽзилади. Бу куйидагича

амалга оширилади. Дастрлабки тинч ҳолатда ўлчанган томир уриши 100 % деб олинади. Иккинчи марта ўлчанган томир уришининг дастрлабкисига нисбатан неча фоиз ошганлигини аниглаш учун нисбат тузилиб, ишланади. Масалан, баённомадаги тинч ҳолатда ўлчанган томир уриши 1 дақиқада 90 марта, иккинчисида 103 марта бўлсин.

Шунга караб нисбат тузилади:

$$90 - 100 \% \quad 103 \times 100$$

$$103 - X \% \quad X = 114,4 \% \cdot 90.$$

Учинчисида 108 марта бўлса, яна нисбат тузамиз:

$$108 \times 100$$

$$90 - 100 \% \quad X = 120 \% \text{ ва } x.k.$$

$$108 - X = 90$$

Юкоридаги вазифалар бажарилганидан сўнг олинган маълумотлар асосида томир уришининг эгри чизикли чизмаси тузилади.

Юкоридаги ҳужжатларга асосланиб, охирида дарслаги юкламанинг ёзма таҳлили бажарилади. Бунда қуидагилар ёритилиши керак: дарснинг вазифалари, дарснинг тури, ўкувчиларнинг дарсгача бўлган фаолияти. Дарс давомида томир уришининг ўзгариши ва унинг сабаблари, дарснинг алоҳида бир кисмida ва бутун дарс давомидаги оғирликнинг мақсадга мувофиқлиги. Дарснинг охиридаги томир уриши сони ва унинг жисмоний тарбия дарсидан кейин 5 дақиқа давомида тикланиши. Таҳлил якунида кузатувчи ўкувчиларнинг дарслаги юкламаси бўйича ўзининг муроҳазаларини, таклифларини ёзиши керак.


Томир уришини ўлчаш баённомаси, томир уришининг эгри чизикли чизмаси ва олинган маълумотларнинг таҳлили кўшилган ҳолда бир бутун ҳужжатни ташкил этади.

Тўлиқ тугалланган ҳужжат кузатувчи томонидан имзоланади ва дарсни ўтган ўқитувчига танишиб чикиш учун берилади. У, ўз навбатида, ҳужжат билан танишиб, ўзининг муроҳазаларини билдиради ва ҳужжатга имзо чекади.

**Жисмоний маданият дарсида жисмоний юкламани аниқлаш ва
бошқарилишининг баённомаси**

1. Дарс ўтувчи : Шумский В.
2. Дарс мавзуси: Паст стартдан 60 м га югуриш.
Югуриб келиб узун. сакраш.
3. Пульс олган ўқитувчи: Махмудова З.
4. Пульс олинган ўқувчи: Алимова Н.
5. Дарс ўтказилган сана: 22.11.2016

Вакт	Пульс	Бажарилган машқлар
0 ¹	72	Дарс бошланишида
4 ¹	86	Юришдан сўнг
7 ¹	120	Югуришдан кейин
9 ¹	104	4 – УРМ дан кейин
11 ¹	110	УРМ дан сўнг
14 ¹	130	Махсус машқ тугагач
18 ¹	120	Ёрдамчи машқдан кейин
22 ¹	140	Паст стартдан югуришдан сўнг
25 ¹	150	60 мга югуришдан кейин
28 ¹	140	Югуриб келиб узокликка сакрашга ёрдамчи машқдан кейин
31 ¹	145	Ёрдамчи машқ тугагандан сўнг
34 ¹	130	Узунликка сакраш вақтида
37 ¹	134	Узунликка сакраш машқини бажариш
40 ¹	136	Узунликка сакраш машқидан кейин
43 ¹	96	Нафас ростлаш машқидан сўнг
45 ¹	84	Дарс охирида



Жисмоний маданият дарснинг педагогик таҳлилиниң тахминий матни

Дарснинг бошланиши вақти:

Дарснинг бошланишини уюштирилиши ва ўз вақтидалиги:

Дарс вазифасининг аниқлиги ва тушунарлилиги, шу бугунги мавзу учун вазифа:

I. Дарснинг (кириш) тайёрлов қисмининг таҳлили

1. Ўқитувчининг жой танлай олиши, шуғулланувчиларнинг диккатини түплай олиши (синфни ўз измига ола билиши).
2. Машқни намойиш килиниши (ҳаракатларнинг равонлиги, нафосати, аниқлиги, эркинлиги, кетма-кетлигининг ўз ўринидалиги).
3. Жисмоний машқларнинг тұғри номланиши, тушунтирилишининг үқувчилар ёшига мөслиги, бажариш суръати, мөшерлар, қайтаришлар сони.
4. Машқ бажарылышы давомида огохлантириш, күрсатмаларнинг ўз вақтидалиг.
5. Қоматни шакллантириш, нафас олиш, юрак кискариш частотасини ошириш машқлари, умумий ривожлантирувчи ва маҳсус машқларнинг танланиши, ўринилдиги, самараси.
6. Жисмоний юқламанинг микдори, ўғиллар ва қызлар учун мөшернинг белгиланиши.
7. Жисмоний машқларни бажарыш давомида нафас олиш ва унинг назорати.
8. Тайёрлов вә йўлланма берувчи машқлар (мөслиги, фойда берадими).
9. Дарснинг тайёрлов қисмининг ижобий ва салбий томонларига тавсиф.

II. Дарснинг асосий қисми

1. Кўргазмали намойиш методининг қўлланиши ва унинг самараси.
2. Ўқитувчининг ўз фикрини ифодалай олиши, тушунтириши сифати ва фандаги маҳсус атамаларни қўллай олиши, интеллекти.
3. Тушунтиришнинг хусусийлиги, ұхшатиш, образлилиги үқувчилар ёшига муносаблиги.
4. Фойдаланилган ўқитиш методларининг хусусиятлари ва самараדורлиги (ҳаракат ҳолатининг тұла, бұлакларга бўлиш билан ўзлаштириш ва комбинациялаштирилган методлар).
5. Машқ методи, тренировка ва уларнинг самараדורлиги.
6. Ўйин, мусобака методларини қўллаш услубияти дарсда ўқувчилар билан индивидуал, мустакил ишлаш шаклларининг қўлланиши.
7. Дарсда ўқувчиларга назарий ва амалий билим берилишининг самараדורлиги (ҳаётний-амалийлигининг талқини).

8. Хатоларни аниклаш ва уларни тузатиш.

9. Ўқувчиларнинг ўз ҳолатларини ва хатоларини аниклаш, тузатилиши таҳлилига жалб қилинишини синф ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш усуллари, уларни алоҳида гурӯҳлардаги фаолиятини кузатиш.

10. Умумий жисмоний ишни меъёри, уринишлар сони, толикишнинг аломатлари (ички, ташқи) ва дарснинг соғломлаштириш вазифаларининг ҳал қилиниши.

11. Ўйинни ўтказа олиш маҳорати (тушунтириши, кўрсатиши, ҳакамли вазифасини бажара олиши, натижаларни аниклаш, Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти ва унинг дарс мазмунига боғликлигининг талқини).

12. Ўқувчиларнинг билимларини аниклаш, баҳолаш ва кунлик ўзлаштиришнинг олиб борилиши.

13. Дарсда уй вазифаларининг кўлланиши.

14. Асосий қисми якуни, таклиф ва мулоҳазалар.

III. Дарснинг якунлов қисми

1. Машқларни дарснинг якунлов қисмига муносаблиги.

2. Дарснинг якунланиши (кунлик ўзлаштиришни рағбатлантириш ва баҳолаш, кўлланилган жисмоний машқларнинг ҳаётий-амалийлиги ҳакида тушунча бериш, уйга вазифа ва ўқувчиларнинг уюшган ҳолда машгулот ўтказилган жойни тарқ этишининг ташкил қилиниши).

3. Дарснинг якунланишининг ўз вақтидалиги (ўқувчиларнинг ушланилишининг сабаблари):

4. Ўқитувчининг фаолияти савияси (синфни излай олиши, ўзини тутиши нутк маданияти, ташки қиёфаси, кайфияти, тарбия ва таълим бериши).

Таҳлил қилувчи:

Таҳлил билан танишдим:

Назорат саволлари:

1. Жисмоний тарбия дарсларида педагогик таҳлил ўтказишнинг аҳамияти ҳакида айтиб беринг.

2. Жисмоний тарбия дарсларида педагогик таҳлил ўтказишнинг турларини сананг.

3. Дарснинг таҳлилидан мақсад.

4. Жисмоний маданият дарснинг таҳлилида ёритилиши лозим бўлган масалалар.

5. Таҳлилчининг дарс бошлангунга қадар бажарадиган ишлари.

6. Ўқувчиларни дарс давомидаги интизоми, хулқи, ўзларини тутиши ва уларнинг фаолиятини ташкил қилишнинг таҳлили.

7. Дарсда ўқитувчининг раҳбарлик роли, ўзини тутиши ва фаолиятининг таҳлили.

8. Таҳлилчи савиасининг таҳлил сифатига таъсири.

9. Хронометраж ўтказиш услубияти ҳакида маълумот беринг.

10. Пульсометрия ўтказиш услубияти ҳакида маълумот беринг.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА РЕЖАЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ

Жисмоний тарбияда режалаштириш ва уларнинг муддати	
Режалаштириш тури	Режалаштириш муддати
Истикболли режалаштириш	бу узок муддатга режалаштиришdir (масалан, умумтаълим мактабида дастурий материалларни ўкув йиллари бўйича, бир неча йилга тақсимлаш).
Жорий режалаштириш	иш боскичларини қамраб олади (масалан, умумтаълим мактабларида – бу ўкув чорагига режалаштиришdir).
Оператив режалаштириш	якин фурсат учун амалга оширилади (келгуси машғулотларга).

Жисмоний тарбия бўйича режалаштиришга қўйиладиган талаблар	
Режалаштиришга талаблар	Талаб моҳияти
Педагогик жараённинг мақсадга йўналтирилганлиги	Ушбу талаб моҳияти шундан иборатки, педагогик жараённинг якуний максади аникланиши ва барча методлар, воситалар, ташкилий шакллар қўйилган мақсадга эришиш учун хизмат килиши лозим. Бошкacha килиб айтганда, ўқитувчи (мураббий) мақсадни бевосита амалга ошириш учун хизмат киладиган услубий воситаларидан фойдаланиши лозим.
Педагогик жараённинг вазифаларини режалаштиришнинг хар томонламалиги	Талаб моҳияти шундан иборатки, қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, машғулотнинг таълимиy, соғломлаштириш ва умумтарбиявий вазифаларини етарлича тўлиқ кўзда тутиш ва уларга мос келадиган воситалар, методлар ва машғулотнинг ташкилий шаклларини мўлжаллаш лозим.
Жисмоний тарбия қонуниятларини хисобга олиш	Режалаштиришда жисмоний тарбиянинг объектив қонуниятлари (харакат малака ва қўнималарини шакллантириш, жисмоний

	кобилияларнинг ривожланиши ва ушбу фандан параллел тарзда ўзлаштирилган билимлар) ва педагогик тамойиллари (тизимлилик, осон тушунарлилик ва индивидуаллаштириш, педагогик таъсирнинг аста-секин ошиб бориши ва х.к.) инобатга олинсагина самарали бўлиши мумкин. Жисмоний тарбия жараёнини режалаштиришда инсон организмининг ўсиши ва ривожланиши конуниятлари, турли ёшдагиларнинг руҳий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим.
Режалаштиришнинг аниклиги	Бу талабнинг моҳияти шундан иборатки, кўзланган жисмоний тарбия вазифалари, воситалари ва методларининг шуғулланувчилар тайёргарлиги ва машғулотлар шароитига мувофиглигидир (ўкув-моддий база, иқлимий шароитлар ва х.к.) Режалаштиришнинг конкретлиги даражаси режанинг вакт муддатига боғлик. Режа қанчалик киска муддатга мўлжалланган бўлса, у шу даражада аник бўлади. Режанинг энг аниги (деталлаштирилгани) бўлиб, бир машғулотнинг конспект режаси ҳисобланади.

Жисмоний тарбияда асосий режалаштириш ҳужжатлари ва уларнинг хусусиятлари

Режалаштиришнинг асосий ҳужжатлари	Режалаштириш ҳужжатларининг хусусиятлари
Ўқув режа	ўзи билан асосий (илк) ҳужжатни ифодалаб, унинг асосида барча даражадаги давлат ўқув муассасаларининг жисмоний тарбия бўйича кўп киррали иши амалга оширилади.
Ўқув дастур	ўқув ишларини режалаштириш ҳужжати ҳисобланиб, бу ҳужжатда куйидагилар ифодаланган: а) педагогик жараённинг мақсади ва умумий вазифалари; б) шуғулланувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар, кўнимка ва малакалар ҳажми, машғулотларнинг режалаштирилган муддати ва кўйилган вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиладиган асосий жисмоний машқулар ва бошқа воситаларнинг рӯйхати; в) шуғулланувчилар ҳар йили ва ўқув йили охирида эришиши лозим бўлган назарий, умумжисмоний

	ва спорт тайёргарлиги даражасини ўзида акс эттирган синов талаблари ва ўкув нормативлари (тест күрсатгичлари). Жисмоний тарбия буйича дастур асосан 4 бўлимдан иборат: 1) жисмоний тарбия дарслари; 2) кун режими давомидаги жисмоний ва соғломлаштирувчи тадбирлар; 3) дарсдан ташқари вактда жисмоний маданият; 4) жисмоний-оммавий ва спорт тадбирлари.
Ўкув жараёнининг план-графиги	ўкув дастурининг назарий ва амалий бўлимларини бир йил давомида, ойлар ва хафталарда ўтилишининг мақсадга мувофиқ тартибини белгилайди (умумтаълим мактабида – ўкув йили, БўСМларда – бир йиллик машгулотлар цикли). План-график – тўлик ташкилий хужжат хисобланади (жисмоний тарбия методикаси унда акс эттирилмаган).
Иш (тематик) режа	ўкув дастури ва дастурий материал ўтилишинининг йиллик план-графиги асосида тузилиб, ўкув чорагининг (семестрининг) ҳар бир дарси мазмунининг изчил баёнини ўзида акс эттиради. Жисмоний тарбия амалиётида иш режа ҳар хил ном билан аталади – тематик режа, чораклик режа, бир семестр режаси. Иш режада план-графикка нисбатан, ўкув жараёнинда фойдаланиладиган воситалар аниқроқ кўринишда ифодаланган ва машгулотлар методикаси акс эттирилган.
Машғулотлар жадвали	Машғулотлар жадвали иложи борича барқарор бўлиши ва жисмоний тарбия машғулотлари ўртасида тахминан бир хил бўлган вакт оралигини кўзда тутиши лозим.
Дарс (машғулот) конспекти	иш режа асосида, аниқ бир машғулот учун ишлаб чикилиб, келгуси дарснинг тўлик деталлаштирилган сценарийсини ифодалайди. Унда машғулотнинг иш режа буйича раками, дарснинг асосий ва хусусий вазифалари, ушбу вазифаларни ҳал этиш учун юкламалар кўрсатгичларини акс эттирган зарурий воситалар ва дам олиш интерваллари, ишлаб чикилган ташкилий-услубий кўрсатмалар ифодаланади.

Жисмоний тарбияда педагогик назорат турлари ва уларнинг хусусияти	
Педагогик назорат турлари	Назорат турларининг хусусиятлари
Дастлабки назорат	<p>Одатда, ўкув йилининг (ўкув чораги, семестри) бошида ўтказилади. Бу назорат шуғулланувчилар таркибини (саломатлик ҳолати, жисмоний тайёрланганилиги, спорт маҳорати) ва ўкувчиларниң келгуси машгулотларга тайёрлигини (ўкув материалини ўзлаштиришга, ўкув дастурининг норматив талабларини бажаришга) ўрганиш учун мўлжалланган. Бундай назорат маълумотлари ўкув вазифалари, воситалари ва уларни ҳал этиш методларини аниклаштиришга имкон беради.</p>
Оператив назорат	<p>бир ўкув машғулоти (дарси) рамкаларида, юклама ва дам олишнинг мақсадга мувофик алмаштириш мақсадида, машғулотнинг шошилинч самарасини аниклаш учун мўлжалланган.</p> <p>Шуғулланувчиларниң оператив ҳолатларини аниклаш нафас олиш, ишchanлик қобилияти, ўзини ҳис қилиши, юракнинг уриш тезлиги курсатгичлари ва ҳ.к.лар орқали амалга оширилади. Оператив назорат маълумотлари машғулотда юклама динамикасини оператив бошқаришга имкон беради.</p>
Жорий назорат	<p>шуғулланувчи организмининг машғулотлардан кейинги юкламаларга бўлган реакциясини аниклаш учун ўтказилади. Бу назорат ёрдамида шуғулланувчиларниң турли жисмоний юкламалардан сўнг, ишchanлик қобилиятининг кайта тикланиш вақти аникланади.</p> <p>Шуғулланувчиларниң жорий ҳолати ҳакидаги маълумотлар яқин машғулотларнинг мазмунини ва жисмоний юкламар катталигини режалаштириш учун асос бўлиб хизмат киласди.</p>
Босқичли назорат	<p>бир ўкув чораги ёки семестри давомида эришилган кумулятив (жамланма) машғулот самараси ҳакида маълумот олиш учун хизмат киласди. Бу назорат ёрдамида, танланган ва фойдаланилаётган турли воситалар ва методлар,</p>

	шугулланувчиларнинг жисмоний юкламаларни меъёрлаш тўгрилиги аниқланади.
Якуний назорат	бу назорат ўкув йилининг охирида ўкув жараёнининг йиллик план-графигининг бажарилиш муваффакиятини, кўйилган вазифалар ечими даражасини, жисмоний тарбия жараёни ва унинг таркибий кисмларининг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш учун ўтказилиди. Якуний назорат маълумотлари (шугулланувчилар саломатлиги ҳолати, уларнинг синов талабларини ва ўкув нормативларини бажариш муваффакияти, спорт натижалари даражаси ва х.к.) ўкув-тарбия жараёнининг кейинги режалаштирилиши учун асос ҳисобланади.

	Режалаштириш ва унинг жисмоний тарбия ишларидаги аҳамияти
	Жисмоний тарбия бўйича ишларни ўрганиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ўз фаолиятини лойихалаштиришга жиддий муносабатда бўлган педагоглар энг юкори натижаларга эришадилар.
	Режаларни тўғри тузишда мақсад ва вазифани аниқлаш анча олдинга қарашга имкон беради, кўйилган вазифаларни амалга ошириш учун энг самарали воситаларни назарда тутади. Режалаштириш – бу ишнинг механик концепцияси эмас, ўкув дастурини муроҳазасиз кўчириш хам эмас, балки жисмоний тарбиянинг имкониятлари ва ҳодисалари моҳиятига чуқур кириб боришдир.
	Режалаштириш ишнинг таҳлили асосида тўғри хулоса чиқаришнинг бажарилишини билишдан ташкил топади. Дарсларнинг мунтазам таҳлили педагогик ҳаракатлар тезлик даражасини, ўкув материалининг оптималь нисбатини, дам олишнинг мумкин бўлган оралигини, машқларнинг энг мақбул изчиллигини, машғулотларнинг зарурий меъерини ўқитувчига кўрсатиб туради, яъни уларсиз режалаштиришни амалга ошириш мумкин эмас.
	Шундай килиб, режалаштириш – бу таълим ва тарбия жараёни тизимини шакллантирувчи услугубий ҳужжатларни тузиб чиқишидир.

**Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия бўйича ўқув
иили учун намуниавий умумий иш режаси**

№	Асосий бўлимлар ва ишнинг мазмунини	Ўтказиладиг ан вакти	Бажариш учун жавобгар
1	2	3	4
1. Ташкилий ишлар			
1.	Жисмоний тарбия бўйича режалаштириш хужоатларини тузиш ва тасдиқлаш.		Ж.Т.ўқитувчиси
	а) йиллик ўқув графиги б) ҳар дарслик иш режаси 1 чорак 2 чорак 3 чорак 4 чорак	август август октябрь декабрь март	
2.	Педагогик жамоада машғулотдан олдинги гимнастика, жисмоний тарбия дақиқалари, танаффусдаги ҳаракатли ўйинларни ўтказиш тартибини муҳоммада қилиш	август	маъмурият, Ж.Т.ўқитувчиси
3.	Бошлиғич синф ўқитувчилари билан кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун синфдан ташкари ишларни ўтказиш ва режалаш- тириш, кун тартибида соғломлаш- тириш тадбирлари ташкил қилиш муаммолари тұғрисида семинар ўтказиш	август	Ж.Т.ўқитувчиси ва бошлиғич синфлар учун директор ўринбосари
4.	Ҳар бир синф учун эрталабки гимнастика, танаффусдаги ҳара- катли ўйинларни ўтказиш жойларини аниклаш	август	Ж.Т.ўқитувчиси
5.	Ҳар бир синфда кун тартиби тұғрисида, машғулотдан олдинги гимнастика, катта танаффусдаги ўйинлар ва жисмоний тарбия дақиқалари ўтказиш тартиби хакида сұхбат ўтказиш	10 сентябрғача	синф раҳбарлари
6.	Спорт шўйбалари учун жадвал тузиш	10 сентябрғача	Ж.Т.ўқитувчиси

2. Ўқув ишлари			
1.	Жисмоний тарбия дарсларини ўтказиш	хафтада икки марта	Ж.Т.ўқитувчиси
3. Кун тартибида жисмоний тарбия соғломлаштириш ишлари			
1.	Машгулотгача гимнастика	ҳар куни	жамоатчи йўриқчилар
2.	Катта танаффусда харакатли ўйинларни ўтказиш	ҳар куни	жамоатчи йўриқчилар
3.	1-4-синфлар учун жисмоний тарбия дақиқаларини ўтказиш	ҳар куни	ўқитувчилар, жамоатчи йўриқчилар
4.	Куни узайтирилган гурухларда спорт соатлари ва ўйинларни ўтказиш.	ҳар куни	тарбиячи
4. Оммавий жисмоний тарбия ва спорт ишлари, дарсдан кейин			
1.	Янги ўқув йилига багишланган жисмоний тарбия байрамларини ўтказиш.	сентябрь	маъмурият, Ж.Т.ўқитувчиси
2.	Спорт шўбалари ва тўгаракларда машгулотлар ўтказиш.	йил давомида	Ж.Т.ўқитувчиси
3.	Спорт турлари бўйича мактабнинг ички спартакиадасини ўтказиш.	йил давомида	маъмурият, Ж.Т.ўқитувчиси ҳамда синф раҳбарлари
4.	Айрим спорт турлари бўйича шаҳар спартакиадасида қатнашиш.	мусобака тақвими бўйича	Ж.Т.ўқитувчиси
5.	Туристик саёҳат ва спортга йўналтириш бўйича мусобака	июль	маъмурият ва Ж.Т.ўқитувчиси
5. Тарғибот ва ташвиқот ишлари			
1.	Жисмоний тарбия бурчагини безаш, рекордчилар, дипломлар, фахрий ёрликлар тўғрисида стенд (мактабнинг энг яхши спортчилари стенди)	сентябрь	Ж.Т.ўқитувчиси
2.	Спорт кечаларини, спорт турлари бўйича викториналар, спорт КВНларини ўтказиш.	декабрь, май	маъмурият ва Ж.Т.ўқитувчиси
6. Тиббий назорат ва тиббий санитар кўриги			
1.	Ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва тиббий гурухларга бўлиш	сентябрь	мактаб шифокори ва маъмурият

2.	Махсус тиббий гурух ўқувчилари соғлигини назорат қилиш	Ҳар ойда	шифокор
3.	Ўқувчиларни якуний тиббий кўриқдан ўтказиш	май	мактаб шифокори ва маъмурият

7. Хўжалик ишлари

1.	Спорт асбоб-анжомлари, жиҳозларини таъмирлаш	Йил давомида	Ж.Т ва меҳнат ўқитувчиси
2.	Жисмоний тарбия бўйича кўргазмали қуролларни тайёрлаш	ўқув йили бўйича	Ж.Т.ўқитувчиси

Режалаштиришга қүйиладиган талаблар

Режа давлат таълим стандартига мувофик ишлаб чиқилған жисмоний тарбия дастурига оид меъёрий ҳужжатлар ва талабларга мувофик бўлиши зарур. Режаларнинг барчаси жисмоний тарбиянинг умумий мақсади ва вазифаларига ҳамда вазирлик ишлаб чиккан услубий тавсияларга бўйсундирилган бўлиши керак.

2. Режалаштириш вактида жисмоний тарбиянинг умумий ва услубий тамойилларига амал килиш лозим. Режалаштириш жараённида тамойилларни амалга ошириш учун кулай шарт-шароит вужудга келади: шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғликлigi соғломлаштиришга каратилгани.

3. Режа муайян циклларда (дарслар серияси, чорак, йил) олдинги циклларга таяниши ва келгуси йилга тайёрлаши керак. Шундай қилиб, тасодифий дарс чиқариб ташланади, чунки уларнинг ҳаммаси муайян тизимга бирлаштирилган.

4. Режалаштириш аниқ бўлиши керак. Бу талаб мактабларда ишни режалаштириб, мутахассис келгунга қадар жисмоний тарбия ўқитувчи ийӯк бўлган жойда, бошлангичдан ўрта мактабга ўтишда, шунингдек, моддий-техника базасининг таъминланган даражасини ҳисобга олиши назарда тутиб амалга оширилади. Барча кайд этилган ҳолларда ўқитувчи ушбу шароитни ўзлаштирган бўлиши керак. Ҳатто агар бу ўкув дастуридан четга чиқишга олиб келса ҳам, аниқ баҳолаш керак. Мактабда бундай вазият дастурга янги бўлим киритилганда вужудга келади. Чунончи, бадиий гимнастикадан машқлар кўрсатилганда юқори синф ўкувчилари билан узок тайёргарлик ишлари талаб қилинади. Бу талабни амалга ошираётганда, уларнинг ўзлаштириши учун назарда тутилган вакт ҳам эътиборга олинади.


5. Машқларнинг энг аҳамиятлисини, универсалини ёки, аксинча, максимал педагогик самарани таъминловчи машқларни танлаш зарур. Воситалардан фойдаланиш изчилигининг бузилишига ва “кучли таъсир килувчи машқ” дан фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди.

6. Режалаштиришнинг кўргазмалилиги графикли шаклларни амалиётга жорий этиш йўли билан амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1. Режалаштириш деганда нимани тушунасиз?
2. Режалаштириш ва унинг жисмоний тарбия ишларидаги аҳамиятини очиб беринг.
3. Истиқболли режалаштириш деганда нимани тушунасиз?
4. Жорий режалаштириш деганда нимани тушунасиз?
5. Оператив режалаштириш деганда нимани тушунасиз?
6. Жисмоний тарбия бўйича режалаштиришга кўйиладиган талабларни санаб беринг.
7. Жисмоний тарбияда асосий режалаштириш ҳужжатлари ва уларнинг хусусиятларини очиб беринг.
8. Ўқитувчи тузиб чиқадиган режалаштириш ҳужжатларини санаб беринг.
9. Ўқув материалларини чоракларга ва дарсларга тақсимлаш жадвали мазмунини очиб беринг.
10. Иш режасини тузиш услугияти ҳақида маълумот беринг.
11. Дарс конспектини тузиш услугияти ҳақида маълумот беринг.
12. Жисмоний тарбияда педагогик назорат турлари ва уларнинг хусусиятини очиб беринг.

СИНФДАН ТАШҚАРИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИГА ТАВСИФ



Мактабда жисмоний тарбияни ташкил этиш шакллари, уларнинг турлари ва хусусияти	
Машгулотларнинг ташкилий шакллари ва уларнинг турлари	Хусусиятлари
Жисмоний маданият дарси	<p>Мактабда жисмоний машгулотларнинг асосий шакли бўлиб жисмоний маданият дарслари хисобланади. Жисмоний маданият дарси жисмоний тарбиянинг бошка шаклларига нисбатан кўпгина устуңликларга эга, чунки жисмоний маданият дарси:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) машгулотларнинг энг оммавий ташкилашибилган, тизимли ва ўқувчилар учун мажбурий бўлган шаклидир; б) илмий асосланган ва узоқ муддатга мўлжалланган давлат дастурлари асосида ўтказилади; в) ўқувчиларнинг ёши, жинси ва индивидуал хусусиятларини хисобга олган ҳолда педагог раҳбарлиги остида амалга оширилади; г) ҳаракат қобилиятлари, спорт натижалари ва тиббий гурухларга таксимланишидан қатъий назар, барча ўқувчиларнинг ҳартомонлама, гармоник жисмоний такомиллашишига кўмаклашади. <p>Мактабда жисмоний маданият дарслари хафтасига 2 марта, 40-45 дакикадан ўзгазилади. Уларнинг асосий мазмуни – ҳаракат фаолиятидир.</p>
Ўқув куни режимида жисмоний ва соғломлаштирувчи тадбирлар	<p>Жисмоний ва соғломлаштирувчи тадбирларни ўтказиш жараёнида куйидаги қазифалар ҳал этилади: ўқув куни давомида ҳаракат тартибини фаоллашибирш ва ўқувчиларнинг кундалик ҳаётига жисмоний маданиятни жорий этиш; ўқув фаолиятида ишchanлик қобилиятининг оптимал даражасини саклаш; саломатликни мустахкамлаш ва ҳаракатлар маданиятини такомиллашибирш; ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва ҳаракат тайёргарлигини яхшилашга кўмаклашиш; жисмоний маданият машгулотлари билан мустакил шугуланиш кўникмаларини ўзлашибирш. Жисмоний ва соғломлаштирувчи тадбирларга</p>

	қуидагилар киради: машғулотларгача ўтказиладиган эрталабки гимнастика; дарс вақтида физкульттанаффуз ва физкультдакиқалар; катта танаффуз вактида ўтадиган ўйинлар ва жисмоний машклар; узайтирилган күн гурұхларыда ўтиладиган ҳар күнги жисмоний машғулоттар (спорт соаты).
Машғулотларнинг синфдан ташқари шакллари	<p>Мактаб ўкувчилар жисмоний тарбиясининг синфдан ташқари шаклларига қуидагилар киради:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) спорт турлари бүйича спорт секциялари; 2) умумий жисмоний тайёргарлик секциялари; 3) ритмик ва атлетик гимнастика секциялари; 4) мактаб мусобакалари; 5) туристик сайиллар, сәхат; 6) жисмоний маданият байрамлари; 7) саломатлик, сузиш, югуриш күнлари ва х.к. <p>Синфдан ташқари машғулотларнинг мақсади қуидагилардан иборат: а) Жисмоний маданият фани бүйича дастурний материалларнинг муваффакиятли ва тұла ўзлаштирилишига күмаклашиш; б) ўкувчиларни оммавий спорт турларига бұлған кизиқишлиарни қондириш ва шу асосда аник бир спорт турига нисбатан юкори қобилиятта зәғалаларни аниклаш; в) соғлом, фаол ва мазмунли дам олишни таъминлаш.</p> <p>Машғулотларнинг синфдан ташқари турли шакллари мазмуни ўкувчиларнинг ёши, жинси ва кизиқишлиарни хисобга олган ҳолда аникланади.</p>

Жисмоний тарбия дарснинг таркибий кисмлари ва уларнинг вазифалари	
Дарснинг таркибий кисмлари	Вазифалари
Тайёрлов кисми	Дарснинг бу кисми шуғулланувчиларни бошланғыч ташкиллаштириш, улар организмини рухий ва функционал жиһатдан, шунингдек, таянч-харакат аппаратини келгуси асосий ишга тайёрлаш учун зарурдир
Асосий кисми	Дарснинг асосий кисми ҳаракат амаллари техникасини ўргатиши, жисмоний қобилиятлар ва шахсий фазилатларни тарбиялаш вазифаларининг ҳал этилишини таъминлайди

Якуний қисми	Организмга бўлган юкламаларни аста-секин пасайтириш ва машғулотларни уюшган холда тугатишига мўлжалланган
---------------------	---

Асосий йўналиш аломати бўйича фарқ қиладиган жисмоний тарбия дарси типлари	
Дарс типи	Йўналиши (вазифалари)
Умумий жисмоний тайёргарлик дарслари	Бундай дарслар деярли барча ёш гурухларида кўлланилади. Уларнинг асосий вазифаси – бу шуғулланувчиларнинг ҳар томонлама жисмоний тайёрлашдир. Бундай дарслар восита ва методларнинг хилма-хиллиги ва организмга бўлган юкламаларнинг ўрта ва ўртамиёналиги билан таърифланади.
Касбий-амалий жисмоний тайёргарлик дарслари	Бундай дарслар асосан ўрта-максус ва олий ўкув муассасаларида ўtkазилади ва уларнинг асосий вазифаси – аниқ қасб учун етакчи ҳаракат малака ва кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, жисмоний қобилиятларни ривожлантиришdir.
Спорт машғулоти дарслари	Барча тоифадаги спортчилар билан ўtkазиладиган машғулотларнинг асосий шакли бўлиб, уларни мусобакаларга тайёрлаш учун хизмат киласди.
Услубий-амалий машғулотлар	Бундай дарслар асосан ўрта-максус ва олий ўкув муассасаларида ўtkазилади. Уларнинг асосий вазифаси – жисмоний ва спорт фаолиятининг методлари ва воситаларини, шахснинг ўкув, қасбий ва ҳаётий мақсадларига эришиш учун, операционал ўзлаштириш.

Жисмоний машғулотларнинг дарсдан ташқари шакллари	
Машғулотларнинг кичик шакллари	
	Дарс ёки машғулотларнинг йирик шаклларига нисбатан шуғулланувчилар фаолиятининг тор йўналтирилганлиги, машғулотларнинг унча кўп бўлмаган давомийлиги (2-3 дақиқадан 15-20 дақиқагача), машғулотлар тузилмасининг ифодаланмаганлиги ёки йўслиги ва функционал юкламаларнинг юқори бўлмаган даражаси билан таърифланади. Машғулотларнинг кичик шаклларига куйидагилар киради: фаол дам олиш микропаузалари; жисмоний танаффуз ва жисмоний дақиқалар; кириш гимнастикаси; эрталабки

	бадантарбия. Шуни таъкидлаш лозимки, машғулотнинг кичик шакллари жисмоний тарбия машғулотлари тизимида қўшимча рол ўйнайди.
Машғулотларнинг йирик шакллари	Машғулотнинг дарсдан ташкари йирик шаклларига кўйидагилар киради: 1) мустакил жисмоний машғулотлар (масалан, УЖТ, атлетик гимнастика ва х.к.). Бундай машғулотлар шугулланувчилардан “жисмоний саводхонлик”ни талаб килади. Машғулотларни тўғри тузиш, юкламаларни тўғри меъёrlаш ва ўзини ўзи назорат килишни амалга ошириш учун, айниқса услубий хусусиятга эга билимларни талаб этади; 2) соғломлаштирувчи-қайта тикловчи ёки рекреацион хусусиятга эга вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ машғулотлар. Бундай машғулотлар сирасига аэробика, шейпинг, калланетика, ушу, туристик сайиллар, оммавий ўйинлар ва х.к. киритиш мумкин. Бундай машғулотлар кумулятив чарчашибни келтириб чиқармайдиган ўртамиёна юкламалар, катъий регламентнинг йўқлиги ва хатти-харакатларни эркин ўзгартериш билан таърифланади.
Мусобака	Машғулотларнинг мусобака шаклларига кўйидагилар киради: 1) шугулланувчилар имкониятини максимал амалга оширишни кўзладиган спорт мусобақалари. Уларга беллашув предмети, усуллари ва шартларининг расмий коидалар асосида аникланиши, беллашув тартибларининг бошқарилиши, ҳакамлар мавжудлиги ва х.к. каби жиҳатлар хосдир; 2) машғулотларнинг мусобака шакллари (масалан, назорат дарслари, имтиҳон синовлари, нормативлар топшириш ва х.к.). Бундай машғулотларда спортга хос аломатлар қисман йўқ ёки камроқ ифодаланади.

Назорат саволлари:

1. Мактабда жисмоний тарбияни ташкил этиш шакллари, уларнинг турлари ва хусусиятини очиб беринг.
2. Жисмоний маданият дарсига таъриф беринг.
3. Ўкув куни режимида жисмоний ва соғломлаштирувчи тадбир турларини санаб беринг.
4. Машғулотларнинг синфдан ташқари шакллари деганда нимани тушунасиз?
5. Жисмоний тарбия дарсининг таркибий кисмлари ва уларнинг вазифаларини санаб беринг.
6. Жисмоний тарбия дарси типларини санаб беринг.
7. Жисмоний машғулотларнинг дарсдан ташқари шаклларини санаб беринг.
8. Машғулотларнинг кичик шакллари методикаси хусусиятларини очиб беринг.
9. Машғулотларнинг йирик шакллари методикаси хусусиятларини очиб беринг.
10. Мусобақани жисмоний машғулотларнинг дарсдан ташқари шакли сифатида хусусиятларини очиб беринг.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Умумий таълим мактабларида ўтказиладиган жисмоний тарбия дарсларида жисмоний машқлар билан шуғулланиш машгулотларида иштирок этатгандан ўқувчиларнинг фаолияти бошқарилади. Ўқувчилар фаолиятини бошқариш деганда машгулот давомида ўқитувчи режасига мувофиқ жисмоний машқларни бажаришни ташкиллаш услугбиятини тушунамиз.

Таълим-тарбия жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчилари, ўқувчилар фаолиятини жисмоний тарбия дарсларида бирваракайига (фронтал), узлуксиз-улаб, гурӯҳчаларга ажратиб, яккама-якка (индивидуал) ва айланаб юриб машқ бажариш услугбиятлари оркали ташкиллаштирадилар.

Ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш усуллари

Фронтал	Узлуксиз-улаб	Гурӯҳли	Индивидуал	Айлана
---------	---------------	---------	------------	--------

Ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш усуллари ва уларнинг хусусияти

1. Ўқувчилар фаолиятини ташкиллашнинг фронтал методи	<p>Ўқувчи фаолиятини ташкиллашнинг фронтал услубияти деганда гурӯҳдаги барча ўқувчиларни бирваракайга ўқитувчи билан биргаликда бир хил вазифани ҳал қилиш учун машқни ёппасига бажариши тушунилади. Бу услубиятнинг афзаллиги машқни бажариш учун барча ўқувчиларни тенг камраб олинишидир ва уларни бирваракайига банд қилиши бўлиб, дарс (машғулот)да юқори зичликка эришилади, ҳамда юкламани суръати, интенсивлиги ва меъёри барча учун бир хил бўлишидадир. Бу услубиятдан асосан дарснинг тайёрлов ва якунлов қисмларида, янги материални ўзлаштириш, такомиллаштириш дарсларида, кўпроқ кичик ўшдаги ўқувчилар билан машгулотларда фойдаланилади. Мазкур усул ўқув муассасаларининг барча босқич ўқувчилари билан олиб бориладиган ишларда, айникса, ўқув материали билан танишишида кенг кўлланилади.</p>
2. Ўқувчилар фаолиятини узлуксиз-улаб ташкиллаш методи	<p>Ўқувчи фаолиятини узлуксиз-улаб ташкиллаш усулияти. Машқни бажариш навбатини тушунтиришларсиз, услубий кўрсатмаларни ҳаракатни бажариш ритмига мослаб, хатоларни тузатиш учун гурӯҳни тұхтатмай, юқори зичликка</p>

	<p>эришиш мақсадида ҳаракат фаолиятини тўла бажариш тарзида намоён бўлади. Бу услубиятнинг афзаллиги юклама месъёрини, унинг ҳажмини, шиддатини гуруҳдаги барча ўкувчи учун (жисмоний тайёргарлигидан қатъий назар) бир хилда бўлишлигига эришишdir. Бу билан синф, гурух ўкувчилари умумий жисмоний тайёргарлигини баҳолаш, айниқса, ўкувчиларнинг ўзлари учун тенгдошларига нисбатан ўз ҳаракат имкониятлари дарражасини таккослаш, солишириш имконияти яратилади. Асосан дарснинг тайёрлов, якунлов кисмлари ҳамда янги материални ўзлаштириш бошланган дарснинг асосий кисмida кўпроқ фойдаланилади.</p>
3. Ўкув гурухи (синф)ни гурухларга ажратиш методи	<p>Ўкув гурухи (синф)ни гурухларга ажратиш услубиятининг мазмуни жисмоний ривожланганилиги, жисмоний тайёргарлиги, дарсда кўйилган вазифаларни турли-туманлиги, уни ҳал қилиш учун лозим бўлган жиҳозларни ҳисобга олиш билан кўп сонли ўкувчилар гурухини майдада, кичик гурухларга ажратишdir. Бу услубиятдан асосан дарснинг асосий кисмida фойдаланилади. Ўкувчи фаолиятини ташкиллаш, гурухчаларга ажратиш услубияти таълим жараёнида жисмоний ривожланганилиги, жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олиб шуғулланиш имкониятини яратади. Бу ўз навбатида ўқитувчи жараёнининг кучига яраша, жисмоний имкониятини ҳисобга олишдек афзалликларни вужудга келтиради ва таълим жараёни учун сарфланаётган вақтни тежайди. Ҳар бир гурух ўқитувчи топшириғи билан мустақил, алоҳида вазифани ҳал қилишга йўналтирилади. Бу услубият ҳар бир гурух учун раҳбарлик вазифасини бажара оладиган, олдиндан тайёрланган, мавзуни техникасидан хабардор, гурухча фаолини тайёрлашни ўқитувчи зиммасига юклайди. Машқ учун жиҳоз ва анжомлар этишмагандан шу усулга мурожаат қилинади. Вактдан окилона фойдаланиш мақсадида бир вақтда иккита-учта машқ тури ўрганилади.</p>

	<p>Гурухлар маълум бир вақтдан сўнг жой алмашадилар. Ҳар бир гурухга ўқувчиларнинг машгулот пайтидаги ҳаракатини кузатиб туриш учун бошлиқ тайнланади.</p> <p>Гурухларга бўлиниш иккигача, учгача санаш ёки бир қатор колоннадан икки, уч қатор колоннага кайта сафланиш ва ҳар бир қаторни тегишли жойга буриб олиб бориш орқали амалга оширилади. Дарсда гурухлар бир-бирига ҳалал бермайдиган тарзда жойлашади. Гурухли усул барча ўқувчилар мустакил машгулотларга этарли даражада тайёр бўлганларидан сўнг қўлланилиши мумкин.</p>
4. Ўқувчилар фаолиятини индивидуал ташкиллаш методи	<p>Ўқувчи фаолиятини яккама-якка ташкиллаш услугиятидан асосан ўқув йилининг, ўқув чорагининг, Давлат стандарти дастуридаги бўлимларнинг ўқитиб бўлинган мавзуларини такрорлаш дарсларида фойдаланилади. Ўқувчилар фаолиятини яккама-якка ташкиллаш ўқувчилардан техник жиҳатдан маълум назарий ва амалий билимларга эга бўлишни, ўз-ўзини ва гурух-дошининг ҳавфсизлигини таъминлай билиш, машқни кўрсата олиш ва энг асосийси, ўзлаштирилаётган, таништирилаётган, мустаҳкамланаётган ва такомиллаштирилаётган ўқув материали, ўқувчи-лар учун олдиндан ўргатилган машқ техни-каси таниш материал бўлиши шарт. Қолаверса, айrim дарсларда ҳар бир ўқувчи учун ўқув йилида ўзлаштириб улгурмаган мавзулар ёки машқларидан вазифалар берилади. Бу усулиятдан асосан ўрта ва катта мактаб ёшдаги ўқувчилар билан ўтказилган дарсларда фойдаланиш тавсия қилинади. Индивидуал усул шундан иборатки, бунда ҳар бир ўқувчи машқ бажаради, қолганлар эса уни кузатиб туришади. Бундай усул якунловчи дарсларда қўлланилади. Бу ўқитувчига ҳар бир машқ бажарилганидан сўнг якун чиқариш, болалар эътиборини машқни яхширок бажаришга, камчилик ва хатоларга жалб этиш имконини берадики, бу таълим ва тарбия жиҳатидан жуда муҳим.</p>

5. Ўқувчилар фаолиятини айланиб юриб машқ бажариш усулияти

Ўқувчи фаолиятини айланиб юриб машқ бажариш усулияти орқали ташкиллаш асосан юкори синф ўқувчилари билан, режалаштирилган ўқув материали ўрганиб ултурганидан сўнг, машқдан-машкга ўтиш, ўқитувчининг буйруғи (сигнали), сигналисиз машқни бажаргандан сўнг ўрин алмаштириш максадида бошқа жихозга ўтиш тарзида ташкилланади. Бу усулиятнинг самаралилиги шундаки, вакт тежалади, ўқувчиларнинг барчаси бирваракайига банд бўлади, уларда мустақил шуғулланишта эҳтиёж ва йўриклик (инструкторлик) малакалари шаклланади. Бу усулиятнинг «Крейстриңг» деб аталадиган тўрт хил кўриниши мавжуд.

Айланиб юриб шуғулланиш усули – дарснинг маълум бир вактида ўқувчилар 48 кишилик бир неча гурӯхга бўлинниб, ўқитувчи кўрсатмасига биноан тури снаряд ёнига ёки машғулот жойига борадилар ва ўқитувчининг сигнални бўйича машқларни мустақил бажара бошлайдилар. Маълум бир вакт ўтгач (30-40 сек), ўқитувчи янги сигнал беради ва ўқувчилар бошқа снаряд ёки машғулот ўрнига уюшган ҳолда ўтадилар. Барча ўқувчилар дарс режасида кўзда тутилган ҳамма машқлар билан шуғулланиб бўлмагунларича шу тарзида давом этаверади. Ўқувчилар бир снаряддан иккинчисига ўтиб ва барча машқларни бажариб, гўё машқлар доирасини тугаллаганлари учун бу айланма усул дейилади. Бу усулни шунинг учун хам машғулот деб атайдиларки, унинг асосий максадга йўналганилиги шуғулланувчиларнинг жисмоний сифатлари ривожланиш даражасини ошириш ва организмнинг функционал имкониятларини такомиллаштиришдан иборатдир. Бунга машқларни муайян изчилликда, ихтиёрий ёки берилган суръатда, муайян вактда ёки маълум микдорда кўп марталаб тақрорлаш орқали эришилади.

Дарсда ўкувчилар фаолиятини ташкил килиш усуллари күйилган вазифалар, шароит, ўкувчилар сони ва уларнинг тайёргарлигига боғлик. Бундан ташкари, турли усулларнинг кўлланиши ўкувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини ва дарснинг самарадорлигини оширади.

Назорат саволлари:

1. Ўкувчилар фаолиятини бошкариш деганда нимани тушунасиз?
2. Ўкувчилар фаолиятини ташкил килиш усулларини санаб беринг.
3. Ўкувчилар фаолиятини ташкиллашнинг фронтал методи хусусиятларини очиб беринг.
4. Ўкувчилар фаолиятини узлуксиз-улаб ташкиллаш методи хусусиятларини очиб беринг.
5. Ўкув гурухи (синф)ни гурухларга ажратиш методи хусусиятларини очиб беринг.
6. Ўкувчилар фаолиятини индивидуал ташкиллаш методи хусусиятларини очиб беринг.
7. Ўкувчилар фаолиятини айланиб юриб машқ бажариш усулияти хусусиятларини очиб беринг.
8. Ўкувчилар фаолиятини ташкиллашнинг гурухларга ажратиш ва индивидуал ташкиллаш методлари фарқини тушунтириб беринг.
9. Ўкувчилар фаолиятини ташкиллаш методларининг устун ва заиф жиҳатларини тушунтириб беринг.

ГЛОССАРИЙ

Машғулотларнинг дарс шакли – бу доимий шуғулланувчилар таркибиға ўқитувчи (мураббий) томонидан ўтказиладиган машғулоттир.

Машғулотларнинг дарсдан ташқари шакллари – бу фаол дам олиш, саломатликни мустаҳкамлаш ёки тиклаш, ишчанлик қобилиятини сақлаш ёки ошириш, жисмоний қобилиятларни ривожлантириш, ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириш ва х.к. максадида мутахассис (уюшган) ёки шуғулланувчиларнинг ўзлари (мустакил) томонидан ўтказиладиган машғулотлардир.

Жисмоний тарбияни режалаштириш – бу аниқ шуғулланувчилар контингенти учун келгуси фаoliyatnинг максад ва вазифалари, мазмуни, методикаси, ўқув-тарбия жараёнининг ташкилий шакллари ва методларини дастлабки ишланмаси ва таснифини ишлаб чикиш.

Истиқболли режалаштириш – бу узок муддатта режалаштиришdir (масалан, умумтаълим мактабида дастурий материалларни ўқув йиллари бўйича, бир неча йилга тақсимлаш).

Жорий режалаштириш иш босқичларини қамраб олади (масалан, умумтаълим мактабларида – бу ўқув чорагига режалаштиришdir).

Оператив режалаштириш – яқин фурсат учун амалга оширилади (келгуси машғулотларга).

Ўқув режа – ўзи билан асосий (илк) ҳужжатни ифодалаб, унинг асосида барча даражадаги давлат ўқув муассасаларининг жисмоний тарбия бўйича кўп киррали иши амалга оширилади.

Ўқув дастури – бу ўқув ишларини режалаштириш ҳужжатидир.

Ўқув жараёнининг план-графиги – ўқув дастурининг назарий ва амалий бўлимларини бир йил давомида, ойлар ва ҳафталарда ўтилишининг мақсадга мувофиқ тартибини белгилайди (умумтаълим мактабида – ўқув йили, БўСМларда – бир йиллик машғулотлар цикли). План-график – тўлиқ ташкилий ҳужжат ҳисобланади (жисмоний тарбия методикаси унда акс эттирилмаган).

Иш (тематик) режа – ўқув дастури ва дастурий материал ўтилишинининг йиллик план-графиги асосида тузилиб, ўқув чорагининг (семестрининг) ҳар бир дарси мазмунининг изчил баёнини ўзида акс эттиради. Жисмоний тарбия амалиётида иш режа ҳар хил ном билан аталади – тематик режа, чораклик режа, бир семестр режаси. Иш режада план-графикга нисбатан, ўқув жараённида фойдаланиладиган воситалар аниқрок кўринишда ифодаланган ва машғулотлар методикаси акс эттирилган.

Дарс (машғулот) конспекти – иш режа асосида, аник бир машғулот учун ишлаб чикилиб, келгуси дарснинг түлик деталлаштирилган сценарийсини ифодалайди.

Педагогик назорат – бу қўлланиладиган воситалар, методлар ва юкламаларни баҳолаш учун, режалаштирилган жисмоний тарбия кўрсатгичларининг текширилишини таъминлайдиган тадбирлар тизимиdir.

Дастлабки назорат – одатда ўкув йилининг (ўкув чораги, семестри) бошида ўтказилади. Бу назорат шуғулланувчилар таркибини (саломатлик ҳолати, жисмоний тайёрланганлиги, спорт маҳорати) ва ўкувчиларнинг келгуси машғулотларга тайёрлигини (ўкув материалиини ўзлаштиришга, ўкув дастурининг норматив талабларини бажаришга) ўрганиш учун мўлжалланган. Бундай назорат маълумотлари ўкув вазифалари, воситалари ва уларни ҳал этиш методларини аниклаштиришга имкон беради.

Оператив назорат – бир ўкув машғулоти (дарси) рамкаларида, юклама ва дам олишнинг мақсадга мувофиқ алмаштириш мақсадида, машғулотнинг шошилинч самарасини аниклаш учун мўлжалланган. Шуғулланувчиларнинг оператив ҳолатларини аниклаш нафас олиш, ишchanлик қобилияти, ўзини ҳис қилиши, юракнинг уриш тезлиги кўрсатгичлари ва ҳ.к.лар орқали амалга оширилади. Оператив назорат маълумотлари машғулотда юклама динамикасини оператив бошқаришга имкон беради.

Жорий назорат – шуғулланувчи организмининг машғулотлардан кейинги юкламаларга бўлган реакциясини аниклаш учун ўтказилади. Бу назорат ёрдамида шуғулланувчиларнинг турли жисмоний юкламалардан сўнг, ишchanлик қобилиятининг қайта тикланиш вақти аникланади. Шуғулланувчиларнинг жорий ҳолати ҳакидаги маълумотлар яқин машғулотларнинг мазмунини ва жисмоний юкламар катталигини режалаштириш учун асос бўлиб хизмат килади.

Босқичли назорат – бир ўкув чораги ёки семестри давомида эришилган кумулятив (жамланма) машғулот самараси ҳакида маълумот олиш учун хизмат қиласди. Бу назорат ёрдамида, танланган ва фойдаланилаётган турли воситалар ва методлар, шуғулланувчиларнинг жисмоний юкламаларни меъёrlаш тўғрилиги аникланади.

Якуний назорат – бу назорат ўкув йилининг охирида ўкув жараёнининг йиллик план-графигининг бажарилиш муваффакиятини, кўйилган вазифалар ечими даражасини, жисмоний тарбия жараёни ва унинг тарбиий қисмларининг ижобий ва салбий жиҳатларини

Якуний назорат – бу назорат ўқув йилининг охирида ўқув жараёнининг йиллик план-графигининг бажарилиш мұваффақиятini, қўйилган вазифалар ечими даражасини, жисмоний тарбия жараёни ва унинг таркибий қисмларининг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш учун ўтказилади. Якуний назорат маълумотлари (шуғулланувчилар саломатлиги ҳолати, уларнинг синов талабларини ва ўқув нормативларини бажариш мұваффақияти, спорт натижалари даражаси ва ҳ.к.) ўқув-тарбия жараёнининг кейинги режалаштирилиши учун асос ҳисобланади.

Дастлабки ҳисобга олиш – деб педагогик жараённи ташкил этишдан олдинги ҳисобга олишга айтилади.

Жорий ҳисобга олиш – деб, иш жараёнида, узлуксиз, машғулотдан машғулотгача ҳисобга олишга айтилади.

Якуний ҳисобга олиш – деб, иш босқичининг тугалланишида, масалан, ўқув йилининг охирида ҳисобга олишга айтилади.

Жисмоний реабилитация – одам организмининг бузилган ёки вақтинг-ча йўқотилган функцияларини ҳамда ногиронларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг ижтимоий ҳамда касбий фаолиятга бўлган қобилиятларини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ҳамда усулларидан фойдаланган ҳолда тиклаш (тузатиш ва компенсация қилиш).

Жисмоний тарбия – маданиятнинг инсонни жисмоний тарбиялаш, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик орқали жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, унинг қобилиятини ва ҳаракат фаолигини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзи кўнікмаларини шакллантириш, ижтимоий мослаштириш мақсадида жамият томонидан яратиладиган ҳамда фойдаланиладиган қадриятлар, нормалар ва билимлар йигиндисидан иборат бўлган қисми.

Жисмоний тарбиялаш – юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида шахсни тарбиялашга, инсоннинг жисмоний имкониятларини ривожлантиришга, унинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган жараён.

Ҳаваскорлик спорти – спортнинг ахолини ихтиёрийлик асосида оммавий спортга жалб қилиш орқали одамлар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган қисми.

Жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси – ўз ташаббуси билан жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ўтказаётган ва

(ёки) бундай тадбирни тайёрлаш ҳамда ўтказишни ташкилий, молиявий ва моддий жиҳатдан таъминлашни амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншооти – оммавий жисмоний тарбия тадбирлари ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган, ўзига қўйиладиган норма ва талабларга жавоб берадиган ҳамда тегишли паспортга эга бўлган ёпиқ ёки очик типдаги иншоот.

Оммавий жисмоний тарбия тадбирлари – ахолини жисмоний тарбия машғулотларига жалб этишга ва ахоли ўртасида соглом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тадбирлар.

Оммавий спорт – спортнинг ташкил этилган ва (ёки) мустақил машғулотлар, шунингдек оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш орқали ахолини жисмоний тарбиялаш, соғломлаштириш, камол топтириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этишга доир кисми.

Профессионал спорт – спортнинг спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга доир қисми бўлиб, спортчилар уларда ўзининг асосий фаолияти сифатидан иштирок этганлиги ва уларга тайёргарлик кўрганлиги учун мукофот ва (ёки) иш ҳақи олади.

Спорт – одамларнинг муайян қоидалар бўйича ташкил этилган, уларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятини таққослашдан иборат бўлган ҳаваскорлик асосидаги ва профессионал асосдаги фаолияти, шунингдек ушбу фаолиятга тайёргарлик кўриш ҳамда бу фаолият жараённада одамлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар.

Спортчи – танлаган спорт тури ёки спорт турлари билан мунтазам шуғулланадиган, доимо ўзининг спорт маҳоратини ошириб борадиган ва спорт тадбирларида қатнашадиган жисмоний шахс.

Спорт бўйича агент – спортчи номидан ва унинг манфаатлари учун шартнома асосида фаолият кўрсатадиган, тузилган шартномалар шартларига ва спортчининг хукуқларига риоя этилишини кузатиб борадиган шахс.

Спорт мусобақаси – спортчилар ўртасида ёки спортчилар жамоалари ўртасида ҳар хил спорт турлари (спорт дисциплиналари) бўйича мусобақанинг энг яхши иштирокчисини аниқлаш мақсадида жисмоний тарбия ёки спорт тадбирининг ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент) бўйича ўтказиладиган беллашув.

Спорт иншооти – спорт тадбирлари ва оммавий спорт тадбирларини, спорт турлари бўйича ўқув-машқ машғулотлари ва

ўқув-машқ йигинларини ўтказиш учун мўлжалланган, ўзига кўйиладиган норма ва талабларга жавоб берадиган ҳамда тегишли паспортга эга бўлган ёпиқ ёки очик типдаги ихтисослаштирилган иншоот.

Споргчининг спорт дисквалификацияси – спорт тури қоидаларини ёки спорт мусобақалари тўғрисидаги низомларни (регламентларни) ёхуд халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган допингга қарши қоидаларни ёки республика спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан тасдиқланган нормаларни бузганлик учун спортчани спорт мусобақаларида иштирок этишдан спортнинг тегишли тури бўйича халқаро спорт федерацияси (уюшмаси) ёки спортнинг тегишли тури бўйича республика спорт федерацияси (уюшмаси) томонидан амалга ошириладиган четлаштириш.

Спорт турининг тармоғи (дисциплинаси) – фарқловчи белгиларга эга бўлган ҳамда битта ёки бир нечта спорт мусобақалари дастурлари турларини ўз ичига оладиган спорт турининг қисми.

Спорт тадбирлари – спорт мусобақаларини, ўқув-машқ жараёнини ва спортчилар иштирокида спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар.

Спорт федерацияси (уюшмаси) – бир ёки бир нечта спорт турини ривожлантириш, оммалаштириш, шунингдек спорт тадбирларини ўтказиши ташкил этиш ҳамда спортчиларни-Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари аъзоларини спортнинг тегишли тури бўйича тайёрлаш учун аъзолик асосида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган нодавлат-нотижорат ташкилоти.

Спорт ҳаками – спорт тури қоидаларига ҳамда спорт мусобақаси тўғрисидаги низомга (регламентга) риоя этилишини таъминлаш учун жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси томонидан ваколат берилган, маҳсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли малака тоифасини олган жисмоний шахс.

Спортнинг техник ва амалий турлари – спорт натижаларига эришиш учун спортчи томонидан умумий жисмоний машқлар мажмуасидан ташқари, спорт техникасидан, мосламаларидан ёки техникавий воситалардан фойдалана билиш ва уларни бошқариш соҳасидаги кўнікмалар ва маҳорат қўлланиладиган, шунингдек ҳар хил спорт турларидан олинган, амалий аҳамиятга эга бўлган машқлар бирикмасидан фойдаланиладиган спорт турлари. Спортнинг техник

ва амалий турлари ёшларни Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида хизмат қилишига тайёрлашнинг таркибий қисмидир.

Тренер – тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномага эга бўлган ҳамда ўкув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс.

Ўзбекистон миллий спорт турлари ва ҳалқ ўйинлари – миллий ижтимоий-маданий йўналишга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида ривожланаётган спорт ва ўйин турлари.

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари – ҳалқаро спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиш учун турли ёш гурухларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ва бошқа мутахассислар, тиббиёт мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислар жамоалари.

Тренерлар кенгаши – спорт турлари бўйича бош (катта) тренерлар ва тренерлар, бошқа етакчи ва нуфузли тренерлар, врачлар, комплекс илмий гурухлар раҳбарлари ва бошқа мутахассисларидан иборат бўлган, спорт турлари бўйича республика федерацияларида (уюшмаларида) ёки улар бўлмаган тақдирда, республика олий спорт маҳорати мактабларида ташкил этиладиган спортчиларнинг спорт, педагогик ва тарбиявий фаолиятини тартибга солиб борувчи жамоа;

Расмий республика ёки ҳалқаро спорт мусобақалари – спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган расмий республика ёки ҳалқаро спорт мусобақалари.

Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан аттестация (кейинги ўринларда аттестация деб аталади)-жисмоний шахсларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги малакасини, билимларини ва қасбий қўнимларни даражасини уларнинг тренерлик фаолияти билан шуғулланишига рухсат бериш мақсадида аниқлаш.

Тренерлик фаолияти – аҳоли ва спортчилар билан ўкув-тренировка, жисмоний тарбия-спорт ҳамда соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга, шунингдек, спорт натижаларига эришиш учун уларнинг мусобақа фаолиятига раҳбарликни амалга оширишга йўналтирилган фаолият.

Тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома- Ўзбекистон Республикаси худудида жисмоний шахсга тренерлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат.

Оммавий жисмоний тарбия ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирлари – соглом турмуш тарзини тарғибот ва ташвиқот қилиш, аҳолининг кенг қатламини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ҳамда усуллари орқали соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар.

Спорт тури – одамнинг спорт мусобақаларига ўзига хос тайёрланишини тавсифлайдиган, мусобақаларни ўтказиш ва уларда қатнашиш талаблари, тартиби ва шарт-шароитлари уларга мувофиқ белгиланадиган ўз қоидаларига эга бўлган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури.

Спорт тури бўйича тренер – юқори малакали ва маълум бир спорт тури бўйича бевосита спортчилар билан ўқув-машқ машгулотларини олиб борувчи, уларни спорт тури бўйича спорт мусобақаларида қатнашишга тайёрловчи мутахассис.

Тренер-инструктор – аҳоли ўртасида оммавий жисмоний тарбия ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш машгулотларини ташкил этувчи ва амалга оширувчи мутахассис.

Спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчи – маҳсус спорт-таълим муассасаларида спорт тури бўйича таълим дастури асосида бевосита тренерлик малакавий тоифасига мувофиқ спорт туридан таълим берувчи ва спортчиларни тайёрловчи мутахассис.

Спорт – кисқа маънода шахсий мусобақа фаолияти дейилса, кенг маънода шахсий мусобақа фаолияти шу фаолият асосидан келиб чиқадиган маҳсус тайёргарлик ҳамда унинг норма ва ютуқлари тушунилади.

Спорт мусобақалари – кўрсатиш услуби, спорт ютуқларини баҳолаш ва таққослаш, спорт соҳасидаги конкуренцияларни ўзига нисбатан бошқаришдир. Спорт мусобақалари, бошқалар билан мулоқотда бўлишни керакли омили, шахсни ташкил топишини воситаси, инсон имкониятларини англаб етиш, этalon кўрсаткичларини тузишга қаратилган.

Спорт мусобақаларини мақсади – кучли спортчилар ва командаларни аниқлаш, спорт маҳоратини такомиллаштириш, жисмоний маданият ва спортни тарғибот қилиш, спорт ташкилотлари, мураббийлар, спортчилар, ҳакамлар фаолиятига объектив баҳо беришдир.

Спорт ҳаракати – ижтимоий ҳаракатнинг маҳсус шакли бўлиб, тузиш, ривожланиш, сақлаш, спорт бойликларини қабул қилиш ва алмашиш, шахсни ташкил топиши услуби, жамиятга ишчи кучи

ҳамда, Ватанини фаол ҳимоячиларини тайёрлайди. Ўзбекистонда спорт ҳаракати - гоявий курашнинг керакли соҳаси бўлиб, оммага таъсир кўрсатувчи, инсонда миллий онгни тарбияловчи томонларидан биридир. Спорт ҳаракати тарихан кўйидаги шакларни: оммавий, ҳаваскорлик спортини яратган. Бундан ташқари бизнес шаклидаги-профессионал спортни юзага чиқаради.

Спорт фаолияти – ҳаракат фаолияти ривожланишини олий шакли бўлиб, инсон фаолияти жараёнининг кўп қирралилиги инсонни жисмоний ва психологияк ривожланиши ҳамда такомиллашувини жамиятнинг талабига нисбатан ташкил қилишдир. Спорт фаолияти: шахсий спорт фаолияти ва ташкилий-педагогик фаолиятларга бўлинади.

Спорт тайёргарлиги – спортчилар машғулотини қамраб олувчи, кўп омилли жараён бўлиб, мусобақаларга тайёрланиш ва қатнашиш, машғулот жараёнини ва мусобақани ташкил қилиш, машғулот ва мусобақани илмий-методик ва материал-техник томонидан тайёрлаш; керакли шарт-шароитни, спорт ишлари машғулоти ўқиш ва дам олиш билан қўшиб олиб боришини ҳисобга олади.

Спорт тайёргарлиги тизими – билим, воситалар, услублар, шакллар ва шу муҳитда ташкил қилиш билан спортчини энг яхши даражада тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, спортчини тайёрлашни амалий фаолиятидир.

Спорт мактаби – спортчиларни тайёрлашни ягона тизими бўлиб, бир гурӯҳ мутахассисларни ижобий изланишга асосланади.

Спорт машғулотлари – бу спорт тайёргарлигини бир қисмидир. Спорт машғулотлари маҳсус жараённи ўз ичига олиб, аниқ танланган спорт тури бўйича, спортчини юқори кўрсаткичларга эришишида, жисмоний машқлар орқали организмни ривожлантириш, жисмоний сифатлар ва қобилияtlарни такомиллаштириш учун фойдаланилган маҳсуслашти-рилган жараёндир.

Спорт машғулотлари педагогик ҳодиса бўлиб, у спортда юксак натижаларга эришиш учун бевосита йўналтирилган маҳсус жисмоний тарбия жараёндир.

“Спорт машғулотлари” атамаси билан бир қаторда спортчини тайёрлаш атамаси ҳам қўлланилади.

Спортчини тайёрлаш – кенгрок тушунча бўлиб, у спортда юксак кўрсаткичларга эришишга тайёр бўлиши ва уни амалга ошира боришини таъминловчи барча воситалардан фойдаланишини ўз ичига олади.

Машқ билан чиниққанлик – машғулот воситасида организмнинг муйян бир ишга мослашганлик даражасидир.

Тайёргарлик даражаси – атамаси, “машқ билан чиниққанлик” атамасидан кенгрок бўлиб, тайёргарликни қайси даражада, эканлигини кўрсатади.

Спорт кўрсаткичлари – бу спорт маҳорати ва спортчи қобилиятини қайси даражада эканлигини кўрсатиб, аниқ натижаларда берилади. Аниқ ҳолда, тайёрлаш тизимини самарали амалга ошириши мобайнида спорт кўрсаткичлари, спортчини иқтидорлигини аниклайди. Юқори спорт кўрсаткичи бўлиб, шу спорт турида, максимал имкониятлардан фойдаланилганини кўрсатади.

Спорт натижалари – спортдаги сон ва сифат даражасини кўрсаткичидир.

Спортчининг таснифи - спортчини барқарор таснифи бўлиб, маълум вақт ичидა ёки спорт мусобақаларида қатнашишини умумлашган якунидир.

Тайёргарлик даври – бу даврда асосий мусобақаларда яхши қатнашиш учун мустаҳкам функционал база қурилади, тайёргарликни ҳар хил томонлари ривожлантирилади ва давр икки босқичга бўлинади: умумтайёргарлик ва маҳсус тайёргарлик босқичларига.

Мусобақа даври – бу даврда тайёргарликнинг ҳар хил томонлари янада ривожлантирилади ва интеграл тайёргарлик таъминланади. Бу даврда мусобақалар ўтказилади ва шу мусобақалар ёрдамида кейинги асосий мусобақаларга тайёргарлик боради,

Ўтиш даври – машғулот ва мусобақа давридаги юкламалардан сўнг навбатдаги макроциклга тайёргарлик учун жисмоний ва психик потенциалларни тиклашга қаратилган.

Спорт формаси педагогик нуқтаи назардан караганда спортчининг ютуққа эришишга оптималь тайёр экани ҳамма томонларининг психик, жисмоний, спорт-техник ва тактик жиҳатдан тайёр эканининг гармоник бирлигидан иборатdir.

Спортда танлаш – бу қайси бир спорт турида юқори натижага эриша оладиган, қобилиятли, истеъододли кишиларни қидириб толиш жараёнини тушинамиз.

Спортга йўлланма – бу спортчи қобилиятларини спорт маҳоратини шаклланишининг индивидуал хусусиятларини ўрганиш асосида юқори спорт маҳоратига эришишнинг келажақдаги йўналишини аниқлашадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2015 йил 4 сентябрь, ЎРҚ-394-сон
2. “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2017 йил 3 июнь, ПҚ-3031-сон.
3. “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-куватлаш ва ахолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2018 йил 18 декабрь, ПҚ-4063-сон.
4. “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва ахолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2019 йил 29 январь, 65-сон.
5. “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2019 йил 13 февраль, 118-сон
6. “Олий таълим муассасаларини ўкув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 816-сон Қарори. 2018 йил 10 октябрь.
7. “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3271 сон қарори. 13.09.2017 й.
8. Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси, Тошкент., Ўз ДЖТИ, 2005 йил - 300 б.
9. Саломов Р.С. Спорт машгулотнинг назарий асослари – Тошкент., Ўз ДЖТИ, 2005 йил - 238 б.
10. Махкамджонов К.М. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси. Тошкент., “Иқтисод -молия” 2008 йил - 300 б.
11. Махкамджонов К.М., Жисмоний маданият назарияси ва методикаси. Маъруза матни, Тошкент., ТДПУ, 2001-2002 й- 60 б.

12. Ашмарин Б.А. Теория и методика физического воспитания. Учебник. М.: Просвещение, 1990. 287 с.
13. Матвеев Л.П., Новиков А.Д. Теория и методика физического воспитания. Учебник для ин-тов физ. культуры. Изд 2-е. испр. и доп. (в 2-х т.). М.: «Физкультура и спорт», 1976.
14. Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. М.: Издательский центр «Академия», 2000. 480 с.
15. Кожухова Н.Н. и др. Теория и методика физического воспитания детей дошкольного возраста: схемы и таблицы. М.: Владос. 2003.
16. И.В. Еркомайшвили. Основы теории физической культуры. Курс лекций. Научный редактор доцент, канд. пед. наук О.Л.Жукова. 191 стр. Екатеринбург, 2004.
17. Питер Дж. Л. Томпсон. Введение в теорию тренировки. Официальное руководство ИААФ по обучению легкой атлетике. Сигнальный экземпляр. © Международная Ассоциация легкоатлетических федераций, 2009.
18. В. А. Горовой. М. И. Масло. Теория и методика физического воспитания в схемах и таблицах: Пособие/ В. А. Горовой, М. И. Масло. – Мозырь : МГПУ им. И. П. Шамякина, 2014. – 119 с.
19. Иванов С.А. Теория и методика физического воспитания в схемах, таблицах, рисунках: дидактические материалы для студентов специальности «Физическая культура» / С. А. Иванов; М-во образования РБ, Гомельский государственный университет им. Ф.Скорины. – Гомель: ГГУ им. Ф. Скорины, 2009. – 185 с.
20. Саломов Р.С. Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти – Тошкент., ЎзДЖТИ, 2013.
21. Голощапов Б.Р. История физической культуры и спорта: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - 4-е изд., испр. - М.: Издательский центр Академия, 2007. - 324с.
22. История физической культуры и спорта: Учебник для ин-тов физ. культ. /Под. ред. В.В. Столбова. - М.: ФиС, 1993. - 122с.
23. В.В. Гайл. Краткая история физической культуры и спорта. © ГОУ ВПО УГТУ–УПИ, 2006. Екатеринбург-2006. 72 с.
24. Кун Ласло. Всеобщая история физической культуры и спорта. - М.: Радуга, 2002. - 211с.
25. Лисицын П.Ф. Спорт и религиозные организации. - М.: ФиС, 1995.

26. МОК и международные спортивные объединения / Сост. А.О. Романов. -М.: ФиС, 1999. - 188с.
27. Оливова В. Люди и игры: У истоков современного спорта. / Пер. с чешск. - М.: ФиС, 1995. - 222с.
28. Столбов В.В., Финогенова Л.А., Мельникова Н.Ю. История физической культуры и спорта: Учебник / Под. ред. В.В. Столбова. - М.: ФиС, 2000. - 228с.
29. Олимпийский учебник студента: Учеб. пособие. - 4, дополн. изд. / В.С. Родиченко и др. - М.: Советский спорт, 2007. - 294с.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Жисмоний тарбиянинг тарихий хусусиятлари.....	6
Қадимги дунё ҳалқларининг жисмоний тарбияси.....	9
Қадимги Юноностон ва Римда жисмоний тарбия.....	11
Ўрта асрларда чет мамлакатларда жисмоний тарбия.....	14
Янги ва энг янги даврларда чет мамлакатларда жисмоний тарбия.....	18
Жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанининг мақсади ҳамда вазифалари.....	49
Ўзбекистон Республикасида жисмоний маданият тизимини ривожланишининг умумий тавсифи.....	57
Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жисмоний маданият ва спорт бўйича қабул килган ҳужжатларининг аҳамияти.....	61
Жисмоний маданиятнинг жамиятдаги вазифалари ва шакллари.....	82
Жисмоний тарбия назарияси бўйича олиб борилаётган тадқикот услублари.....	89
Жисмоний тарбия воситалари.....	93
Жисмоний тарбиянинг дидактик тамойиллари.....	100
Жисмоний тарбия машғулотларида кўлланиладиган жисмоний тарбия методлари.....	106
Ҳаракатларга ўргатиш босқичларининг тузилиш асослари.	
Ўргатиш босқичларининг асосий йўналиши ва хусусияти.....	117
Ҳаракат малакаларининг ташкил этиш қонуниятлари.....	125
Жисмоний сифатларни (куч, тезкорлик, чаққонлик, эгилувчанлик, чидамлилик) тарбиялаш методикаси.....	129
Куч қобилиятини тарбиялаш.....	140
Тезкорлик қобилиятини тарбиялаш.....	147
Эгилувчанлик қобилиятини тарбиялаш.....	152
Чаққонлик қобилиятини тарбиялаш.....	155
Чидамлилик қобилиятини тарбиялаш.....	158
Жисмоний тарбия дарсларида педагогик назорат: педагогик таҳлил, хронометраж, пульсометрия ўтказиш услугиёти.....	164

Жисмоний тарбия жараённан режалаштириш ва назорат.....
Синфдан ташкари олиб бориладиган жисмоний тарбия ишларига тавсиф.....
Жисмоний тарбия дарсларида ўкувчилар фаолиятини ташкил этиш усуллари.....
Глоссарий.....
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....